

А.Н. САМАДОВ

## МЕРЧЕНДАЙЗИНГ ВА PR

Ўқув кўлланма



ТОШКЕНТ – “IQTISODIYOT” – 2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 18

1-боб. МЕРЧЕНДАЙЗИНГНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ..... 20

- |   |    |
|---|----|
| 1.1. “Мерчендайзинг ва PR” фанининг предмети, методи ва вазифалари.....                                   | 20 |
| 1.2. Чакана савдо корхонаси – хўжалик юритишнинг асосий бўғини.....                                       | 22 |
| 1.3. Чакана савдо корхоналарининг иқтисодий мустакиллиги, манфаатлари ва уларни сафарбар этиши.....       | 25 |
| 1.4. Чакана савдо корхонасини ташкил этилиши ва унинг фаолиятига жамият иқтисодий тизимининг таъсири..... | 31 |
| 1.5. Чакана савдо корхонасining устав фондни ва активларининг шаклланиши.....                             | 33 |
| 1.6. Чакана савдо корхонасining ташкилий тузилиши ва унинг самарадорлиги.....                             | 36 |
| 1.7. Чакана савдо корхонасида бошқарувнинг иқтисодий усуллари ва механизмлари.....                        | 38 |
| Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....  | 41 |

2-боб. МЕРЧЕНДАЙЗИНГ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ БИРИНЧИ ДАРАЖАСИ..... 43

- |   |    |
|---|----|
| 2.1. Чакана савдо тармоқларининг турлари ва уларнинг аҳолига савдо хизмати кўрсатишдаги роли..... | 43 |
| 2.2. Чакана савдо тармоқларини ихтисослаштириш.....   | 45 |
| 2.3. Чакана савдо тармоқларини типлаштириш.....   | 50 |
| 2.4. Чакана савдо тармоқларини жойлаштириш.....   | 54 |
| Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....  | 56 |

3-боб. МЕРЧЕНДАЙЗИНГ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАСИ..... 57

- |   |    |
|---|----|
| 3.1. Магазин биноларининг турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар.....                | 57 |
| 3.2. Магазин биноларининг асосий хоналари таркиби, уларнинг жойланиши ва ўзаро алокаси..... | 63 |
| 3.3. Магазинларнинг савдо залларини технологик планировкаси.....                            | 67 |
| 3.4. Магазинларнинг умумтехник курилмалар характеристикаси.....                             | 75 |
| 3.5. Магазин хоналари майдонини аниқлаш.....  | 78 |
| 3.6. Магазин биноларидан фойдаланиш самарадорлигининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари.....   | 79 |

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....	82	7.2. Товар айланмаси ва бозор конъюнктураси.....	137
<b>4-боб. МЕРЧЕНДАЙЗИНГ КОНЦЕПСИЯСИННИГ УЧИНЧИ ДАРАЖАСИ.....</b>	<b>83</b>	7.3. Чакана савдо корхоналарининг товар заҳиралари ва айланниш вакти.....	140
4.1. Магазиндаги савдо-технологик жараёнларнинг таркибий қисмлари ва уларни рационал ташкил қилиш тамойиллари.....	83	7.4. Чакана савдо корхоналарини товар билан таъминлаш.....	145
4.2. Товарларни сотишига тайёрлаш.....	84	7.5. Чакана савдо корхонаси чакана товар айланмасини таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари.....	146
4.3. Товарларни савдо залига жойлаштириш.....	86	7.6. Чакана савдо корхонасининг зарарсиз ишлаши учун зарур бўлган минимал товар айланмаси ҳажмини ҳисоблаш.....	150
4.4. Товарларни сотишнинг илғор усуллари.....	90	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....	152
4.5. Чакана савдода қўшимча хизмат кўрсатиш ва унинг асосий шакллари.....	97		
4.6. Товарларни магазиндан ташқаридан сотиш усуллари.....	101		
Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....	103		
<b>5-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ ТОВАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....</b>	<b>104</b>	<b>8-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯЛПИ ДАРОМАДИ</b>	<b>153</b>
5.1. Чакана савдо корхоналарини товар билан таъминлашга қўйиладиган талаблар.....	104	8.1. Чакана савдо корхонасининг ялпи даромади ва унинг манбалари....	153
5.2. Чакана савдо тармоқларини товар билан таъминлашнинг шакл ва усуллари.....	107	8.2. Нарх ва унинг турлари.....	156
5.3. Товарларни чакана савдо тармоқларига марказлаштирилган усулда ташишнинг моҳияти ва аҳамияти.....	113	8.3. Чакана савдо корхоналарининг савдо-сотик, хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолият турларидан келадиган даромадлари.....	159
5.4. Чакана савдо тармоқларига товарлар етказиб беришни ташкил этиш.....	118	8.4. Умумий овқатланиш корхоналари даромади.....	161
Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....	122	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....	164
<b>6-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ МОДДИЙ- ТЕХНИКА БАЗASI ВА АСОСИЙ ФОНДЛАРИ.....</b>	<b>123</b>	<b>9-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ХОДИМЛАРГА ИШ ҲАҚИ ТЎЛАШ.....</b>	<b>165</b>
6.1. Чакана савдо корхонасининг моддий-техника базаси, унинг савдо ва хизмат кўрсатишдаги аҳамияти.....	123	9.1. Чакана савдо корхоналари фаолиятига кўра ходимлар таркибини шакллантириш.....	165
6.2. Чакана савдо корхоналарининг асосий фондлари ва уларнинг қиймати.....	126	9.2. Чакана савдо корхоналарининг меҳнат унумдорлиги ва самарадорлиги, уларни ошириш имкониятлари.....	167
6.3. Чакана савдо корхоналари асосий фондларидан фойдаланиш самарадорлиги.....	130	9.3. Чакана савдо корхоналарида меҳнатни рағбатлантириш ва унинг аҳамияти.....	171
Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....	133	9.4. Чакана савдо корхоналари ходимларига ҳақ тўлаш тизими.....	175
<b>7-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ ТОВАР АЙЛАНМАСИ..</b>	<b>134</b>	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....	179
7.1. Товар айланмасининг моҳияти ва			
турлари.....	134		

имкониятлари.....	201	14.2. Паблик рилейшнинг мақсади, вазифалари ва функцияси.....	245
Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....		14.3. Паблик рилейшнз концепцияси. Паблик рилейшнз хизматлар бозорида.....	246
<b>11-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯСИ.....</b>	<b>202</b>	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....	249
11.1. Молиявий ресурсларнинг иқтисодий асоси.....	202		
11.2. Айланма сармоя ва ундан фойдаланиши.....	204		
11.3. Молиявий ресурсларнинг шаклланиш манбалари.....	209		
11.4. Чакана савдо корхоналарининг тўловга қодирлигини таъминлаш....	211		
Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....	214		
<b>12-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ.....</b>	<b>215</b>	<b>15-боб. ПАБЛИК РИЛЕЙШНЗ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....</b>	<b>250</b>
12.1. Чакана савдо корхоналарининг стратегик режаси.....	215	15.1. Паблик рилейшнз хизматининг оммавий ахборот воситалари билан хамкорлиги.....	250
12.2. Чакана савдо корхоналарининг тактик режаси.....	217	15.2. Паблик рилейшнз тадбирларини ташкил этиш.....	257
12.3. Бизнес-режа ва унинг тузилиши.....	219	15.3. Паблик рилейшнз фаолиятининг ташкилий шакллари.....	258
12.4. Чакана савдо корхоналарининг товар айланмаси, хизматлар, заҳиралар ва товар билан таъминлаш режаларини тузиш.....	221	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....	267
12.5. Чакана савдо корхоналарининг даромади, харажати ва фойдасини режалаштриш.....	225		
12.6. Чакана савдо корхонасининг молия режасини тузиш.....	230		
Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....	232		
<b>13-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ.....</b>	<b>233</b>	<b>16-боб. ПАБЛИК РИЛЕЙШНЗ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ.....</b>	<b>268</b>
13.1. Чакана савдо корхонаси фаолиятини баҳолашда фойдаланиладиган иқтисодий кўрсаткичлар.....	233	16.1. Паблик рилейшнз бюджети ва уни режалаштириш.....	268
13.2. Даромадлар, харажатларнинг ҳолати ва корхона фойдаси.....	235	16.2. Паблик рилейшнз тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги.....	276
13.3. Чакана савдо корхоналарини бошқаришда иқтисодий усууллардан кенг фойдаланиш.....	236	16.3. Паблик рилейшнз тадбирларининг психологик самарадорлиги.....	279
13.4. Чакана савдо корхоналари фаолиятининг жорий ва якуний таҳлили.....	238	16.4. Паблик рилейшнз аудити.....	281
13.5. Таҳлил натижаларидан чакана савдо корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланиш.....	240	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....	285
Мустақил ишлаш учун назорат саволлари.....	241		
<b>14-боб. ПАБЛИК РИЛЕЙШНЗ ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА.....</b>	<b>242</b>	<b>ГЛОССАРИЙЛАР.....</b>	<b>298</b>
14.1. Паблик рилейшнз тушунчаси, унинг моҳияти ва ривожланиш эволюцияси.....	242	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>302</b>

## СОДЕРЖАНИЕ

### ВВЕДЕНИЕ..... 18

### ГЛАВА 1 СУЩНОСТЬ И СОДЕРЖАНИЕ МЕРЧЕНДАЙЗИНГА..... 20

- |  |    |
|--|----|
| 1.1. Предмет, методы и задачи “Мерчендайзинг и PR”.....  | 20 |
| 1.2. Розничное торговое предприятие-главное звено бизнеса.....                                     | 22 |
| 1.3. Экономическая независимость, интересы и мобилизация предприятий розничной торговли.....       | 25 |
| 1.4. Влияние экономической системы общества на создание и деятельность розничного предприятия..... | 31 |
| 1.5. Формирование уставного капитала и активов розничного предприятия.....                         | 33 |
| 1.6. Структура и эффективность розничного предприятия.....   | 36 |
| 1.7. Экономические методы и механизмы управления на розничном предприятии.....                     | 38 |
| Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....  | 41 |

### ГЛАВА 2 ПЕРВЫЙ УРОВЕНЬ КОНЦЕПЦИИ МЕРЧАНДАЙЗИНГА.... 43

- |   |    |
|---|----|
| 2.1. Типы розничных сетей и их роль в предоставлении услуг населению..... | 43 |
| 2.2. Специализация розничных торговых сетей.....                          | 45 |
| 2.3. Типизация розничных торговых сетей.....                              | 50 |
| 2.4. Размещение розничных торговых сетей.....                             | 54 |
| Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....                       | 56 |

### ГЛАВА 3 ВТОРОЙ УРОВЕНЬ КОНЦЕПЦИИ МЕРЧАНДАЙЗИНГА.... 57

- |  |    |
|--|----|
| 3.1. Типы зданий магазинов и основные требования к ним.....                            | 57 |
| 3.2. Состав помещений магазина, их планировка и взаимосвязь.....                       | 63 |
| 3.3. Технологическая планировка торговых залов магазинов.....                          | 67 |
| 3.4. Характеристика общетехнических средств магазинов.....                             | 75 |
| 3.5. Определение площади торговых помещений.....                                       | 78 |
| 3.6. Технико-экономические показатели эффективного использования зданий магазинов..... | 79 |
| Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....                                    | 82 |

### ГЛАВА 4 ТРЕТИЙ УРОВЕНЬ КОНЦЕПЦИИ МЕРЧАНДАЙЗИНГА 83

- |  |    |
|--|----|
| 4.1. Составные части и принципы рациональной организации торгово-технологического процесса магазина..... | 83 |
| 4.2. Подготовка товара к продаже.....  | 84 |

4.3. Размещение товаров в торговом зале.....	86	8.1. Валовой доход и постоянные источники розничного торгового предприятия.....	153
4.4. Усовершенствованные методы продажи товаров.....	90	8.2. Цена и ее виды.....	156
4.5. Дополнительные услуги в розничном тарговле и его основные формы.....	97	8.3. Доходы от розничной торговли, услуг и других видов деятельности розничных торговых предприятий.....	159
4.6. Способы продажи товаров вне магазина.....	101	8.4. Доходы предприятий общественного питания.....	161
Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....	103	Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....	164
<b>ГЛАВА 5 ОРГАНИЗАЦИЯ ТОВАРОСНАБЖЕНИЯ РОЗНИЧНЫХ ТОРГОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ.....</b>	<b>104</b>	<b>ГЛАВА 9 ОРГАНИЗАЦИЯ РАБОТЫ И ОПЛАТА ТРУДА РАБОТНИКОВ В РОЗНИЧНЫХ ТОРГОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ.....</b>	<b>165</b>
5.1. Требования к снабжению предприятий розничной торговли.....	104	9.1. Формирование персонала в соответствии с деятельностью розничных торговых предприятий.....	165
5.2. Формы и методы обеспечения розничных сетей товарами.....	107	9.2. Производительность труда и эффективность розничных торговых предприятий, возможности их увеличения.....	167
5.3. Сущность и значение централизованной перевозки грузов в розничные сети.....	113	9.3. Мотивация труда и ее значение в розничных торговых предприятиях.....	171
5.4. Организация доставки товаров в розничные торговые сети.....	118	9.4. Платежная система для предприятий розничной торговли.....	175
Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....	122	Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....	179
<b>ГЛАВА 6 МАТЕРИАЛЬНО-ТЕХНИЧЕСКАЯ БАЗА И ОСНОВНЫЕ ФОНДЫ ПРЕДПРИЯТИЙ РОЗНИЧНОЙ ТОРГОВЛИ.....</b>	<b>123</b>	<b>ГЛАВА 10 СТОИМОСТЬ, ПРИБЫЛЬ И РЕНТАБЕЛЬНОСТЬ ПРЕДПРИЯТИЙ РОЗНИЧНОЙ ТОРГОВЛИ.....</b>	<b>180</b>
6.1. Материально-техническая база предприятия розничной торговли и ее значение в торговле и сфере услуг.....	123	10.1. Сущность и классификация расходов.....	180
6.2. Основные средства розничных предприятий и их стоимость.....	126	10.2. Факторы, влияющие на расходы.....	186
6.3. Эффективность использования основных средств предприятий розничной торговли.....	130	10.3. Анализ трансакционных издержек розничного торгового предприятия.....	190
Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....	133	10.4. Планирование трансакционных издержек по общему объему.....	192
<b>ГЛАВА 7 ТОВАРООБОРОТ РОЗНИЧНЫХ ТОРГОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ.....</b>	<b>134</b>	10.5. Планирование трансакционных издержек по основным статьям.....	194
7.1. Сущность и виды товарооборота.....	134	10.6. Прибыль и рентабельность розничных торговых предприятий.....	197
7.2. Товарооборот и конъюнктура рынка.....	137	10.7. Возможности увеличения прибыльности и рентабельности в розничных торговых предприятиях.....	199
7.3. Товарные запасы и время оборота розничных торговых предприятий.....	140	Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....	201
7.4. Снабжение предприятий розничной торговли товарами.....	145	<b>ГЛАВА 11 ФИНАНСЫ РОЗНИЧНЫХ ТОРГОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ.....</b>	<b>202</b>
7.5. Основные направления анализа розничного товарооборота предприятия розничной торговли.....	146	11.1. Экономическая основа финансовых ресурсов.....	202
7.6. Расчет минимального объема товарооборота, необходимого для обеспечения безубыточной работы торгового предприятия.....	150	11.2. Оборотный капитал и его использование.....	204
Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....	152	11.3. Источники формирования финансовых ресурсов.....	209
<b>ГЛАВА 8 ВАЛОВАЯ ПРИБЫЛЬ (ДОХОД) РОЗНИЧНЫХ ТОРГОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ.....</b>	<b>153</b>	11.4. Обеспечение платежеспособности предприятий розничной торговли.....	211
		Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....	214

<b>ГЛАВА 12 ПЛАНИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РОЗНИЧНЫХ ТОРГОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ.....</b>	<b>215</b>	<b>РИЛЕЙШНЗ.....</b>	<b>268</b>
12.1. Стратегический план розничного торгового предприятия.....	215	16.1. Бюджет паблик рилейшнз и его планирование.....	268
12.2. Тактический план розничного торгового предприятия.....	217	16.2. Экономическая эффективность мероприятий паблик рилейшнз.....	276
12.3. Бизнес план и его структура.....	219	16.3. Психологическая эффективность мероприятий паблик рилейшнз.....	279
12.4. Составление планов товарооборота, услуг, резервов и поставка товаров розничного торгового предприятия.....	221	16.4. Аудит паблик рилейшнз.....	281
12.5. Планирование доходов, расходов и прибыли предприятий розничной торговли.....	225	Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....	285
12.6. Составление финансового плана розничного торгового предприятия.....	230		
Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....	232		
<b>ГЛАВА 13 ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ РОЗНИЧНЫХ ТОРГОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ И ИХ ЭФФЕКТИВНОСТЬ.....</b>	<b>233</b>	<b>ГЛАССАРИЙ.....</b>	<b>298</b>
13.1. Экономические показатели, используемые при оценке розничного бизнеса.....	233	<b>СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....</b>	<b>302</b>
13.2. Доходы, состояние расходов и прибыль предприятия.....	235		
13.3. Широкое использование экономических методов в управлении розничным бизнесом.....	236		
13.4. Текущий и окончательный анализ розничного торгового предприятия.....	238		
13.5. Использование результатов анализа для повышения эффективности розничного торгового предприятия.....	240		
Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....	241		
<b>ГЛАВА 14 ПАБЛИК РИЛЕЙШНЗ В СИСТЕМЕ СОЦИАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ.....</b>	<b>242</b>		
14.1. Понятие Паблик рилейшнз, его сущность и эволюция развития.....	242		
14.2. Цели, задачи и функции паблик рилейшнз.....	245		
14.3. Концепция паблик рилейшнз. Паблик-рилейшнз на рынке услуг.....	246		
Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....	249		
<b>ГЛАВА 15 ОРГАНИЗАЦИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПАБЛИК РИЛЕЙШНЗ....</b>	<b>250</b>		
15.1. Взаимодействие паблик рилейшнз со СМИ.....	250		
15.2. Организация мероприятий паблик рилейшнз.....	257		
15.3. Организационные формы деятельности паблик рилейшнз.....	258		
Контрольные вопросы для самостоятельной работы.....	267		
<b>ГЛАВА 16 ЭФФЕКТИВНОСТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПАБЛИК</b>			

<b>CONTENT</b>	
<b>INTRODUCTION.....</b>	<b>18</b>
<b>CHAP- TER 1 ESSENCE AND CONTENT OF MERCHANDISING.....</b>	<b>20</b>
1.1. The subject, methods and tasks of "Merchandising and PR".....	20
1.2. Retail trade - is the main link in the business.....	22
1.3. Economic independence, interests and mobilization of retailers.....	25
1.4. The influence of the economic system of society on the creation and operation of a retail enterprise.....	31
1.5. Formation of the authorized capital and assets of the retail enterprise.....	33
1.6. Retail structure and performance.....	36
1.7. Economic methods and management mechanisms at a retail enterprise... Test questions for independent work.....	38 41
<b>CHAP- TER-2 FIRST LEVEL OF MERCHANDISING CONCEPT.....</b>	<b>43</b>
2.1. Types of retail chains and their role in providing services to the public...	43
2.2. Retail specialization.....	45
2.3. Typification of retail chains.....	50
2.4. Placement of retail chains.....	54
Test questions for independent work.....	56
<b>CHAP- TER-3 SECOND LEVEL OF MERCHANDISING CONCEPT.....</b>	<b>57</b>
3.1. Types of store buildings and basic requirements for them.....	57
3.2. The composition of the store premises, their layout and relationship.....	63
3.3. Technological layout of the trading floors of stores.....	67
3.4. Characteristics of general technical equipment stores.....	75
3.5. Determination of the area of retail premises.....	78
3.6. Technical and economic indicators of the effective use of store buildings.....	79
Test questions for independent work.....	82
<b>CHAP- TER-4 THIRD LEVEL OF MERCHANDISING CONCEPT.....</b>	<b>83</b>
4.1. The components and principles of the rational organization of the store's shopping process.....	83
Preparation of goods for sale.....	84
Placement of goods on the trading floor.....	86
Advanced product sales methods.....	90
Additional services in retail and its main forms.....	97
Methods for the sale of goods outside the store.....	101
Test questions for independent work.....	103
<b>CHAP- TER-5 ORGANIZATION OF GOODS FOR RETAIL TRADING ENTERPRISES.....</b>	<b>104</b>
5.1. Retail supply requirements.....	104
5.2. Forms and methods of providing retail chains with goods.....	107
5.3. The essence and importance of the centralized transportation of goods to retail chains.....	113
5.4. Organization of delivery of goods to retail chains.....	118
Test questions for independent work.....	122
<b>CHAP- TER-6 MATERIAL AND TECHNICAL BASE AND FUNDAMENTAL FUNDS OF RETAIL ENTERPRISES.....</b>	<b>123</b>
6.1. The material and technical base of the retailer and its importance in trade and services.....	123
6.2. Fixed assets of retail enterprises and their value.....	126
6.3. Efficiency of using fixed assets of retailers..... Test questions for independent work.....	130 133
<b>CHAP- TER-7 COMMERCIAL TURNOVER OF RETAIL TRADING ENTERPRISES.....</b>	<b>134</b>
7.1. The nature and types of turnover.....	134
7.2. Turnover and market conditions.....	137
7.3. Inventories and turnaround times of retail outlets.....	140
7.4. Provision of retail goods.....	145
7.5. The main directions of the analysis of retail turnover of retail enterprises	146
7.6. Calculation of the minimum volume of goods turnover necessary to ensure break-even operation of a trading company..... Test questions for independent work.....	150 152
<b>CHAP- GROSS PROFIT (INCOME) OF RETAIL TRADING</b>	<b>15</b>

<b>TER-8 ENTERPRISES.....</b>	<b>153</b>
8.1. Gross income and permanent sources of retail trade.....	153
8.2. Price and its types.....	156
8.3. Income from retail trade, services and other activities of retail trade enterprises.....	159
8.4. Revenues of catering enterprises.....	161
Test questions for independent work.....	164
<b>CHAP- ORGANIZATION OF WORK AND PAYMENT FOR WORKERS</b>	
<b>TER-9 IN RETAIL TRADING ENTERPRISES.....</b>	<b>165</b>
9.1. Staff formation in accordance with the activities of retail trade enterprises.....	165
9.2. Labor productivity and efficiency of retail trade enterprises, opportunities for their increase.....	167
9.3. Labor motivation and its importance in retail outlets.....	171
9.4. Payment system for retailers.....	175
Test questions for independent work.....	179
<b>CHAP- COST, PROFIT AND PROFITABILITY OF RETAIL</b>	
<b>TER-10 ENTERPRISES.....</b>	<b>180</b>
10.1. The nature and classification of expenses.....	180
10.2. Factors affecting costs.....	186
10.3. Retail transaction cost analysis.....	190
10.4. Total transaction cost planning.....	192
10.5. Planning of transaction costs by main items.....	194
10.6. Profit and profitability of retailers.....	197
10.7. Opportunities for increasing profitability and profitability in retail outlets.....	199
Test questions for independent work.....	201
<b>CHAP- FINANCE OF RETAIL TRADING ENTERPRISES.....</b>	<b>202</b>
<b>TER-11</b>	
11.1. The economic basis of financial resources.....	202
11.2. Working capital and its use.....	204
11.3. Sources of financial resources.....	209
11.4. Ensuring the solvency of retailers.....	211
Test questions for independent work.....	214

<b>CHAP- PLANNING ACTIVITIES OF RETAIL TRADING</b>	
<b>TER-12 ENTERPRISES.....</b>	<b>215</b>
12.1. Strategic plan for a retail outlet.....	215
12.2. Retailer tactical plan.....	217
12.3. Business plan and its structure.....	219
12.4. Drawing up plans for trade, services, reserves and the supply of goods to a retail outlet.....	221
12.5. Retail, revenue, cost and profit planning.....	225
12.6. Drawing up a financial plan for a retail outlet.....	230
Test questions for independent work.....	232
<b>CHAP- ECONOMIC INDICATORS OF RETAIL TRADING</b>	
<b>TER-13 ENTERPRISES AND THEIR EFFICIENCY.....</b>	<b>233</b>
13.1. Economic indicators used in evaluating the retail business.....	233
13.2. Income, expenses and profit.....	235
13.3. The widespread use of economic methods in retail business management.....	236
13.4. Current and final analysis of a retail outlet.....	238
13.5. Using the results of analysis to increase the effectiveness of a retail outlet.....	240
Test questions for independent work.....	241
<b>CHAP- PUBLIC RELATIONS IN THE SYSTEM OF SOCIAL</b>	
<b>TER-14 RELATIONS.....</b>	<b>242</b>
14.1. The concept of public relations, its essence and evolution of development.....	242
14.2. Goals, objectives and functions of public relations.....	245
14.3. The concept of public relations. Public relations in the market of services.....	246
Test questions for independent work.....	249
<b>CHAP- ORGANIZATION OF ACTIVITIES OF PUBLIC RELATIONS....</b>	<b>250</b>
<b>TER-15</b>	
15.1. Interaction of public relations with the media.....	250
15.2. Event organization: public relations.....	257
15.3. Public relations faealing tashkili shaklari.....	258

Test questions for independent work.....	267
<b>CHAP- EFFICIENCY OF ACTIVITY OF PUBLIC RELATIONS.....</b>	<b>268</b>
<b>TER-16</b>	
16.1. Public relations budget and planning.....	268
16.2. Cost effective public relations event.....	276
16.3. The psychological effectiveness of the event public relations.....	279
16.4. Public relations audit.....	281
Test questions for independent work.....	285
<b>GLOSSARY.....</b>	<b>298</b>
<b>LIST OF USED LITERATURE.....</b>	<b>302</b>

## КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида тармоқлар ва соҳалар рақобатдошлигини оширишни таъминлаш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгариши жараёнларини чукурлаштириш республикамиз иқтисодиётини янада ривожланишига замин яратади. Шу нуқтаи назардан олганда “Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар)” мутахассислиги магистрантларига “Мерчендайзинг ва PR” фанини ўқитиш муҳим ахамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонидаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиктисодий баркарорликни мустаҳкамлаш ва юкори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳукукини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқенини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рагбатлантириш, худудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иктисодий тарақкий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш”га<sup>1</sup> алоҳида эътибор берилган. Бу ўз навбатида, иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида мерчендайзинг ва PR тизимини шакллантириш ва улар фаолиятини янада ривожлантириш учун кенг қамровли ва чуқур илмий асосга эга бўлган маркетинг изланишлари ўтказиш зарурлигини тақозо этада.

Мерчендайзинг – маркетинг жараёнининг бир қисми ҳисобланиб,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ - 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, 28 (6722) –сони.

товарларни чакана савдо корхоналарида сотиш услубини ифодалайди. Мерчендайзинг чакана савдо корхоналари томонидан қўлланиладиган товарлар ва савдо маркаларини реклама қилишга қаратилган тадбирлар мажмуасидир. Қисқача қилиб айтганда, мерчендайзинг чакана савдони рағбатлантиришга қаратилган жараёндир.

“Мерчендайзинг ва PR” фани мерчендайзингнинг назарий ва амалий томонларини ўрганиш билан бир қаторда бозор шароитида чакана савдо корхоналарининг амалий фаолиятида пайдо бўладиган муаммолар тахлини ўтказишида, тегишли хуносаларни шакллантиришда ва уларнинг ечимини топишида мухим ўрин эгаллайди.

“Мерчендайзинг ва PR” фани ихтисослик фанларидан бири бўлиб, унинг мақсади юкори технологияга асосланган чакана савдо корхоналарининг самарали фаолият олиб боришилари учун мерчендайзинг концепцияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда уларни чакана савдо корхоналари фаолиятига тадбиқ этишининг назарий ва амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган.

Ушбу ўкув қўлланмада мерчендайзингнинг моҳияти ва мазмуни, мерчендайзинг концепциясининг биринчи, иккинчи ва учинчи даражалари, чакана савдо корхоналарини товар билан таъминлашни ташкил этиш, чакана савдо корхоналарининг моддий-техника базаси ва асосий фондлари, чакана савдо корхоналарининг товар айланмаси, ялпи даромади, муомала харажатлари, фойда ва рентабеллиги, чакана савдо корхоналари молияси, чакана савдо корхоналари фаолиятини режалаштириш усуллари батафсил баён этилган. Шунингдек, ўкув қўлланмада паблик рилейшнзнинг моҳияти ва мазмуни, паблик рилейшнзнинг фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш ва самарадорлигини ошириш масалалари ҳам кенг ёритилади.

Мазкур ўкув қўлланма 5 А 230401 – “Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар)” мутахассислиги магистрантлари учун мўлжалланган.

## 1-боб. МЕРЧЕНДАЙЗИНГНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

### 1. 1. “Мерчендайзинг ва PR” фанининг предмети, методи ва вазифалари

Мерчендайзинг – маркетинг жараёнининг бир қисми ҳисобланиб, товарларни чакана савдо корхоналарида сотиш услубини ифодалайди. Мерчендайзинг чакана савдо корхоналари томонидан қўлланиладиган товарлар ва савдо маркаларини реклама қилишга қаратилган тадбирлар мажмуасидир. Қисқача қилиб айтганда, мерчендайзинг чакана савдони рағбатлантиришга қаратилган жараёндир.

Бозор иқтисодиёти шароитида бутун иқтисодий фаолиятнинг марказида корхона етакчи ўрин эгаллайди. Айнан шу бўгинда жамият учун асосий маҳсулот яратилади ва зарур хизматлар кўрсатилади. Корхонада малакали ходимлар тўпланади. Бу ерда мавжуд моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, юкори унумли техника-технологияни қўллаш масалалари ҳал этилади, бизнес-режалар ишлаб чиқилади, маркетинг қўлланилади ва самарали бошқарув – менежмент амал қиласди.

Бу жараёнлар чуқур иқтисодий билимга эга бўлишни, бозор шароити талабларига мос келишни, корхона фаолиятини ташкил этиш, бошқара олиш ва юкори рентабелли фаолиятни таъминлашни талаб этади.

Қўйилган ушбу мақсадларга корхона иқтисодиёти асосларини яхши ўрганган ва амалиётда уни қўллай оладиган кадрлар эришиши мумкин. Иқтисодий асосларни ўрганишга «Чакана савдо корхоналари иқтисодиёти» фани хизмат қиласди.

«Иқтисодиёт» – бу (П.Самуэльсоннинг фикрича) жамиятнинг маълум, чекланган ресурсларидан унумли фойдаланиб, зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни аҳолининг турли гуруҳлари ўртасида тақсимлаш хақидаги фандир. Корхона иқтисодиёти эса шу таърифнинг бир корхона ёки фирма микёсидаги ўрин эгаллашидир.

Иқтисодиёт фан сифатида бозор тизимининг фаолияти, турли иқтисодий

алоқага чиқувчиларнинг ўзаро алоқаси ва манфаатлари масалаларининг назарий асослари ҳамда амалий ҳолатини ўрганади.

“Мерчендайзинг ва PR” фанининг вазифалари куйидаилардан иборат:

- Чакана савдо корхоналари фаолиятининг иқтисодий асослари ва уни самарали бошқариш механизмларини асослаш;
- Чакана савдо корхонасининг моддий-техника базаси ва асосий фонdlарини таркибини тадқиқ этиш;
- Чакана савдо корхоналарининг айланмаси ва хиз-матларини назарий жиҳатдан кўрсатиб бериш;
- Чакана савдо корхоналарининг ялпи даромади ва нарх сиёсатини олиб боришини кўрсатиб бериш;
- Чакана савдо корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва ходимларга иш ҳаки тўлаш йўлларини кўрсатиб бериш;
- Чакана савдо корхоналарининг муомала харажатлари, фойдаси ва рентабеллигини хисоблаш йўлларини асослаб бериш;
- Чакана савдо корхоналари молияси ва унинг таркибини асослаш;
- Чакана савдо корхоналари фаолиятини режалаштиришни асосий жиҳатларини кўрсатиб беришдан иборатdir.

Иқтисодий жараёнлар ва вокеликлар ўрганиш даражасига кўра макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт ҳолатида ўрганилади.

Макроиқтисодиёт иқтисодиётга бир бутун ягона тизим сифатида ёндошиб, талаб ва тақлифнинг шаклланиши, миллий даромад ва ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) нинг яратилиши ҳамда тақсимланиши жараёнларини ўрганади; хукуматнинг пул-кредит ва солик-бюджет сиёсатининг моҳиятини очиб беради; мазкур сиёсатнинг иқтисодий тараққиёт, инфляция ва ишсизлик даражасига таъсирини таҳлил этади. Бошқача қилиб айтганда, макроиқтисодиёт фани шу даражадаши жараёнларни давлат томонидан тартибга солиб турилишини ўрганади.

Макроиқтисодиёт таҳлили жами ҳалқ хўжалиги ёки унинг бирор-бир тармоғи бўйича олиб борилади ҳамда миллий иқтисодиётнинг, шу жумладан

унинг тармоқлари ўртасидаги алоқанинг умумий ҳолатини ёритиб беради. Мамлакат иқтисодиётни тармоқлари деганда, асосан саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, савдо ва хизмат кўрстиш каби моддий тармоқлар ҳамда бошқа номоддий тармоқлар тушунилади.

Турли иқтисодий муаммоларнинг макроиқтисодий изланиши ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий ҳажми, жами иш билан бандлик, даромад ва харажатларнинг ялпи миқдори, нархнинг умумий даражаси ва шу каби бошқа кўрсаткичлар таҳлилини ўз ичига олади.

Микроиқтисодиёт турли тармоқлар корхоналари, фирмалари, товар-хомашё ва молия бозорлари, банклар, уй хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектлари ҳамда иқтисодий тузилмаларнинг тузилиши, элементлари, хўжалик юритиш усуслари ва шаклларини ўрганади. Бунда айниқса, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни амалга ошириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Булар бизнеснинг ташкилий шакллари, хукукий асослари, молиявий ва хўжалик режалари масалалари, сармояни бизнеснинг ривожига сафарбар этиш усуслари, бозорнинг якка хокимланиш даражасига баҳо бериш усуслари, нарх масалалари, ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари хисоби, тадбиркорлик ишларини расмийлаштириш жараёнлари ва бошқалардан иборат. Иқтисодчи олимлар К.Р.Макконелл ва С.Л.Брюларнинг фикрича, иқтисодчи корхона даражасидаги таҳлилни амалга оширганда, у ёки иқтисодиётнинг бир бўлагини микроскоп остида кузатаётгандек бўлади ва унинг амал қилишини, фаолиятини синчиклаб ўрганилади.

Аммо макроиқтисодиёт билан микроиқтисодиёт ўртасида аниқ қатъий чегара йўқ. Кўплаб масалалар иқтисодиётнинг бу икки даражаси ўзаро аралашган холда ўрганилади.

## 1.2. Чакана савдо корхонаси – хўжалик юритишнинг асосий бўғини

Иқтисодий тараққиётнинг барча босқичларида асосий бўғин сифатида корхона намоён бўлади. Айнан корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, сотиш жараёнлари ва одамларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан

бевосита алоқаси амалга ошади. Мустақил корхона деганда, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган меҳнат воситаларига, ташкилий-маъмурый ва хўжалик мустақиллигига эга бўлган субъект тушунилади. Корхона мустақил фаолият юритиб, ўзининг ишлаб чиқарадиган товарларига, соликлар ва мажбурий тўловларни амалга оширгандан кейин қоладиган фойдасига эгалик килади.

Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Қонунига биноан, хукукий шахс макомига эга бўлган, мулкчилик хукуки ёки хўжаликни тўла юритиши хукуки бўйича унга карашли мол-мулқдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айрбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари teng хукуқлиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект корхона хисобланали.

Чакана савдо корхонаси ўз фаолиятини бозордаги талаб ва таклиф ўртасидаги муносабатга қараб юритади. Нима ишлаб чиқариш, қанча ишлаб чиқариш, қандай кўринишида, қандай ашёдан ишлаб чиқариш ёки товарларнинг қайси турларини сотишида ҳар бир корхона мустақил равишда бозордаги конъюктурага қараб, фойда олишини назарда тутиб белгилайди. Албатта оладиган фойда миқдори ҳам корхонанинг иқтисодий ривожини таъминлай оладиган, ҳам ходимлар турмуш даражасини ўстиришга имкон берадиган бўлиши лозим.

Корхона бозорга ўз молини чиқариб сотади ва у ерда ишлаб чиқаришга керакли ресурсларни сотиб олади. Шу сабабли корхона бозор билан мунтазам алоқада бўлади, лекин бошқалардан алоҳидалашган хўжалик юритувчи субъект сифатида майдонга чиқади. Корхонанинг мана шу мақоми унинг иқтисодий эркин бўлиши ва мустақил иш тутишини билдиради.

Корхона ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг бирламчи, асосий бўгини экани яна шунда ифодаланадики, у ўзининг маълум ихтисослашган вазифасини бажаради. Бу айрим бўғинларнинг йигиндисидан бозор иқтисодиётининг

мураккаб тизими келиб чиқади. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш омиллари корхонада бирикиб, у ерда меҳнат жараёни юз беради, жамиятнинг талаб-эҳтиёжини қондиришга қаратилган моддий маҳсулотлар ва турли хизматлар яратилиди. Ижтимоий меҳнат тақсимоти тизимида корхона ўз ўрнига эга бўлиб, маълум соҳада ихтисослашади ва шу асосда корхонада муайян техника-технология жамланади, шунга мослашган иш кучи фаолият олиб боради, яъни маълум касбий малака ва маҳоратга эга бўлган кишилар меҳнат жараёнига киришадилар.

Бозордаги ҳар ҳил моллар, кўрсатиладиган хизматлар корхонадаги меҳнатнинг маҳсули хисобланади. Меҳнат тақсимоти айрим корхонага ёки турдош корхоналар гурухига факат уларга хос, яъни бошқалар бажармайдиган иш вазифаларини бириктириб қўяди. Корхона муайян ишлаб чиқаришга ихтисослашар экан, жамиятдаги меҳнат кооперациясида иштирок этади.

Корхонадаги индивидуал меҳнат жамиятдаги меҳнатнинг ажралмас қисми сифатида юзага чиқади. Шу сабабдан корхонадаги ишлаб чиқариш умумжамият доирасидаги ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмидир. Демак, корхона меҳнат кооперацияси воситасида бошқалар билан боғланади, уларга хизмат қилиб қолмасдан, улар хизматидан баҳраманд бўлади. Бошқалар билан иқтисодий алоқа қилмайдиган корхона бўлмайди, чунки меҳнат тақсимотининг ўзи шуни талаб килади.

Корхона ишлаб чиқаришни ташкил этиб, иш жойларини яратиб, ходимларга иш ҳақи бериб, соликлар тўлаб ижтимоий дастурларни амалга оширишда иштирок этади.

Корхона ҳалқ хўжалигининг биринчи бўгини бўлган ҳолда ўзининг маълум мақсадларига эга. Бу аввало, корхонанинг фаолиятга қодирлиги ва тўлов қобилиятини саклашдан иборат. Корхонанинг ижтимоий мақсади ундаги ишлаётган ходимлар манфаатини таъминлаш ва жамият манфаатларига ҳам мос бўлган фаолиятни юритишни талаб этади.

Чакана савдо корхонаси ўз фаолиятини савдо-сотикни амалга оширишга ва бунга оид барча жараёнларни бажаришга қаратади. Бозордаги иқтисодий

муносабатларни ўрганиш, талабни билиш, товар манбаларнни топиш, шартномалар тузиш, савдо-сотикини йўлга кўйиш ва давлат органлари билан ўзаро алоқалар мажмуаси савдо корхонаси фаолиятидаги иктисодий жараёнларнинг умумлаштирилган кўринишидир.

Чакана савдо корхонаси аҳоли талабини қондириш асосида кам харажатлар билан фойда олишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Юридик шахс мақомига эга бўлган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Конунида белгилаб берилган хукуқ ва мажбуриятларга эгадир.

### **1.3. Чакана савдо корхоналарининг иктисодий мустақиллиги, манфаатлари ва уларни сафарбар этиши**

Мамлакатда иктисодий ислоҳотларни либераллаштириш корхона ва фирмаларнинг хўжалик юритиш ҳамда эришган маҳсулуга эгалик қилиш мақсадларида кенг имкониятлар яратиб беради. Республикаизда «Корхоналар тўғрисида»ги, «Тадбиркорлпк тўғрисида»ги, «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги ва бошқа Конунларда мулкчилик шаклидан қатъий назар, хўжалик юритишнинг teng хукукий ва иктисодий шароитларини таъминланиши ҳақида кафолат берилган.

Бозор иктисодиёти шароитида савдо фирмалари ва корхоналари аҳоли талабига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи фирма, компаниялар билан бевосита алоқа боғлаш ва шартномалар тузишга ҳақли. Шу каби ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам ўз ҳаридорини ўзи мустақил топиши керак. Бу жараён маҳсулот сифатини яхшилашга кескин таъсир этади.

Бозорнинг ҳалқ истеъмоли моллари билан тўйиниши даражаси юқорилашиб бораётган бир даврда кўплаб мол гурӯхларининг эркин ултургуржи савдоси ва мол биржалари катта аҳамият касб этмоқда. Моллар камчилигини бартараф этишда, айниқса бунинг аҳамияти бекиёс.

Ишлаб чиқариш корхонси, фирмасига бирон маҳсулот ишлаб чиқаришини кўпайтиришга ундейдиган ёки сотилмаётгани ҳақида хабар берувчи бўлиб савдо хисобланади. Бу билан савдо тармоғи саноат

корхоналарига истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларни ҳаридор талабига мос бўлишини таъминлаш йўлида таъсир ўтказмоқда.

Аммо савдо фирмалари, корхоналарнинг хўжалик мустақиллиги ва ҳукуки кенгайиши билан бирга жавобгарлиги ҳам ошиб боради. Бу айниқса, аҳоли талабини чукур ўрганиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда саноат корхоналарига тўғри йўлланма бериш билан ифодаланади. Баъзан аҳоли талабини яхши ўрганмай ва маркетинг изланишларини етарли йўлга кўймай туриб буюртма бериш натижасида кераксиз моллар ишлаб чиқарилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Конунида, «Давлат бозорни ривожлантиришга кўмаклашади, монополияга карши тадбирларни амалга оширади ва барча меҳнаткашларнинг ижтимоий кафолатларини таъминлайди», – дейилган. Бунда рақобатчиларнинг обрўсими туширишга қаратилган ҳатти-ҳаракатларга, ишлаб чиқариш квоталари, сотиш ва таъминот бозорларини бўлиб олиш, эркин рақобатни чеклаш мақсадида корхоналар ўртасида монопол нарх-навони ушлаб туриш ҳақидаги ҳар қандай тил бириктиришларга йўл кўйилмайди. Акс ҳолда корхона монополияга қарши конунларга мувофиқ жавобгарликка тортилади. Давлат қонун асосида хукукини химоя килувчи ва молия органлари орқали рақобат қилиш эркинлигини таъминлайди, истеъмолчиларни уларнинг хукуқлари камситилишидан ҳамда хўжалик фаолиятининг ҳар қандай соҳасида монополия кўринишларидан муҳофаза қиласи.

Чакана савдо корхоналари мустақиллигининг ошиши туфайли якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларнинг, ишлаб чиқариш ширкатларининг маҳсулотини қабул қилиши ва сотиши мумкин. Аммо моллар турини кўпайтирувчи бу манбадан суст фойдаланилмоқда.

Хозирги даврда савдо корхонаси берилган хукуқларга қарамай амалда ишлаб чиқарувчи ёки мол етказиб берувчи-воситачи билан мол етказиб бериш бўйича таъсирчан кучга эга бўлган шартнома тузиш имкониятига эга эмас, чунки мол учун ҳақини олдиндан тўлаш сингари ишлаб чиқарувчи устунлиги

мавжуд. Натижада моллар турини ошириш, сифатини яхшилаш бўйича маҳаллий саноат корхоналарига етарли таъсир эта олмаяпти ва аҳолига таклиф этилаётган маҳаллий молларнинг тубдан яхшиланиши сезилмаяпти.

Чакана савдо фирмалари, корхоналари фаолият дастури ва режа кўрсаткичларини белгилашда мустақилликка эга.

Чакана савдо фирмаларида тузилган меҳнат жамоалари корхона, фирманинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш режаларини белгилашда етакчи куч вазифасини бажаради. Ўзини ўзи маблаг билан таъминлаш асосида ташкил этиладиган ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожлантириш фондлари тақсимлаш хар бир корхона жамоаси ихтиёридадир. Бу фонд маблағларини сарф этиш сметаси корхона жамоасининг умумий мажлисида мухокама килинади ва фойдаланишнинг аниқ йўналишлари белгиланади.

Бу маблаг хисобига ўзининг моддий-техника базасини кенгайтиради, техник қайта куришни амалга оширади, ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилайди ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга сарфлайди.

Товар захиралари нормативини белгилашда ҳам савдо фирмалари, корхоналари мустақилликка эга. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритишида савдо корхонасига меъёрдан ортиқча ва ўтмайдиган моддий-товар бойликларини саклаш хўжалик фаолияти кўрсаткичларининг ёмонлашувига олиб келади ва аксинча, товар захиралари нормативини оптималлаштириш корхона рентабеллигини оширишга имкон яратади. Оптимал мол захиралари из меҳнат ва пул харажатлари ёрдамида ҳаридорни маҳсулот билан узлуксиз таъминлашга замин яратади.

Бундан ташқари савдо корхонаси дўйонлари ва омборларида тўпланиб қолган молларга бефарқ қараб тура олмайди. Маълумки, ўтмай қолган молни йиллар мобайнида саклаш, сўнгра қайта-қайта арzonлаштириб, паст нархда сотиш ортиқча харажат ва зарар келтиради. Ҳаридор эса, кўп ҳолларда бундай молдан қониқмайди. Шунинг учун савдо корхонаси ўтмай қолган моллар нархини ўз вақтида арzonлаштириб сотиша, ким ошди савдосини ташкил этишда кенг мустақилликка эга.

Бозор иқтисодиётида рақобатнинг мавжудлиги корхоналарни шароитга тез мослашишга, чаққонлик билан фаолият усусларини, шаклларини ўзгартиришга, ишлаб чиқариладиган ёки сотиладиган молларни янгилаш, сифатини яхшилаш, харажатларни камайтириш, инвестиция ва инновация билан шуғулланиш, фаол маркетинг, реклама сиёсатини олиб бориши каби жараёнларга ундаиди.

Иқтисодий манфаатдорлик негизида зришилган натижалар, яратилган маҳсулотнинг яратувчилари ўртасидаги таҳсисотига оид иқтисодий алоказалар ётади. Бу натижаларга эга бўлиш, улардан фойдаланиш, бошқариш шаклларида намоён бўлади.

Натижада иқтисодий мустақиллик асосида қилинган самарали меҳнат манфаатдорлик келтириди ва у янги юксак поғоналарга чорлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулк шаклларининг турли-туманлигига мос ҳолда корхоналарнинг турлари шаклланади. Мулк шаклининг хилмачиллши асосида мол, маҳсулотлар муайян мулк обьекта бўлгандা савдо-сотик амалга ошади.

Турли мулк шаклига оид корхоналарнинг шаклланиши ва ривожланишига хукуматимиз томонидан қабул қилинган қонунлар, қарорлар, фармонлар, дастурлар ва шу каби бир қатор меъёрий хужжатлар кенг имконият яратди. Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида»ги Қонунига биноан корхоналар куйидаги мулк шаклларида бўлиши мумкин:

- хусусий корхонлар;
- ширкат корхоналари;
- давлат корхоналари;
- аралаш корхоналар;
- қўшма корхонлар ва ҳоказо.

Мазкур Қонунга кўра давлат барча мулк шаклларининг тенг хукуклигини ва хукуқий жиҳатдан муҳофаза этилишини кафолатлади.

**Хусусий корхонлар** хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектлари ўз

мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукукини беради. Хусусий мулк тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланишдан олган даромадлари ҳамда кредит муассасаларига қўйган маблағларидан, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қофозлардан келган даромадлардан ҳамда қонунда рухсат этилган бошқа манбалар ҳисобига ҳосил этилади ва қўпайиб боради.

**Ширкат (жамоа) мулки корхоналари** оилавий мулкни, кооперативларнинг ижара, жамоа корхоналарининг мулкини, турли хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, асоссациялар ва юридик шахс ҳисобланган бошқа бирлашмаларнинг мулкини ўз ичига олади. Хўжалик жамияти ва ширкати юридик шахс ҳисобланган ҳолда үнинг мулки қатнашчиларининг қўшган ҳиссаси ҳисобидан, хўжалик фаолияти натижасида олинган ҳамда қонунда маън этилмаган бошқа асосларда улар томонидан қўлга киритилган мол-мулкдан ҳосил бўлади.

Хўжалик жамияти ва ширкати қатнашчиси қўшган ҳисса таркибига асосий ва оборот фонdlар, пул маблағлари ва қимматли қофозлар, ўзга мол-мулк ҳамда мулкий хукуклар киришн мумкин.

**Хиссадор (акциядор) корхоналар** акциялар сотиш ҳисобига ҳосил бўлган, шунингдек ўз хўжалик фаолияти натижасида олинган ва қонунда маън этилмаган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкнинг эгасидир. Давлат корхонаси вакодат берилган идорасининг қарорига асосан корхонанинг бутун мол-мулки миқдорида акция чиқариб акционерлик жамиятiga айлантирилиши мумкин.

Акцияларни сотишдан олинган маблағ давлат корхонасининг қарзлари қоплангандан кейин тегишли бюджетга тушади.

**Давлат мулки** субъекти республикамиз халқидир. Давлат корхоналарига хукукини халқ номидан давлат бошқарув органлари амалга оширади. Давлат корхоналари жамият мулкчилиги шаклларидан бири бўлиб, бунда корхонага эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш давлат ихтиёридадир.

**Маъмурий-худудий тузилма корхонлари** маҳаллий бюджет ҳисобидан

30

вужудга келтирилган ҳамда сотиб олинган, шунингдек давлат мулкидан ўтказилган ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлган корхоналардир.

Қўшма корхоналар мулки Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг юридик ҳамда жисмоний шахслари иштирокидаги қўшма субъектлар мулкидир. Қўшма корхоналар мамлакатимиз ҳудудида хўжалик жамиятлари ва ширкатлари шаклида барпо этилиб, улар таъсис хужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгалик қилишлари мумкин.

**Чет эл фукаролари корхоналари** – бу хорижий мамлакатлар фукароларининг мамлакатимиз ҳудудидаги корхоналарига тўла эгалик қилиш хукуки бўлган корхоналардир. Давлат бу корхонанинг дахлсизлигини ва бошқа давлатларга бу мулкни эркин ўтказилишини кафолатлади.

**Чет эл юридик шахслари корхоналари** – буар Ўзбекистон ҳудудида хўжалик фаолиятларини ва давлатимиз қонунларида маън этилмаган бошқа фаолиятни амалга ошираётган хорижий юридик шахслар субъектлари бўлиб, улар тадбиркорлик фаолияти учун зарур бўладиган ўз мулкларига эга бўлишга ҳақлидир. Корхона мулкини қўпайтириш ва бошқа давлатларга ўтказиш қонунан таъминланади.

Корхоналарнинг кенг таркалган шакли **масъулияти чекланган жамиятдир**. Масъулияти чекланган корхоналар шундай корхоналарки, уларнинг Низом жамғармаси чекланган, яъни улушларга таксимланган бўлади. Уни таъсис қилувчилар фирмада мажбуриятлари юзасидан факат ўз улушлари доирасида жавоб берадилар. Бундай жамият кенг ривожининг асосий сабаби жамиятни шакллантириш учун зарур маблағларнинг нисбатан озлигидир. Унга хос белгилар куйидагилардан иборат:

- бундай жамият ҳар доим ёпиқ жамият ҳисобланади;
- таъсис қилувчилар нафакат мулкдор бўлиб қолмай, балки жамиятнинг ривожланишига кўмаклашишлари керак;
- масъулияти чекланган жамиятни тарк этганларга уларнинг улуши

қайтариб берилади ва жамият фаолияти давом этади;

- жамият аъзоси ўзига тегишли улушарни қолган аъзоларнинг розилигисиз сотиб юбориши мумкин эмас, чунки сотиб олишга масъулияти чекланган жамият аъзолари кўпроқ ҳақли ва имтиёзларга эга.

Турли мулк эгалигига хос корханаларнинг мустакил фаолият доираси, иш юритиш, яратган маҳсулотни ўзлаштириш тартиби бўлгани билан, уларда умумийлик, яхлитлик мавжуд. Чунки улар ягона иқтисодиётда бир-бiri билан узвий, чамбарчас боғлиқдир. Корхоналар турли-туманлиги бир-бiriни бойитади, ривожланишига, такомиллашувига замин яратади. Бу замин рақобат қураши воситасида шаклланади. Қайси корхона рақобатбардош бўлса, ўзини оқлаган ҳисобланади ва янада юксалади ёки аксинча.

#### **1.4. Чакана савдо корхонасини ташкил этилиши ва унинг фаолиятига жамият иқтисодий тизимининг таъсири**

Корхонани ташкил этиш, шакллантириш кўйилган мақсаддан бошланади. Аввало бозорни ўрганиш ва мўлжалланаётган мақсулотнинг бозордаги ҳолатини аниқлаш, яъни шу маҳсулот таклифи ва унга бўлган талаб ўртасидаги муносабатни аниқлаш лозим. Ушбу фаолиятга тегишли чекланишлар, тўсикларни ўрганиш, имкониятлар ва имтиёзларни ўрганиш талаб этилади.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти тизимига ўтиши ва жамиятни шу аснода ривожлантириш имкониятларини яратиш турли-туман ҳажмдаги, турлича хўжалик юритиш ва мулкчилик корхоналарни барпо этиш йўлларини кўрсатиб берди.

Шунинг учун корхона масштаби, тадбиркорлик шаклини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Тадбиркорлик шаклларига биноан корхона кичик ёки йирик фаолиятли шакллардан бирини танлайди.

Корхона ишлаб турган корхоналар, ташкилотлар таркибидан битта ёки бир нечта таркибий бўлинманинг шу бўлинма (бўлинмалар) меҳнат жамоаси ташабbusи билан ажralиб чиқиш натижасида, агар бундай ажralиб чиқиш учун корхона мол-мулки эгасининг розилиги бўлса ва корхона илгари ўз зиммасига

олган мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланса, тузилиши мумкин.

Корхонани барпо этиш ва унинг фаолияти учун ер участкаси, бошқа табиат ресурслари талаб қилинадиган ҳолларда улардан фойдаланишга рухсатномани тегишли ҳокимиятлар, қонун хужжатларида кўрсатиб ўтилган ҳолларда эса экология экспертизасининг ижобий холосаси бўлган тақдирда табиатдан фойдаланувчи тегишли бошлангич ташкилот томонидан ҳам берилади. Корхона давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб барпо этилган деб ҳисобланади ва хуқуқий шахс мақомини олади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш корхона жойлашган туман ҳокимияти томонидан амалга оширилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун корхонани барпо этиш тўғрисидаги карор. Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб кўйилган рўйхат бўйича бошқа хужжатлар талаб этилади.

Корхонанинг барча хужжатлари қонун талабларига мос келган шароитда у рўйхатга олинади.

Корхона юридик шахс мақомига эга бўлган шўъба корхоналар, шунингдек, филиаллар, ваколатхоналар, бўлимлар ҳамда жорий ва ҳисоб-китоб ракамлари очиш хукукига эга бўлагни бошқа алоҳида бўлинмалар тузиш хукукига эга бўлиб, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди.

Корхона давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг юридик шахс мақомига эришган ҳолда, маълум мулкка, хўжаликни юритиб, бошқариш хукукига, ўз номидан мавжуд мол-мулки миқёсида, мажбуриятлари ва жавобгарликка эга бўлади. Корхона мустакил балансга, банкда жорий ва ҳисоб-китоб ракамларига ҳамда ўз номига эга бўлади.

Корхоналар Низом асосида фаолият юритади. Корхона Низомидаги қўйидагилар белгилаб кўйилади:

- корхонанинг номи ва юридик манзили;
- фаолият тури ва мақсадлари;
- унинг бошқарув ва назорат органлари, уларнинг ваколати;

- корхона мол-мулкини ташкил этиш ва фойдани (даромадни) тақсимлаш тартиби;
- корхонани қайта ташкил этиш ва фаолиятини тўхтатиш шартлари.

Низомга корхона фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва месъерий-хужжатларига зид келмайдиган бошқа қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

Корхона маълум миқдорда мулкка эга бўлиши керак. Чунки айнан мулк корхонанинг моддий-техник имкониятлари ва иқтисодий мустақиллигини белгилайди ҳамда ишончлилигини таъминлайди.

Агар фаолият тури лицензия олишни талаб этса, корхона зарур лицензияларни олиши шарт. Корхонанинг лицензия олиниши керак бўлган фаолиятига рухсат бериш ва бундай рухсатни ҳақиқий эмас деб топиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **1.5. Чакана савдо корхонасининг устав фонди ва активларининг шаклланиши**

Корхона фаолияти учун зарур мол-мулкка эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Корхонанинг мол-мулки унинг асосий фондлари ҳамда айланма маблағларидан иборатdir. Корхонанинг асосий фондлари иморат, иншоотлар, бошқа ишлаб чиқариш, меҳнат воситаларидан иборат бўлиб, улар пул ўлчовида юритилиши ва эскиргани тикланиб, яроқли ҳолда саклаб турилиши керак. Бу мулк корхона фаолияти мобайнида кўп йиллар хизмат қиласи ва кийматига аста-секин ўтказиб боради.

Корхона фаолиятини юритиш учун хом-ашё, материаллар, ёқилғи, пул маблағлари ва турли арzon, майда буюмлар зарур бўлиб, улар айланма воситаларни ташкил этади. Асосий фондлар ҳамда айланма воситалар йигиндиси корхонанинг устав фондини ташкил этади.

Корхона асосий фондлари ва айланма маблағлари, шунингдек киймати корхонанинг мустақил балансида акс этадиган бошқа бойликлар унинг мулкини ташкил этади. Корхона мол-мулки қуйидаги маблағлар ҳисобига ташкил

этилиши мумкин:

- таъсис этувчиларнинг пул ва моддий бадаллари;
- маҳсулот, ишлар, хизматларни сотишдан,
- фаолиятининг бошқа турларидан олинган даромадлар;
- банк ҳамда бошқа молиявий муассаса ва ташкилотлар қарз кредитлари;
- қимматли қофзлардан олинадиган даромадлар;
- капитал маблағ ва бюджетдан дотациялар ҳисобига;
- ташкилотлар, корхоналар ва фуқароларнинг текинга ва ҳайрия мақсадларида берган бадаллари, шунингдек мерос тариқасида, акирбошлиш ва совга килиш йўли билан оладиган даромадлари;
- қонунда таъкиқланмаган ўзга манбалар ҳисобига.

Корхона ўзига қарашли мол-мулкни бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сотиш, топшириш, айирбошлиш, ижарага бериш, вактинча фойдаланиш учун бепул ёки карзга беришга ва корхона Низомида бошқа ҳоллар кўзда тутилган бўлмаса, уларни баланс ҳисобидан чиқаришга ҳаклиdir. Агар Низомда ўзга ҳол кўзда тутилган бўлмаса, корхона ишлаб чиқариш воситаларни ва бошқа моддий бойликларни фуқароларга сотишга, бепул ёки ижарага беришга ҳаклиdir.

Корхона ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш, меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантириш мақсадларида қимматли қофзлар чиқариш ҳамда сотиш йўли билан юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб этиш хукуқига эгадир.

Жисмоний ёки юридик шахслар томонидан корхона мулкий хукуқларини бузилиши натижасида унга етказилган зарар суд ёки давлат ҳакамлиги қарорига мувофиқ корхонага тўланади.

Корхона мавжуд мол-мулкидан мақсадга мувофиқ фойдаланиб фаолият юритади ва турли шериклари олдида моддий жавобгарликка эга бўлади. Агар корхонанинг ўз мажбуриятлари бўйича қарзини тўлашга курби етмаса, қарз берувчиларнинг талабини кондириш учун мол-мулкини сотишга мажбур

бўлади. Бундай корхона банкрот ҳисобланади ва банкротликка оид қонунчиликка биноан чоралар кўрилади.

Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш (бирлаштириш, қўшиш, бўлиб юбориш, ажратиш, қайтадан тузиш), корхона мол-мулки эгасининг ёки шундай корхоналарни тузишга ваколатли бўлган идоралар қарорига асосан ёхуд суд қарорига биноан амалга оширилади. Корхона давлат рўйхати реестридан чиқариб юборилган пайтдан бошлаб қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳисобланади.

Агар корхона бошка корхона билан қўшилса мазкур корхоналарнинг хар бирига тааллукли барча мулкий ҳукуқлар ва мажбуриятлар қўшилиш натижасида вужудга келган корхонага ўтади. Бир корхонанинг бошка бир корхонага қўшилиш чоғида унинг барча мулкий ҳукуқлари ва мажбуриятлари қўшиб олган корхонага ўтади.

Агар корхона бўлиб юборилса, қайта ташкил этилган корхонанинг мулкий ҳукуқлари ва мажбуриятлари, ана шу бўлиб юбориш натижасида вужудга келган янги корхораларга, бўлиб юбориш хужжатлари (баланси) га мувофиқ тегишли қисмларга ўтади. Корхонадан битта ёки бир нечта янги корхонани ажратиб чиқариш чоғида қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкий ҳукуқлари ва мажбуриятлари бўлиб юбориш хужжати (баланси) га мувофиқ тегишли қисмларда уларнинг хар бирига ўтади.

Корхона мулкдор ёки у ваколат берган идора тузган корхона инқизозга учраган тақдирда эса суд қарорига мувофиқ тугатилади.

Тугатилаётган корхонага қарз берганларнинг даъволари ана шу корхонанинг мол-мулкидан қондирилади. Бунда биринчи навбатда бюджет олдидаги қарзлар қондирилади ва тугатилаётган корхона тасарруфидаги бўлган ерларни қайтадан тикланц ҳаражатлари қопланади. Даъво килиш учун белгиланган муддат ўтгандан кейин аникланган ва қилинган даъволар биринчи навбатдаги даъволар, аникланган даъволар, шунингдек, белгиланган муддатдан маълум қилинган даъволар қондирилгандан кейин корхонанинг колган мол-мулкидан қондирилади.

Мол-мулкнинг етишмаслиги сабабли қондирилмаган даъволар бекор қилинган ҳисобланадп. Тугатиш ҳайъати тан олмаган даъволар ҳам, агар қарз берувчилар даъвони тўла ёки қисман тан олмаслик тўғрисидаги хабарни олган кундан эътиборан бир ой муддат ичидаги ўз талаблари қондирилиши тўғрисида суд ёки давлат хакамлигига даъво қилмаган бўлсалар, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Корхонани тугатиш чоғида меҳнат жамоаси аъзосининг қўшган ҳиссаси қарз берганларнинг даъволари кўзда тутилган шартлар ва тартибда қондирилгандан сўнг унга пул шаклида ёки кимматди қоғозлар билан берилади. Қарз берганларнинг ва меҳнат жамоаси аъзоларининг даъволари қондирилгандан кейин қолган мол-мулқдан мулкдорнинг кўрсатмасига биноан фойдаланилади. Корхона қайтадан ташкил этилганида унинг ҳукуқ ва мажбуриятлари қонуний ворисларига ўтади.

#### **1.6. Чакана савдо корхонасининг ташкилий тузилиши ва унинг самарадорлиги**

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаёттган корхоналарнинг бошқариш тизими унинг фаолияти хусусиятлари ва ҳажмига мос келиши керак. Бошқаришнинг асосий вазифалари ташкил этиш иқтисодий таҳлил, режалаштириш, ҳисоб-китоб, назоратдан иборат. Бу вазифаларни адо этиш давомида корхонанинг иқтисодий механизми камраб олинади.


Корхона бошқарув тузилиши, шакли ва услубларини мустакил аниқлайди, ходимлар сонини белгилайди.

Мулк эгаси корхонани бевосита ёки ўзи ваколат берган идоралар орқали бошқаради.

Корхона тузилиши шаклланаётганда бошқарув ишларининг тақсимоти ва ихтисослашишга эътибор берилади. Меҳнат тақсимоти, ихтисослашиш бошқарув ходимларининг меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини оширади. Аммо қўшимча бўғинларнинг пайдо бўлишига, улар ўртасидаги алоқаларнинг ва бошқарувнинг мураккаблашишига олиб келади.

Бошқарув тузилиши корхона, фирманинг ҳажмига боғлиқ бўлиб, фаолият доираси қанчалик катта бўлса, шунчалик бошқарув тизимига кўпроқ кадрлар жалб этилади.

Ташкилий тузилишда раҳбарга беихтиёр куий бўгинларнинг бўйсуниши кичик савдо корхоналарида кенг учрайди. Буни қуидаги чизма кўринишида ифодалаш мумкин.



**1-расм. Корхонанинг ташкилий тузилишида беихтиёр раҳбарга бўйсуниши тури**

Бундай тузилишда бошқарув қарорларининг бажарувчиларга етиб бориши тезлашади ва улар устидан назорат ҳам бевосита амалга оширилади. Шунинг учун маълум катталиқдаги корхоналарга бу бошқарув тизими иқтисодий оқланган, самарали ҳисоблаади. Бошқарувнинг бевосита алокадаги тизимида раҳбар олдига катта масъулият кўйилади. Чунки раҳбар фаолиятнинг барча томонларига тегишли масалаларни билиши керак бўлади ва бунда меҳнат тақсимотига ўрин қолмайди. Бу ҳолат бошқарувни бирмунча мураккаблаштиради, айниска фаолият доираси кенгайиб боргани сари бошқариш самарадорлиги пасаяди.

Корхона раҳбарлик вазифасини, бошқармалар ва бўлимлар бошлиги вазифасини бажаришга корхона эгасининг ҳохишига биноан иш юритувчи-менежер ёллаш мумкин.

Корхонанинг бошқарув тузилиши корхона фаолияти давомида, кўйилган вазифаларнинг бажарила боришин, янги вазифаларнинг кўйила бошлаши билан ўзгаришларга дуч келиши мумкин.



**2-расм. Корхонанинг функционал бошқарув тузилиши**

Бозор иқтисодиётига хос бўлган рақобат курашининг кучайиб бориши бозорни ва рақобатчиларни ўрганиш йўналишидаги маркетинг изланишларига катта эътибор берилади ва бу йўналишдаги бошқарувчи-менежер фаолияти натижаларига боғлиқлик кучаяди. Аммо ҳар қандай иқтисодий шароитда ҳам бошқарув тузилиши самарали, бошқарув карорлари бажарувчига аниқ ва тез етиб бориши таъминланадиган бўлиши керак.

### 1.7. Чакана савдо корхонасида бошқарувнинг иқтисодий усуслари ва механизmlари

Эркин иқтисодий ислоҳотлар шароитида корхоналар хўжалик фаолиятини юритишида бошқарувнинг иқтисодий усул ва механизmlарининг аҳамияти кескин ошади. Улар Чакана савдо ҳисобини мустаҳкамлаш ва корхоналар мустакиллигини кенгайтиришга, маъмурий-бошқарув усули, корхоналар ишига араласиши доирасини торайтириб, уларга имкониятларидан кенгрок фойдаланишга замин яратадилар. Бошқарувнинг иқтисодий усусларининг аниқ шакли ҳисобланган иқтисодий воситалар корхона ва фирмаларни кам харажат билан юкори пировард натижага эришишга ундаиди.

Буларга солик, кредит, нарх, молия, иқтисодий нормативлар, моддий манфаатдорлик, даромад, харажатлар, жарималар, устама ва бошқа қатор воситалар киради. Иқтисодий воситаларга таянган ҳолда савдо фирмаси, корхонаси иқтисодий асосланган дастур ва режалар ёрдамида, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга интилади.

Иқтисодий воситалар ичидаги **корхоналар молияси** муҳим ўрин эгаллади. Корхоналар фаолиятида молиянинг сустлиги таъсирида уларнинг иқтисодий ночор ахволга тушиб колиш ҳоллари учрайди. Бугунги кунда бозор шароитининг молиявий механизмини тубдан қайта куриш амалга оширилмоқда. Бозор молия механизмини шакллантиришдан бош мақсад бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштириш;
- иқтисодий мустакилликни мустаҳкамлаш;
- моддий ва молиявий ресурсларни тежаш;
- корхона даромадларини ошириш;
- бюджет ва бошқа ташкилотларга иқтисодий нормативлар асосида маблағ ажратиш;
- молия интизомини кучайтириш;
- корхоналарнинг тўлов қобилиятини ошириш;
- хўжалик ташаббусини ҳар томонлама рагбатлантириш;
- пировард иш натижалари ва давлат олдидаги мажбуриятларни бажариш учун масъулиятни кучайтириш.

Чакана савдо фирмалари, корхоналарини ривожлантиришда ҳозирги кунда асосий маблағ уларнинг ўз маблағлари ёки вактинча жалб этилган қарзлардан иборатдир. Демак, корхона ўзини ўзи иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун молиявий ресурсларининг етарли бўлишига эришиши керак.

Иқтисодий бошқариш воситаларидан бири кредит бўлиб, унинг бозор шароитидаги ислохоти банк тизимида ислохотлар билан боғлиқдир.

Банкларнинг Чакана савдо, инвестиция, ташқи савдо, халқаро ва эмиссия турларининг шаклланиши кредит бериш шарт-шароитларини, фоизларини ўзгариради. Айниқса банклар ўртасидаги мижоз учун рақобатнинг кучайиши кўпгина кулайликлар яратади.

Банк кредити савдо тармогининг барча бўгинлари фаолиятида юксак пировард натижаларга эришиш, истеъмол моллари сотиш ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиши иқтисодий рағбатлантириш, ҳамда товар ва бошқа моддий неъматлар қолдиқларининг асосиз тарзда ўсишининг олдини олишда иқтисодий манфаатдорлик яратиши керак. Қарзларни узиш муддатлари мунтазам бузилган тақдирда қайтадан яна кредит бериш тўхтатилади. Айниқса ўз вақтида қайтарилимаган кредит учун тўланадиган фоиз даражаси анча юкоридир.

Бозор иқтисодиёти шароитида нарх кучли иқтисодий восита сифатида намоён бўлади. У иқтисодиётнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичdir. Ижтимоий зарурий харажатлар нархларнинг иқтисодий асоси ҳисобланади. Бозор шароити талабларига аал қиласлик маҳсулот нархи билан унинг қиймати ўртасида кескин фаркга олиб келиши мумкин. Сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишда нархнинг рағбатлантирувчилик роли айниқса яққол кўринади. Нархнинг рағбатлантирувчилик кучи аҳоли талабига мос ва фойда келтирадиган молни ишлаб чиқариш, келтириш ва сотишни купайтиришда ифодаланади.

Иқтисодий воситалардан яна бири соликлар ҳисбланиб, улар ёрдамида давлат маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни кўпайтириш ёки камайтириши мумкин. Бунга солик юкини ошириш ёки камайтириш, байзи ҳолларда эса умуман ундан озод этиш йўли билан эришилади. Иқтисодий асосланган соликлар мақсадга етиштириши мумкин.

Иқтисодий нормативлар таъсиричан восита сифатида намоён бўлади. Бозор механизми шароитида қатор янги нормативлар ҳаётга тадбиқ этилади. Иқтисодий асосланган барқарор нормативлар корхона фаолияти натижаларидан манфаатдорликни таъминлайди.

Шартнома-контрактлар шартлари ва молия интизомини бузувчиларга моддий таъсир кўрсатиш мақсадида фойдаланиладиган иқтисодий жарималарнинг бозор хўжалик механизмида ўзига хос ўрни мавжуд. Улар конунлар, карорлар, фармонлар, низомлар ва шу каби бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда назарда тутилган бўлади.

Шундай қилиб иқтисодий воситалар бозор иқтисодиёти хўжалик юритишининг муҳим таркибий қисми ва айни вактда қуролидир.

#### **Мустақил ишлаш учун назорат саволлари**

1. Чакана савдо корхонасининг моҳитянин очиб беринг.
2. Чакана савдо корхонасининг хукуқий асоси деганда нимани тушунасиз?
3. Чакана савдо корхонасининг хўжалик асоси деганда нимани тушунасиз?
4. Чакана савдо корхонаиснинг тармоқ асоси деганда нимани тушунасиз?
5. Чакана савдо корхоналарининг қандай ташкилий-хукуқий шаклларини биласиз?
6. Янги корхона қандай ташкил этилади?
7. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш қандай амалга оширилади?
8. Корхонанинг устав фонди қандай шаклланади?
9. Корхонанинг ташкилий-бошқарув тузилмаси деганда нимани тушунасиз?
10. Корхонани бокаришнинг иқтисодий усуулларига нималар киради?

## **2-боб. МЕРЧЕНДАЙЗИНГ КОНЦЕЦЦИЯСИННИНГ БИРИНЧИ ДАРАЖАСИ**

### **2.1. Чакана савдо тармоқларининг турлари ва уларнинг аҳолига савдо хизмати кўрсатишдаги роли**

Товарни сўнгги истеъмолчига етказиб бериш жараёни чакана савдо тармоғида тугалланади. Шу туфайли савдо тармоғининг асосий вазифаси савдо хизматининг юқори сифатини сақлаган ҳолда ижтимоий меҳнатни энг кам сарфлаб мол сотиши таъминлашдан иборатdir.

Савдо тармоғини ривожлантиришга кўйиладиган муҳим талаблардан бири истеъмол харажатини қисқартишидир. Мамлакат бўйича аҳоли товар олишга йилига 30 млрд. соатта яқин вакт сарфлайди. Жамият учун бу улкан йўқотиши қисқартириш, яъни истеъмол харажатини анча камайтириш муҳим иқтисодий ва ижтимоий вазифадир.

Савдо тармоғини ривожлантириш истеъмол сарфларини тежаш, талабни қондириш ва савдо маданияти даражасини юксалтиришнинг зарур шарти хисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатда аҳолини савдо тармоғи билан таъминлаш мунтазам равишда ўсиб бормоқда.

Кейинги йилларда савдо тармоғини сифат жиҳатдан яхшилаш учун кўп ишлар қилинди. Савдо корхоналари сон жиҳатдан ўсиш оиласан бирга, анча иириклишди ҳам.

Савдо тармоқларининг кенгайиши ва иириклиши илмий-техника тараққиёти ютукларини жорий этиш, савдо-сотиқнинг илфор методларини, замонавий технология ва бошқариш усуулларини кенг қўллаш имконини беради.

Чакана савдо тармоғининг кенгайтирилиши ва иириклиши савдо тараққиётининг асосий ўйналиши хисобланади.

Чакана савдо тармоғи ҳалқ истеъмол моллари сотиладиган турли корхоналарни бирлаштиради. Чакана савдо корхоналари савдо майдонининг ҳажми, қандай мол сотилиши, савдо хизмати кўрсатиш характери ва бошқаларга караб фарқланади.

Савдо хизмати кўрсатиш характерига ҳараб савдо тармоғи стационар, кўчма ва посилка (жўнатув) қиласидаган турларга бўлинади.

Чакана савдо тармоғининг асосий тури стационар тармоқдир. Стационар савдо тармоғи яна магазинлар тармоғи ва майда чакана савдо тармоғига бўлинади.

Чакана савдо тармоғида стационар бинолардан иборат магазинлар асосий ўрин тутади. Бу магазинларда кўп хил товар сотиш ва хизмат кўрсатишнинг илғор методларини жорий этиш учун шароит таъминланади.

Мамлакатимиздаги чакана товар айланмасининг 90%и магазинлар хиссасига тўгри келади.

Магазинлар тармоғига қўшимча равишда кичик-кичик мавсумий мол сотиш пункт (палатка, киоск, дўкон)лари ташкил этилади. Бу майда савдо тармоғи магазинлар ўрнини вақтингча босиши ёки уларга қўшимча бўлиши мумкин.

Магазинлар куриш мақсадга мувофиқ бўлмаган кам аҳоли пунктларга, шунингдек, аҳоли пунктларидан олис жойларда ишлаётган меҳнаткашларга савдо хизмати кўчма савдо воситалари (автомагазин, вагон, кема-дўкон, поезд-магазин ва бошқалар) кўмагида кўрсатилади.

Автомагазин кўчма савдонинг хийла самарали чакана корхонасидир. Тезкорлиги ва ихчамлиги туфайли у катта-катта территориал зоналарга хизмат кўрсатиши, кам аҳолили олис пунктларга тез-тез катнаб туриши мумкин.

Посилка савдоси корхоналарини ривожлантиришга ҳозир катта эътибор берилмоқда; бу корхоналар маҳаллий почта алоқаси бўлимлари ўтайдиган савдо-сотиқ ишларида воситачи бўладилар. Бунда жўнатиш базалари ва уларнинг бўлимлари асосий корхоналар хисобланиб, улар товарни буюртма бўйича почта орқали посилка тарзida жўнатиш йўли билан сотадилар.

Товар сотиш магазинларнинг асосий функциясиdir. Асосий функцияни эса бошқа қўшимча функцияларни бажармай туриб, ўтаб бўлмайди.

Магазинлар бир қатор коммерция ва технологик функцияларни бажаради.

Магазиннинг асосий савдо коммерция функциясига қуидагилар киради:

истеъмол талаби ва хизмат кўрсатишни ўрганиш;

савдо ассортиментини тузиш;

товарларга талабнома-буюртмаларни ишлаб чиқиш; товар ва хизмат кўрсатиш рекламаси; савдо хизмати кўрсатиш (консультация бериш, сотиш). Магазиннинг асосий технологик функцияларига қуидагилар киради:

тушаётган товарларни сифат ва миқдорига қараб қабул қилиб олиш;

уларни сақлаш;

товарларни сотишга тайёрлаш;

уларни савдо залларига жойлаш ва очиб қўйиш;

харид қилинган товарлар хақини хисоб-китоб қилиш.

Бундан ташқари, чакана савдо корхоналари зиммасига магазиндан сотиб олинган газламани бичиб бериш, тайёр қийимларни енгил-елпи тузатиш, товарни харидор кўрсатган адресга элтиш, уйига ўрнатиб бериш ва ҳоказо каби хизмат кўрсатиш вазифаси юкланди.

Магазиннинг кўлами, ходимлар сони ва бошқа омилларга қараб бажариладиган хизматларнинг аник рўйхати тасдиқланади.

Фирма савдоси корхоналарига алоҳида функциялар юкланди. Ҳозирги вақтда мамлакатда саноат министрликлари ва бирлашмаларига қарашли фирма магазинлари тармоғи кенгаймоқда. Улар харидорлари эҳтиёжини ўрганиш ва дидини шакллантиришнинг амалдаги лабораториялари бўлиб хизмат қилишлари керак. Ишлаб чиқариш билан савдо ўртасидаги хўжалик алоқасини мустаҳкамлаш, ассортиментни янгилаш, моллар сифатини яхшилашда фирма магазинлари мухим роль ўйнайди. Улар хизмат кўрсатиш маданияти намунаси бўлиши лозим.

## 2.2. Чакана савдо тармоқларини ихтисослаштириш

Чакана савдо тармоқларини ривожлантириш ва харидорларга хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш магазинларни ихтисослаштириш билан узвий боғлиқдир.

Товар ассортиментининг узлуксиз кенгайиб бориши ва уни магазинлар

ўртасида оқилона тақсимлаш зарурати ихтисослаштириш заруратини келтириб чиқаради. Ихтисослаштириш ахоли эҳтиёжини янада яхшироқ ва тўла кондириш мақсадида умумий савдо хизмати жараённида магазинлар ўртасида фаолият тақсимотидан иборатдир.

Хозирги шароитда магазинларни ихтисослаштириш қуидаги уч йўналишда ривожланмоқда:

1. Товар-тармоқ белгисига кўра.
2. Истемол комплексларига кўра.
3. Хизмат кўрсатиш методига кўра.

Товар ассортименти ўта хилма-хиллиги билан характерлидир. Саноатимизда ишлаб чиқарилаётган ҳалқ истемоли товарлари миқдори 1 млн.дан ортади, тажриба бундан ҳам кўпайшини яққол кўрсатиб турибди. Энг йирик магазинларни ҳисобга олмаганда, бу товарларнинг ҳаммасини айрим магазинларда сотиш аслида мумкин эмас. Шу сабабли товар ассортиментини магазинларга тақсимлашда товар номенклатурасини кисқартиш ва ахолига бирга кўшиб сотиш учун уларни айрим магазинларга ўзаро мослаб юбориш керак бўлади. Магазинлар фаолиятини бундай айрим групна ёки ҳатто турига караб чеклаш товар-тармоқ жиҳатдан ихтисослаштириш бўлади.

Барча товарларни йирик товар тармоқларига, кейин эса товар группалари ва группачаларига тақсимлаш чакана савдо корхоналарини ихтисослаштиришнинг асосини ташкил этади.

Ноозик-овқат товарлари савдосида ҳозир қуидаги тўртта товар тармоғи мавжуд:

1. Кийим-кечак, пойабзal ва пардоз буюмлари.
2. Маданий- майший ва спорт буюмлари.
3. Уй- рўзгор ва хўжалик буюмлари.
4. Ишлаб чиқариш-хўжалик буюмлари.

Ихтисослаштириш жараёни айрим тармоқлар доирасида талаб жиҳатдан ўзаро яқин товар группалари ёки группачаларини борлаштириш асосида амалга оширилмоқда. Натижада ихтисослашганлик даражасига караб, савдо

корхоналарининг хилма-хиллиги ҳосил бўлади.

Товар бўйича ихтисослашга қараб магазинлар қуидаги турларга бўлинади:

**универсал** – кўп товар группаларидаги товарлар билан савдо қилувчи магазинлар (масалан, универмаг, универсам);

**ихтисослаштирилган** – савдо қилаётган товар ассортименти бир товар группасидан иборат (масалан, пойабзal, китоб, газлама) магазинлар;

**тор ихтисослаштирилган** – савдо қилаётган товар ассортименти товар группасининг бир қисми (группача)ни ташкил этган (масалан, шойи газлама, эркаклар оёқ кийими ва хоказо) магазинлар;

**комбинацияланган** – талабга кўра ўзаро яқин бир неча товар группаси (масалан, упа-элик-атторлик, мўйна ҳамда бош кийими ва бошқалар) борлаштирилиб савдо қилинадиган магазинлар;

**аралаш** – озиқ-овқат ва ноозик-овқат товарларнинг турли группалари товарлари билан савдо қилувчи магазинлар.

Магазинларни ихтисослаштиришда қуидаги омиллар ҳисобга олиниши лозим:

а) товар ассортиментининг хусусиятлари; товар ассортименти қанча кенг бўлса, у ихтисослаштиришни шунча кўп талаб қиласди;

б) харидор талабининг кундалик, мавсумий ёки ахёний эканлигидан иборат характеристи. Кунига талаб қилинадиган товарлар харидорга энг яқин туриши лозим. Шунинг учун ҳам улар билан савдо қиладиган магазинларни ихтисослаштириш имконияти мавсумий ва ахёний талаб товарларга қараганда чекланган бўлади;

в) савдо хоналарининг ҳажми. Товар айланмаси узлуксиз ўсиб, товар ассортименти кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда савдо майдони кичик магазинларда хийла тор ихтисослаштириш зарурияти туғилади;

г) магазиннинг оборот ҳажми ва жойлашиш ўрни. Магазил ҳажми орта борган сари тор ихтисослаштириш зарурати камая боради. Оборот ҳажми савдо хоналарининг ҳажмигагина эмас шунингдек, магазин хизмат кўрсатадиган

аҳоли жой кўламига ҳам боғлиқ. Магазин қанча кўп аҳолига хизмат қилса, товар обо роти шунча кўп бўлади. Бинобарин, товар айланмаси ҳажми кенг бўлгани ҳолда тор ихтисослаштирилган магазин кенг ихтисослаштирилган магазинга нисбатан кенгроқ фаолият доирасига эга бўлиши лозим.

Чакана савдо тармогини ихтисослаштиришнинг бир қатор ижобий томонлари бор.

Товарга қараб ихтисослаштириш группа ичидаги ассортиментни кенгайтириш, харидорга бир группа доирасида кўпроқ товар таклиф этиш, харидорлар талабини чукурроқ ўрганиш, сотовчилар малакасини ошириш, хийла такомилашган жиҳозларни ишлатиш, савдода рационал технологияни жорий этиш имконини беради.

Магазинларни ихтисослаштиришнинг устунликлари билан бирга, бир қатор муҳим камчиликлари ҳам бор. Ихтисослаштирилганда айrim товарлар билан савдо қилувчи пунктлар сони камаяди, бир группадаги товарлар бир магазинда жамлангани учун аҳолига хизмат кўрсатиш доираси (радиус) кескин кенгаяди, аҳолининг турли хил моллар харид қилиш учун вакт сарфи хийла ортади.

Магазинларнинг ихтисослаштирилиш даражаси, профилининг танланishi иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши лозим. Шу туфайли ихтисослаштиришни ривожлантириш учун бу соҳадаги барча шарт-шароитларни чукур таҳлил қилиб чиқиш керак.

Иқтисодий жиҳатдан асосланганлик, мақсадга мувофиқлик, хўжалик ҳисоби ихтисослаштиришга асос бўлади. Шу шарт-шароитлар мавжуд бўлгандагина асосий мақсадга эришилган, яъни аҳолига энг кўп қулайликлар яратилган, савдо корхоналарининг рентабел ишлаши таъминланган бўлади.

Ҳозир товар бўйича-ихтисослаштириш икки йўналишда – биринчидан, ихтисослаштирилган магазинлар очиш ва иккинчидан универмагларда ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Савдода магазинларни товар группаси ёки товарга қараб ихтисослаштириш анъанаси кейинги йилларда янги йўналиш, яъни истеъмол

комплекслари билан савдо қилиш бўйича ихтисослаштириш билан бойиди.

Йирик магазинлар қурилиши, товар ассортиментининг кенгайиши, харидор талабининг ўзгариши, комплекс харид қилиш ҳажми кўпинча ортиб бораётгандиги магазинларни истеъмол комплекслари бўйича ихтисослаштириш заруратини туғдирди.

Истеъмол комплекслари хилма-хил белгиларга: жинс-ёшга (масалан, «Аёллар учун», «Эркаклар учун»), майший турмушни уюштириш хусусиятларига («Ҳамма нарса уй-рўзгор учун») дам олишни уюштириш хусусиятларига («Ҳамма нарса дам олиш учун», «Турист» ва ҳоказо) қараб ташкил топади. Истеъмол комплекслари комплекс ассортиментли магазинлар ёки секциялар ташкил қилинга асос яратади. Магазинларни истеъмол комплекслари бўйича ихтисослаштириш товарлар хилини кенгайтириш учун шароит яратади, йўлдош товарлар харид қилиш, кўшимча хизмат кўрсатиш, харидор вактини тежаш имкониятини орттиради.

Чакана савдо тармогининг ихтисослашиш даражаси ихтисослашган магазинлар (универсал магазинлар ҳам) ҳамма магазинларнинг қанчасини ташкил этиши билан характерланади.

Мамлакатда магазинларни ихтисослаштириш масаласи савдо-сотик хусусиятларига қараб, универсал магазинларни кенгайтириш йўли билан ҳал этилмоқда, яъни универсаллаш вужудга келтирилмоқда. Бу прогрессив йўналиш ҳисобланади.

Шу билан бирга, кўпгина аҳоли яшайдиган пунктларда чоғроқ магазинлар тармоғи бунёд этилиб бўлди. Улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш зарурки, бунга ихтисослаштириш йўли билан эришилади. Ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган товарлар савдосига ихтисослаштирилган магазинлар ташкил этиш вазифаси ҳамон муҳим бўлиб турибди. Булар қурилиш материали, мебель, шунингдек, маданий товарлар, китоб, техник жиҳатдан мураккаб товарлар билан савдо қиласидиган магазинлардир.

### **2.3. Чакана савдо тармоқларини типлаштириш**

Хозирги шароитда чакана савдо тармоғини янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш уни типларга ажратиш билан чамбарчас боғлиқдир. Чакана савдо тармоғини типлаш кенг ёйилиши лозим бўлган мавжуд типларни танлаш ва янги рационал, янада мукаммал типларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Типлаш узок йиллар давомида вужудга келиб, хозирги савдо талабларига тўла жавоб беролмай қолган магазин типларининг; ўта хилма-хиллигини астасекин тугатишга қаратилган.

Энг рационал магазин типларини аниклаш, текшириш, танлаш типлаш жараёнининг биринчи йўлидир.

Иккинчи йўли – товар айланмаси тараққиётининг истиқболи, ассортиментининг кенгайиши, янги техникадан фойдаланиш ва бошқаларни ҳисобга олиб, магазинларнинг янги типларини ишлаб чиқишидир.

Мавжуд савдо тармоғини қайта қуриш ва янгисини барпо этишга танлаш олинган ёки янги ишлаб чиқилган энг рационал корхона типлари асос бўлади.

Ассортимент профили, савдо майдонининг ҳажми магазин типини тайин этишда асосий белги ҳисобланади. Ассортимент бўйича типлаш ихтисослаштириш билан боғлиқ бўлиб, магазинлар учун товар номенклатурасини, яъни магазин савдо қилиши лозим бўлган товар группалари рўйхатини белгилаб беришдан иборат.

Ҳажмни типлаш муайян ихтисосликдаги магазинлар учун савдо майдонининг стандарт ҳажмини белгилаб олиниң тақозо этади. Бунда бир товарга ихтисослаштирилган магазинлар бир неча типли ҳажмларга эга бўлиши мумкин.

Савдо тармоғини типлаш аслида айрим магазинлар ўртасида меҳнат тақсимотини мустаҳкамлайди, ҳар қайси магазин эса, муайян группадаги товарларни харидорга етказиш функциясини бажаради.

Магазинларни типлаш куйидаги бир қанча устунликларни таъминлайди:

1) магазинни тузишда типовой ассортимент моделларини қўллаш;

- 2) илфор типовой технологик ечимларни жорий этиш;
- 3) лойиҳалаш босқичида магазин биносига қўйиладиган технологик ва архитектура-қурилиш талабларини тўлароқ мувофиқлаштириш;
- 4) магазинларни таъминлашни пухта ўюштириш учун шароиг яратилади;
- 5) меҳнатни ташкил этишда ходимларнинг типовой штатларни ва нормативни белгилаш имконини беради ва хоказо.

Савдо корхоналари тинлари ўзгармас нарса эмас. Улар кишилар хаётининг ижтимоий-иктисодий ва маданий-маший шароити ривожланиши таъсирида ўзгаради ва тақомиллашади.

Қишлоқ жойлар чакана савдосини типлашда куйидаги принциплар асос қилиб олинган:

1. Мураккаб ассортиментли товарлар билан савдо қилишни район марказлари ва йирик ахоли пунктларидағи универсал ва ихтисослаштирилган магазинларда тўплаш, айни вактда кундалик эҳтиёж товарлари савдосини ахолига яқинлаштириш.
2. Ҳар бир магазин учун унинг типига мос келадиган ва савдо майдони ҳажмини ҳисобга оладиган мажбурий товар ассортиментини белгилаш.
3. Ихтисослаштирилган магазинлар ассортиментига йўлдош товарлар киритиш.
4. Молларни истеъмол комплекслари бўйича сотиш системасини жорий қилиш.
5. Барча типдаги магазинларда товар сотишнинг илфор методларини қўллаш, универмаглар ва ихтисослаштирилган магазинларда эса харидорларга қўшимча хизмат кўрсатиш.

Мавсумий ва камталаб товарлар билан савдо қилишни бир жойга тўплаш товар таклиф қилишни жамлаш йўли билан харидорларга товарни тури, модели, фасони ва бошқа ассортименг белгиларига қараб танлаш товарларни малакали таклиф этиш имкониятини яратади.

Шу билан бирга қишлоқ магазинлари тармоғида озиқ-овқаг маҳсулотлари, майда хўжалик ашёлари, иш кийимлари, пойабзal-атторлик

буюмлари ва шу каби бошқа энг зарур товарлар билан муттасил савдо қилиб турилмоғи лозим. Бундай система ахоли эҳтиёжларига мос келади, товар айланмасини тезлатишни таъминлайди ва айрим магазинларда тез кетмай, туриб қоладиган камталаб товарлар йиғилиб қолишининг олдини олади.

Магазин типларини танлаш магазин типлари номенклатураси асосида амалга оширилади (1- жадвал).

#### 1-жадвал

##### **Қишлоқдаги ахоли яшайдиган жойлар ва шахар типидаги посёлкалар учун чакана савдо корхоналари типларининг номенклатураси**

Тартиб номери	Чакана савдо корхоналари типи	Савдо майдони, кв. м ҳисобида
1	Савдо маркази	Савдо марказига кирадиган чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари таркиби билан аниқланади
2	Универсал магазин (ноозик-овқат товарларнинг универсал ассортименти ва озик-овқат товарларининг чекланган ассортименти) – Универмаг кундалик эҳтиёжбоп озик-овқат ва ноозик-овқат товарларнинг универсал ассортименти бўлган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазини – «Универсам»	650, 850, 1000, 1650, 2150, 3000
3	«Саноат моллари»	250, 400, 600
4	«Озик-овқатлар»	150, 250, 400
5	«Маданий моллар»	100, 150
6	«Китоблар»	250, 400
7	«Хўжалик моллари»	100, 150
8	«Болалар учун моллар»	150, 250
9	«Техник жиҳатдан мураккаб моллар»	150, 250
10	«Техника»	250, 400
11	«Мебель»	
12	«Курилиш материалари билан савдо кирадиган магазин-омбор»	400, 600 400
13	«Автомобиллар»	1500
14	«Кундалик эҳтиёж моллари»	100, 150

Корхона типларининг ушбу номенклатураси магазинларнинг алоҳида бино тарзида ҳам, йирик савдо, савдо-маъмурий ва жамоат марказлари таркибида ҳам куриладиган типовой ва индивидуал лойиҳаларини ишлаб

чиқишига мўлжалланган бўлиб, шунингдек, савдо корхоналари тармоқларини лойиҳалаштиришда чакана савдо корхонаси типларини танлаш учун ҳам мўлжалланган номенклатура асосида чакана савдо корхоналарининг маҳаллий шароитлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилаётган типлари бўйича зонал ва республика номенклатуралари яратилмоқда.

Магазин типлари номенклатурасини ишлаб чиқишида қишлоқ ахолисига савдо хизмати кўрсатишни ривожлантириш ва ташкил этишнинг замонавий йўналишлари ва аввало, магазинларни йириклиштириш, замонавий технологияни жорий этиш эътиборга олинди.

Номенклатурага қишлоқ жойларда кўплаб куриладиган корхоналар ҳам киритилган. Бу номенклатурага киритилган барча чакана савдо корхоналари куйидаги асосий группаларга бўлинади:

1. Комплекс характердаги корхоналар.
2. Универсал бўладиган магазинлар.
3. Кундалик эҳтиёж товарлари сотиладиган магазинлар.
4. Ихтисослаштирилган магазинлар.

Комплекс характердаги корхоналарга савдо марказлари киради. Савдо марказлари – савдо хизмати корхоналарининг вазифа ва жой жиҳатдан ўзаро алоқадор комплексидир. Комплекс таркибига универмаг ва бошка савдо корхоналари, шунингдек, умумий овқатланиш корхоналари (ресторан ёки ошхона, кафелар) киради. Савдо маркази ахолига энг қулай, комплекс хизмат кўрсатиш корхоналар қуриш ва ишлатиш самарадорлигини ошириш ҳамда архитектура-композицион ечимлар учун энг қулай имкониятлар яратади. Савдо маркази ахолининг товар сотиб олишга сарфлайдиган вақтини тежайди. Ҳисобкитоб яна шуни кўрсатадики, савдо маркази қурилиши турли жойлардаги алоҳида биноларда жойлашган корхоналарга қараганда 12-15% арzonга тушар экан.

Универсал бўладиган магазиннинг асосий типи – универмагdir.

Универмагларда ноозик-овқат товарлар группаси ёки группаси ихтисослаштирилган секциялардан сотилади.

Магазиннинг «Универсам» типи истиқболли ҳисобланади. «Универсам» – ўз-ўзига хизмат кўрсатиладиган ҳамда серталаб озиқ-овқат ва ноозик-овқат товарларнинг универсал ассортименти билан савдо қиласидиган магазиндир. «Универсам»ларда ноозик-овқат товарлар умумий айланмасининг 30-35% ини ташкил этади. «Универсам» учун 400, 650, 1000, 1500, 2000 м<sup>2</sup> лик савдо майдонлари кўзда тутилади.

Магазинларнинг яна бир типи ихтисослаштирилган магазинлардир.

Ихтисослаштирилган магазинларнинг асосий типлари қаторига озиқ-овқат, саноат, хўжалик товарлари, мебель, маданий-маишӣ товарлар, китоб, техник жиҳатдан мураккаб товарлар, болаларбоп товарлар билан савдо қиласидиган магазинлар, савдо-қурилиш материаллари магазин-омборлари киради.

Савдо хизмати методларини ривожлантириш ва савдода замонавий техникани жорий этиш савдо корхоналарининг янги-янги типларини яратиш имкониятини беради.

Улар қаторига мамлакатимиз ва чет эл савдоси практикасида ўрин олган, алоҳида товарлар ва товар группалари (мебель гарнитурлари, бош кийим, модали кийим-кечак ва бошқалар) билан савдо қиливчи **магазин-кўргазма ёки магазин-салонлар** киради.

Магазин-складлар савдо ходимларининг энг кам хизмат кўрсатиши ҳамда товар ажратиш ва ҳисоб-китоб қилиш имконини кўзда тутади. Бундай корхона чакана савдо корхонасининг одатдаги интеръерисиз жиҳозланади ва юқ оқимини қайта ишлашнинг складбоп технологик системасини кўзда тутади.

Чакана савдо корхонасининг янги типларидан бири тақсимловчи магазинлар бўлиб, товарлар (озик-овқат маҳсулотлари, уй машиналари, телевизорлар билан савдо қилиш)га буюртма бериш усулида ишлайди. Мураккаб ассортиментли хилма-хил товарларнинг истеъмол комплекси (масалан, уйда ўрнатиб бериш учун маҳсус хизмат талаб этиладиган «Ҳамма нарса уй-рўзгор учун» товарлари) билан савдо қиласидиган савдо-саноат бирлашма (фирма)ларининг савдо-консультатив марказлари диққатга

сазовордир.

#### 2.4. Чакана савдо тармоқларини жойлаштириш

Савдо хизмати ва товар таъминотининг сифати чакана савдо тармоқларини жойлаштиришга кўп жиҳатдан боғликдир.

Чакана савдо тармоқларини асосли равишда жойлаштириш меҳнат унумдорлиги ҳамда савдо самарадорлигини юксалтиришнинг муҳим омилидир. Бу аҳоли товар харид қилиш учун сарфлайдиган вақтни тежаш, меҳнаткашларнинг халқ истеъмоли товарларига эҳтиёжини тўла кондириш билан ҳам боғлик.

Чакана савдо тармоғини асосли равишда жойлаштириш қўйидаги асосий вазифаларни ҳал этишин таъминлаши лозим:

- 1) магазинларни товар харид қилишга мумкин қадар кам вақт сарфланадиган қилиб жойлаштириш;
- 2) мураккаб ассортиментли товарларни кўплаб магазинларга сочиб юбормай, харидорларга кенг кўламда хилма-хил товарлар таклиф этиш;
- 3) товар айланмаси ҳажми ва магазинлар фаолиятининг рентабеллигини ҳисобга олган холда, уларни территорияга қараб жойлаштиришни таъминлаш;
- 4) ҳажмларни йириклиштириш, тежамли лойиҳаларни кўллаш йўли билан магазинлар куриш харажатларини кискартиш.

Савдо тармоғини жойлаштириш магазинларни поғона (концентрик) тарзида тузиш, текис жойлаштириш, группалаб жойлаштиришдан иборат асосий принципларга таянади.

Чакана савдо тармоғини жойлаштиришнинг асосий принципи концентрик тарзида тузиш бўлиб, у товар ассортименти хусусиятлари, унинг муракаблиги ҳамда талабнинг мавсумийлиги билан боғлик.

Савдо тармоғи концентрик қилиб жойлаштирилганда анча кенг ассортиментли товарлари бўлган айрим магазинлар каттароқ фаолият районида иш кўриб, кичик магазинлар фаолият кўрсатадиган районларни ҳам қоплади. Концентрик тузилиш мураккаб ассортиментли товарлар савдосини

ихтисослаштирилган йирик магазинларда марказлаштиришни кўзда тутади.

Бу магазинлар харидорлар учун кенг кўламли хилма-хил товарлар бўлишини, шунингдек кундалик эҳтиёж товарлари харид қилишни таъминлайди.

Қишлоқ жойларида концентрик тузилишда савдо тармогининг бир неча погонаси ҳосил бўлади.

I погонали магазинларнинг фаолият доираси катта бўлмай, ассортиментида кундалик эҳтиёж товарлари бўлади (кундалик эҳтиёж товарлари магазинлари).

II погонали магазинлар мавсумталаб товарлар билан савдо қиласи ва фаолият доираси I погонали магазинларни ҳам қамрайди (универмаглар, ихтисослаштирилган магазинлар).

III погонали магазинлар кенг кўламли хилма-хил ва нисбатап камталаб товарлар билан савдо қиласи. Уларнинг фаолияти бутун (savdo марказлари, универсал магазинлар, ихтисослаштирилган магазинлар)ни қоплайди.

Одатдаги аҳоли пунктлари, маҳаллий марказлар ва район марказларидаги магазинлар погоналашнинг уч босқичини акс эттиради.

Қишлоқдаги аҳоли пунктлари тарқоклиги ва аҳоли сийраклиги шароитида савдо тармоғини погонали этиб жойлаштириш аҳолига хизмат кўрсатишда савдо корхоналарининг ассортименти ва функцияларини тайин этиш имконини беради. Бунда магазинлар бир-бирининг ўрнини босмай, балки тўлдиради. Шундай қилиб бир маъмурый район ёки унинг қисми доирасида савдо тармоғини яратишнинг яхлит системаси вужудга келади.

Савдо тармоғини бундай жойлаштириш чакана савдо тармоғида товар ассортименти тузишдаги асосий йўналишга мос келади.

I погонали магазинларни жойлаштиришга кўпич билан ярим соат пиёда юриб (2 км) этиш, II ва III погонали магазинларга эса I транспортда бора олиш талаблари кўйилади.

Қишлоқ савдо тармоғини жойлаштиришнинг яна бир талаби **бир текислик** принципидир, бунда бир турли магазинлар аҳоли пункти

территорияда бир текис жойлаштирилади. Бу принцип кундалик эҳтиёж товарлари, озиқ-овқат товарлари, нон ва нон-булка маҳсулотлари билан савдо қилинадиган магазинларни жойлаштиришда кўлланилади.

Ҳар қайси магазин аҳолининг муайян сонига хизмат қиласи, ўз фаолият районига эга бўлади.

Қишлоқда савдо тармоғини жойлаштиришнинг учинчи талаби **группалаб жойлаштириш принципидир**. Савдо тармоғини бу принцип бўйича жойлаштиришда турдош талабли товарлар билан савдо қиласидиган магазинлар каерда жойлашганига риоя қилинади. Бу комплекс харид қилиш имконини беради. Группалаб куриш принципи асосан савдо марказлари бунёд этишдаги янги қурилишда кўлланилади.

Қайд этиб ўтилган ҳар бир принцип ажралган ҳолда кўлланилмайди. Қишлоқда савдо тармоғи ушбу принципларни бирлаштириб кўллаш асосида жойлаштирилади.

#### **Мустақил ишлаш учун назорат саволлари**

1. Чакана савдо тармоғи деганда нимани тушунасиз.
2. Чакана савдо тармоқларининг қандай турларини биласиз ва уларнинг аҳолига савдо хизмати кўрсатишдаги ролини таърифланг.
3. Чакана савдо тармоқларини ихтисослаштириш деганда нимани тушунасиз?
4. Чакана савдо тармоқларини типлаштиришнинг аҳамияти нимадан иборат?
5. Чакана савдо тармоқларини жойлаштириш тамойиллари тўғрисида гапириб беринг.

## **3-боб. МЕРЧЕНДАЙЗИНГ КОНЦЕПЦИЯСИННИГ ИККИНЧИ ДАРАЖАСИ**

### **3.1. Магазин биноларининг турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар**

Савдонинг энг муҳим вазифаси – моддий-техника базасидан фойдаланиш саамародорлигини ошириш, ишлаб турган ва янгидан ишга тушириладиган хар бир корхонадан унумли фойдаланишдан иборатdir.

Савдо бинолари чакана савдо моддий-техника базасининг асосий қисмини ташкил этади.

Харидорларга хизмат кўрсатиш маданияти, савдо-технологик жараёнларни уюштириш, механизацияни жорий қилиш кўп жиҳатдан савдо биноларининг тузилишига боғлиқdir.

Савдо бинолари куриш тажрибаси уларни товар профили, технологик процесслар схемаси, сотиш методи, архитектура талабларига қараб куришнинг кенг имконияти борлигини кўрсатади.

Ноозик-овқат товарлар билан савдо килувчи магазинлар:

а) турар жой биноларининг биринчи қаватига; б) алоҳида турган маҳсус биноларга; в) кооперацияланган биноларга жойлаштирилиши мумкин.

Кўп магазинлар турар жой биноларининг биринчи қаватига жойлаштирилади. Тураг жой биноларининг биринчи қаватига жойлаштириладиган магазинлар иккى турда бўлиши мумкин: а) турар жой биноси биринчи қаватини ёки унинг бир қисмини банд килувчи ички курилган магазин; б) айрим хоналари биринчи қаватга жойлаштирилгани ҳолда бошқалари, масалан, савдо заллари бино ташқарисига чиқарилиб, блок шаклида туташтирилган ички-ташки курилган магазин.

Ички курилган магазинлар қўйиладиган технологик талабларга тўла жавоб бермайди. Бу магазинларда: 1) тор савдо заллари зинапояли йўлаклар ва устунлар билан бўлинган бўлиб, жиҳозларни тўғри жойлаштириш қийин; 2) савдо майдонидан рационал фойдаланилмайди; 3) ёрдамчи хоналари подвалда жойлашганлигидан юкни юкорига олиш учун кўшимча механизация талаб

58

қилинади; 4) уйда яшовчилар учун ноқулайликлар туғдиради.

Ички-ташки курилган магазинлар ички курилган магазинларга нисбатан қўйидаги баъзи афзалликларга эга:

1. Савдо зали магазиннинг ташки курилган қисмига жойлаштирилади ва турар жой биносининг тузилишига боғлик бўлмайди.

2. Савдо зали ва ёрдамчи хоналар бир юзада жойлашган бўлади.

Магазинларнинг турар жой бинолари биринчи қаватида бўлиши шаҳарлар учун хосдир. Ҳозир бундай ички курилган хоналардан тамом воз кечмаслик керак (ер участкалари чекланган), чунки савдо тармоклари улар хисобига тезроқ ўсади.

3. Айрим биноларни савдо жараёнининг изчилигига мос равища рационал жойлаштириш имкони яратилади.

Савдо процессини ташкил этиш ва савдо-сотикнинг прогрессив методларини кўллаш учун холи турган бинолар анча қулай. Бу типдаги бинолар товарларни тайёрлаш, саклаш, сотиш учун зарур ҳамда бошқа биноларни савдо жараёнининг изчилигига мос равища тўғри жойлаштириш, комплекс механизацияни таъминлаш имконини беради. Жиҳоз ва товарларни савдо залларига рационал жойлаштириш хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнати учун нормал шароит яратади.

Шаҳарларда ва кишлоқ жойларида кўпчилик магазинлар маҳсус холи турган биноларга жойлашган бўлиб, улар капитал ва енгил қурилган типларга бўлинади. Биринчи группага холи қурилган биноларни эгалловчи чакана савдо корхоналари, иккинчи группага эса майдада чакана савдо корхоналари (дўкон, палатка ва павильонлар) киради.

Маҳсус савдо иншоотлари орасида қурилиш материаллари ва хўжалик товарлари билан савдо қилувчи магазин-складлар алоҳида ўрин тутади. Улар комплекс иншоотлардан – айвонлар, савдо майдончалари бўлган товар ҳовлиси, темир йўл учун кириш йўлидан иборат бўлади.

Аҳолига комплекс хизмат кўрсатишни қурилиш ва эксплуатация кийматини бир йўла пасайтирган ҳолда уюштириш истаги хизмат кўрсатиш

59

корхоналаридан бир нечасини битта бинога жойлаштириш фикрини туғдирди.

Бундай бинолар «қўшма бинолар» деган ном олган.

Ажралган ва кооперацияланган корхоналар бинолари фарқ қилинади. Биринчи бинога ҳар бири алоҳида ташкилот ва тамом мустақил корхоналардан бир нечтаси жойлаштирилиши мумкин.

Бундай биноларда профили турлича бўлган бир нечта корхона – умумий овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш корхонаси, масалан, озиқ-овқат магазини ва ошхона, саноат товарлари магазини билан ремонт устахонаси ва бошқалар кооперацияланиши, бунда хўжалик ҳовлиси ва ёрдамчи-техник хоналар барча корхоналар учун умумий бўлиши мумкин.

Қўшма бинолар қуриш харажати холи турган бинолар қуриш харажатларидан анча камдир. Бунда қурилиш маблаги сиртки деворлар, фундамент ҳажми, ёпиладиган юзалар, ободонлаш ва ташки коммуникация тармоқларини ўтказиш харажатларини кисқартиш хисобига тежалади.

Кооперацияланган бинолар чакана савдо моддий-техника базасини ривожлантиришда ижобий ҳодисадир.

Чакана савдо корхоналари ва муассасаларини кооперацияланган биноларда жойлаштиришга савдо маркази мисол бўлади. Савдо маркази ўзаро функционал-территориал боғланган савдо хизмати корхоналари комплексидир. Бу, одатда, универмаг ва бошка чакана савдо корхоналари, шунингдек, ресторон ёки кафе, дорихона, пазандалик ва кандолатпазлик маҳсулоти ишлаб чиқарадаган цехлардир.

Савдо маркази ахолига энг қулай комплекс хизмат кўрсатиш, корхона қуриш ва эксплуатация килиш самарадорлигини ошириш ҳамда архитектура-композицион ечимлар учун яхши имкониятлар яратиб беради.

Магазиннинг технологик жараёнини тўғри уюштиришга савдо биноси неча қават экани катта таъсир ўтказади. Савдо бинолари бир, икки ва ундан ортиқ қаватли бўлади. Барча хоналарни бир юзада жойлаштириш, яъни магазиннинг бир қаватли бўлиши энг оптималь вариантдир. Бу вариант харидорлар учун ҳам, бутун савдо жараёнини пухта уюштириш учун ҳам қулай

хисобланади.

Бир қаватли бинолар магазин майдонидан яхши фойдаланиш имконини беради, юпларни юқори олишдан холи қиласи, савдо заллари билан ёрдамчи ва маъмурий-майший хоналар орасида яхши алоқани таъминлайди.

Чакана савдо биноларининг жуда кўпи бир қаватли қилиб қурилади. Бироқ бир қаватли бинолар қуриш катта территория талаб қиласи, бу эса ҳозир ва айниқса келажакда шаҳар ва район марказлари қуриш ишларига номувофиқдир.

Савдо бинолари қайси тур ва типда бўлмасин, уларга савдо технологик жараёнини рационал ташкил этиш юзасидан муайян талаблар кўйилади.

Савдо бинолари асосан товарлар ишлови ва ҳаракати ҳамда харидорларга хизмат кўрсатиш учун энг яхши шароит яратиши лозим. Ҳозирги магазинларнинг тузилишига бир қатор технологик, архитектура-қурилиш, эксплуатацион-техник ва иқтисодий талаблар кўйилади.

**Технологик талаблар:** 1) савдо бинолари кўп меҳнат талаб қиласидан жараёnlарни максимал даражада механизациялаш имконини бериши (поли бир хил юзада ва текис бўлиши) керак;

2) бинонинг тузилиши, унинг ички планлаштирилиши товар профилига мос келиши керак;

3) савдо биносининг формаси ва ҳажми ўз-ўзига хизмат кўрсатишни кенг кўллаш ва қўшимча хизматларни уюштириш учун шароит яратиши керак;

4) савдо залининг конфигурацияси, кириш ва чиқиши эшикларининг жойлаштирилиши харидорлар оқимининг рационал йўналишини, магазиннинг барча майдончаларидан самарали фойдаланишини, савдо технологик жиҳозларни рационал жойлаштиришни таъминлаши керак;

5) аҳоли эҳтиёжининг келгусидаги ўзгаришлари ва фан-техника тараққиёти туфайли содир бўладиган талабларни хисобга олган ҳолда қайта планлаштириш ҳамда технологик жараёnlар ва хизмат кўрсатиш формаларини ўзгаришиш имконини берадиган ҳажм-планлаштириш ва конструктив хуносалар ихчам бўлиши керак. Савдо корхоналарида биринчи навбатда

ёрдамчи-склад хоналари ҳисобига савдо залларини кенгайтириш имкониятлари назарда тутилиши керак;

6) савдо залида иложи борича тиргак ёки устунлар бўлмаслиги, агар бўлса улар орасидаги масофа узоқроқ бўлишини таъминлаш керак;

7) савдо биноларининг конструктив ечимлари кўплаб товарларни яқол кўрсатиб жойлаштириш, савдо-технологик жиҳозларни, кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни автоматлаштириш ва механизациялашни кенг ва самарали қўлланиш учун энг яхши шароитларни таъминлаши керак.

**Архитектура-курилиш талаблари:** 1) савдо бинолари магазин фасадининг архитектура ечимига кўра бошқа бинолардан ажralиб туриши, айни пайтда теварак-атрофда қад кўтарган иморатлар билан уйғунлашиб кетиши керак. Савдо биносининг ўзига хос қиёфасини ифодалашда реклама, савдо витринаси, объектни ёритиш, фасадни безатиш материаллари асосий роль ўйнайди;

2) магазин фасадининг архитектура ечими савдо зали интеръерининг кўча томондан кўзга кўринарли бўлишини таъминлашн, ихчам, ифодали бўлиши керак;

3) бино архитектурасида миллий анъаналар, нақш, мамлакатимиз халқларининг кўп асрлик маданияти ифодаланиши лозим.

Хозирги замон архитектура услубининг хусусиятларидан бири тетик ва функционал эҳтиёж бирлигидан, яъни эстетик жиҳатдан кузатишнинг амалиёт талабларига мос келишидан иборатdir. Шунинг учун замонавий магазинлар харидорларни жалб этиш, кўчаларни безатиш, эстетик тарбияга кўмаклашиш билангина чекланиб қолмай, жуда рационал ва қулай бўлиши ҳам керак;

4) савдо биноларини куришда заводда тайёрланган йигма, енгил, чидамли ва иқтисодий самарадор курилиш конструкцияларини кенг қўлланиш керак;

5) ёзги павильонлар, холи қурилган витриналар, хордик чиқариш скамейкалари кўйилган шийпончалар, фавворали ҳовузлар ва шу каби жажжи архитектура иншоотлари харидор ва бошқа пиёдалар ўтадиган зонадаги қўка камзорлаштирилган територия. қиёфасини очишда муҳим роль ўйнайди.

**Эксплуатацион-техник талаблар:** 1) бинолар ва безак буюмлари анча мустаҳкам, намбоп ва иссиқбоп бўлиши, сейсмик талабларга жавоб бериши керак;

2) савдо бинолари муайян санитария ва ёнғинга қарши нормаларга жавоб бериши, ўтга хийла чидамли бўлиши керак;

3) бинолар сув ва иситиш системаси, вентиляция, кондицияланган ҳаво ҳамда бошқа шу кабилар билан таъминланиши керак.

**Иқтисодий талаблар:** 1) савдо бинолари ҳажм-планлаштириш, конструктив ва архитектура-бадиий тузилиши жиҳатидан тежамли бўлиши керак.

Савдо биноларининг иқтисодий талаблари, одатда капитал кўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичига қараб белгиланади. Бу кўрсаткич, ўз навбатида, килинган харажатлар орқали ифодаланади;

2) ҳажм-планлаштириш, архитектура ва конструктив ечимларнинг тежамлилиги лойиха ечимлари, курилиш муддатини кискартириш ва корхоналарни тезроқ ишга тушириш ҳисобига бир йўла тўланади ва эксплуатацион харажатларни минимумга келтиришни тақозо килади.

Магазин учун жой танлаш, уни жойлаштириш магазин зоналарини, яъни пиёдалар, жумладан, харидорлар, жамоат ва хусусий транспорт ҳамда товар ташиш ва тушириш учун ажратиладиган асосий зоналарни рационал тузиш билан белгиланади.

Харидорлар зonasи пиёдаларни магазин ёнидаги тротуарлар бўйича бемалол юришларини таъминлаши, магазин витриналарини ва холи турган витриналарни кўздан кечириш, магазинга келиш, айrim ҳолларда эса мавсумий майда чакана савдо уюштириш ва харидорларнинг дам олиши учун қулийликлар яратиши керак. Харидорлар зonasи транспорт турадиган жойга туташган бўлиб, оралиқдан транспорт қатнамаслиги керак. Шуни назарда тутиш керакки, автохаридор яқинида автотранспорт турар жойи бор (масофасидан қатъи назар) магазинга боради.

Товар тушириш зonasи кириб келиш йўллари, юк тушириш май

дончалари ва платформалар жойлашган участканинг таркибий қисмидир.

Туар жой бинолари тагига қурилган магазинларнинг товар тушириш зоналари уй ҳовлиларидан ажратилган ҳамда бинонинг дераза ва эшиксиз ён томонида жойлашган бўлиши керак.

### **3.2. Магазин биноларининг асосий хоналари таркиби, уларнинг жойланиши ва ўзаро алоқаси**

Хоналар группалари (зоналар)нинг мавжудлиги ва уларнинг тўғри нисбати магазинларда савдо жараёнини рационал ташкил этишини таъминлайди. Магазиннинг профили ва ҳажми, кўлланиладиган хизмат кўрсатиш методи хоналар таркиби ва уларнинг ҳажмига таъсир қиласи. Планлаштириладиган зоналар таркибida магазиннинг савдо бинолари марказий ўрин тутади. Магазиннинг барча хоналарини савдо қилинадиган ва савдо қилинмайдиган икки асосий қисмга бўлиш мумкин. Йирик магазинларда бир неча функционал зоналар (хоналар) ажратилади:

- а) савдо қилинадиган хоналар;
- б) товарлар қабул қилиш, сақлаш ва сотишга тайёрлаш хоналари;
- в) ходимлар учун маъмурий ва майший хоналар;
- г) техник хизмати хоналари.

1. Савдо қилинадиган хоналар магазиннинг асосий функционал юмуши (нагрузка)ни бажаради, харидорларга хизмат кўрсатиш даражаси, шунингдек, магазиннинг иқтисодкӣ кўрсаткичлари (товар айланмаси, фойда) ўша хоналар ҳажми, формаси ва мутаносиблигига боғликдир. Бунга савдо заллари, шунингдек, харидорларга кўшимча хизмат (газмол бичиш бўлимлари, тайёр кийимни қоматбоп этиб тузатадиган устахоналар, янги товарлар намойиш қилиш зали, хизмат кўрсатиш бюоролари, сақлаш камераси, рўзгор асбобларини ремонт қилиш) хоналари киради. Савдо хоналарининг жойлашуви харид қилиш учун энг кам вақт сарфлашни, зарур товарни энг яқин йўлдан бориб танлаш, савдо залида мўлжал олиш қулай бўлишини таъминлаши лозим.

2. Товар қабул қилиш, сақлаш ва сотишга тайёрлаш хоналари – қабул

хоналари, омборхоналар ва юк тушириш хоналари дидир.

Бу хоналарнинг таркиби ва майдони аввало магазин ҳажмига, технологик жараён ва товарларнинг физик-химик хусусиятларига караб белгиланади.

3. Магазинларнинг маъмурий-маишӣ хоналари жумласига конторалар, директор кабинети, ходимлар фойдаланадиган ошхона ва буфетлар, қизил бурчак, соғлиқни сақлаш пункти, аёлларнинг шахсий гигиена хоналари кабилар киради.

Хизматдаги ходимларнинг иш шароити ҳақида бино лойиҳаси пайтидаёк ўйлаш керак, чунки меҳнат унумдорлиги ва харидорларга хизмат кўрсатиш маданияти шунга боғлик бўлади.

Йирик магазинларда кўп одам, асосан аёллар ишлайди. Уларнинг тахминан ярмиси сотувчилар бўлиб, кун бўйи оёқда тик туриб ишлайдилар. Тушлик овқат вактида уларнинг яхши дам олишларини ташкил қилиш жуда муҳимдир.

4. Замонавий магазинларнинг бинолари инженер-техник жиҳатдан юқори даражада қуролланган бўлиши керак. Тара, инвентарь, ўраш-жойлаш материаллари сақланадиган хоналар, машина бўлимлари, вентиляция камералари, радиоузел кабилар техник хоналар жумласига киради.

Савдо майдони ва товар ассортименти қанчалик катта ва кўп бўлса, бинолар сони ва уларнинг ҳажми шунчалик кўп ва кенг бўлади.

Чакана товар айланмаси ҳажми катта бўлмаган кўпгина магазинларида бинолар сони йирик магазинлардагига нисбатан оз – савдо зали, товар қабул қилиш, сақлаш ва сотишга тайёрлаш хоналари, директор кабинети ва айрим техник хоналардан иборатдир.

Магазиннинг айрим хоналар таркиби ва ҳажми, уларни жойлаштириш қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланади. Айрим хоналарнинг жойлашуви ва ўзаро алоқаси умуман магазинни планлаштиришни белгилаб беради. Магазин ички биноларининг жойлашуви функционал йўналиш ва биноларда ўтадиган савдо-технологик жараёнлар хусусиятига караб белгиланади.

Савдо-технологик процесснинг ҳар бир боскичига биноларнинг функционал группаси ёки зона мос келади. Бу группа ва зона биргаликда ҳамда ўзаро алоқада магазинни технологик планланировкасини ташкил этади. Магазинни планланировкасини товар танлаш ва харид қилишда харидорларга энг кўп қулайликлар яратишни, магазинга товар етказиб берувчидан тараҷиҳозлар учун тўппа-тўғри технологик линияларни жорий қилишни, магазин ходимлари учун нормал иш шароити яратишни таъминлаши керак.

Магазинда савдо-технологик жараённи рационал уюштиришни таъминлайдиган тўғри технологик планлаштиришни ташкил этиш муаммоси муайян даражада мураккабdir. Тажриба кўпгина магазинларда айрим хоналарнинг таркиби ва ҳажми СНиП нормаларидан анча фарқ қилишини кўрсатади. Айрим магазинларда ёрдамчи хоналар савдо майдонлари эгаллаганча жойни эгаллайди.

Тара-жиҳозларни ташиш ва сотишнинг прогрессив методларини ҳамма жойда жорий қилиш магазин биноларининг ҳажм-планлаштириш ечимларини тубдан ўзгартириш учун шароит яратади. Товар қабул қилиш, сақлаш ва сотишга тайёрлаш билан банд бўлаётган катта-катта хоналар тугаб, бошка ёрдамчи хоналар камаяди.

Хозир магазинларнинг умумий майдонидан савдо учун ажратиладиган майдон ўрта ҳисобда 65% ни, шу жумладан, озиқ-овқат магазинларида 62%, универмагларда эса 65% ни ташкил этади.

Магазин бинолари формасини ўзгартиришга катта эътибор бериш керак. Бунинг учун магазин майдонини қайта тақсимлаш имконини берадиган (катта харажатсиз) енгил девор-тўсиклар яратиш ва уни курилиш индустрясига жорий қилиш зарур.

Магазин хоналари ўртасида муайян функционал алоқадорлик бўлиши керак. Технологик жараён кам меҳнат сарфланиб давом этиши учун бу алоқадорлик назарда тутилмоғи лозим. Битта функционал группани ҳосил киладиган хоналар ягона блокни ташкил этмоғи керак.

Товарлар юк тушириш платформасидан қабул қилиш бўлимига келиб

тушади. Товар ҳаракати йўлини қисқартириш учун қабул қилиш бўлими товар сақлаш хоналари билан энг яқин йўл орқали боғланган бўлиши лозим. Товар қабул қилиш сотиш жараёнига халакит бермаслиги керак. Шунинг учун товарни савдо залида қабул килмасликкина эмас, балки, шунингдек, у орқали ташимаслик ҳам керак.

Товарлар қабул қилиш бўлимидан сақлаш хоналарига ёки сотишга тайёрлаш хоналарига жўнатилади. Товарларнинг бир қисми эса оралиқдаги сақлаш ва сотишга тайёрлаш жараёнларини четлаб ўтади. Бу товарлар юк тушириш платформаларидан қабул қилиш пунктларига келиб тушади ва савдо залига жўнатилади.

Товар сақлаш жараёни товарни қабул қилиш ва сотишга тайёрлаш жараёни билан технологик жиҳатдан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун товар сақлаш хоналари товар қабул қилиш хонаси ва савдо зали яқинида бўлиши керак.

Магазинда товар сақлашнинг энг рационал усули уни ягона хонада сақлашдир, чунки бунда йўлаклар ҳисобига майдон тежалади ва ички транспортдан фойдаланиш мумкин бўлади.

Ўзига хос физик-химик ҳусусияти туфайли алоҳида шароит талаб этадиган товарларнинг ажратилган хоналарда сақлаш рухсат этилади. Бироқ склад хоналари ўртасидаги тўсиклар технология ўзгарганда кайтадан планлаштириш мумкин бўлсин учун иложи борича суриладиган бўлиши керак.

Йирик магазинларда товарлар сотишга алоҳида хоналарда кичик магазинларда эса товар сақлаш хоналарида тайёрланади.

Савдо залининг ички тузилиши товар ва харидорлар оқими ҳаракатига кўмаклашиши, шунинг учун кўзга яққол ташланиб туриши лозим.

Магазиннинг айрим хоналарини тўғри жойлаштириш товар ҳаракати йўлини қисқартиришни таъминлайди ҳамда сотиш зonasи билан бошқа хоналар зonasи ўртасида кесишишлар бўлмайди. Шунинг учун магазин биноларини планлаштиришда (ҳозирги замон савдо технологиясини жорий қилишни ҳисобга олган холда) куйидаги асосий талабларга риоя қилиш зарур:

савдо заллари товарни сотишга тайёрлаш хоналари, товар саклаш хоналари билан технологик жиҳатдан боғланган бўлиши ҳамда зарур ҳолларда бошқа хоналардан ажратиладиган қилиб жойлаштирилиши лозим;

товар саклаш хоналари қатнаш-ўтиш жойи бўлмаслиги керак;

товар қабул қилиш бўлими иложи борича товар саклаш хоналарига яқин жойлаштирилиши керак;

маъмурий-маиший хоналар алоҳида блокка жойланмоғи лозим.

Магазиндаги технологик жараёнлар магазин ҳажми, тузилиши ва ички планланиши савдонинг ҳозирги замон талабларига ҳамда харидорга хизмат кўрсатишнинг юқори сифатига мос бўлсагина етарли даражада уюштирилиши мумкин. Бинобарин, магазиннинг тузилиши, хоналарининг планланиши ва уларда кечадиган технологик жараёнлар ўзаро бевосита алоқадор, бир-бируни тақозо қиласди.

### **3.3. Магазинларнинг савдо залларини технологик планировкаси**

Магазинлarda технологик жараённи тўғри ташкил этиш ва улар ишининг юқори иқтисодий самарадорлигига зришишда магазин савдо залини рационал планлаштириш ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Савдо залини планлаштириш харидорларга товарларни энг кам вақт сарфлаган ҳолда харид қилиш учун яхши шароит яратиш, товарларнинг сотилиши ва бутлиги устидан хизмат кўрсатувчи ходимлар назоратини ўрнатиш, савдо процессини рационал ташкил этишга имкон бериши керак.

Савдо залининг ҳажми, формаси ва пропорциясини, жиҳозларни ўрнатиш, товар сотишнинг прогрессив методларини кўллаш ва харидорларга кўшимча хизмат кўрсатиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танлаш зарур.

Квадратга яқин, яъни бўйи ва эни (кенглиги)нинг нисбати 1:1 га teng бўлган конфигурацияли савдо заллари маблағларни рационал планлаштириш ечимини танлашда кўпроқ қўл келади; амалдаги курилиш нормалари ва қоидаларида савдо заллари конфигурациясининг томонлар нисбати 1:2, турар жой биноларининг биринчи қаватидаги магазинларни жиҳозлашда эса 1:3

бўлишига рухсат этилади.

Жиҳозларни жой-жойига қўйиш технологик планлаштиришнинг муҳим элементиdir. Савдо залини планлаштириш савдо жиҳозларини рационал жойлаштириш учун шароит яратishi керак. Савдо залида товар жойлаштириш зоналарини планлаштиришнинг қуйидаги турлари фарқланади: 1) тизмали, 2) оролсимон, 3) кўргазмали, 4) боксли, 5) эркин, 6) комбинацияланган.

Жиҳозларни тизмали узунасига жойлаштириш энг рационал усул хисобланади. Бундай планлаштиришда жиҳозлар девор бўйлаб ёки савдо залининг бутун майдонига параллел тизмалар тарзида жойлаштирилади.

Жиҳозларни тизиб жойлаштириш қуйидагича имкониятлар яратади:

харидорлар тўғри йўналишда юрадилар, тизмалар узунлигини ўзгаришиш йўли билан харидорларнинг савдо зали участкаларида тўпланишини тартибга солиш мумкин;

савдо майдонидан янада рационал фойдаланиш;

савдо залининг якъол кўринишини таъминлаш;

магазин ичидағи реклама ва информация воситаларидан янада самарали фойдаланиш.

Жиҳозларни тизмали жойлаштириш узунасига, кўндаланг, аралаш ҳолда бўлиши мумкин.

Эни 7 дан 12 метргача бўлган конфигурацияси тўғри бурчакли савдо залларида жиҳозларни узунасига тизиб жойлаштириш мақсадга мувофиқдир, эни 13 метрдан 24 метргача бўлган савдо залларида эса жиҳозларни кўндаланг жойлаштириш кўпроқ самара беради.

Савдо залининг эни 24 метрдан ортиқ бўлган магазинларда жиҳозларни узунасига тизмали ва кўндаланг тизмали қилиб аралаш жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Оролсимон жойлаштирилган товарлар чизиги узун бўлиши, бирор 20 метрдан ошмаслиги керак. Жуда узун бўлса магазинда харидорлар оқими кўпайиб кетиб, савдо залидаги ҳаракат кийинлашади.

Оролсимон планлаштиришда жиҳозлар айрим оролчалар кўринишида,

савдо залига, кўпинча, зал ўртасига ўрнатилади. Бундай планлаштиришнинг афзалиги шундаки, жиҳозлар хийла чўзиқ жойни эгаллади, лекин товарларни кўрсатиб қўйиладиган жойига элтишни қийинлаштиради. Бундай планлаштириш товарларни прилавка орқали анъанавий формада сотишда дам, ўз-ўзига хизмат кўрсатишда ҳам қўлланилади.

Кўргазмали планлаштириш товарларни намуналари бўйича сотишни ташкил этиш учун характерлидир. Бунда бутун савдо зални функционал ва ишлаб чиқариш аломатларига қараб группаланган намуналар кўргазмасига айланади. Айрим товарлар кўргазмаси турар жой, идора, кутубхона интерьери кўринишида тузилиши мумкин ва ҳоказо.

Боксли жойлаштириш жиҳозларни алоҳида бўлим (бокс)ларда жойлаштиришдан иборат. Боксли планлаштириш ўз-ўзига хизмат кўрсатиш универмагларида қўлланилади, бунда моддий жавобгарлик бутун бригада зиммасида бўлади, аммо бундай планлаштириш муҳим камчиликларга эга: бокслар кўп майдонни эгаллаб, харидор оқимини ташкил килишини мураккаблаштиради. Мамлакатимиздаги кўпгина универмаглар ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўтища дастлаб планлаштиришнинг шу системасини қўлладилар, кейинчалик бирмунча прогрессив тизмали планлаштириш системасига ўтдиilar.

Жиҳозларни боксли жойлаштириш, одатда, тавсия килинмайди. Ундан истисно холларда, яъни савдо залининг конфигурацияси жиҳозларни тизмали жойлаштиришга имкон бермагандагина фойдаланиш мумкин. Махсус ажратилиши талаб килинадиган айрим специфик товарларни, масалан, қимматбаҳо буюмларни сотишда бокслар ажратишига рухсат берилади.

Эркин планлаштириш жиҳозларни геометрик системаларсиз эркин равиша жойлаштиришдан иборатdir. Эркин планлаштириш, асосан, савдо зални ногўғри планлаштирилган холларда қўлланилади.

Товарлар ассортименти универсал ҳамда савдо хоналари мураккаб конфигурацияли бўлган йирик магазинларда планлаштиришнинг комбинацияланган турли методлари қўлланилади.

Савдо залларини планлаштириш антропометрик ва эргонометрик

талаблар ҳисобга олинган ҳолда ўтказилиши керак. Эргонометрик талаблар жиҳозларни ишлатишнинг қулайлигини, психофизиологик ва техник омиллар нисбатининг оптимальлигини характерлайди. Бу талаблар жумласига кишининг физиологик имкониятларини, қўриш қобилияти хусусиятларини, рангдан функционал фойдаланишни, зарур меҳнат ҳаракатлари кишининг физиологик ва анатомик имкониятларига мос келишини ҳисобга олиш ҳам киради.

Эргономиканинг мақсади – контролёр-кассир ва савдо залидаги бошқа ходимларнинг ишлаши учун оптимал шароит юратишдан иборатdir. Бунда ходимлар меҳнатининг унумли ва хавфсиз, ўзлари саломат ҳамда ишчан бўлишлари кўзда тутилади.

Иш жойи – мудайян майдонда (меҳнат содир бўладиган, ўзаро функционал алоқадор технология элементлари, технологик жараённи амалга ошириш учун зарур инструмент ва мосламалар жойлашган зонада) жойлашишdir.

Иш жойи кишининг антропометрик сифатлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилиши зарур.

Ходимни иш жойига қўйишда антропометрик талабларни (реализация қилинадиган товарлар хусусияти ва уларга харидорлар эҳтиёжи характеристи ҳамда иш жойини ихтисослаштиришни ҳисобга олган ҳолда) тўла ҳисобга олиш ходимларни иш вақтида майдонни ортиқча кесиб ўтишлардан, ўгирилиш ва хатлашлардан куткаради, савдода меҳнат шароитини яхшилаш ва унинг унумдорлигини ошириш имконини беради.

Савдо заллари, одатда, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методлари ривожини ҳисобга олган ҳолда планлаштирилиши лозим. Бу савдо залини планлаштириш ва қуришга алоҳида талаблар қўяди.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиладиган магазиннинг савдо залини технологик планлаштириш қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

кўздан кечириш, танлаш ва товарлар учун ҳисоб-китоб килишда харидорларга максимал кулайликлар яратиш;

товарларнинг асосий кўпчилигини ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методида сотиш;

товарларни кўрсатиб жойлаштиришда савдо зали майдонидан максимал фойдаланиш;

харидорларга зарур товарларни энг қисқа муддатда харид қилиш имконини берадиган шароит яратиш;

товар-материал бойликларнинг бутлиги устидан контрол қилишни таъминлаш;

хизматчи ходимлар меҳнати учун қулайликлар яратиш;

товарларни ёрдамчи хонадон савдо залига ўтказишида энг кам харажат қилиш.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиладиган магазиннинг савдо зали майдони қуидаги зоналарга бўлинади:

- 1) савдо жиҳозлари учун;
- 2) ҳисоб-китоб узеллари учун;
- 3) харидорлар ҳаракати учун;
- 4) товарларни чиқариб қўйиш учун.

Савдо жиҳозлари майдони – савдо жиҳозлари (горкалар, стелажлар, контейнерлар) ўрнатилган барча майдонлар жами бўлиб, ўрнатиш майдони дейилади.

Ҳисоб-китоб узеллари майдони (касса кабиналари) – савдо залидаги ҳисоб-китоб узеллари (касса кабиналари) ўрнатилган барча майдонлар жамидир.

Ҳисоб-китоб узеллари харидорлар савдо залидан чиқишида албатта контролёр-кассир ёнidan ўтадиган ҳамда улар оқими савдо залида тўқнашмайдиган этиб жойлаштирилиши керак.

Ҳисоб-китоб узели ихчам бўлиши ҳамда савдо залининг ҳажми ва конфигурациясига қараб зал майдонининг тахминан 8-10%ини эгаллаши лозим.

Савдо зали конфигурациясига қараб контролёр-кассирларнинг ҳисоб-китоб узелидаги иш жойлари турлича планлаштирилиши мумкин.

Ҳисоб-китобнинг зона узели муайян бўлим, секция харидорларига хизмат кўрсатадиган контролёр-кассирнинг иш жойидир.

Магазиннинг бутун савдо зали учун битта ҳисоб-китоб узели ташкил қилинганда савдо майдонидан энг рационал фойдаланиш таъминланади.

Савдо жиҳозлари орасидаги майдон, шунингдек, кириш ва чиқиш жойларига туташ зона харидорлар ҳаракати майдони дейилади.

Товарли жиҳозлар қаторлари орасидан ўтган магистрал (асосий) ва ёнбош ўтиш жойлари фарқ қилинади. Магистрал ўтиш жойлари, одатда, деворлар бўйлаб жойлаштирилади. Савдо заллари кенг бўлган йирик магазинларда магистрал ўтиш жойлари иккита бўлиши хам мумкин, уларнинг эни харидорлар оқими бемалол ўтиб туришига имкон беради. Бу майдон ҳажми харидорларнинг бемалол ҳаракат қилишларини таъминлаши, майдоннинг ўзи эса умумий савдо майдонининг камида 50-55% ини ташкил этиши керак.

Товарлар чиқарилиб қўйиладиган майдон, яъни кўргазмали майдон мол чиқариб қўйиладиган полка, горка ва бошقا жиҳозлар майдонининг жамидир.

Товар сотишида прогрессив методларни кўллайдиган замонавий магазинларнинг умумий савдо майдонида айрим майдонлар нисбати тахминан қуидагича бўлиши керак (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Магазиннинг умумий савдо майдонида айрим майдонлар нисбати, фоиз ҳисобида

Майдон турлари	Энг кам нисбати	Энг кўп нисбати
Савдо зали майдони	100	100
Шу жумладан:		
савдо жиҳозлари майдони	20	20 — 32
ҳисоб-китоб узеллари майдони	2	3
харидорлар ҳаракат ҳиладиган майдон	50	65 — 70
сотувчилар ишлайдиган майдон	28	2—3

Горкалар, прилавкалар ва контролёр-кассир кабинаси орасидаги ўтиш жойларининг оптималь ҳажми катта аҳамиятга эга.

Амалдаги СНиП да савдо жиҳозлари орасида қолдириладиган энг оз ўтиш

жойлари белгиланган; ўтиш жойларининг эни бир вақтда 2, йирик савдо корхоналарида эса 3 харидор ўта олишига, яъни улар товар танлаётгандаридаги бир-бирларига халақит бермасликларига имкон беради. Кўйида савдо залларидаги ўтиш жойларининг кенглиги келтирилади (3-жадвал):

### 3-жадвал

#### Савдо залларидаги ўтиш жойлари кенглиги

Ўтиш жойлари тури	Энг кам кенглидаги ўтиш жойлари, м хисобида	
	Кишлоқ ахоли пунктларидаги магазинлар	Шахардаги магазинлар
Параллел горкадар ораси	1,2	1,4
Параллел жойлашган вешалка (илгак) лар ораси	1,8	1,8
Контролёр-кассир кабиналари ёки хизмат кўрсатиладиган прилавка билан ўрнатилган горка ораси	2,0	2,8
Контролёр-кассир кабинаси билан унга ёнлама қўйилган горка ораси	1,4	2,2
Контролёр-кассир кабиналари ораси	0,6	0,6
Контролёр-кассир кабинаси, девор, витрина ёки жихозларнинг ишлатилмайдиган томони ораси	1,4	1,4

Жихозларни савдо залида жойлаштириш жараёнида ҳал қилинадиган вазифалардан бири харидорлар оқимининг рационал йўналишини таъминлашdir. Харидорларнинг соат милига қарама-карши йўналишда ҳаракат килишлари энг қулай хисобланади. Бу харидорларнинг товар танлашларини, контролёр-кассирларнинг эса уларга хизмат кўрсатишларини осонлаштиради.

Харидорлар оқимининг рационал йўналишига маълум даражада кириш ва чиқиш жойларининг тўғри жойлаштирилиши орқали эришилади. Кириш ва чиқиш жойларини савдо биноси фасадининг ўнг томонига жойлаштириш яхшироқ бўлади. Савдо зали кўлами 50 метрдан ортиқ бўлганда кириш ва чиқиш жойларининг иккита туташ системасини кўллаш мақсадга мувофиқdir.

Технологик ечимларни, жихозларни жойлаштириш, харидорлар оқими ҳамда тара ва товарларни кўчириш схемаларини лойиҳалашда турар жой ва

жамоат (савдо) биноларининг планлаштириладиган элементлари нормаларини асос қилиб олмоқ лозим.

Харидорларнинг товарларни кўздан кечириши ва танлаши учун энг яхши қулайликлар яратишда, уларни эстетик тарбиялашда магазин интеръерини тузиш ва безаш катта аҳамиятга эга. Савдо залиниңг айрим интеръерлари (деворлар, шиплар, поллар, ёритиш арматуруси, жихозлар)ни безатиш товарларни кўздан кечириш, танлаш ва харид қилишда харидорлар учун оптимал шароит яратиб бериш мақсадига бўйсундирилиши лозим. Шу элементларни гармоник қўшиш йўли билан умумий, ягона бадиий-ифодали ва тугалланган ансамбль яратиш керак.

Интеръер тузиш товарни ажратиб кўрсатиш, унинг хусусиятлари ва истеъмолбоп сифатларини намойиш қилиш вазифасига бўйсундирилган. Савдо залиниңг интеръери содда, ихчам, беҳашам бўлиши, товар учун яхши фон хизматини ўташи лозим.

Ҳозирги вактда мураккаб ва қимматбаҳо архитектура элементлари (огир саватлар, ясама нақшлар) ўз ўрнини силлиқ юзали оддий ва ихчам формали безакларга бўшатиб бермоқда.

Замонавий магазинларни безатишда ранглар муҳим восита хисобланади. Ранг ва безаш материалларини танлашни гигиеник талабларгина эмас, балки у ёки бу товар учун қулай фактура фони яратиш зарурати ҳам такозо этади. Товарнинг ўзи рангдорлик вазифасини ўтаб, бошка рангли участкалар шунга бўйсундирилган интеръер архитектуранинг энг яхши рангли интеръери хисобланади.

Сўнгги вактларгача савдо залларининг поли соф функционал элемент саналар эди. Эндиликда архитектура вазифалари қўйилмоқда ва ҳал қилинмоқда.

Мутахассислар савдо залларининг поли текис ва силлиқ бўлиши ҳамда гигиеник талабларгагина эмас, шунингдек, турғун ва турли хил рангли, ёқимтой фактурали, товушютар бўлиши, яъни эстетик талабларга ҳам жавоб бериши керак, деб хисоблайдилар.

Замонавий магазинларда пол сопол плитка билан қопланади ва ундан ийрик орнамент яратиш мумкин бўлади. Баъзан поллар табиий тошлар, мармара, гранит билан қопланади. Аммо бу поллар совук бўлади ва шовқинни ютмайди. Ҳозир чет элда ва мамлакатимизда поллар юзаси силлик, таранг, ранг-баранг синтетик ёпкичлардан ясалмоқда, улар овоз тўсиих хусусиятига эга.

Ҳозирги савдо залларини безатувчи мутахассислар интеръерлар доим индивидуал равишда образли, ижодий ҳал қилиниши керак, деб ҳисоблайдилар. Чет эл иқтисодчилари олиб борган тадқиқотлар интеръерларнинг харидорда маълум таассурот уйғотадиган унтилмас ечимлари товар айланмасининг ўсишига катта таъсир кўрсатишини тасдиқлайди.

#### **3.4. Магазинларнинг умумтехник қурилмалар характеристикаси**

Замонавий магазинлар электр билан ёритилиши, вентиляция, водопровод, канализация, ёнгинга қарши воситалар каби бошқа умумтехник қурилмалар билан яхши жиҳозланган бўлиши керак.

Магазин хоналарини жиҳозлашга муҳим аҳамият берилади. Магазинларни ёритиш меҳнат гигиенаси талабларига жавоб бериши, иш зоналарини, товар ва витриналарни етарли даражада ёритишни таъминлаши керак.

Магазинни оқилона танланган усулда ёритиш товарларнинг табиий рангини тўғри фаҳмлашга имкон беради, кишиларнинг соғлиғи ва психикасига яхши таъсир кўрсатади, товарларни кўздан кечириш учун яхши шароит яратади.

Табиий ёритиш магазинда қулай санитария-гигиена шароити яратади. Деразаларнинг жойлашуви, сони ва ҳажми савдо зали ни бир текисда ёритиш имконини берадиган бўлиши керак. Табиий ёруғликдан фойдаланилганда дераза майдони билан пол майдони тўғри нисбатда бўлишини таъминлаш зарур. Масалан, савдо залини табиий ёритиш коэффициенти, яъни дераза майдонининг пол майдонига нисбати савдо залида камида 1:8, ёрдамчи хоналарда 1:6 ва маиший хоналарда – 1:8 – 1:10 бўлиши керак.

Табиий ёритишдан ташқари магазинларда сунъий ёритишни ҳам уюштириш керак. Люминесцент ва чўғланма лампочкалардан сунъий ёритиш манбалари сифатида фойдаланилади. У ёки бу турдаги лампочкалардан фойдаланган ҳолда комбинацияланган ёритиш системаси ҳам кўлланилади.

Сунъий ёритишда люминесцент лампочкалар афзалроқ, улар кўзга яхши таъсир кўрсатади, узоқ хизмат қиласи ва арzon тушади.

Сунъий ёритиш аввало савдо залини технологик планлаштириш характеристига мос келиши керак.

Айрим магазинларнинг ўзига хос хусусиятидан катъий назар сунъий ёритишга қўйидаги талаблар қўйилади:

- 1) ёритиш манбалари харидор назаридан имкони борича яширилган бўлиши керак. Бунга ёруғлик манбани беркитадиган турли хил муҳофаза мосламалари – ёғоч, металл ва бошқа нарсалардан ясалган соябонлар, карнизлар, нуртарқатар экранлар ўрнатиш орқали эришилади;
- 2) ёритиш савдо залининг планлаштирилиши ва жойлашувига, девор, шиплар рангига, савдо жиҳозлари хусусияти ва савдо методларига мос келиши керак;
- 3) ёритиш харидорларда товарнинг сифати, янгилиги ҳакида тўғри таассурот ҳосил қилиши керак;
- 4) ёритиш бир текис табиий ёритишдан ёруғрок бўлиши керак.

Табиий ва сунъий ёритиш нормалари қурилиш нормалари ва қоидалари билан тартибга солиниши ҳамда санитария-гигиена ва физиологик талабларга мос келиши керак.

Ёритилганлик даражаси люксларда белгиланади. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиласидиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинларининг савдо заллари учун ёритиш нормаси люминесцент лампаларда 400 лк, чўғланма лампочкаларда 200 лк белгиланган.

Товарларни чиқариб қўйиш характеристига қараб ёритишнинг турли усуслари кўлланилади. Жиҳозларнинг ётиқ ёки кия юзасига қўйилган товарларни юкоридан ёки ён томондан ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Кейинги пайтларда савдо хоналарини ёритиш учун деворга құшиб курилған ёритиш асбоблари, нурланиб турувчи панель ва шиплар, шунингдек, осма шиплар кенг қўлланилмоқда. Бу хоналарни бир текис ёритиш имконини беради ва кишининг меҳнат қобилиятига яхши таъсир кўрсатади.

Иситиш системаси магазинлардаги меҳнат шароити ва температура режими даражасига хийла таъсир кўрсатади. Магазин хоналарини иситиша сув, буғ, иссиқ ҳаво билан ишлайдиган марказий иситиш системаси ва печлар қўлланилади.

Температура режими магазин хоналари нимага мўлжалланганлигига ва сақланадиган товарлар характеристига караб белгиланади. Магазин хоналаридаги оптималь ҳарорат ўрта ҳисобда 18°C ҳисбландади.

Магазин хоналаридаги ҳарорат, ҳаво намлиги ва тозалиги, вентиляция ва ҳаво кондициялаш ёрдамида тартибга солинади. Улар ходимлар меҳнати учун санитария-гигиена шароити, харидорлар учун эса қулайлик туғдириш, товар асрарни таъминлайдиган нормал мухит яратиш мақсадида қўлланилади.

Магазинлардаги вентиляция табиий ва сунъий бўлиши мумкин. Ҳар қайси магазинда форточкалар ва очиладиган фрамугалар ҳамда хонани табиий шамоллатишнинг бошқа курилмалари кўзда тутилади.

Йирик магазинларда табиий вентиляциядан ташкари олувчи (приточная), чиқарувчи (внтяжная) ва олувчи-чиқарувчи (проточно-внтяжная) сунъий вентиляцияларни ҳам қўллаш керак.

Кондициялаш хоналарда муайян ҳарорат ва ҳаво намлигини саклашнинг энг самарали воситасидир.

Замонавий автоматик кондицион курилмалар ҳавони тозалайди, йил фаслига қараб ҳавони иситади ёки қуритади, хоналарга муайян тезлиқда ҳаво юбориб туради. Ҳавони кондициялаш чакана савдо корхоналарида тобора кенг қўлланилмоқда.

Лойиҳалаш нормаларига кўра ҳамма магазинлар сув ва канализация билан таъминланган бўлиши керак. Сув таъминоти магазинларнинг хўжалик ва ёнғинга қарши мақсадлар учун фойдаланиладиган ва чучук сувга эҳтиёжини

қондириши керак. Сув таъминоти марказлашган ва марказлашмаган бўлиши мумкин. Марказлашган сув таъминотида сув умумий фойдаланишдаги трубопровод орқали, марказлашмаган сув таъминотида сув маҳаллий манбалар (ховуз, кудук ва булоқлар)дан келади.

Оқава сувларни оқизиб юбориш учун барча магазинларда канализация иншоотлари бўлиши керак.

Магазинларда ёнғинга қарши қурилмалар – сув резервуарлари, ёнғин нарвонлари (кўп қаватли биноларда), ёнғинга қарши автоматика ва сигнализация воситалари бўлиши керак.

### 3.5. Магазин хоналари майдонини аниқлаш

Магазин майдонини аниқлаш методикаси бино ҳар бир қисми майдонини қуидагича изчиллик билан ҳисоб-китоб қилишни ўз ичига бўлади:

савдо зали;

харидорларга кўшимча хизмат кўрсатиш хоналари; товар қабул қилиш, саклаш ва сотишга тайёрлаш хоналари;

маммурий-маший хоналар; техник хоналар; коридорлар ва ўтиш жойлари.

Савдо зали майдонини ва кўшимча хизмат кўрсатиш майдонини ўз ичига оладиган савдо хоналари магазиннинг асосий майдонлари ҳисбландади.

Савдо зали майдонини товар группаларига қараб яна тақсимлаш шу товарларнинг магазин ассортиментидаги салмоғига мос равища ўтказилади.

Харидорларга кўшимча хизмат кўрсатиш майдони, шунингдек, магазиннинг бошқа хоналари майдони қурилиш нормаларига мувофиқ белгиланади. Бу хоналарнинг майдонини ҳисоб-китоб қилишда савдо заллари майдонининг ҳажми таянч маълумот ҳисбландади.

Товарларни сотишга тайёрлагунча сакланадиган хоналар майдонининг ҳисоб-китоби товар группалари бўйича белгиланган нормалар асосида, лойиҳалаштириладиган магазин савдо зали майдонининг  $10 \text{ m}^2$  ҳисобидан қуидаги формула бўйича юритилади.

$$S_x = \frac{S_c * N}{10}$$

Бунда:  $S_x$  – товарлар сақлаш ва сотишга тайёрлаш хонаси майдони,  $m^2$ ;  $S_c$  – савдо зали майдони,  $m^2$ ;  $N$  – товарларни сақлаш ва сотишга тайёрлаш майдони нормаси,  $m^2$ .

### 3.6. Магазин биноларидан фойдаланиш самарадорлигининг техник-иктисодий кўрсаткичлари

Магазинлардан фойдаланиш самарадорлингининг асосий техник-иктисодий кўрсаткичлари магазин майдонлари тузилиши, товар чиқариб кўйиладиган майдон,  $1 m^2$  савдо майдонига тўғри келадиган товар айланмаси, магазиннинг ишлаш қобилияти, савдо-технологик жараёнларини механизациялаш даражаси, иш режими кабилардан иборатдир.

Майдон тузилиши (структураси) деганда айрим майдонларнинг магазин умумий майдонидаги салмоги тушунилади.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинларида савдо хоналари савдо-технологик жараён хусусиятларига қараб, кўпайтирилиши ва магазин умумий майдонининг 70-80% игача етказилиши мумкин.

Савдо майдонидан фойдаланишнинг самарадорлигини характерлайдиган муҳим кўрсаткичлардан бири ўрнатилган жихозларга товарлар чиқариб кўйиладиган (экспозицион) майдон коэффициентидир.

Ўрнатиш майдони — савдо залининг асосий савдо-технологик жихозлар эгаллаган майдонидир.

Жихозлар бирлиги ўрнатиладиган майдон савдо залидаги жихозлар бирлигининг таги эгаллаб турган майдон тарзида белгиланади. Масалан, ўрнатилган горка тубининг узунлиги 1022 мм, эни 680 мм бўлса, уни ўрнатиш майдони ( $1022 \times 680$ ) 694960 мм ёки  $0,69 m^2$  бўлади.

Магазиннинг ўрнатиш майдони савдо залидаги барча турдаги жихозлар ўрнатиш майдонларининг жами тарзида хисобланади.

Масалан,  $100 m^2$  майдонли савдо залида деворга ўрнатиладиган 20 та

горка, 15 та оролсимон горка, 1 та контролёр-кассир кабинаси ва 1 та харидор столи бор. Савдо залининг ўрнатиш майдони  $30,59 m^2$  ни ташкил этади. Ўрнатиш майдонининг хисоб-китоб намунаси 4-жадвалда келтирилган.

**4- жадвал**

#### Ўрнатиш майдонининг хисоб-китоби

Жихозлар номи	Сони	Жихозлар ҳажми, мм		Жихозлар бирлиги ўрнатила-диган	Ҳамма жихозлар ўрнатиладиган майдон, $m^2$
		Узунлиги	Эни		
Деворга ўрнатилган горкалар	20	1022	680	0,69	12,60
Оролсимон ўрнатилган горкалар	15	1022	1058	1,08	16,20
Контролёр-кассир кабинаси	1	1100	1050	1,15	1,15
Харидорлар учун стол	1	800	800	0,64	0,64
Жами					30,59

Савдо тажрибасида магазинларнинг савдо майдонидан фойдаланишнинг самарадорлиги мезони сифатида ўрнатиш майдонидан фойдаланиш коэффициентидан кенг фойдаланилади ва у қуидаги формула бўйича хисоблаб чиқиласди:

$$K_y = \frac{S_y}{S}$$

Бунда  $K_y$  жихоз ўрнатиш майдонидан фойдаланиш коэффициенти;  $S_y$  – жихоз ўрнатиш майдони,  $m^2$ ;  $S$  – савдо зали майдони.

Юкорида келтирилган мисолда жихоз ўрнатиш майдони  $30 m^2$ , савдо залининг умумий майдони эса  $100 m^2$  ни ташкил этади. Бунда –  $30:100=0,30$  ёки майдоннинг 30 %и савдо жихозлари билан банддир.

Шуни ҳам хисобга олиш керакки, жихоз ўрнатиладиган майдондан фойдаланиш коэффициентининг ҳажми факат технологик ечимларнинг рационаллигига эмас, балки корхона учун зарур савдо-технологик жихозлар турига ҳам боғлиқдир. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинлари учун

коэффициентнинг оптималь ҳажми 0,29-0,32 га тенг, яъни жиҳозлар савдо зали майдонининг камиди 29-32% ини эгаллаши керак.

Товарлар чиқариб қўйиладиган (экспозицион) майдон – савдо залига ўрнатилган жиҳозлар (полкалар, кассеталар, саватлар, перфорацияланган шитлар, панеллар) банд қилиб турган барча юза ва ҳажмлар жамидан иборатдир.

Товар чиқариб қўйиш майдони коэффициенти куйидагича аниқланади:

$$K_g = S_g : S$$

бунда  $K_g$  – товар чиқариб қўйиш майдонининг коэффициенти;  $S_g$  – товар чиқариб қўйиш майдони,  $m^2$ ;  $S$  – савдо зали майдони,  $m^2$ .

Масалан, товар чиқариб қўйиш майдони  $75\ m^2$  ни, савдо залининг майдони эса  $100\ m^2$  ни ташкил этса, бунда  $K_g=0,75$  бўлади.

Аммо, бу кўрсаткич чексиз ўсавермайди, акс ҳолда технологик жараёнларни рационал ташкил этиш қийинлашади, товарларнинг кўзга ташланиши ёмонлашади ва савдо залининг ягона ансамблини яратиш имконияти камаяди. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинлари учун 0,75-0,82 га тенг бўлган коэффициент оптималь хисобланади.

$1\ m^2$  савдо майдонига тўғри келадиган товар айланмаси нормативларини чакана савдо корхоналаридаги мавжуд майдонлардан фойдаланишининг самарадорлигини баҳолаш учун (уларни амалдаги товар айланмаси билан таққослаб) қўлланиш мумкин.

Магазиннинг ишлаш-қобилияти деганда бир иш сменасида у хизмат кўрсатган харидорлар сони тушунилади. Бу кўрсаткични хизмат кўрсатилган харидорлар сонини ялпи ёки кисман хисоблаш йўли билан аниқлаш мумкин.

Магазиннинг иш режими (иш куни давомати ва дам олиш кунлари сони) магазин ишининг самарадорлигига муҳим таъсири кўрсатади. Магазиннинг иш режими сменалилик коэффициенти ( $K_{cm}$ ) ва муттасиллик коэффициенти  $K_y$ (билин) характерланади. Сменалилик коэффициенти куйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{cm} = B_k : B_{cm}$$

бунда  $B_k$  – магазиннинг бир кунлик иш вақти, соат;  $B_{cm}$  – бир сменадаги иш вақти, соат.

Масалан, магазин бир соатлик танаффус билан соат  $7^{00}$ дан  $18^{30}$  гача, яъни 10,5 соат ишлаганда, сменалилик коэффициенти 1,5 (10,5:7) сменага тенг бўлади.

Муттасиллик коэффициенти куйидаги формула билан аниқланади:

$$K_y = D_{ish} : D_k$$

бунда  $D_{ish}$  – магазиннинг ойлик ишлайдиган кунлари сони;  $D_k$  – ойлик иш кунлари сони.

Масалан, магазин дам олиш кунисиз ишлаганда муттасиллик коэффициенти 1,2 (30:24) ни ташкил этади.

Магазин ишининг самарадорлик кўрсаткичларидан яна бири савдо-технологик жараёнларни механизациялаш даражасидир. У механизациялаштириш йўли билан бажарилган ишлар ҳажмининг умумий иш ҳажмига нисбатини кўрсатади ва куйидаги формула билан ҳисобланиши мумкин:

$$Y = P_{mech} : P_{umum}$$

бунда  $P_{mech}$  – механизация йўли билан бажарилган ишлар ҳажми, натурал ўлчов бирликларида;  $P_{umum}$  – шу ўлчов бирлигидаги умумий ишлар ҳажми.

### Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Магазин биноларининг қандай турларини биласиз ва уларга кўйиладиган асосий талаблар тўғрисида гапириб беринг.
2. Магазин биноларининг асосий хоналари таркиби, уларнинг жойланиши ва ўзаро алоқаси тўғрисида тушунча беринг.
3. Магазинларнинг савдо залларини технологик планировкаси тўғрисида гапмриб беринг.
4. Магазинларнинг умумтехник қурилмаларига характеристика беринг.
5. Магазин хоналари майдони қандай аниқланади?
6. Магазин биноларидан фойдаланиш самарадорлиги қандай аниқланади?

## **4-боб. МЕРЧЕНДАЙЗИНГ КОНЦЕПЦИЯСИННИГ УЧИНЧИ ДАРАЖАСИ**

### **4.1. Магазиндаги савдо-технологик жараёнларнинг таркибий қисмлари ва уларни рационал ташкил қилиш тамоиллари**

Чакана савдо корхоналарида савдо-технологик жараён товарнинг магазинга тушишидан бошлаб, то харидорнинг шахсий мулкига айлангунга кадар босиб ўтган ҳаракати йўлида амалга ошириладиган алоҳида операцияларнинг йифгинисидан иборатdir.

Магазиндаги барча савдо-технологик жараён асосий ва ёрдамчи жараёнларга бўлинади. Товарларни сотиш ва харидорларга хўшимча хизмат кўрсатиш асосий жараёнларга киради. Булар савдо тармоҳларининг асосий вазифаларини бажариш билан бевосита боғлиқ бўлган алоҳида операциялардан ташкил топади ва асосан магазиннинг савдо залида амалга оширилади.

Ёрдамчи жараёнларга товарларни кабул қилиб олиш, саклаш, савдога тайёрлаш, уларни магазин ичкарисида ташиш, бўш тараларни кайтариб юбориш ва бошқалар киради.

Ёрдамчи жараёнлар асосий технологик жараёнларни бажариш учун зарурдир. Улар товарларни қабул қилиб олиш, саклаш, сотишга тайёрлаш учун маҳсус ажратилган хоналарда амалга оширилади.

Харидорлар талабини ўрганиш, товар ассортиментини тузиш, реклама ва ахборотларни ташкил қилиш ва хоказолар билан боғлиқ бўлган савдо ишларининг баъзи турларини бажариш магазиндаги савдо-технологик жараённинг муҳим таркибий қисмларидандир.

Асосий ва ёрдамчи жараёнлар ҳамда операциялар маълум изчилликда, бирмунча узлуксиз ва бир йўла бажарилади. Магазинининг катталиги, унинг кўп қаватлилиги, бинонинг ҳажм-планлаш структураси, технологик жараёнларни бажариш учун мўлжалланган майдонларнинг катта-кичиллиги, магазин товарларининг ассортимент структураси савдо-технологик жараённи ташкил қилишдаги муҳим омиллардандир.

Чакана савдо корхоналарининг савдо-технологик жараёнида магазин ходимлари билан харидорлар, товарлар ва асбоб-ускуналар бир-бирига таъсир кўрсатадилар.

Магазинда савдо-технологик жараёнларнинг ташкил қилиниши савдо ходимлари меҳнат самарадорлигининг ўсишига, савдо корхонасининг моддий-техник базасидан рационал фойдаланишга, энг кулаги меҳнат шароитини ва товар-материал бойликларнинг бутунлигини таъминлашга, харидорларга кам вақт сарфлаб, кулаги шароитда товар харид қилиш имконини яратишга ёрдам бериши лозим.

Рационал савдо-технологик жараённинг асосий принциплари куйидагилардир:

савдонинг илгор методларини жорий қилиш ва илмий-техника тараққиётига эришиш;

сермехнат операцияларни механизациялаш ва автоматлаштириш; тара-жихозлардан фойдаланиш билан товар таъминотининг энг қулаги тизимини жорий қилиш;

юк туширилган жойдан магазиннинг савдо залигача юкларни кетма-кет ташиш бориш ҳаракатидаги технологик карта-схемаларни кўллаш асосида технологик операцияларнинг узлуксиз бажарилишини таъминлаш;

меҳнатни илмий ташкил этиш.

### **4.2. Товарларни сотишга тайёрлаш**

Кўпчилик товарлар магазинларга тараларда ўраб-жойланган ҳолда келиб тушади, бу фақат саклаш ва ташиш учун зарурдир. Баъзи товарлар ташиш ва саклаш жараёнида ўзининг дастлабки товарлик кўринишини йўқотади, эзилади, чангланади, баъзи ноозик-овқат товарларни бузилишдан саклаш учун улар химоя мойи билан қопланади.

Товарларни сотишга тайёрлаш магазинда савдо-технологик жараёнларни рационализация қилишда катта аҳамиятга эга бўлиб, товарларни сотишида илгор методларни янада кенгроқ жорий қилишга шароит яратади ва харидорга хизмат

кўрсатишни яхшилаш ҳамда тезлаштиришга ёрдам беради.

Товарларни сотишига тайёрлашга доир умумий операцияларга куйидагилар киради:

*товар солинган идишларни очиши* – товарларни сиртқи тарапаридан бўшатиш. Ўровни очища товар, идиш ва ўров сифатини саклаш муҳим талаблардан биридир;

*товарларни саралаш* – бу товарларни ассортимент кўрсаткичлари, яъни размери, фасони, нави, нархи бўйича, шунингдек, нархига, тамғада кўрсатилган навига, илова қилинган хужжатларнинг преискурантга мос келиши бўйича гурӯхлашдир;

*товарларнинг сифатини яхшилаши* – бунда товарлар чангдан тозаланади, дазмолланади, мойлари артилади, майдо камчиликлари йўқотилади, озиқ-овқат маҳсулотларининг устки қатламидаги

учун ўнгайроқ дозаларда килиб тортиб тайёрлаш ва гастрономия товарларини кесиб қўйниш;

*тамгалаши* – товарга товар белгилари, яъни артикул, нави, размери ва нархи кўрсатилган товарлик ёрлигини бириттириш. Товарга ёрликлар биркитилади, осилади, тикиб қўйилади. Ёрлиқнинг орқа томонига баҳосининг тўғрилигини тасдиқлаб, магазин мудири имзо қўяди;

*қадоқлаши ва дастлабки кесиб қўйиши* – товарларни харидорлар учун ўнгайроқ дозаларда килиб тортиб тайёрлаш ва гастрономия товарларини кесиб қўйиши;

*товарларни савдо залига чиқариб ёйиш учун тайёрлаши* – маҳсус тарапларга (потоклар, саватлар, яшиклар, аравачаларга) тахлаш, маҳсус тахтачаларга ёйиш (газламалар, тўрлар), кисмларга бўлиб келтирилган товарларни йиғиши;

*совғабоп наборларни бутлаши* – сервизлар, совғалар, гарнитурлар.

Унча катта бўлмаган магазинларда товарларни магазин сотувчилари харидорларга хизмат қилишдан бўш пайтларида сотишига тайёрлайдилар. Товарларни сотишига тайёрлаш маҳсус мўлжалланган (ўров очиладиган, қадоқланадиган, чопиладиган, йиғишига, дазмолашга ва кичик ремонтга доир

устаҳоналарда) ва зарур асбоб-ускуна ҳамда жиҳозлар ёрдамида тайёрланади.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиладиган магазинларда товарлар харидорларнинг товарларни мустакил танлашлари хисобга олинган ҳолда сотишига тайёрланади. Товарларни сотишига тайёрлайдиган хоналарда кўчма кассеталар, катаклар тўлдириб қўйилади, сурма жавонлар, стеллажлар, аравачалар тўлғазиб қўйилади; тайёр кийимлар батамом тайёр кўринишида сурма вешалкалар, штангларга осиб қўйилади. Газламалардан олдиндан юбкалик, кўйлаклик, костюмлик, шимлик, пиждаклик, нимчаликлар тайёрлаб қўйилади. Ҳар бир кийимликка узунлиги, кенглиги, кийимлик нархи кўрсатилган ёрлик осиб қўйилади.

Озиқ-овқат товарлари сотиш вактига, харидорлар оқимининг интененошлигига, товарларнинг харид қилиниш тезлигига, сифатига, нархига қараб дозаларда қадоқланади. Қадоқланадиган товарларнинг дозаланадиган миқдорлари харидор талабига мос тушиши зарур.

Қадоқлан учун қофозли, цеплофанли, полиэтиленли пакетлар ва халтачалар, капронли тўрлар, шиша банкалар, қофоз стаканчалар ишлатилади. Товарларни сотишига тайёрлаш ва уларни савдо эалига ўтказишида хизмат зонасида товарлар зонасининг мавжудлиги, ҳар кунги сотиладиган товар ҳажми, айрим товарларни дастлабки сотиши зарурлигини хисобга олиш лозим.

#### 4.3. Товарларни савдо залига жойлаштириш

Товарларнинг жойлашуви товар группалари ва группачалари бўйича уларнинг хусусиятларини хисобга олган ҳолда савдо залига кетма-кет жойлаштирилишини белгилашдан иборатdir.

Товар айланмасининг ҳажми ва структуралари, харидор талабининг характеристи савдо залида товарларни жойлаштириш учун асос хисобланади.

Магазиннинг савдо залида товарлар ассортименти куйидаги этаплар бўйича жойлаштирилади:

савдо зали майдонини товарларнинг алоҳида группалари бўйича тақсимлаш;

товарларнинг группалар ва группачаларга бўлиб кетма-кет жойлаштиришини белгилаш;

товарларни групиалар ва группачалар бўйича жойлаштиришнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш.

Айрим товарларни жойлаштириш учун ажратиладиган савдо зали майдонининг катталиги харидорларнинг товарларни кўздан кёчириш ва танлашга сарфланадиган вақти, харид қилинган товарларнинг габари ва миқдори билан аникланади. Бу омилларнинг баъзи товарларни сотиш учун савдо зали майдонининг ҳажмига таъсири 1 кв. м. савдо майдонидаги товар айланмаси миқдорининг кўрсаткичидаги ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, баъзи товарларни сотиш учун ажратилган савдо зали майдонининг ҳажмига уларни сотиш миқдори ва магазин савдо зали майдонининг умумий кўлами ҳам таъсири кўрсатади.

Савдо залига баъзи товарлар группасини жойлаштиришда бу товарларни қабул қилиш ҳамда саклаш хоналари билан уларнинг савдо залида турган ўрни орасидаги йўлнинг қисқа бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Магазиннинг савдо залига товарларни жойлаштиришнинг кетма-кетлиги кўп жиҳатдан талабнинг кам-кўплиги билан аникланади. Харидоргир товарларни улар сакланадиган ёки қабул қилиб олинадиган хоналарга якинроқ жойлаштириш тавсия этилади; бу эса савдо залига товарлар запасини тўлдириб туришда магазин ходимларининг сарфлайдиган меҳнатини бирмунча қисқартиради. Харидоргир товарларни савдо залининг ичкарисига жойлаштириш тавсия этилади, бу билан магазинга кириш ва ундан чиқиш эшиги олдида харидорларнинг тўпланиб қолишининг олди олинади.

Орасира талаб қилинадиган товарларни уларнинг сотилишини тезлаштириш мақсадида харидорлар ҳаракати йўналиши бўйлаб ўнг томонга ўрнатилган участкаларга, яъни кулай зонага жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Савдо залида товарни жойлаштиришнинг кетма-кетлигини аниклашда уларнинг габаритлари ва оғирликлари ҳам албатта хисобга олинади. Оғир ва

йирик габаритли товарларни харидорлар ҳаракати йўналишининг охирига ва бу товарлар сақланадиган ҳамда қабул қилиб олинадиган хоналар яқинига жойлаштириш зарур.

Товарларни жойлаштиришда харидорлар ҳаракати йўналиши, уларнинг психологияси, товарларнинг физик-химик хусусиятлари инобатга олиниши керак.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шароитида харидорлар оқими ҳаракатининг асосий қонуниятларидан бири унинг соат стрелкаси ҳаракатига тескари йўналишидир. Бу йўналишининг қулайлиги шундаки, харидорлар инвентарь саватчани чап қўлда ушлаб, ўнг қўл билан товарларни бемалол танлайдилар ва уларни саватчага соладилар.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатишда группа товарлар ва айрим таварлар учун доимий зоналар ажратиб қўйиш савдо залига товарларни тўғри жойлаштиришдаги муҳим шартлардан биридир. Харидорлар товарларни шундай жойлаштиришга кўнинадилар ва савдо залини осонликча мўлжаллай оладилар.

Савдо залига товарларни жойлаштиришдаги яқунловчи этап товарларни группалар ва группачаларига қараб жойлаштиришнинг технологик схемаларини ишлаб чиқишидир.

Савдо залида товарларни жойлаштиришнинг технологик схемасига куйидаги талаблар қўйилади:

харидорларнинг товар группалари жойлашган жойни тезда мўлжаллаб олишлари ва кам вақт сарфлаб, максимал қулайликлар билан харид қилишларини таъминлаш;

барча товарларни илгор методлар билан сотишни ташкил қилишни таъминлаш;

савдо майдонидан унумли фойдаланишга таъсири кўрсатиш;

товарлар ва моддий бойликларни контрол қилиш ва сакланишини таъминлаш;

савдо залида запасларни тўлғазиб турishнинг энг кулай ҳал қилинишини

назарда тутиш.

Савдо залига товарларни жойлаштириш билан бирга товарларни сотишида уларни савдо жиҳозларига ёйиб хўйиш муҳим аҳамиятга эгадир. Товарларни мақсадга мувофиқ қилиб ёйиш жиҳозлардан унумли фойдаланишга имкон беради, харидорлар томонидан товарларни кўздан кечириш ва танлаш шароитини яхшилайди, савдо залида запасларни тўлдириб турувчи савдо ходимининг меҳнат сарфини камайтиради.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методида товарларни мақсадга мувофиқ қилиб очик, ёйиб қўйиб сотиш катта роль ўйнайди. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинларида товарларни уйиб, тахлаб, қаторлаб, осиб, дастлаб ёйиш усуслари кўлланилади. Товарларни уйиб ёйиб қўйиш бирмунча фойдали ҳисобланади, чунки ёйишга меҳнат кам сарфланади ва жиҳозларнинг намойиш қилинадиган майдонидан унумлироқ фойдаланиш имкони яратилади. Тара-жиҳозлар ва контейнерларда товарларни уйиб қўйиш айниқса кулай. Бўндай ёйиш усулидан кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари учун ва бир қатор ноозик-овқат товарлар учун фойдаланиш мумкин.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинларида чиқариб қўйишнинг вертикал (тикка) ва горизонтал (ётик) усуслари кўлланилади. *Вертикал ёйишида* мақур горканинг барча токчаларига бир хил номдаги товарлар вертикал бўйича, яъни тиккасига кўйилади, бу эса товарларнинг кўзга яхши кўринишини ва ёйилган товарларни аникроқ фарқлай олишни таъминлайди.

Бир хил номдаги товарларни горизонтал усуlda ёйиб қўйишда товарлар узунасига ўрнатилган жиҳозларнинг бир ёки икки токчасига узунасига жойлаштирилади. Бу усул йирик габаритли ва кассеталардаги майда товарларни реализация килишда бирмунча фойдали.

Ёйиб қўйишнинг горизонтал усулида қуий токчаларга талаб кучли бўлган товарларни қўйиш тавсия этилади.

Амалда очик ёйиб қўйишнинг аралаш усули кенг кўлланилади. Бунда товарларни горизонтал ва вертикал ёйиш усуслари бирга кўшиб олиб борилади. Бу усусларда жиҳозларга ёйиш майдонидан унумлироқ фойдаланиш ва савдо

залида товарларни кўпроқ жойлаштиришга эришилади.

Жиҳозларга товарларни очик ёйиб қўйишида қуидаги асосий қоидаларни ҳисобга олиш зарур:

товарларни жиҳозларга харидорлар қўли ета оладиган даражада жойлаштириш керак;

савдо залида товарларнинг кўзга кўринарли бўлишини таъминлаш зарур. Одамларда кўз ҳолатининг ўртача баландлиги 1650 мм га тенг эканлиги учун савдо жиҳозларида товарлар энг кулай, яъни 1100 дан 1600 мм гача баландликдаги зонада жойлаштирилади. Шунинг учун энг кулай зонага импульс эҳтиёждаги ва секин оборот бўладиган товарларни жойлаштириш лозим;

ўраш-жойлашда товарлар тўғрисида баён қилинган ахборотнинг яхши кўринишли бўлишини таъминлаш;

барча кўргазма майдонларидан унумли фойдаланишни таъминлаш; товарнинг ва ўраш-жойлашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш; товарларни намойиш қилиш майдонларига очик ёйиб қўйиш доимий бўлиши зарур;

харидорларга товарларни танлаш имкониятини яратиб беришни таъминлаш;

горкаларнинг юкори токчалари, иложи борича вазни енгил бўлган товар билан тўлдирилиши зарур;

майда товарлар сим тўрлар ва горкаларнинг ўрта токчаларига ёйилади; товардаги баҳо белгилари аниқ ва равшан бўлиши лозим.

Магазиннинг савдо залига товарларни жойлаштириш ва очик ёйиб қўйиш ижодий ёндошишни, аниқ шароитларни, савдо залининг катта-кичиклиги ва шаклини, савдо жиҳозларининг турларини, товарларнинг физик-химик хусусиятларини ва бошқаларни ҳисобга олишни талаб қиласди.

#### 4.4. Товарларни сотишнинг илғор усувлари

Магазиндаги технологик жараённинг асоси товар сотиш ва харидорларга

хизмат кўрсатишдир. Савдонинг социал ва иқтисодий самарадорлиги ўсиши кўп жиҳатдан товар сотишда қўлланиладиган методларга боғлиқдир.

Товар сотиши методлари кўплаб усуслар ва йўллар йигиндиси бўлиб, унинг ёрдамида харидорларга хизмат кўрсатиш ҳамда товарлар харид килиш жараёни таъминланади. Чакана савдо практикасида сотишнинг анъянавий методлари – сотовчи ёрдамида пештахта орқали сотиши ва товарлар сотиши методларининг харидорлар учун ниҳоятда ўнгай бўлган илғор методлари ишлатилиди.

Товарлар сотишнинг илғор методларини жорий қилиш муҳим социал вазифани ҳал қилишга, харидорларнинг товарлар харид қилишдаги вақтини қисқартиришга ёрдам беради. Товарлар харид қилишга аҳоли томонидан сарфланадиган вақт бутун мамлакат бўйича ҳар йили тахминан 15 миллион ходимнинг меҳнатига тенг келишини социологлар ҳисоблаb чиқишиган. Бунда ҳар бир оила бир кунда товарлар харид қилиш учун ўртача 1,9 соат сарфлайди. Харидорларга хизмат кўрсатишга сарфланадиган вақтни қисқартириш ижтимоий меҳнатни бирмунча тежаш имконини беради.

Мутахассисларнинг ҳисоблашларига кўра сотишнинг илғор формаларини жорий қилиш натижасида товарларни харид қилишга сарфланадиган вақт икки баравар, баъзи ҳолларда ундан ҳам ортиқ қисқариши.

Шу билан бирга, товарларни сотишнинг илғор методларини жорий қилиш магазинларнинг савдо майдонидан маълум вақт ичida янада унумлироқ фойдаланилишига, меҳнат унумдорлигининг ўсишига ва муомала харажатларининг қисқаришига ёрдам беради.

Хозирги пайтда чакана савдо товар сотишнинг қўйидаги илғор усуслари қўлланилмоқда; товарларни ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи билан сотиши, товарларни намунаси бўйича сотиши, товарларни очик ёйиб қўйиб сотиши, товарларни харидорларнинг буюртмаси бўйича сотиши.

Товарларни ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи билан сотиши, Товарларни сотишнинг бошқа илғор методлари орасида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи етакчи ўринни эгаллайди. Товарларни ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи билан

сотишдаги савдо-технологик жараённинг моҳияти шундаки, бунда харидор савдо залининг деворидаги ва бўлак-бўлак жиҳозларга очик териб қўйилган товарлар ёнига bemalol бориб, уларни мустақил кўздан кечиради ва танлаб олади, харид қилган нарсаларига эса магазиндан чиқиш вақтида ягона ҳисоб-китоб узелида ҳақ тўлайди.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи билан барча озиқ-овқат маҳсулотларини ва деярли кўпчилик ноозик-овқат товарларини сотиши мумкин.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатишида кесиши ва тортишни талаб қиласидан озиқ-овқат маҳсулотларини ўз-ўзига хизмат кўрсатишнинг савдо залида турган якка тартибда хизмат пештахтаси ёнида турган сотовчи сотиши мумкин. Бунда сотиб олинган нарсаларнинг қиймати ягона ҳисоб-китоб узелида тўланиши шарт.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиши товарларни сотиши методи сифатида қўйидаги принципларга асосланган:

савдо залига харидорларнинг чекланмаган ҳолда кириши;

товарларни сотишига олдиндан тўлиқ тайёрлаб қўйиш;

савдо залига очик териб қўйилган товарларни харидорларнинг bemalol кириб қўриши;

харидорлар томонидан товарларни мустақил равишда танлаш ва уларни ҳисоб-китоб қилинадиган ерга олиб келиш;

рекламалар, ахборот кўрсаткичлари ва савдо жиҳозлари ҳамда товарларни жойлаш билан савдо залига харидорлар оқимининг йўналишини ташкил қилиш;

харид қилинган товарларга контролёр-кассирлар хизмат қиласидан ҳисоб-китоб узелларида ҳақ тўлаш.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатишида савдо жараённида сотовчининг роли йўқолмайди, факат ўзгаради, чунки баъзи бир товарларни сотишида сотовчи-консультантларнинг актив иштирок этиши шарт бўлиб қолади. Масалан, мосламалар, тўрлар, тасмаларни ўлчаш ва киркиш ёки фойдаланиш қондлари бўйича консультация бериш, техник жиҳатдан мураккаб товарларнинг чидамлилигини синаш ҳамда сифатини текшириб қўриш ва бошқалар. Шу

билинг бирга сотовчи-консультант харидорлар хохишига кўра доварларни танлаётганда, уларни ўраб-жойлаш ва бошқаларга зарур маслаҳатлар бериши керак.

Хозирги пайтда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ривожланишнинг юксак даражасига етди. Бирок ўз-ўзига хизмат кўрсатишнинг барча имкониятларидан ҳали етарлича фойдаланимаяти. Баъзи ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи магазинларда ишнинг самарадорлиги товарларни сотища анъанавий методларни қўлловчи магазинлардагига нисбатан анча паст. Ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи магазинларда товарлар ассортиментининг чекланганлиги, донали ва қадоқланган товарларнинг етарлича келтирилмаслиги, жиҳозлар ўрнатиладиган савдо майдонларидан етарли даража фойдаланмаслик, савдо залини мақсадга мувофиқ планлаштирумаслик, икки марталаб контрол қилиш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи билан сотиш мумкин бўлган бир қатор товарларни хизмат кўрсатиш пештахталари орқали сотиши ташкил қилиш, зарур ахборот воситаларининг бўлмаслиги ва шу кабилар самарадорликнинг ошишига ҳалакит берувчи сабаблардир. Шунинг учун хозирги даврда ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи магазинларда уларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи савдо-технологик жараёнларни такомиллаштириш мухим аҳамият касб этади.

**Товарларни очиқ жойга ёйиб қўйиб сотиш** – товарларни сотищдаги бу методда сотовчининг иш жойига очиқ териб қўйилган товарларга харидорлар бемалол кира оладилар, мустакил танишдилар ва керак буюмларни сотовчининг маслаҳати ва ёрдами билан танлаб оладилар, танлаб олинган товарларга ҳақни эса товар ўраб-жойлаб бериладиган стол олдида ёки сотовчининг иш жойида тўлайдилар.

Бу метод билан танлаб олишда сотовчининг қатнашиши талаб килинадиган товарлар сотилади. Чунки маҳсулотларни тарозида тортиш ва кесиш, унинг харакатини текшириш, фойдаланиш ҳақида консультациялар бериш учун сотовчининг бўлиши зарур.

Товарларни очиқ жойга ёйиб қўйиб сотища ўз-ўзига хизмат кўрсатишдагига ўхшаш савдо залига товарлар сотиш учун тўлиқ тайёрланган

холда тушади. Сотовчининг иш ўрнида товарлар пештахталардаги кассеталарга тахланади ёки девордаги ва бўлак-бўлак жиҳозлардаги горкалар, этажеркалар, тўрлар, илгаклар, кронштейнлар ва бошхаларга осиб қўйилади.

Товарлар танлаб олингандан кейин, агар лозим бўлса, сотовчи иш ўрни ёки ўраш-жойлаш столида ўраб берилади. Харидор шу ернинг ўзида харид қилган нарсаларининг ҳақини тўлайди.

**Товарларнинг намуналарини кўрсатиб сотиш.** Бу методда **товарлар** реализация қилинганда харидор савдо залига қўйилган намуналарга караб ўзига керакли товарларни мустақил равишда ёки сотовчи ёрдамида танлайди ва харид қилинган буюмнинг ҳақини тўлагандан кейин тегишли товарни бевосита магазиндан олади.

Чакана савдо корхбналарида мебеллар, телевизорлар, радиоприёмниклар, музика асбоблари, қизитувчи, иситувчи ва ёритувчи йирик габаритли асбоблар, майший холодильниклари, кир ювиш ва тиқувчилик машиналари, мотоцикллар, мотороллёрлар, велосипедлар, мопедлар, хўжаликка мўлжалланган йирик габаритли товарларнинг намуналари кўрсатиб сотилади.

Бу методда савдо залига барча мавжуд товарларнинг ҳар бирининг намуналари териб қўйилади. Харидорлар керакли буюмларни мустақил кўздан кечирадилар ва танлайдилар. Харидорларнинг истагига кўра сотовчилар товарни танлашда уларга ёрдамлашадилар, улар кизикаётган буюмнинг хусусиятларини тушунирадилар ва бу буюмларни ишлатиб кўрсатадилар. Газламалар ва майда буюмлар магазиннинг ўзида берилади. Кўпчилик магазинларда намуналари бўйича танланган ва пули тўланган йирик габаритли товарларни савдо базасининг складларидан ёки саноат корхонасидан харидорларнинг уйига элтиб берилади.

Товарларнинг намуналарини кўрсатиб сотиш методи харидорлар учун қулай бўлиб, товар билан ҳар томонлама танишишга имкон беради ва уни уйга олиб келишни енгиллаштиради.

**Товарни олдиндан берилган буюртма бўйича сотиш** – бу методда харидор магазинда мавжуд бўлган товарга ёзма равища ёки телефон орқали

буортма беради ва маълум вактдан кейик буортма берилган товарни магазиндан олади ёки у уйга элтиб берилади. Товарларнинг қиймати ва кўрсатилган хизматга олдиндан ёки товарни олган пайтда ҳақ тўланади. Бу метод билан барча озиқ-овқат маҳсулотлари ва мураккаб ассортиментдаги ноозик-овқат товарларни сотиш мумкин.

Буортмалар магазинларниг буортма бўлимларида саноат корхоналари, курилишлари, муассасалар, автомагазинлар ва бошқа жойларда ташкил қилинадиган маҳсус пунктларда қабул қилинади.

Буортма бўлимлари (столлари) йирик уриверсал озиқ-овқат магазинларида ташкил қилинади. Улар тўпланган буортмаларни сақлаш учун девор олди катак-катак стеллажлар, тез бузиладиган маҳсулотларнинг комплектини сақлаш учун хододильник, шкафлар, уларни тўплаш ва бериш учун маҳсус пештахталар билан жиҳозланади. Бажариладиган буортмалар кўпинча харидорларга уларнинг нархини олдиндан тўламасдан берилади. Транспорт мавжуд бўлган ҳолларда буортмалар харидорнинг уйига ёки иш жойига элтиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда буортма берилган товарларнинг нархи ва уни элтиб бериш қийматини магазин кассасига олдиндан тўлаш мумкин.

Буортмалар бўйича товарлар сотиш методининг истиқболи порлок, чунки ахоли учун муҳим қулийликлар яратади ва товарлар сотишнинг ўсишига таъсир кўрсатади. Товарларни сотишда илгор методларни жорий қилиш билан бирга уларнинг социал ва иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Энг юқори социал самараға эришиш савдонинг бош вазифаларидандир.

Товарларни сотишда қўлланиладиган илгор методларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашада икки метод орқали: магазинларнинг товарларни сотишда илгор методларга ўтишдан олдин ва ўтгандан кейинги иш кўрсаткичларини анализ қилиш ва таққослаш йўли билан; илгор методларда сотишга ўтказилган магазинларнинг кўрсаткичларини товарлар сотишда одатдаги методни қўллаётган магазинларнинг кўрсаткичларини таққослаш йўли

билан амалга оширилади.

Биринчи методни магазинлар илгор методга ўтказилгандан кейин сотувда уларнинг иш режимидағи ассортимент группаси ва савдонинг конъюнктураси ўзгармаган ҳолда ахолига хизмат кўрсатишида миқдор жиҳатдан жиддий ўзгариш бўлмаган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Магазин янги методга ўтказилгандан кейин корхонанинг ихтисослаштириш формаси ўзгарган, магазин илгор технология бўйича узок вақт ишлаётган ва у янги курилган корхона ҳисобланган ҳолларда иккинчи метод қўлланилади. Бунда таққослаш учун товарлар ассортименти, иш режими ва савдо майдонининг ҳажми бир хил группада бўлган, ишловчиларни жойлаштириш характери бўйича тахминан ўхшаш шароитдаги магазинлар олинади.

Магазинларнинг асосий таққосланадиган иқтисодий кўрсаткичлари куйидагилардир:

товар айланмаси, ходимларнинг сони, муомала харажатининг даражаси ва фойда (хўжалик ҳисобидаги корхоналар учун), иш ҳақига доир харажатлар даражаси, бир ходим ҳисобига товар айланмаси, бир квадрат метр савдо майдони ҳисобига товароборот, товар айланиш тезлиги.

Магазинлар фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари билан бирга савдо майдонидан фойдаланиш самарадорлиги ҳам аниқланади.

Савдо майдонидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун куйидаги кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқмоқ лозим:

ўрнатиш майдонининг коэффициенти – технологик жиҳозлар ва ҳисобкитоб узеллари эгаллагац майдоннинг савдо зали майдонига нисбати;

кўргазма майдонининг коэффициенти – товарлар чиқариб қўйилган майдон жамининг савдо зали майдонига нисбати.

Савдо залидан фойдаланишининг амалдаги самарадорлик коэффициентларини нормативлар билац таққослаш лозим.

#### **4.5. Чакана савдода қўшимча хизмат кўрсатиш ва унинг асосий шакллари**

Харидорларга товар сотиши билан бирга товар харид қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ қўшимча хизматлар кўрсатилади. Бундай хизмат магазиннинг ўздиҳам, ундан ташқарида ҳам кўрсатилиши мумкин. Бундай хизмат олди-сотди жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, харидорларга савдо хизмати кўрсатиш маданиятини оширишга ёрдам беради.

Магазин иши самарадорлиги ва савдо хизмати сифатини оширишдаги ролига қараб барча хизматларни қуидаги уч группага бўлиш лозим. Биринчи группага, корхонага иқтисодий самара келтирувчи пуллик (газламани бичиб бериш, нақошлик ишлари ва бошқалар) хизматлар киради.

Иккинчи группани товар айланмасининг ўсишига ёрдам берувчи хизматлар (устки кийимларни мослаш, пойабзал ва бош кийимларни кериб бериш) ташкил қиласди.

Учинчи группага харидорлар вактини тежаш ва уларга қўшимча кулайлик яратувчи (ўраш-жойлаш столларини, сақлаш камераларини жиҳозлаш ва бошқалар) хизматлар киради.

Хозирги замон универсал ва ихтисослаштирилган магазинларда кўрсатиладиган қўшимча хизматнинг асосий турларига қуйидагилар киради: савдода бўлмаган товарларга олдиндан буюртма қабул қилиш; товарларни кредитга сотиши; сотиб олинган товарларни кўрсатилган адресга элтиб бериш; газламаларни бичиши; тайёр қўйлакларни харидорнинг қоматига мослаб бериш, кийим-бош ва бош кийимларни қисман тўғирлаш; пардаларни тикиши; бош кийим ва пойабзалларни кериб бериш, соат қайишчаларини ўтказиб бериш; чангиларга тасмалар ўрнатиш; техник жиҳатдан мураккаб товарлар, чарм-атторлик, трикотаж буюмлари ва болалар ўйинчоқларини майда ремонт қилиш; авторучкаларни ремонт ва заправка қилиш; пичок, қайчи ва бошқа товарларни чаҳлаш; нақошлик ишларини бажариш; фотоаппаратларни зарядка қилиш учун қоронгу хоналарни жиҳозлаш; фотоплёнкаларни кўринадиган қилиш ва фотосурат чиқаришга буюртма олиш; модалар ва янги товарларни намойиш

98

қилиш; товарлардан фойдаланиш қоидалари бўйича мутахассислар консультацияларини уюштириш; омонат кассалари, алоқа бўлимлари, телеграф сўзлашиш пунктларни, театр кассалари, шаҳар справка хизмати бюроси ва бошқаларнинг филиалларини ташкил қилиш.

Муайян магазинларда харидорларга кўрсатиладиган хизматнинг сифати ва турлари савдо корхонасининг ҳажми ва қайси товарларга ихтисосланганига ва бошқаларга боғлиқ.

Буюртма бўйича сотиладиган товарлар рўйхати тузилади ва у савдо залининг кўринарли ерига осиб қўйилади. Олдиндан буюртма қабул қилишни, шунингдек, товарни қўйилган намунаси ва каталогдан танлаш орқали ҳам амалга ошириш мумкин.

Буюртмаларни қабул қилиш ва бажаришга доир ишлар маълум изчиликлида ўтказилади. Ҳар қайси харидор почта открыткасини тўлғазади, унда товар аломатларини (ранги, размери, фасони, таҳминий нархи) ва ўз уй адресини (телефонини) кўрсатади. Қабул қилинган буюртмалар магазин ходимлари томонидан маҳсус журнالга қайд қилинади.

Магазинга товар тушиши билан буюртма қабул қилган магазин ходимлари бу ҳақда харидорга хабар беради. Буюртмачи ўзи буюртма берган товарни олганда бир йўла ўша товарлар нархини тўлаб, маҳсус буюртма журнали ёки бланкасига олинган санани ёзди ва имзо қўяди ҳамда уни сотувчида қолдиради.

Харидор товарни олишдан бош тортган ҳолларда магазин буюртма берилган товарни бошқа харидорга сотиши ёки шу товар қайси магазиндан олинган бўлса, ўша магазинга қайтариб жўнатиши мумкин.

**Товарларни кредитга сотиши.** Кредитга сотишда аҳолига қимматбаҳо ва узок хизмат қиладиган товарларнинг пулини бўлиб- бўлиб тўлаш имкони берилади.

Кредитга товар сотиб олиш учун харидор магазинга ишлаётган жойидан охирги уч ойдаги ўртacha ойлик иш ҳаки тўғрисида ёки социал таъминот бўлимидан пенсия миқдори ҳакида справка келтириши лозим.

99

Кредитни расмийлаштиришда харидор икки нусхада топширикнома – мажбурият тузади ва имзолайди. У аввал товар нархининг камидা 20-25 процентини тўлайди. Колган суммани тўлаш учун унга б ойдан 12 ойгача, тикиш машиналари ва стандарт йигма уйларни кредитга сотища эса 24 ойгача мухлат берилади.

Товарларни кредитга сотища харидордан маълум процент ундириб олинади. Масалан, тўлаш мухлати б ойгача бўлган кредит суммасининг 1 проценти, 9 ойгача бўлса – 1,5 проценти, 12 ойга 2 проценти, 12 дан 24 ойгача бўлса, 2,5 проценти ундириб олинади. Кредитга сотилган товарлар учун хисобкитоб сотилган пайтдаги нарх бўйича амалга оширилади. Товар харидорга берилгандан кейин нарх-наво тушган ёки кўтарилиган бўлса, қайта хисоблаш ўтказилмайди.

**Товарларни уйга элтиб бериш.** Кўп универмаглар, ихтисослаштирилган магазинлар (мебель, курилиш материаллари ва ёкилги хўжалик товарлари, маданий товарлар билан савдо қилувчи) мебеллар, холодильниклар, кир ювиш машиналари, радиоприёмниклар, телевизорлар, пианино, курилиш материаллари, ёкилғилар ва бошқа катта ҳамда оғир товарларни уйга элтиб бериш бўйича хизмат кўрсатадилар. Товарларни элтиб берища маҳсус ажратилган транспортлардан фойдаланилади. Харидорлар товарни уйга элтиб бергани учун амалдаги тариф бўйича ҳак тўлайдилар. Юк ташиш киймати магазин кассасига товар қиймати билан биргаликда тўланади. Сўнгра уч нусхада квитанция ёзилиб, бир нусхаси товар элтиб бериш учун машина ҳайдовчисига, иккинчи нусхаси харидорга берилади, учинчиси эса магазинда колади. Товарни уйга элтиб беришда харидор юкни олганлиги ҳақида ҳайдовчидаги квитанцияга имзо чекади. Харидорларга ёкилги сотиш ва уйга элтиб бериш олдиндан бериладиган буюртма-талабномалар бўйича амалга оширилади.

**Магазиндан харид қилинган газламаларни бичиш.** Кўшимча хизматнинг бундай формаси универмаглар ва газлама сотишига ихтисослашган йирик магазинларда кенг тарқалган. Материалларни бичиш учун

магазинларнинг савдо залидан озгина жой ажратилиб, бичиқчи учун иш ўрни жиҳозланади. Унда мода журналлари ва андозалар учун столча ёки тумбочка: бичишига қабул қилинган газламалар ва бичилган буюмларни сақлаш учун шкаф, устки кийимлар вешалкаси, харидорлар учун стуллар ёки креслолар кўйилади. Бичиши столининг иш соатлари, буюртмани расмийлаштириш тартиби, бичиши учун хизмат ҳақи прейскуранти ва бошқалар кўрсатиб кўйилади.

Бичиқчи харидорга андаза танлашда ёрдамлашади, газламани бичади ва кўклаб беради, хизмат ҳақини айтади, квитанция ёзib беради. Қабул қилинган буюртмалар иложи борича буюртмачл иштирокида, бироқ қабул қилинганидан уч кундан кечиктирмай бажарилади.

Бичиши столининг иш кунлари ва буюртма қабул қилиш вақтлари маҳаллий шароитларга қараб белгиланади. Буюртмаларнинг сонига қараб бичиқчи ё тўлиқ кунлар, ёки куни ва соатлари кўрсатилган маълум жадвал бўйича ишлайди.

**Кийим тикишга буюртма қабул қилиш.** Газламалар билан савдо қилувчи баъзи магазиндан сотиб олинган материаллардан кийим тикишга буюртма қабул киласи. Бунинг учун магазинларда савдода бўлган газламалардан олдиндан тўплам тайёрлаб кўйилади. Буюртмалар маҳаллий ателье усталари иштирокида қабул қилинади ва бажарилади. Бундай комплекс хизмат кўрсатиш харидорлар учун қулай бўлиб, уларнинг вақтини тежайди.

**Фотокабиналар ва фотолабораториялар.** Аҳолига хизмат кўрсатишини яхшилаш учун универмагларда ва маданий товар магазинларида фотокабиналар ва фотолабораториялар ташкил этилади. Бу ерда харидорлар магазиндан харид қилган фотоаппаратини бепул зарядлаш ёки ўз аппаратини қайта зарядлаш, контрол негативларни кўринадиган қилиб, унинг сифатини текшириш имкониятига эга бўладилар. Фотолабораториялар қўшимча ҳақ эвазига фотоҳаваскорлардан плёнкаларни ишлаш, сурат чиқариш ва ҳаваскорлик суратларини катталаштиришга буюртма оладилар.

учун маҳсус майдон ажратилади. Кафетерий магазин савдо залига ўрнатилади. Кафетерий стойка ва овқатланиш столлари, холодильникли пештахта ва шкаф, ошпазхонаси, коктейль қориштиргичлар, турли шарбатлар сотиш учун колбали курилма, стакан ювгич ва бошқалар билан жиҳозланади.

Кафетерий ассортиментига кофе, какао, чой, сутли коктейль, сут ва сут таомликлари, сосиска, бутерброд, унли кондитер маҳсулоти, морожний, сабзавот ва мева шарбатлари киради.

#### 4.6. Товарларни магазиндан ташқарида сотиш усуллари

Товар айланмасини янада кенгайтириш ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилашда товарларни магазиндан ташқарига сотиш формаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш катта аҳамиятга эгадир. Товарларни сотишдаги бу формалар матлубот кооперацияси системасидаги чакана савдо тармоқлари (павильон, палатка, киоска ва дўкон), автомагазинлар томонидан, шунингдек, автотранспорт, от-ара ва транспорти кўмагида савдо қилишда кенг кўлланилади.

Товарларни магазиндан ташқарида сотиш магазиндаги савдони тўлдиради, товарларни иш жойига, яшаш ва дам олиш жойига яқинлаштиради.

Товар сотишнинг магазиндан ташқари формалари маҳаллий шароит хусусиятларига – аҳоли пунктларида яшовчиларнинг сони, савдо корхоналарининг мавжудлиги ва товар ассортименти, аҳолига хизмат кўрсатиладиган ишлаб чиқариш шароитлари бошқаларга қараб аниқланади. Шу билан бирга майда чакана савдо корхоналарининг тури ва сони аниқланади, товар ассортименти рўйхати, таъминот манбалари ва товар келтириш тартиблари белгиланади.

Сотувчисиз дўкончани очишдан олдин майда чакана савдо тармоқларининг иши, хизмат кўрсатиш қоидалари харидорларга тушунтирилади, улардан дўкон ишига кўмаклашувчи группа тузилади.

Бу группанинг вазифаси дўкончага товарлар ўз вақтида келтирилишини ва келтирилган товар хисоби дафтарларда тўғри кайд килинишини назорат

қилиш ҳамда товар кўлтириб берадиган шахсларнинг тушган пулни истеъмолдан олишларида, моддий товар бойликлар инвентаризациясини ўтказишида қатнашишдан иборатdir.

Моддий товар бойликлари учун мулкий жавобгарлик сотувчисиз киоска ёки дўкон қайси магазин хисобидан ишласа, ўша магазин ходимлари зиммасида бўлади.

Кўчма савдодан олис жойлардаги кичикроқ қишлоқ аҳоли пунктларининг аҳолисига, далалар, фермалар, яйловлар, ярмарка ва бозорларда қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатишда фойдаланилади. Кўчма савдода автомагазинлар етакчи роль ўйнайди.

Автомагазинлар ассортиментига оддий ассортиментли товарлар киритилади. Шу билан бирга уларга харидорлардан мураккаб ассортиментли товарга буюртмалар олиш ва бажариш ҳукуки берилган.

Магазиндан ташқарида сотиш формаларидан бири савдо ташкилотлари, корхоналар томонидан ташкил қилинадиган ярмаркалар ва бозорлардир.

Ярмарка – бу маданий-маориф муассасалари иштирокида аттракцион каби турли бошқа кўнгилочар тадбирлар уюштириш билан ўтказиладиган мавсумий йирик савдодир.

Ярмаркалар қишлоқ хўжалик ишлари тугагандан кейин, одатда, кузда, шунингдек, баҳорда ўтказилади. Товарларни ярмаркада сотишда магазинлар, чакана савдо корхоналари иштирок этади. Ярмаркада қатнашувчи вакиллардан ярмарка комитети тузилади. Бу комитет ярмарка шаҳарчаси безатиш ва жиҳозлашга бош бўлади, ярмарка рекламасини ташкил қиласи, тартиб сакланиши ҳамда ярмарканинг кўрикланишини таъминлайди.

Ярмаркаларда умумий овқатланиш ва кўнгилочар тадбирларни ташкил қилишга катта аҳамият берилади. Ярмаркаларда товарлар вактинчали павильонларда, чодирларда, лотокларда, шунингдек, автомагазинларда ва маҳсус жиҳозланган автоприцепларда сотилади.

Магазиндан ташқарида товар сотиш турларидан бири **чакана посылка савдосидир.**

Посилка базаларининг ассортиментига атторлик, упа-элик, фото, радио, барча хил спорт товарлари, хўжалик буюмлари, грампластинкалар, тикув машиналари, мотоцикл, мопед, велосипед ва бошқа хилма-хил саноат моллари киритилади.

Посилка базаларида товарлар мавжудлиги ҳакида ахоли почта бўлимлари орқали хабардор қилинади. Почта бўлимларида «Товар – почтой» хизматининг маҳсус каталог ва рўйхатлари бўлади.

Товарларни почта орқали олиш учун буюртма расмийлаштиришда почта бўлимларида мавжуд бўлган маҳсус бланкалар тўлдирилади.

#### **Мустақил ишлаш учун назорат саволлари**

1. Магазиндаги савдо-технологик жараёнларнинг қандай таркибий кисмларини биласиз ва уларни рационал ташкил қилиш тамойиллари тўғрисида гапириб беринг.
2. Товарларни сотишга тайёрлаш жараёни тўғрисида гапириб беринг.
3. Товарларни савдо залига жойлаштириш тамойиллари тўғрисида гапириб беринг.
4. Товарларни сотишнинг қандай илғор усулларини биласиз ва улар тўғрисида маълумот беринг.
5. Чакана савдода кўшимча хизмат кўрсатишнинг қандай шаклларини биласиз ва улар тўғрисида гапириб беринг.
6. Товарларни магазиндан ташқарида еотишнинг қандай усулларини биласиз ва улар тўғрисида маълумот беринг.

#### **5-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ ТОВАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

##### **5.1. Чакана савдо корхоналарини товар билан таъминлашга кўйиладиган талаблар**

Товар ресурсларини кўпайтириш ва ахолининг реал даромадларини ошириш чакана савдо товар айланмасининг тўхтовсиз ўсишини таъминлайди. Чакана савдо товар айланмасининг ўсиши туфайли савдонинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, чакана савдо корхоналари тармоғи кенгайиб бормоқда.

Товар таъминотини оқилюна ташкил қилиш йўли билан чакана савдо товар айланмаси планининг бажарилишида, ахоли талабининг қондирилишига эришилади, магазинларда ассортиментнинг тўлиқлиги сақланади, товар заҳираларининг даражаси ва структураси тартибга солинади, товарларни реализация килишининг боришига, умуман савдодаги иқтисодий самарадорлик даражасига актив таъсир кўрсатилади.

Чакана савдо тармоқларида товар таъминоти технологиясининг асосий мақсади товарларни ахоли талабига қараб ишлаб чиқаришдан, истеъмолчиларга энг кам харажат қилган ҳолда етказиб беришни тезлаштиришдан иборатдир.

Чакана савдо тармоқларида товар таъминоти технологияси савдо ташкилотларининг магазинларда товар запасини тўлдиришга қаратилган комплекс тадбирларидан иборат бўлади. Бу технология савдо процессининг талабини ўрганиш ва уни прогнозлаштириш, таъминот манбаларини танлаш, товарлар харид қилишни уюштириш, товарлар қабул қилиш, сақлаш ва складларда сотишга тайёрлаш, товарларни чакана савдо тармоқларига ташиб келтиришнинг рационал форма ва методларини белгилаш – товарларни тайёрлаш ва уларни магазинларнинг савдо залларига чиқариб бериш каби асосий элементларни ўз ичига олади.

Рационал ташкил этилган товар таъминоти магазинлар томонидан товар айланмаси планининг бажарилишига, товар запасларининг ҳажмига, товарларнинг айланиш тезлигига, тозарлар ассортиментининг тўлиқлигига, ахоли талабининг қондирилишига ва товар етказиб берувчилар фаолиятининг

сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади.

Хозирги шароитда чакана савдо тармоқларида товар таъминотини ташкил этишда товар етказиб берувчилар (улгуржи савдо базалари) ва чакана савдо корхоналарининг манфаатлари чамбарчас боғланган бўлади. Чакана савдо тармоқларида товар таъминоти билан улгуржи савдо базалари тобора кўпроқ шуғулланмоқда.

Чакана савдо тармоқларида товар таъминоти технологиясига куйидаги талаблар қўйилади:

1. Товар таъминоти план асосида ташкил этилган бўлиши керак. Товар таъминотининг планлилиги товарларнинг график асосида ташиб келтирилишини билдиради.

2. Товар таъминоти бир маром (ритм)да ва бир текисда олиб борилиши керак. Бунда магазинларни товар запаслари билан бир хил вақт оралигига тўлдириб туриш тушунилади. Товар таъминотининг ритмлилиги савдо тармогининг ортиқча товарлар билан тўлдириб юборилиши ва товарлар этишмай қолишининг олдини олади.

Товар таъминотининг ритмлилигини таҳлил килишда товар ташиб келтиришнинг бир текислиги коэффициентини аниқлаш максадга мувофикдир.

Бу куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_p = 1 - \frac{EA}{P}$$

бунда  $K_p$  – бир текислик коэффициенти;

EA – айрим даврларда планинг бажарилмаслиги (абсолют катталикларда);

P – таҳлил килинадиган даврда товар ташиб келтириш плани (абсолют катталикларда).

3. Товарларни чакана савдо тармоқларига товар запасини ҳисобга олган ҳолда, чакана савдо товар айланмасининг белгиланган планига мос микдорда ташиб келтириш зарур.

4. Товарларни чакана савдо тармоқларига айрим типдаги магазинлар учун

белгиланган ассортиментга қатъий амал қилган ҳолда ташиб келтириш керак. Мураккаб ассортиментли товарларни улар билан савдо қилмайдиган магазинларга ташиб келтиришга йўл қўймаслик керак.

5. Товар таъминоти амалга оширилаётганда магазин ходимлари ўзларининг харидорларга-хизмат кўрсатишни ташкил этишдек бевосита ишларидан чалғимасликлари ва товар ташиб каби ўзга юмуш билан шуғулланмасликлари керак.

6. Товар таъминотининг оперативлиги. Товар таъминотида магазинларнинг товарлар ассортименти, микдори ва ташиб келтириш муддатларини ўзгартириш бўйича талаблари ўз вактида ҳисобга олиниши ва бажарилиши учун оперативлик зарур.

Товар таъминотининг оперативлигига эришишда электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш анча ёрдам беради. Бошлангич ҳужжатларни унификациялаш (бир турга келтириш), товарлар характеристикасини машина ўқий оладиган қилиб ёзиш имконини берадиган кодлаштиришнинг ягона системасини ишлаб чиқиш товар таъминотининг автоматлаштирилган системасига ўтиш учун асос ҳисобланади.

7. Товар таъминоти тежамкорлик билан ташкил этилиши керак. Бу товарларни харид қилиш ва чакана савдо корхоналарига ташиб келтириш, шунингдек, уларни чакана савдо тармоқларида саклашни уюштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтиради.

Тежамкорликка товар таъминотини оқилона уюштиришда кўл келадиган куйидаги омилларга: чакана савдо тармоқларининг сони, таркиби ва жойлашуви, савдо корхоналарининг товар айланмаси ҳамда бинолари майдонининг ҳажми, склад хўжалигининг ахволи ва жойлашуви, савдо-оператив ва технологик процессларнинг ташкил этилиш даражаси, товарлар ассортименти характеристи, йўлларнинг ахволи, магазинлар билан товар келтириладиган манбалар орасида транспорт алоқаларининг мавжудлигига тўла риоя килинганда эришилади.

## **5.2. Чакана савдо тармоқларини товар билан таъминлашнинг шакл ва усуллари**

Чакана савдо тармоқларига келиб тушадиган товарларнинг асосий манбалари саноат корхоналари, улгуржи савдо базалари. Келиб тушадиган товарлар манбаларини, товар таъминотининг формалари, методлари ва схемаларини магазини ўзи танлайди. Бундай танлаш пайтида магазин товар айланмасининг тури ва ҳажми, магазин билан айрим товар етказиб берувчилар орасидаги масофа, ташиб келтириладиган товарларнинг мураккаблик даражаси, уларнинг физик-химик хусусиятлари, юк жўнатишнинг минимал нормалари, транспорт алоқаларининг мавжудлиги ва шу кабиларни ҳисобга олади. Масалан, нон ва нон-булка маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, колбаса маҳсулотлари каби озиқ-овқат товарлари магазинларга бевосита маҳаллий саноат корхоналаридан ташиб келтирилиши керак. Ликёр-арақ маҳсулотлари, вино, пиво, алкогизич ичимликлар ҳам бевосита саноат корхоналаридан келиб тушади. Туз, шакар, кир совун ва бошқа озиқ-овқат товарлари бевосита саноат корхоналаридан ҳам, улгуржи савдо базаларидан ҳам келиб тушади.

Маълумки, чакана савдо тармоқларини озиқ-овқат товарлари билан таъминлашда саноат корхоналари ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ноозик-овқат товарларнинг кўпчилик кисми чакана савдо тармоқларига ўзларининг улгуржи савдо базаларидан келиб тушади. Шунинг учун ҳам чакана савдо тармоқларини товар билан таъминлашда улгуржи савдо базаларининг роли каттадир. Чакана савдо тармоқларининг товар таъминотини яхшилаш кўп жиҳатдан улгуржи савдо базалари ишининг ҳолатига боғлиқ бўлади.

Савдо тармоғини таъминлаш ишини тўғри ташкил этиш учун, аввало, аҳолининг харид қилиш талабини ўрганиш материалларига асосланиш керак.

Товарларга бўлган жорий буюртмалар магазинлар томонидан телефон орқали, товарларни олдиндан ажратиш учун складга юбориладиган вакиллар орҳали, товар етказиб берадиган экспедитор орқали, пошта орқали берилади.

Зарур микдордаги ва ассортиментдаги товарларни жорий ташиб келтиришдан олдин магазин мудири харидорлар талабини ўрганишдан

тўпланган материаллар асосида талабнома-буюртмалар тузади ва уларни улгуржи савдо базасига топширади.

Талабнома-буюртмаларни тўлғазишда муайян изчилликка риоя қилиш зарур. Чунки талабнома-буюртмаларни эркин (ихтиёрий) формада тузиш уларни умумлаштиришда улгуржи савдо базалари ишини қийинлаштиради. Биринчи навбатда магазин учун тасдиқланган ассортимент минимумига киритилган, аммо сотилмаётган, сўнгра сотилаётган бўлсада, лекин қолдиги кам бўлиб, тўлдириш талаб қилинадиган товарлар кўрсатилади, шундан кейин ассортимент минимумида кўзда тутилмаган, аммо харидорлардан буюртмалар қабул қилинган товарлар ёзилади. Охиригина ҳолатда талабнома-буюртманинг эслатмасида товарлар буюртма қилингандиги хақида белги қўйилади.

Тез бузиладиган озиқ-овқат товарларини ташиб келтиришга бўлган талабни аниглаш ва уларга талабнома-буюртма тузиш учун магазиндаги мавжуд совиткич ускуналар ҳажми ҳисобга олиниши лозим.

Буюртма бериладиган товарларнинг миқдорини белгилашда магазин мудири қўйидаги маълумотларга асосланиши керак:

хар бир буюртма бериладиган товарнинг ўртacha бир кунлик сотилиши;  
узлуксиз савдони таъминлаш учун зарур бўлган товарнинг камайтирилмайдиган запаси:

мазкур товарнинг мавжуд қолдиги;  
товарларни ташиб келтириш тезлиги.

Масалан, озиқ-овқат магазинида ўртacha бир кунлик оқ қанд сотиши 30 кг ни ташкил этади, камайтирилмайдиган запас 150 кг қилиб белгиланган. Буюртма тузилган кунига оқ қанд қолдиги 190 кг. Қанд 10 кунда бир марта ташиб келтирилади. Ҳар куни 30 кг дан сотилишидан келиб чиқилса, 10 кунга 300 кг оқ қанд керак эканлиги маълум. Бу миқдорга 150 кг камайтирилмайдиган запасни қўшамиш ва хосил бўлган йигинидан (450 кг) магазинда мавжуд бўлган қолдик (190 кг)ни айирамиз. Шундай қилиб, 260 (450-190) кг оқ қандга буюртма берилиши кераклиги аниқланади.

Магазинда илгари савдо қилинмаган товарларга синаш учун оз-оздан  
109

буортма берилиши керак.

Талабнома-буортмалар тузишда айрим товарларнинг спецификасини, магазиннинг тури ва айланмаси ҳажмини, унинг биноси майдонини, қаерда жойлашганини, йўл шароитларини, товар етказиб берувчи билан бўладиган транспорт алокаларини хисобга олиш керак. Буюртма бериладиган товарлар ҳажмига қўп ва турли омиллар таъсир этишига қарамай савдода етарли миқдорда кенг ва барқарор товарлар ассортименти бўлишига эришиш керак.

Талабнома-буортма тузиши пайтида магазин мудири сотувчилар билан маслаҳатлашиши керак, чунки улар аҳолининг айрим товарларга бўлган талабини яхши биладилар ва қимматли маслаҳатлар берадилар.

Талабнома-буортмалар икки нусхада тузилади. Иккинчи нусхаси унинг бажарилишини назорат қилиш учун магазинда қолдирилади.

Талабнома-буортмани савдо бошлиғи ёки товаршунос-ташкилотчи текширади. Текшириш пайтида мазкур магазин учун товарларга бўлган талаб нечоғли тўғри белгиланганлиги аниқланади ҳамда зарур бўлса унга тузатиш ва қўшимчалар киритилади. Бу билан товарлар ташнб келтириш оператив равишда тартибга солинади. Базага келиб тушган талабнома-буортмалар маҳсус журнаlda регистрация килинади ва улар оператив равишида – уч кун мобайнида бажарилиши керак.

Буюртмани бажариш имкони бўлмагандага ёки у қисман бажарилганда база бу ҳақда магазинни хабардор қилиши, шунингдек, йўқ товарлар ўрнига бошқа шунга ўхшаш товарларни тавсия қилиши лозим.

Улгуржи савдо складларида амал қилаётган маҳсус диспетчерлик хизмати талабнома-буортманинг бажарилиши тартибини ташкил этади ва назорат килади.

Товар таъминотининг склад ва транзит йўлидан иборат икки хил формаси мавжуд. Товар таъминотининг склад формасида товарлар сортларга ажратиш учун ишлаб чиқариш корхоналаридан аввал оралиқ складларга ташиб келтирилади, шундан кейингина магазинларга тарқатилади. Товар таъминотининг транзит формасида эса товарлар ишлаб чиқариш

корхоналаридан тўғридан-тўғри магазинларга ташилади.

Товарлар ўтиб турадиган складлар звеноси сонига қараб бир звеноли ва кўп звеноли товар ҳаракатлари фарқ қилинади.

Чакана савдо тармоқлари товар таъминотини рационал ташкил этишда товарлар ҳаракатининг иктисадий жиҳатдан асосланган форма ва йўллари ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу кўпгина омилларга – чакана савдо товар айланмаси ҳажми ва магазин қаерда жойлашганлигига, товар запаслари ассортиментининг мураккаблиги ва товарлар айланнишининг тезлигига, склад хўжалигининг холати, транспорт алоқасининг ҳарактери ва шу кабиларга боғлиқдир.

Товар таъминотининг транзит формасини қўлланиш товар таъминотидаги звенолиликни қисқартириш имконини беради, товарларни истеъмолчиларта етказиб бериш процесси тезлашади, муомала ҳаражатлари ва товар истрофи камаяди, товарларнинг айланниши тезлашади, транспортдан янада яхшиrok фойдаланилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, товар таъминотининг транзит формасини хўжалик мақсадлари ва коммерция фаолиятининг конкрет шартларини хисобга олган ҳолда, шунингдек, юк ортиб жўнатишнинг транзит нормасига қараб оқилона қўлланиш керак.

Тез бузиладиган товарлар, сортларга ажратилиши талаб килинмайдиган оддий ассортиментдаги товарлар, шунингдек, жойларда ишлаб чиқарилган маҳаллий товарлар учун товар таъминотининг транзит формасини қўлланиш мақсадга мувофиқдир.

Транзитнинг қуидаги формалари фарқ қилинади: базанинг разнарядкаси бўйича ортиб жўнатилган товарлар кийматини улгуржи савдо базаси юкни қабул қилувчи билан бирга тўлайди, бунда база ўз оборот маблағларини сарфлайди; улгуржи савдо базаси амалдаги хўжалик алоқалари асосида юк жўнатувчига маълум миқдордаги товарларни бевосита юк қабул қилувчи адресига ортиб жўнатиш учун наряд ёки разнарядка беради, бунда улгуржи савдо базаси ўз маблағларини сарфламай, факат товар таъминотини ташкил

қилади.

Товар таъминотининг склад формасида товарлар чакана савдо тармоқларига область ва район улгуржи савдо базалари складларидан келиб тушади.

Товар таъминоти склад формасининг мухим афзаллиги шундаки, улгуржи савдо базаларида турли ишлаб чиқариши корхоналаридан келиб тушган товарлар сортларга ажратилади ва шундай қилиб товарларнинг ишлаб чиқариш ассортименти савдо ассортиментига айланади. Бу магазинларга битта партияниң ўзида кўплаб ассортиментда товарлар ташиш имконини беради.

Товар таъминотининг склад формаси кўйидаги ҳолларда кўлланилади:

бошқа шаҳардаги товар етказиб берувчилардан мураккаб ассортиментли озиқ-овқат товарлари олинганда;

маҳаллий товар етказиб берувчилардан тор ишлаб чиқариш ассортиментидаги йирик партияли товарлар олинганда; товарларни олиндан кўшимча ишловдан ўтказиш ва ўраш-жойлаш зарур бўлганда. Бу иш айниқса склад шароитида ўтказиш маъкул;

бозорлардан, мева-сабзавот сақланадиган жойлардан узок саклаш учун қўйилган картошка, сабзавот ва мевалар олинганда.

Товар таъминотини рационализациялашга доир мухим тадбирлардан бири товарларни магазинларга ташиб келтириш схемаларини ишлаб чиқишидир.

Бу схемалarda ҳар бир товар группаси бўйича товарлар қайси товар етказиб берувчилардан, қанча миқдорда ташиб келтирилиши, шунингдек, уларнинг чакана савдо тармогига қайси йўллар билан етиб бориши қўзда тутилади.

Товарларни ташиб келтириш схемаларини ишлаб чиқишида кўйидаги принципларга асосланмоқ керак:

товар харакатини битта улгуржи звено орқали ташкил этиш;

товарларни норационал ташишни бартараф қилиш ва айрим типдаги магазинларга товарлар ташиб келтиришнинг ассортимент тартибига риоя қилиш учун чакана савдо тармоқларини товарлар билан таъминлашда улгуржи

савдо базалари ишини аниқ белгилаб қўйиш;

чакана савдо тармоқларига товарларни марказлаштирилган йўл билан ташишни ҳар томонлама ривожлантириш;

олис жойларда очилган ва унчалик катта бўлмаган магазинларни товарлар билан таъминлаш учун кўчма складлардан кенг фойдаланиш;

товарларни почта посилкалари тарзида жўнатишини кенгайтириш.

Товар ташиш схемаларини ишлаб чиқишидан олдин товарлар харакатини таҳлил қилиш керак бўлади. Таҳлил жараённада улгуржи-склад айланмасининг чакана савдо айланмасига нисбатан кўрсаткичига алоҳида эътибор берилади. Бу нисбат товар харакатининг звенолилигини характерлаб беради. Товар харакатининг звенолилиги кўпайиб кетганлиги сезилса, бунинг сабаблари аниқланади ва бартараф қилиш чоралари белгиланади.

Таҳлил натижаларидан ташқари, улгуржи савдо базаларининг системадан ташқари товар стказиб берувчиларга биритириб қўйилганлиги, улгуржи савдо базаларининг жойлаштирилиши ва оборот ҳажми, транспорт алокаларининг ҳолати кабилар ҳакидаги маълумотлар товар ташиш схемаларини тузиш учун бошлангич материал бўлиб хисобланади.

Чакана савдо тармоқларига товарлар ташиб келтириш схемаларини ишлаб чиқишига савдо мудирлари ва товаршунос ташкилотчилари жалб килиниши керак. Бунда чакана савдо тармогининг составини, унинг моддий-техника база сини, товар етказиб берувчи ташкилотларнинг узок-яқинда жойлашганлигини, транспорт йўлларининг ҳолатини хисобга олиш керак. Схема шундай тузилиши керакки, ундан норационал юқ ташишларни истисно қилиш ва товарларни айрим турдаги магазинларга тегишли ассортиментда ташиб келтиришни таъминлаш мумкин бўлсин.

Товар ташиш схемаси барча ташкилотлар учун ягона бўлиши мумкин эмас, чунки унда иқтисодий-географик ва бошқа шароитлар билан боғлиқ регионал хусусиятлар хисобга олиниши керак.

Товар ташиш схемаси саноат, улгуржи савдо базалари, складлар, магазинлар ҳамда транспортнинг ривожланиши ва жойлашувида содир бўлиб

туратидан ўзгаришларни хисобга олган ҳолда ҳар йили қайта кўриб чиқилиши керак. Бу омиллар товар таъминотини ташкил қилишга бевосита таъсир кўрсатади ва товарларни ташиб келтириш тартибини белгилашда улар албатта хисобга олиниши лозим.

Товар таъминотининг склад ва транзит формалари турли усулларда – марказлаштирилган усулда ёки товар олувчиларнинг куч ва воситалари ёрдамида ташиш, товарларни чакана савдо тармоқ ларига марказлаштирилган тартибда ташиш каби усулларда амалга оширилиши мумкин.

### **5.3. Товарларни чакана савдо тармоқларига марказлаштирилган усулда ташишнинг моҳияти ва аҳамияти**

Товар таъминотини рационал ташкил этишнинг муҳим шартларидан бири товарларни чакана савдо тармоқларига марказлаштирилган усулда ташишни кўллашдир.

Товарларни марказлаштирилган усулда ташиш транзит формасида ҳам, магазинларни улгуржи савдо базалари, саноат корхоналари ва чакана савдо ташкилотлари складларидан таъминлашда ҳам кўлланилади.

Товарларни марказлаштирилган усулда ташиш товар ташиб келтиришнинг шундай методики, унда магазинлар товарларни товар етказиб берувчилардан ўзлари ташимайдилар, балки товарларни ташиб келтириш буюртмалар ва келишилган график бўйича товар етказиб берувчиларнинг куч ва воситалари билан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

Товарлар марказлаштирилмаган тартибда ташилганда магазии мудирлари товар олиш ва магазинларга ташиб келтириш учун склад ва базаларга боришга, бунинг учун эса ўзларининг асосий ишларидан чалғишига, кичик магазинларни эса анча вақт ёпик қолдиришига мажбур бўладилар. Шу билан бирга транспортдан ҳам рационал фойдаланилмайди, чунки унга кўпинча юк тўла ортилмайди ва узоқ вақт бекор туриб қолади. Бунда товар етказиб берувчи улгуржи савдо базаларининг ходимлари товарларни ўз вақтида етказиб бериш учун жавобгар бўлмайдилар. Улар магазинлар билан яқин алокада

бўлмаганларидан айрим товарлар билан чакана савдо қилишнинг ҳолатини билмайдилар.

Товарларни марказлаштирилган тартибда ташишнинг яхши йўлга кўйилиши магазин ходимларини товар олиб келиш учун катнашдан озод қиласи, товар айланмаси планининг бир меъёра бажарилишига бевосита таъсир кўрсатади, чакана савдо корхоналарида минимал товар запаслари билан савдо қилиш имконини беради. Товарлар марказлаштирилган тартибда ташилганда товарлар ҳаракати йўлидаги қўшимча таксимловчи складлари зарур бўлмай қолади, улгуржи савдони бекор қилиш имконияти туғилади. Товарларни марказлаштирилган тартибда ташиш шартлари товар етказиб бериш ҳақидаги шартномаларда ёки матлубот жамиятлари билан товар етказиб берувчилар ўртасида тузилган маҳсус битимларда аниқ белгилаб берилган бўлиши керак. Бу хужжатларда товарлар марказлаштирилган тартибда ташиладиган магазинларнинг рўйхати, талабнома-буюртмаларни топшириш тартиби, товар ташишнинг келишилган графики, шунингдек, мураккаб ассортиментли товарларни ажратиш, тара ва ўраш-жойлаш шартлари, товарларни қабул қилиш-топшириш тартиби, товар-транспорт хужжатларини расмийлаштириш тартиби, товарларнинг йўлда сакланиши учун моддий жавобгарлик, ортиш-тушириш ишларини ташкил этиш, марказлаштирилган товар ташиш кийматини тўлаш тартиби, марказлаштирилган товар ташиш шартларининг бажарилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарликлари кабилар назарда тутилиши зарур.

Ҳозирги вактда товарларни марказлаштирилган тартибда ташиш жуда кўп улгуржи савдо базаларида, шу жумладан республикамизнинг Андижон, Тошкент ва Фарғона вилоятларида муваффақиятли кўлланилмоқда.

Товарларни марказлаштирилган тартибда ташишни жорий қилиш учун қуийдаги тайёргарлик тадбирларини кўриш зарур:

1. Мазкур базадан ва ишлаб чиқариш корхонасидан товар олиш учун биркитилган савдо корхоналариницг рўйхатини ишлаб чиқиш.

Савдо корхоналари турларини ва уларнинг ассортиментини тартибга

солиши ишлари ўтказилиб бўлгач, ҳар бир корхонага товарлар ташиб келтириш схемаларини ишлаб чиқиш вазифаси енгиллашади.

Мураккаб ассортиментли товарлар билан савдо қилиш рухсат ниладиган магазинлар сонини камайтириш йирик районлараро улгуржи савдо базаларидан товарларни марказлаштирилган тартибида етказиб бериш йўли билан бу магазинларнинг таъминот масаласини амалда ҳал қилиш имконини беради.

Кундятик эҳтиёж учун зарур бўлган товарлар билан савдо қилувчи магазинлар ва озиқ-овқат магазинларини (маҳаллий шароитлар хисобга олинган ҳолда) районлараро базалар, уларнинг районлардаги филиаллари базалари орқали товарлар билан таъминлашнинг оптимал йўллари танланиши керак.

Ҳар бир магазинга товарлар ташиб келтириш схемаларини ишлаб чиқиш товарларни магазинларга тўғридан-тўғри улгуржи савдо базаларидан ва бошқа товар етказиб берувчилардан марказлаштирилган тартибида ташишни жорий қилишнинг зарур шартидир. Айни вақтда тақсимловчи складларни тугатиш масаласи ҳал қилиниши керак.

Бундан ташкири марказлаштирилган тартибида товарлар ташиш мўлжалланган магазинларга характеристика бериш зарур. Характеристикада магазинларнинг номи ва тури, қаерда жойлашгани, чакана савдо товар айланмасининг ўртacha ойлик ҳажми, савдо зали ва ёрдамчи хоналарнинг майдони, ишловчилар сони, иш соатлари, дам олиш кунлари, улгуржи савдо базаларидан узок-яқинлиги кўрсатилиши керак. Савдо тармоғининг характеристикасига магазинлар учун тасдиқланган ассортимент минимуми илова қилиниши зарур.

2. Товарларни магазинларга марказлаштирилган тартибида ташиш учун зарур бўлган транспорт ва ортиш-тушириш воситаларини аниқлаш.

Районлараро базалар чакана савдо тармоғига ташилиши лозим бўлган юкнинг ҳажмига қараб зарур миқдордаги транспорт воситаларини аниқлайдилар ва юк жўнатишдан бир кун олдин вилоят автоҳўжалигига буюртма берадилар.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, транспорт воситалари улгуржи савдо

базалари жойлашган пунктларга жойлаштирилиши керак. Автотранспортни хийла йирик хўжаликларда тўплаш иқтисодий ва хўжалик жиҳатидан қулайдир. Бу тадбирни амалга оширмай туриб, товарларни марказлаштирилган тартибида ташишни уюштириш масаласини ҳал этиб бўлмайди,

3. Товарларни марказлаштирилган тартибида ташиш хужжатларини расмийлаштириш ҳамда тозарларни қабул қилиш ва саклашни ташкил этиш тартибини ўрнатиш.

Товарларни марказлаштирилган тартибида ташишни пухта уюштириш учун товарларни жўнатиш ва қабул қилишга доир хужжатларни расмийлаштиришнинг ягона тартибини белгилаш мухим аҳамиятга эга. Товарлар марказлаштирилган тартибида ташилганда складдан товарларни тайёрлаб жўнатишда счёт-фактура асосий хужжат хисобланади. Бу счёт-фактура талабнома-буюртма ёки саралаш варагига биноан белгиланган тартибида ёзилади ва расмийлаштирилади. Счёт-фактура товарни олувчига товар билаи бирга кўшиб жўнатилади.

Ўраб-жойланган ва жўнатишга тайёрлаб қўйилган товарлар чакана савдо тармоқларига тўғридан-тўғри база складларидан жўнатилиши ёки маҳсус экспедиция складига берилиши мумкин.

Экспедицияда товарлар маршрутларига қараб группалаштирилади. Агар товар марказлаштирилган тартибида ташиш учун экспедиция складига берилса, берилгани маҳсус журналда хисобга олинади. Журналга экспедиция бошлиги товарларни олувчиларга жўнатиш учун қабул қилганлиги ҳақида имзо чекади.

Марказлаштирилган тартибида ташиш учун экспедицияда тайёрланган товарларни автотранспорт ҳайдовчиси ўринлар сонига қараб қабул қиласи, тарнинг бутунлиги ва пломбанинг мавжудлигини текширади. Ҳайдовчи юкни қабул қилганлиги ҳақида журналга имзо қўяди, шундан сўнг унга счёт-фактура ва товар транспорт накладнойи берилади.

Автомашиналарга маршрутдаги магазинларнинг жойлашуви хисобга олинган ҳолда юк ортилади. Магазинга келиб тушган товарларни магазин мудири тара ва пломбаларнинг бутлигига эътибор берган ҳолда, тара ўринлари

сонига қараб қабул қиласди. Шундан сўнг у товарни қабул қилганлиги ҳакида счёт-фактурага имзо қўяди, шунингдек жамият томонидан товар олиш учун берилган доимий ишонч қоғозининг номери ва санасини ёзib қўяди. Магазин мудирининг товарни қабул қилганлиги ҳакидаги имзоси магазин штампи билан тасдиқланади. Счёт-фактуранинг бир нусхаси савдо корхонасида қолади, иккита нусхаси эса товарни олиб келган шофёрга қайтариб берилади.

Товарларни марказлаштирилган тартибда ташиш харажатларини улгуржи савдо базалари тўлайди. Бу харажатлар улгуржи савдо базаларининг умумий савдо скидкасидаги хиссасини ошириш иўли билан қопланади. Натижада улгуржи савдо базаларининг бу харажатларни камайтириш учун масъулияти оширилади. Улгуржи савдо базаларидан товарларни ўз воситалари билан ташиб олган ҳолларда улгуржи савдо базалари бу харажатларни автомобиль транспортида юк ташишнинг амалдаги тарифи бўйича тўлашлари керак.

4. Товарлар ташиб келтириш учун зарур миқдордаги инвентарь таралар ва кичик контейнерлаштириш воситаларини тайёрлаш.

Товарларни ташишда уларнинг сон ва сифат жиҳатидан бутлигини таъминлаш, шунингдек, товарларни қабул қилиш – топширишини тезлаштиришнинг муҳим шарти товарларни кайта-кайта ишлатиладиган инвентарь тараларга – тахта яшиклар, брезентлар, очиладиган кутилар, коплар ва яшикли тагликларга жойлашдан иборатdir.

Кўп оборотда бўладиган инвентарь тара кўп марта фойдаланиши талабларига жавоб бериши керак. Ҳар бир инвентарь яшик ва қопга доимий номер берилиши ловим.

Ҳар бир жойланадиган ўринга жойлаш ёслиги солинади, сўнгра ўрин ёпилади ва пломбаланади. Счёт-фактурада инвентарь таранинг номи ва номери, ўринлар сони кўрсатилади. Йирик габаритли, шукингдек, озиқ-овқат товарлари фабрикада ишланган тара ва упаковкада ташилади. Юк кўтариш қобилияти катта бўлмаган (500 кг гача) автомобиль контейнерлари ҳам қўлланилиши мумкин.

Товарларни марказлаштирилган тартибда ташишни уюштиришда

товарларни магазинларга тушириш жиддий проблема бўлиб қолмоқда, чунки кўпчилик магазинларда юк ташувчилар йўқ. Ундан ташқари, қишлоқ магазинларининг товар айланмаси оз бўлганлиги учун замонавий механизация воситаларини қўлланиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

#### 5.4. Чакана савдо тармоқларига товарлар етказиб беришни ташкил этиш

Товарлар ташишнинг график ва маршрутларини ишлаб чиқиш магазинларининг қаерда жойлашганини, йилнинг турли даврларида йўлларнинг ҳолатини синчиклаб ўрганишни талаб этади.

Товарларни марказлаштирилган тартибда ташиш махсус тузилган график асосида амалга оширилиши зарур.

График деганда товарларни ажратиш ва магазинларга ташишнинг вақт жадвали тушунилади. У товарларни марказлаштирилган тартибда аниқ ва бир маромда ташишга имкон беради.

Графиклар одатда ойлик ёки кварталлик қилиб тузилади. Товар ташиб графикини йиллик қилиб тузмаслик керак, чунки савдо корхоналарининг ишлаш шароитлари ва йўлларнинг ҳолати вақт-вақти бидан аниқлаб туришини талаб қиласди. Товар ташиб графикини тузишда савдо тармоғи характеристикиаси, ташиладиган товарлар ҳажм, талабнома-буортмаларнинг топширилиши ва бажарилиш муддатлари каби маълумотлардан фойдаланилади.

Талабнома-буортмаларни топшириш ва бажариш муддатлари товарларнинг чакана савдо тармоқларига ўз вақтида мунтазам суратда ташилишини таъминлаши керак. Буортмалар товарларни марказлаштирилган тартибда ташиб муддати бошланишидан камида уч кун олдин улгуржи савдо базаларига келиб тушиши ке рак.

Шу билан бирга товарларни чакана савдо тармоқларига ташишда фойдаланиладиган транспорт тури ва унинг юк кўтариш имкониятидан тўла фойдаланиш зарурати хисобга олинади.

Озиқ-овқат товарлари ҳафтасига бир-икки марта, озиқ-овқат бўлмаган

товарлар эса ойига уч-тўрт марта ташиб келтирилади. Товарларни магазинга ташиб келтиришда харидорлар кам бўладиган ва тушки дам олиш пайтига тўғри келмайдиган вақтни танлаш керак.

График келишиб олингандан сўнг унга тўла риоя килиш зарур. Графикнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш товар етказиб берувчини ҳам, харидорни ҳам интизомли қиласи ҳамда транспортнинг бир маромда ишлашига имкон беради.

Товарларни марказлаштирилган тартибда ташиб графикини тузиш билан бир вактда товарларни улгуржи савдо базаларидан магазинларга ташиб маршрутлари ишлаб чиқилиши керак.

Маршрут – товар жўннатилган жойдан чакана савдо корхонасигача бўлган масофадир. Товарларни марказлаштирилган тартибда ташиб маршрутлари бевосита товар олувчилар дислокацияси (территориал жойлашуви)ни ва ҳар бир магазинга маълум кунда ташиб лозим бўлган товарлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Уларг линияли ва айланма бўлади. Линияли (маятникли) маршрутларда товарлар бир қатнаганда битта магазинга туширилади, айланма маршрутларда эса товарлар бир қатнашда йўл-йўлакай жойлашган бир неча магазинга туширилади.

Барча чакана савдо корхоналарига товарлар ташиб маршрутлари товарлар етказиб беришнинг юкорида санаб ўтилган омиллари ва графиклари асосида ишлаб чиқилади. Белгиланган график асосида барча савдо корхоналарига мунтазам равишда товарлар етказиб беришни таъминлаш учун маршрутлар сонини белгилаш катта ахамиятга эга. Маршрут танлашда товарлар энг яқин йўлдан ташилишига эришиш керак.

Маршрутлар ишлаб чиқилаётганда карта-схема тузиш керак. Бу карта-схемаларда товар ташиб манбалари, ташиладиган пунктлар ва уларни ўзаро боғловчи барча транспорт йўллари акс эттирилиши керак. Картадан корхоналар орасдиаги масофа ўлчанади ва унда катнаш учун транспорт сарфлайдиган вақт аникландади. Маршрутлар узунлиги ва рейсни бажариш учун сарфланадиган вақт аникландандан сўнг уларни таҳлил килиш муҳим ахамиятга эга. Кўпинча

бир хил маршрутлар ҳаддан ташқари узун, бошқалари эса қисқа бўлади. Узун маршрутлар транспорт учун ортиқча қийинчилик туғдиради, қисқа маршрутларда эса транспорт воситаларининг юк кўтариш имкониятидан тўлиқ фойдаланилмайди. Шунинг учун маршрутлар тасдиклангунга қадар ҳам савдо корхоналарини (транспортдан тўлиқ ва самарали фойдаланган ҳолда) товарлар билан мунтазам таъминлаб туриши чораларини кўриш керак.

Рационал маршрутларни тузиш учун, жумладан, «тармоқ ва чегара» методи билан ечиладиган математик методларни кўллаш тавсия этилади.

Тажриба шуни кўрсатадики, автомобиль транспорти рационал тузилган айланма маршрутда тебрангич (маятникли) маршрутдагига қараганда энг яхши техника-иктисодий кўрсаткичга эришади. Машиналарнинг қатновдан фойдаланиш коэффициенти ҳахмда уларнинг юк кўтариш имкониятидан фойдаланишнинг динамик коэффициенти ошади, товарларни магазинларга ташиб учун сарфланадиган вақт тежалади ва ниҳоят, товар ташиб қиймати камаяди.

Аммо бу нарса чакана савдо тармоқларини товар билан таъминлашда бошка турдаги маршрутлардан фойдаланиш имкониятини инкор этмайди. Масалан, тебрангич маршрути товарларни кичик қатнов воситаларидан фойдаланиб қисқа масофаларга ташишда яхши натижалар бериши мумкин. Магазинларга товарлар ташишнинг турли хил варианtlарини оқилона қўшиб олиб бориш автомобиль транспортининг самарадорлигини ошириш ва умумий муомала харажатларини камайтириш имконини беради.

Магазинларга товар ташишнинг энг рационал тезлиги ва бир вактнинг ўзида келтирилган товарлар партиясининг ҳажми товар ташиб графиклари ва маршрутларини тузишда муҳим кўрсаткичлар ҳисбланади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, магазинлар кичик-кичик партиядаги комплект ассортиментли товарлар олишдан манфаатдордир. Товар қанчалик тез келиб турса, унинг айланмаси шунча тезлашади, савдода товарларнинг етишмай қолиши, шунингдек, кўп туриб қолиши ва кейинчалик саклашда нобуд бўлиши хавфи бартараф этилади.

Иккинчи томондан, транспорт ташкилотлари, аксинча, оз миқдордаги магазинларга бир вактнинг ўзида бир турдаги йирик партияли товарлар ташишдан манфаатдордирлар, чунки бундай шароитда транспорт воситаларидан яхши фойдаланилади, юкларни қабул килиш-топшириш ишлари тезлашади, транспорт воситаларининг иш. унуми ошади.

Аммо товарлар партияси ҳажмини ҳаддан ташқари майдалаб юбориш ва магазинларга тез-тез товар ташиб келтириш товар таъминотини уюштириш билан боғлиқ муомала харажатларини кескин ошириб юборади. Шунинг учун савдо ва транспорт ташкилотлари манфаатларини оқилона хисобга оладиган максадга мувофиқ ечимлар топилиши, яъни товар партияларининг оптималь ҳажми ва чакана савдо тармоқларига товар ташиш тезлиги белгиланган бўлиши лозим.

Товар ташиш тезлиги чегараси, бинобарин, келиб тушадиган товарлар партиясининг ўртacha ҳажми магазинларда товар реализация қилиш ҳажмига ва белгиланган айланиш нормативларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун амалда товар ташиш тезлиги чегараси ва партиялар ҳажмини аниклашда товарларни саклаш муддатларига қараб иш кўрилади.

Масалан, совиткич камералари бўлган озиқ-овқат магазини учун гўштни саклаш муддати 3 кун. Ўртacha бир суткалик реализация 100 кг ни ташкил этади. Товар ташиш тезлиги чегараси 3 кунга teng бўлиб, келиб тушадиган гўшт партиясининг ҳажми 300 (ЗХІОО) килограммдир.

Товар ташиб келтириш тезлиги белгиланган пландаги ўртacha запас нормаларини, ундан ташқари, навбатдаги товар келиб тушганда магазиннинг ёрдамчи бинолари тўлиб-тошиб кетмаслигини хисобга олиб белгиланиши керак. Бунда шуни назарда тутиш керакки, у ёки бу товарни ташишнинг минимал тезлиги оборот кунларда ифодаланган ўртacha планли запаслар билан магазиннинг ёрдамчи ва савдо хоналарига жойлашадиган максимал запас орасидаги фарқнинг икки бараварига teng бўлади.

Савдо корхоналарини товар билан рационал таъминлаш факат таъминлашнинг оптималь форма ва методларини ишлаб чикиш билан

биргаликда транспорт, тара ва ўраш-жойлаш воситаларидан тўлиқ фойдаланишни талаб қиласди.

#### **Мустақил ишлаш учун назорат саволлари**

1. Чакана савдо корхоналарини товар билан таъминлашга қўйиладиган талаблар тўғрисида гапириб беринг.
2. Чакана савдо тармоқларини товар билан таъминлаш шакллари ва усуллари тўғрисида маълумот беринг.
3. Чакана савдо корхоналарига товар етказиб беришни ташкил этиш тўғрисида гапириб беринг.
4. Товарларни харид қилиш усуллари ва уларга қўйиладиган талаблар тўғрисида гапириб беринг.
5. Чакана савдо тармоқларига товарларни марказлашган усулда етказиб беришнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида гапириб беринг.

## **6-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИ ВА АСОСИЙ ФОНДЛАРИ**

### **6.1. Чакана савдо корхонасининг моддий-техника базаси, унинг савдо ва хизмат кўрсатишдаги аҳамияти**

Савдо ва хизмат фаолиятини юритиш учун корхона маълум моддий-буом бойликларига эга бўлиши керак. Бу бойликлар корхонанинг моддий-техника базасини ташкил этади.

Савдо моддий-техника базаси моддий ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган молларни истеъмолчиларга етказиш каби масъулиятли вазифани бажаради. Ишлаб чиқарилаетган маҳсулотлар, моллар ҳажмининг ортиши ва турларининг кўпайиб бориши билан ҳамда аҳолига савдо хизматининг юксалиш зарурати билан моддий-техника базасининг аҳамияти янада ортади.

Савдо моддий-техника базасига корхонадаги барча меҳнат воситалари киради. Ўзининг меҳнат воситаси ёки ижарага олингандигидан қатъий назар меҳнат воситалари савдо фирмаси моддий-техника базасини ташкил этади. Савдо корхонасининг моддий-техника базаси дўконлар, шаҳобчалар, ресторонлар, ошхоналар, қаҳвахоналар, омборлар, совуқхоналар, хўжалик жиҳозлари, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва бошқалардан таркиб топгандир.

Чакана савдо корхонаси моддий-техника базасининг ҳолатига унинг товар айланмаси, ходимлари, алоқалари, хизмат сифати ва қатор иқтисодий кўрсаткичлари боғлиқ ва аксинча. Жумладан, агар савдо фирмаси тез бузулувчан озиқ-овқат, совукталаб маҳсулотлар билан савдо қилишни мўлжалласа, албатта совутгичлар, маҳсус жиҳозлар, ускуналар билан жиҳозланиши керак.

Савдо шаҳобчаларининг дўконлари, дўкончаларининг ҳаридорларга кулий жойларда жойлашиши, ривожланган хизмат турларининг ташкил этилганлиги аҳолининг бўш вақтини қўпайтиради. Моддий таъминоти яхшиланиб боргани сари бўш вақти қанча кўпайса, жамият шунча бойиб бораётган ҳисобланади. Одатда аҳолининг истеъмол харажатлари молларни

бозорлардан, дўконлардан қидириш, ҳарид қилиш ва улар истеъмолини ташкил этишдан таркиб топади.

Дўконларнинг, хизмат шаҳобчаларининг ақоли туар жойига ёки ҳаракат йўналишнга қулай ҳолда жойланиши, мол турларининг ҳаридор талабига мослиги ҳалқ оммасининг молларни қидиришга кетадиган вақтни тежайди. Шунинг учун савдо шаҳобчаларини жойланишини маълум қоидалар асосида тартибга солиниши муҳим аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шароитигача бўлган марказлаштирилган бошқариш ва режалаштириш тизимида савдо шаҳобчалари шаҳар ва туман маркази худудида режа асосида жойлаштирилар эди. Бунда аҳолининг биринчи эҳтиёж моллари, зеб-зийнат буюмлари каби шартли белгиларига караб савдо шаҳобчаларининг катта-кичиклиги, қуриладиган жойи танланар эди. Албатта аҳолига яқинроқ жойлаштириладиган дўконлар биринчи эҳтиёж моллари билан савдо қиласарди.

Режа асосида маблағ ажратиш ва савдо моддий-техника базасини кенгайтириш жараёни бозор иқтисодиёти шароитида ўз ўрнини ракобат асосида қуришга бўшатиб бериши билан маҳаллий хокимиятлар барпо этиладиган янги савдо, хизмат тармоғини мақсадга мувофиқ жойлаштириш имкониятига эга бўлди. Жумладан, савдо шаҳобчаси қурилиши учун ажратилган майдонда маълум ассортиментдаги моллар сотилишига мўлжалланган дўкон қурилиши керак. Ракобатчи фирмалардан қайсиси шу талабга жавоб берса, унга барпо этиш хукуқи берилиши мумкин. Натижада аҳолига зарур савдо тармоғи таркиб топиб боради, акс ҳолда эса, бир хил ассортиментдаги моллар билан савдо қилувчи ўнлаб дўконлар ёнма-ён жойлашиб кетиши мумкин.

Савдо моддий-техника базасининг ўсиши, транспорт воситалари ва яхши мутахассислар билан етарли таъминланиши турли хизматлар кўрсатиш имкониятини оширади. Аҳолига молларни уйга элтиб бериш, мебелни йигиб бериш, телевизор, совутгич каби молларни ўрнатиб, ишга тушириш каби қатор ишларни, хизматларни бажариши мумкин.

Умумий овқатланиш тармоғининг жойланиш ҳам аҳоли талабига, хуранданинг ҳидрид кобилиятига караб бориши мақсадга мувофиқдир. Шунга

биноан ресторандар, каҳвахоналар, ошхона, чойхона ва бошқа тармоқ таркиб топади.

Умумий овқатланиш фирмалари моддий-техника базасининг мустахкамланиш, техник таъминотининг кучайиши билан кенг ассортиментдаги ярим тайёр маҳсулотлар, кулинария маҳсулотларини ахолига таклиф этиш имконияти кенгаяди.

Чакана савдо фирмасининг моддий-техника базаси ахолига савдо хизматини кўрсаттишни яхшилашга шароит яратиш билан бирга, унда ишловчиларнинг меҳнат ва ҳаёт имкониятини ҳам яхшилашга кўмаклашиши керак. Фан-техника ривожи, техник кайта қуролланиш, илгор технологияларни жорий этиш меҳнат унумдорлигини ошириш, қўл кучидан фойдаланишини камайтириш, меҳнатни енгиллатиш каби устунликларни таъмиилайди. Савдо тармоғида ишлатилаётган ёки ишга туширилаётган касса аппаратлари, электрон тарозилар, ортиш-тушириш механизmlари, тара-жихозлар, ўраш, кадоқлаш жихозлари, савдо автоматлари шулар жумласидандир. Бу шароитда инсон меҳнати ишни бевосита бажаришдан машина, механизmlарни бошқариш ва назорат қилишга айланади.

Турли техник воситалар кенг кўлланиш имконияти бор дўконларда мол харакати технологияси ҳам шунга мос ҳолда ташкил этилади. Бунда молни бира тўла тара-жихозларга жойлаштирилган ҳолда қабул қилиниб, айнан шу жихозда тўғридан тўғри савдо залига чиқарилади: Натижада молларни қабул қилишдан сотишгача бўлган кўплаб ортиш-тушириш меҳнати тежалади.

Фирма ҳодимларининг иш вақти ва ундан ташқари вактда ҳаёт шароитини яхшилаб турувчи моддий-техника базанинг таркибий элементларига дўконлар, ошхоналардаги ҳаво алмаштиргичлар, иситкичлар, лифтлар, дам олиш хоналари, соглиқни тиклаш, яхшилаш хоналари, уйлари, маданий дам олиш уйлари, болалар боғчаси ва бошқа қатор муассасалари киради.

## 6.2. Чакана савдо корхоналарининг асосий фондлари ва уларнинг қиймати

Савдо, хизмат соҳаларшинг ўз вазифасини бажариши учун зарур ишлаб чиқариш воситаларининг қиймат шаклидаги ифодаси асосий фондларини ташкил этади. Асосий фонд ҳисобланши учун қиймати маълум суммадан (камида 50 минимал иш ҳаки) ва хизмат муддати 1 йилдан ортиқ бўлиши керак.

Савдо, хизмат соҳаларининг асосий фондлари шу тармоқ ҳодимларининг меҳнат воситалари бўлиб, молларни ҳарид этиш, саклаш, сотиш, юкори маданиятли хизмат кўрсатишiga қаратилиган.

Асосий фондлардан узок муддат мобайнида товар муомаласи жараёнида фойдаланиш ва қийматини тайёр маҳсулотга аста-секин моддий харажатлар орқали ўтказиб боришини ҳисобга олиш лозим.

Савдода мавжуд бўлган баъзи моддий бойликлар савдонинг асосий фондлари бўла олмайди. Масалан, сотилишини кутаётган телевизор, автомашиналар ва бошқа моллар заҳира сифатида хизмат қиласди.

Асосий фондлар ўзида қиймат ва истеъмол қийматини мужассамлаштиради. Меҳнат воситасида истеъмол қийматнинг мавжудлиги намоён бўлади.

Савдонинг асосий фондлари савдо, хизмат жараёнида кўп марта иштирок этиб, ўзининг истеъмол қийматини сақлайди. Истеъмол қийматининг камайиши қийматнинг ҳам камайишига олиб келади. Асосий фондлар доимо айланиб турари ва айланиш давомида кетма-кет уч босқичдан ўтади: унумли ишлатилиш, пул резервиинг вужудга келиши, эскирган қисмини тўлатиш.

Асосий фондлардан фойдаланиш давомида уларнинг жисмоний ва маънавий эскириши содир бўлади. Жисмоний эскириш асосий фонднинг кўп вақт ишлатилиши ва истеъмол қийматининг камайишида ифодаланади. Маънавий эскириш эса, янги, қувватлироқ унумлироқ меҳнат қуролларининг яратилиши натижасида ишлаб турган, ҳали ишга яроқли бўлган ва ҳатто ҳали ишлатишга қўйилмаган меҳнат воситаларининг қадрсизланишини билдиради. Демак, асосий фонд ўз вақтида ишлатилиб, қиймати тикланмаса, маънавий

эскириши мумкин.

Асосий фондларнинг айланиши амортизация фондини вужудга келтириш ва ундан фойдаланишини талаб этади. Амортизация деганда. асосий фондларнинг ишлатилиш даврида тайёр маҳсулотга, молга ўтказган қиймати тушунилади. Моллар сотилганидан сўнг асосий фонднинг эскирган қисмига мос келадиган пул миқдори амортизация жамғармасида жамланади.

Мехнат қуролларининг хизмат муддатини узайтириш ва улар эскиришини қисман тиклаш учун капитал ремонт қилинади. Натижада асосий фондларнинг яроқлилиги ошади.

Мехнат воситалари асосий фонд сифатида ифодаланишининг фарқли хусусиятларидан бири шуки, улар узоқ муддат мобайнида хизмат қиласди. Асосий фондлар қийматининг айланиш вақти уларнинг хизмат муддати, деб аталади.

Хизмат муддати турли асосий фондларда турличадир. Бу асосий фонднинг тузилишига, ундан фойдаланиш тезлигига ва бошқа омилларга боғлиқ.

Савдонинг асосий фондлари ишлаб чиқаришдаги иштирокига қараб ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларига бўлинади. Ишлаб чиқариш фондлари шундай меҳнат воситаларики, улар ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида иштирок этади. Буларнинг бир қисми иморат, бино, транспорт воситалари, жиҳозлар, асбоблар ва бошқалардан иборат бўлиб, ўз қийматини маҳсулот қийматига ўтказади: иккнчича қисмига эса, касса аппаратлари, ҳисоблаш машиналари киради ва улар молларнинг қиймати ҳамда алмашув қиймати билан боғлиқ. Асосий фондларнинг бу қисми харажатлари жамият соф даромади ҳисобига қопланади. Савдонинг жами асосий фондлари ичida ишлаб чиқариш характеристидаги асосий фондлар хал этувчи ҳиссани эгаллайди.

Ноишлаб чиқариш фондларига эса, савдода коммунал ва маданий-маший хизматни амалга оширишга мўлжалланган фондлар киради. Савдо фирмаси, корхонасига, компаниясига қарашли турар жойлар, болалар, соғлиқни саклаш муассасалари, тиббиёт марказлари, маданият, дам олиш уйлари, ўкув

юртлари ва бошқалар бунга мисол бўлади. Савдо фирмалари, ҳиссадорлик жамиятлари бозор иқтисодиёти шароити асосида ишлашга ўтиши билан ижтимоий-маданий эҳтиёжга катта эътибор бермоқда ва ноишлаб чиқариш фондлари ўсмоқда. Аммо ҳали ҳиссаси жуда пастир.

Савдо асосий фондлари бошқа соҳаларнинг асосий фондлари каби актив ва пассив қисмларга бўлинади. Актив қисмига ортиш-туширгич, ташиб, совутгич, ҳисоблат механизмлари, технологик жиҳозлар ва бошқалар киради. Пассив қисми асосан иморат, иншоат, курилмалардан таркиб топади. Савдо фирмалари, корхоналарида жами асосий фондларнинг тўртдан уч қисми пассив ва қолгани актив фондларга тўғри келади.

Савдода ишлатиладиган асосий фондлар кимга қарашлилигига биноан ўзиники ёки ижарага олинган бўлиши мумкин. Ўзининг асосий фондлари фирманинг балансида акс этади. Сотиш, ёрдамчи хўжалик юритиши, омбор ва бошқа эҳтиёжлар учун савдо фирмалари маҳаллий хокимиётлардан, бошқа юридик ёки жиҳоний шахслардан бўш иморатларни ижарага олади. Ижарага олинган асосий фондлар қиймати ижарага берувчилар балансида қолаверади.

Асосий фондлар ҳолатига баҳо беришда унинг қийматидан фойдаланилади. Асосий фондлар қиймати уч хил бўлиши мумкин: бирламчи, тикланиш, колдиқ қийматлар.

Асосий фондларнинг бирламчи (дастлабки) қиймати уларни яратиш, ҳартд қилиш ва ишга тушириш учун кетган жами пул суммасидан иборат. Масалан, агар совутгич жиҳознинг нархи 1 млн. сўм бўлиб, уни ўрнатиш ва ишга туширишга 20 минг сўм сарфланган бўлса, унинг дастлабки қиймати 1 млн. 20 минг сўмни ташкил этади.

Асосий фондлар қиймати савдо фирмаси, корхонсининг балансида ўз ифодасини топади. Улар қайси даврда ишга туширилган бўлса, ўша давр нархида ифодаланади. Шунинг учун турли даврларда ишга туширилган бир хил қувватли, хусусиятли асосий фондлар турли қийматда юритилиши мумкин. Масалан, 1-дўконнинг курилиши ва ишга туширилиши 2000 йилда 1 млн. сўмга тушган бўлса, 2006 йилда айнан шундай белгиларга эга бўлган 2-дўкон 4 млн.

сўмга тушган бўлиши мумкин. Бу фарқ курилиш материаллари нархи, қурилиш технологияси қийматининг ошишидан келиб чиқади. Баъзида аксинча ҳолат, яъни асосий фонд қийматининг пасайиши кузатилади. Натижада бир хил кувват, хусусиятга эга бўлган икки ва ундан ортиқ асосий фонdlар савдо фирмаси балансида ҳажми, юзаси, куввати ва бошқа сифатлари билан бир-биридан фарқ килувчи обьектлардек ёзилади, чунки қиймати турлича.

Шунинг учун асосий фонdlар вақти-вақти билан қайта баҳоланиб туради ва ягона нархга келтирилади. Бу жараён қийматни тиклаш деб юритилади ва шартли ҳолатда баҳоланади. Қийматни тиклаш аввал яратилган асосий фонdlарнинг ҳозирги ишлаб чиқариш шароитида, нархда қанчага тўғри келаётганини белгилашдан иборат. Демак, юқоридаги мисолда 1-дўкон қиймати тикланиши натпжасида 2-сига яқинлаштирилади ва янги нархда балансда акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 18 июндаги «Асосий фонdlар қийматини амалдаги нархлар бўйича қайta ҳисоблаб чиқиш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 293-сонли Қарорида асосий фонdlарни маълум коэффициентлар ёрдамида қайta баҳолаш зарурати ифодаланган. Бунда иқтисодиётдаги инфляция таъсиридаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, барча асосий фонdlар маълум коэффициентлар асосида ҳисоблаб чиқилади.

Савдо асосий фонdlарининг колдиқ қиймати – моллар қийматига хали ўтказилмаган қийматдир. Колдиқ қиймат дастлабки қиймат билан асосий фонdlинг эскирган қисми ўртасидаги фарқдан келиб чиқади. Масалан, электрон тарозининг дастлабки қиймати 20 минг сўм, амортизация нормаси 10 фоиз ва 3 йил ишлатилган бўлса, амортизация ажратмаси 6 минг сўмни ҳамда колдиқ қиймат 14 минг сўмни ташкил этади.

Асосий фонdlар техника таракқиётининг моддий асосини ташкил этиб, меҳнат куроллари ва воситаларини такомиллаштирувчи муҳим жараён сифатида хизмат қиласи.

Ахолининг ўсиб бораётган талабини кондириш, савдо маданиятини, хизмат сифатини яхшилаш, истеъмол харажатларини камайтириш зарурати

савдонинг асосий фонdlарини ривожлантириш ва такомиллаштиришни талаб этади.

### 6.3. Чакана савдо корхоналари асосий фонdlаридан фойдаланиш самарадорлиги

Чакана савдо асосий фонdlарини яратиш, кенгайтириш, такомиллаштириш ҳаридорнинг истеъмол харажатларни камайтириш, унга хизмат кўрсатпиш маданиятини оширишга хизмат қиласи.

Иш билан бирга мавжуд асосий фонdlардан фойдаланиш ҳолати, самарадорлиги савдо фирмаси, корхонаси учун муҳмм иқтисодий аҳамиятга эгадир. Асосий фонdlардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш уларга бўлган эҳтиёжни, капитал кўйилмалар, янги савдо майдонларига бўлган эҳтиёжни камайтиради.

Чакана савдо асосий фонdlаридан фойдаланиш кўрсаткичлари икки гурухга бўлинади: қиймат ва натурал кўрсаткичлар. Қиймат кўрситкичларига қуидагилар киради:

- фонд қайтими;
- фонд сигими;
- фонд билан қуролланиш;
- фонд рентабеллиги.

Чакана савдо асосий фонdlаридан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларидан бири фонdlинг ишлатилиш кўрсаткичи бўлиб, бу кўрсаткич товар оборотнинг асосий фонdlарга нисбати билан ўлчанади:

$$\Phi_{\text{КМ}} = T / A_{\text{Ф}}$$

Бу ерда, Т – йиллик товар айланмаси;

АФ – асосий фонdlарният йиллик ўртacha қиймати.

Бу фонд қайтими кўрсаткичи савдо корхоналарини камроқ асосий фонdlар ёрдамида кўпроқ товар айланмасига эришишга ундейди.

Фонд қайтими кўрсаткичининг акси бўлиб фонд сигими кўрсаткичи ҳисобланади. Бу кўрсаткич бир сўмлик товар айланмасига қанча асосий фонд

суммаси тўғри келишини ифодалайди ва қўйидагича топилади:

$$\Phi_{\text{с}} = A\Phi / T$$

Фонд қайтими кўрсаткичи ҳар бир сўм асосий фондга тўғри келадиган товар айланмасининг юкори бўлишини талаб этса, фонд сигими кўрсаткичи эса, ҳар бир сўм товар айланмасига имкони борича камрок суммалик асосий фонд тўғри келишини талаб этади.

Асосий фонdlарнинг ишлатилиш самарадорлигини баҳолашда шунингдек, савдо ходимларининг асосий фонdlар билан куролланиши даражасини таҳлил қилиш зарур. Фонд билан куролланишнинг яхшиланиши айниқса меҳнат унумдорлигининг ўсишига катта таъсир кўрсатади. Кейинги йилларда асосий фонdlарнинг актив қисми ҳисобига фонд билан куролланиши даражаси ошиб бормоқда. Савдо ходимларининг асосий фонд билан куролланиш кўрсаткичи қўйидагича топилади:

$$\Phi_{\text{к}} = A\Phi / X$$

Бу ерда, X – ходимларнинг йиллик ўртacha сони.

Бу кўрсаткич ёрдамида асосий фонdlар самарадорлигини баҳолаганда фонд билан куроллантиришиннинг ўсиш суръатини ходимлар сони ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати билан таққослаш керак.

Асосий фонdlар рентабеллиги кўрсаткичини топиш савдо учун ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки ишлатилаётган ҳар бир сўмлик асосий фонд корхона даромадини янада кўпайтириши керак. Бу кўрсаткичини аниқлаш учун корхонанинг фойдасини асосий фонdlар суммасига бўлиш керак. Бу формула қўйидагичадир:

$$R\Phi = \Phi / A\Phi * 100\%$$

Бу ерда,  $\Phi$  – корхона фойдаси.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, савдо асосий фонdlарининг иқтисодий самарадорлиги киймат кўрсаткичларини ҳисоблашда савдодаги ижарага олинган асосий фонdlар тўсқинлик қилади. Уларнинг аксариятининг киймати кўрсатилмайди ва натижада ҳисобланган самарадорлик кўрсаткичларига караб қилинган хулосалар етарли асосга эга булмайди.

Шунинг учун мавжуд барча асосий фонddан фойдаланиш ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар зарур. Буларга натурал ўлчовдаги қўйидаги кўрсаткичлар киради:

- ҳар бир кв.м умумий майдонга тўғри келадиган товар айланмаси;
- ҳар бир кв.м савдо майдонига тўғри келадиган товар айланмаси;
- ҳар бир кв.м. савдо майдонига жойлаштирилган истеъмол моллари сони;
- омборнинг ҳар бир кв.м. ёки куб метрига тўғри келадиган товар айланмаси;
- умумий овқатланишда ҳар бир ўтирадиган хўранда жойига тўғри келадиган товар айланмаси;
- савдо жихозлари, асбоб-ускуна, механизмларнинг фойдали иш коэффициенти.

Бу кўрсаткичлар ёрдамида асосий фонд кимга тегишлилигидан қатъий назар ундан фойдаланиш даражасини бошқа шу каби асосий фонddан фойдаланиш даражасига таққослаш мумкин. Мавжуд савдо-технологик жихозларни тезроқ ишга тушириш, нархини тиклаш ва янгилаш жараёнини жадаллаштириш йўллари белгиланади.

Асосий фонdlарнинг ҳолати, шахар, туман бўйича жойлашиши ҳозирги даврда аҳолининг зичлиги ва талабига караб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароити қанча савдо майдони, қанча дўкон ёки супермаркет, қандай ассортиментдаги мол зарурлигини таъкидлаб турмоқда. Бозор конъюнктурасини ҳисобга олиб, мулк эгалигидан қатъий назар, янги савдо шаҳобчалари барпо этилмоқда. Рақобат кураши аҳолининг моддий-техника базаси билан, савдо тармоғи билан таъминланиш ҳолатини яхшилади.

Чакана савдо моддий-техника базасини ривожлантиришнинг асосий молиявий манбаи корхоналарнинг, жамоаларнинг ўз маблаги ёки қарзга олинган, жалб этилган маблаглардир. Булар ҳиссадорлик асосида тўпланган маблаглар, банк кредити ёки бошқа манбалардан келадиган маблаг бўлиши

мумкин. Капитал қурилишга сарф этиладиган маблағ самарадорлиги – муҳим иқтисодий кўрсаткичидир. Бунда самарадорликка эришиш учун капитал кўйилмаларнинг энг мақсадга мувофиқ иқтисодий асосланган йўналишларини топиш зарур. Капитал кўйилмалар самарадорлигини ўлчашда капитал кўйилмаларни амалга ошириш ва эришиладиган самара ўртасидаги нисбатдан фойдаланилади.

#### **Мустақил ишлаш учун назорат саволлари**

1. Чакана савдо корхонасининг моддий-техника базаси деганда нимани тушунасиз?
2. Асосий фонdlар қайси жиҳатлари бўйича таснифланади?
3. Асосий фонdlар қандай баҳоланади?
4. Асосий фонdlардан фойдаланиш самарадорлиги қайси кўрсаткичлар орқали аниқланади?
5. Асосий фонdlар ҳолати қандай аниқланади?
6. Асосий фонdlарнинг эскириши ва амортизацияси деганда нимани тушунасиз?

#### **7-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ ТОВАР АЙЛАНМАСИ**

##### **7.1. Товар айланмасининг моҳияти ва турлари**

Иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш жараёнлари амалга оширилаётган шароитда иқтисодиётимиз олдига турли муаммолар кўйилади. Бу муаммолардан бири бозорда талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришишдир. Бозор конъюнктурасини мақбуллаштиришда бозорга келадиган моллар ва бозордаги асосий жараёи – сотиш жараёни муҳим аҳамиятга эгадир. Чакана савдо натижаси чакана товар айланмаси кўрсаткичидан ифодаланади. Чакана товар айланмаси мол харакати йўлида сўнгги, якунловчи боскич бўлиб, бунда мол муомала доирасидан шахсий истеъмол доирасига ўтади. Одатда мол ишлаб чиқариш жараёнидан чиққандан то истеъмолчига бориб етгунга қадар бўлган давр давомида бозорда мавжуд бўлади. Молнинг шахсий истеъмолга тушиши мол айирбошлиш конуниятларига бўйсуниб, сотиш ва ҳарид қилиш жараёнида содир бўлади. Аҳоли ўзига керакли бўлган молларни ўз пул даромадига айирбошлияди

Чакана товар айланмаси деганда молларнинг истеъмолчиларга, асосан ахолига бевосита шахсий истеъмол учун сотиш тушунилади. Бундан ташқари жамоа истеъмоли учун ёки хўжалик зарурати учун давлат, жамоа ташкилотлари, муассасалари ва корхоналарига айрим молларни сотиш хам чакана товар айланмасига киради.

Маълум даражадаги чакана товар айланмасининг умумий ҳажми сотилган молларнинг умумий алмашув қийматини ифодалаб қониқтирилган талаб сифатида юритилади. Чакана товар айланмаси ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўзаро таъсиридан келиб чиқади ва ягона иқтисодий муносабатлар тизимининг якунловчи боскичидир.

Демак, сотилган моллар иетеъмолчиларнинг шахсий истеъмолига тушади ёки истеъмол жамгармасини ташкил этади, муомала доирасидан чиқади ва ўзининг товарлигини йўқотади.

Сотилган молларнинг асосий қисми ахолининг шахсий истеъмолини

қондириш учун тушади.

Республикамизда якка истеъмолдан ташқари биргаликда истеъмол қилиш шакли ҳамм ривожланиб бормоқда. Бунга мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар колледжлари, дам олиш уйлари, шифохоналар, болалар боҳчаси, қариялар, болалар уйлари ва бошқа жойлардаги аҳоли табакаларининг биргаликдаги истеъмоли киради. Биргаликдаги истеъмолни таъминлаш чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари орқали амалга оширилади ва чакана товар айланмасига киритилади

Чакана товар айланмаси ҳалқ хўжалигининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаси, дастурининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Чакана товар айланмаси воситасида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш таъминланади, чунки маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш учун аввал ишлаб чиқарилганлари сотилиши лозим. Банкларга келиб тушадиган нақд пулнинг деярли 90 фоизини савдо таъминлайди. Демак, чакана товар айланмаси республикада пул айланишининг нормал ҳолатинн ҳам таъминлаб туради. Шунингдек, чакана товар айланмаси жамиятнинг тақсимот муносабатларини ҳам ифодалайди.

Чакана товар айланмаси таркибига асосан қўйидагилар киради:

- чакана савдо тармоғи орқали аҳолига молларни нақд пулга сотиш;
- умумий овқатланиш корхоналари орқали аҳолига ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларга озиқ-овқат маҳсулотларинн сотиш;
- устки, бош кийим, пойафзалин якка буюртма устахоналари орқали сотиш. Агар буюртмачи ўзининг газмолидан кийим тикитирадиган бўлса, бунда чакана товар айланмасига устахонанинг хизмат ҳаки киритилади;
- маҳсус кийим-кечак ва пойафзалин чакана савдо тармоғи ёки корхона, фирмаларнинг омборларидан сотиш;
- майший хизмат ташкилотлари ва корхоналари томонидан кийим-кечак, мебел ва бошқа шахсий истеъмол буюмларини тиклаш ҳаки (бунда буюмларнинг истеъмол қиймати тикланади);

• нашриёт маҳсулотларини (китоб, газета, журнал ва ва бошқалар) чакана савдо тармоғи орқали ва обуна қилиш воситасида сотиш. Бунда қачон обуна қилинишидан қатъий назар, товар оборотга обунагача маҳсулот етказилган вақтида киритилади.

Чакана товар оборот таркибига биноан унинг чакана савдо тармоғи орқали сотиш ва умумий овқатланиш маҳсулотларини сотиш турлари мавжуд. Айрим моллар ҳаракатини чакана савдогача ташкил этиб, оралиқ воситачи вазифасини бажарувчи улгуржи, кўтара савдо бўғини ҳам амал қиласади.

Чакана савдо айланмасининг ўсиб боришига кўплаб омиллар таъсир этади. Уларнинг бири аҳоли турмуш даражасининг ва ҳарид қобилиятининг юксалишидир. Бундан ташқари аҳолининг табиий кўпайиши ҳам товар айланмасининг ўсиш омилларидандир.

Бозор муносабатлари шаройтидаги кўплаб давлатлар ўз тажрибасидан ўтказган ва иқтисодиётимизда кузатилаётган пулнинг кадрсизланиши жараёни ҳам чакана товар айланмасининг кескин ўсишига сабаб бўлмоқда.

Аҳоли турмуш даражаси, моддий таъминот даражасининг юксалиши жами чакана товар оборотда ноозик-овқат моллари хиссасининг ошишига олиб келади. Озиқ-овқат маҳсулотлари товар айланмаси суммаси ҳам ошиб бориши мумкин, аммо ноозик-овқат моллари савдоси ундан тезроқ ўсиши уларнинг улушларига таъсир этади. Шу каби озиқ-овқат маҳсулотлари ичida юқори калорияли, тўйимли озиқаларнинг ҳарид қилиниши ва истеъмоли ортади ва аксинча. Агарда ҳаёт даражаси пасайса, нон ва нон маҳсулотлари, қанд, ўсимлик мойи, картошка ва шунга ўхшаш маҳсулотларнинг товар айланмасидаги хиссаси кўтарилади.

Ноозик-овқат моллари ичидаги ўзгаришлар ҳам шунга мос ҳолда бўлади. Бунга аҳоли ҳарид фондининг юксалиши маданий-маишӣ моллар, зеб-зийнат буюмларининг кўпроқ ҳарид қилинишига ва истеъмолда кўпайишига сабаб бўлади.

Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалиб бориши озиқ-овқат маҳсулотлари савдосида умумий овқатланиш айланмаси ролининг тезроқ

ўсишини тақозо этади.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган товар оборот кўрсаткичи аҳоли турмуш даражасини ифодалайдиган ўлчовлардан ёки кўрсаткичлардан биридир.

Шундай қилиб, чакана товар айланмаси бозор шароити афзаликларини ифодалаб ўсиб боради.

## 7.2. Товар айланмаси ва бозор конъюнктураси

Молларнинг сотилиши уларнинг аҳоли талабига мос келганлигини, ижтимоий таи олингандигини англатади. Бозордаги талаб ва таклиф ўртасидаги муносабат мураккаб муносабат бўлиб, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа шароитлар ҳисобига доимо ўзгариб туради.

Бозор конъюнктураси маълум даврга бўлган талаб билан таклиф ўртасидаги алоқалар ҳолатини ифодалайди. Масалан, 2007 йилнинг 1 январига бўлган бозор конъюнктурасининг ҳолати бозорда аҳоли талаби ва истеъмол моллари таклифи ўртасидаги вужудга келган нисбатдан иборат. Бозор конъюнктурасига баҳо бериш мамлакат бўйича ҳам, ҳар бир худуд бўйича ҳам мустақил амалга оширилади.

Бундан ташқари алоҳида олинган мол бозори бўйича таклиф ҳажми ва таркиби талаб ҳажми ва таркибига мос келиши ўрганилади.

Демак, бозор канъюнктураси бозорнинг мол билан тўйинганлиги ва унда аҳоли талабининг қондирилиш даражасини аниқлашга имкон беради ва бу даражани ошириш йўлларини излашни ҳар бир савдо корхонаси, фирмаси, компанияси, маҳсус органлар олдига вазифа қилиб қўяди.

Талаб билан таклиф ўртасидаги муносабат муҳим иқтисодий мутаносибларини таъминлашга асос бўлиб хизмат қиласи. Аҳоли тўловга кодир талабининг қондирилиши кўп ҳолларда ишлаб чиқаришнинг истеъмолчи талабини ўз вақтида ҳисобга олишига боғлик. Аҳолининг талаби асосан уни қондириш имконияти бор ҳолларда мавжуд бўлгани учун таклиф талабни белгилайди ҳамда миқдори ва таркибига таъсир этади. Масалан, лойиҳаси

тайёрланган, аммо ҳали ишлаб чиқарилмаган ва аҳолига номаълум бўлган янги маҳсулотга ҳалқ талаби шаклланмайди.

Аммо талаб ишлаб чиқариш ҳамда таклифга нисбатан суст ҳолатни эгалламайди, балки ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтирувчи омил бўлиб ҳисобланади. Эҳтиёжнинг аниқ истеъмол молидаги ифодаси бўлган талаб, ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва таркибини белгилайди. Масалан, агар бирор мол аҳоли талабига мос келса, унга эҳтиёж ошади ва ишлаб чиқариш кувватини ошириш заруратн түғилади ва аксинча. Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчининг буюртмаси ишлаб чиқарувчининг маҳсулот чиқарни дастури негизида бўлиши шарт.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда бозор конъюнктурасини ўрганишни маҳсус илмий изланиш марказлари, ахборот марказлари, лабораториялари, фирмалар, компанияларнинг таркибидаги маркетинг изланишлари бўлимлари амалга оширади. Маҳсус муассасалар тайёрлаган ахборотлар истеъмолчиларга Чакана савдо келишувлари асосида таъминланади.

Бозорда талаб билан таклиф ўртасидаги муносабатни аниқлаш учун турли маълумотлар зарур. Жами маълумотларни иккى гурухга ажратиш мумкин: ички ва ташки маълумотлар.

Бозор конъюнктурасига баҳо бериш учун савдо корхонасининг барча ички маълумотларидан фойдаланилади. Улар чорак, йиллик статистик, оператив ҳисоб материаллари, изланиш натижаларидан иборат бўлиши мумкин. Талаб ва таклифнинг ўзаро алоқасидаги ўзгаришларга аникроқ баҳо бериш, турли тасодифлар таъсирида ҳоли этиш мақсадида кўпроқ муддат давомидаги маълумотлардан фойдаланиш керак бўлади. Ички маълумотларга қуидагилар киради:

- товар оборот ҳажми ва таркиби бўйича дастурларнинг бажарилиши;
- ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчилардан моллар сифати ва турлари;
- мол заҳираининг ҳолати;
- аҳоли даромади ва ҳарид фонди, улардаги ўзгаришлар;

- молларни сотиши яхшилаш бўйича савдо корхонаси тадбирларининг амалга оширилиши.

Чакана савдо корхонаси мол сотиш дастурини бажариб, хизмат ҳудуди аҳолиси ҳарид фондини товар оборотга жалб қилган ҳолда талаб билан таклиф ўртасидаги дастлабки маълумотни беради.

Чакана савдо корхоналарида маълум даврга қолган мол захираларининг ўзи ҳам аҳоли талабининг қондирилиши ҳакида маълумот беради.

Ахолига сотилган моллар турларини ўрганиш, молларга талабнинг кўп ёки озлиги ҳакида сотувчилар, товаршунослардан тўпланган маълумот, аҳоли талабининг маҳсус сўров варавалари ёрдамида ўрганиш маълумотлари бозор конъюнктурасига баҳо беришда муҳим асос бўлиб хизмат қиласи.

Бозор конъюнктурасини ўрганиш ва унга баҳо беришда қўйидаги ташқи маълумотлардан: маъмурий органлар, идораларнинг аҳоли сони, таркибининг ўзгариши, оила бюджетини ўрганиш ҳакида маълумотлари, берилган ойлик маошларн, нафақалар ҳакида маълумот ва бошқалардан фойдаланилади.

Тўпланган маълумотларнинг ҳар томонлама таҳлили асосида конъюнктура ахбороти, маълумоти ёки экспресс-ахборотлар тайёрланади.

Бозор сигими маълум ҳудудда сотилиши мумкин бўлган ҳалқ истеъмол моллари ҳажмини ифодалайди. Бозорнинг ҳар бир тури регионал ёки мол бозори ўз сигимига эга. Бозор сигими ўрганиш ва тўғри хисоблаш талаб билан таклифни мувофиқлаштирга имкон беради.

Бозор сигими қўйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- маҳаллий ахолининг ҳарид фонди;
- бошқа ҳудудлардан келган ахолининг ҳарид қуввати;
- корхона, фирма, муассасаларга истеъмол молларини сотиш.

Аҳоли сони, таркибининг ўзгариши, даромади ва ҳарид фондининг ошиши, мол таклифининг, турларининг кенгайиши, сифатининг яхшиланиши, транспорт алоқаларининг ривож топиши, чакана нархнинг ўзгариши ва бошқа катор омиллар маълум ҳудуднинг бозори сигимига таъсир этиши мумкин.

Бозор сигимини тўғри хисоблаш ишлаб чиқариш, транспорт корхоналарининг ишига, банкнинг пул айланиши яхшиланишига олиб келади.

### **7.3. Чакана савдо корхоналарининг товар захиралари ва айланиш вақти**

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли талабини қондириш, мол айланиши узлуксизлигини таъминлаш учун маълум микдорда мол захиралари мавжуд бўлиши керак. Мол захираларининг зарурати аввало ишлаб чиқариш шароити билан боғлиқ. Мол захираларини тўплаш ва саклаш ишлаб чиқариш ҳамда сотишнинг узлуксизлигини таъминловчи бошқа барча усуслардан энг арzonи хисобланади. Мол захиралари бўлган ҳолда жуда катта ишлаб чиқариш қуввати, иш кучи ва хом ашё резервига эга бўлиш керак. Аммо бундай резервларга эта бўлган ҳолда ҳам ишлаб чиқариш дастури истеъмолчи талаби ўзгаришларига мос келмай қолиши мумкин. Шунинг учун мол захираларини вужудга келтириш иқтисодиётдаги номутаносибликларнинг олдини олишга кўмаклашади.

Мол захиралари мол ҳаракатининг турли босқичларида вужудга келади. Улар доимий равишида ҳаракатда бўлиб, янгиланади муомала жараённада бир босқичдан иккинчисига ўтади. Масалан, ишлаб чиқаришдан воситачи-улгуржи савдога, ундан чакана савдога ва пировардига истеъмолчига ўтади.

Ишлаб чиқарилган моллар маълум давр давомида сотилишини кутаётган захирани, бозор элементи бўлган маҳсулот мол таклиfini ташкил этади. Бозордаги ёки бозорга келтирилиши мумкин бўлган маҳсулот мол таклиfi хисобланади.

Мол келиб тушиши ўзгартмаган ҳолда захираларининг камайиши талабнинг ўсганлигидан далолат беради ва аксинча. Аҳоли талаби кескин ошган пайтда ишлаб чиқариш ҳажми унга мос ҳолда кўпая олмайди. Бунда бошланиш вақтида мол захиралари талаб билан таклиф ўртасидаги тенгликни саклаб туради. Боэордаги мувозанатин саклаб турish шарти қўйидагича ифодаланиши мумкин:

## **ЯТ = ТХ + МЗ**

Бунда, ЯТ – ялпи таклиф;

ТХ – талабнинг ҳажмн;

МЗ – нормал мол захиралари.

Моллар муомала доирасида истеъмолчининг қўлига бориб тушгунча бўлган вақт молнинг айланиш муддатини ташкил этади. Моллар қанчалик тез сотилса уларнинг айланиш вақти шунчалик оз бўлади; моллар ҳаракат босқичларида кам муддатда тўпланиб турса, мол захираларининг ялпи микдори кам бўлади ва аксинча.

Бозор иқтисодиёти шароитида мол ҳаракатини оптималлаштириш, мол айланиш вақтини қисқартириш учун кўплаб қулай ва яхши имкониятлар мавжуд.

Мол айланиш муддатига, мол захираларига иқтисодий ва ташкилий омиллар ҳам таъсир этади. Мамлакат ҳудудида ишлаб чиқаришнинг жойланиши, транспорт алоқаларининг ривожланниши, молларнинг истеъмол, физикавий-кимиёвий таркиби, хилларининг мураккаблиги, чакана товар айланмасининг жуғрофий жойланиши, унинг шаҳар билан қишлоқ ўртасида тақсимланиши, савдонинг моддий-техника базаси ҳамда унинг жойланиши ва бошқа муҳим иқтисодий омиллар таъсир этади.

Жорий мол захиралари жорий сотиш эҳтиёжини кондириш учун яратилади. Бунда молларни сотиш учун савдо тармоғига келтириш маълум муддатларда бир текис амалга оширилади. Демак, жорий мақсад учун ташкил этиладиган захира ўз ичига уч асосий қисмни мужассамлаштиради:

- навбатдаги молнинг келиб тушгунича сотишни таъминлайдиган жорий захира;
- сотишга тайёрлашни ташкил этувчи захира;
- режадаги муддатда келиши керак бўлган молнинг кечикиб қолиши ҳолатида савдонинг узлуксизлигини таъминловчи эҳтиёjt (кафолат) захираси.

Мол захираларининг бундай қисмларга бўлиниши уларнинг вужудга

келиш хусусиятидан келиб чиқади. Жорий мол захирасига эҳтиёj товар айланмаси ҳажми ва мол келтириш муддати билан белгиланади. Булар маълум нормативлар асосида ҳисобланади.

Мавсумий мол захиралари ишлаб чиқариш ва сотишнинг айрим хусусиятларига биноан вақти бир-бирига мос келмайдиган молларга таъллуклидир. Бундай молларга: сабзавот, мевалар, картошка, мактаб-ёзув жихозлари, айрим кийим-кечаклар, арча безаклари ва бошқалар киради. Мол захиралари бир қанча ўлчов бирликларига эга: киймат, натурал ва айланиш кунлари.

Айланиш кунларидаги кўrsаткич нисбий кўrsаткич бўлиб, мол захиралари билан чакана товар-оборот ўргасидаги алоқани ифодалайди: маълум товар-айланмаси даражасида мол захиралари неча кунлик савдони таъминлаши мумкинлигини кўrsатади.

Мол захираларига эҳтиёj товар айланмаси ҳажмига тўғри мутаносиб, айланиш вақтига эса тескари мутаносиб ҳолда ўзгаради. Демак, мол захиралари товар айланмасининг ошиши ёки мол айланишининг секинлашиши билан кўпаяди, товар айланмаси ўзгармаган ҳолда мол айланиш тезлашганда камаяди.

Мол айланиш вақти савдо корхонасининг ўртача мол захиралари неча кун давомида айланишини ифодалайди; унинг бир марта айланишига кетадиган кунлар ёки йил мобайнида неча марта айланиши ҳисоблаб топилади. Бу кўrsаткичининг моҳияти иккинчиси билан бир хилдир, аммо ҳисоблаш усули турлича. Мол айланиш вақтининг энг муҳим аҳамияти шундаки, у мол ишлаб чиқариш вақти билан биргаликда жами ижтимоий маҳсулот айланиши вақтини ифодалайди. Ишлаб чиқариш вақти ўзгармаган ҳолда мол айланиш вақтининг тезлашиши жами ижтимоий маҳсулот айланиши муддатининг тезлашишига олиб келади. Шу боисдан мол айланиши муддатининг қисқариши, айланишининг тезлашишини таъминлаш савдо ходимларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Мол захираларининг нормативини аниқлаш уларни келгуси даврга режалаштиришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Чакана савдо корхонасининг

жорий мол захиралари нормативини аниқлаш күйидагиларни талаб этади:

- молларнинг савдо захираси сифатида мавжуд бўлишига зарур вакт;
- молларни қабул қилиш, текшириш ва сотишга тайёрлаш учун зарур вакт;
- молларнинг йўлда бўлишига кетадиган вакт;
- мол етказищдаги нотекислик ҳоллари ва истеъмолчи талабининг ўзгариш эҳтимоли эвазига савдода кутилиши мумкин бўлган узилишни қоплаш учун эҳтиёт захираси.

Шунга кўра савдо захираси икки қисмга бўлинади:

- савдо залида кўргазма ва истеъмолчига сотиш учун мавжуд моллар;
- мол яна келиб тушгунича сотишни узлуксиз таъминлаш лозим бўлган захира.

Савдо захирасининг биринчи қисми ҳар бир гурух бўйича мол турларининг улар ўртача нархига кўпайтириб топилади. Масалан, турли китоблардан 180 таси кўргазмага кўйилиши лозим. Агар уларнинг ўртача баҳоси 2000 сўмдан бўлса, кўргазма учун зарур мол захираси 360 минг сўмни ташкил этади. Бунга савдо залидаги бир кунлик ўртача товар оборот миқдорига тенг кам захира кўшилиб (фараз қиласилик, бир кунлик ўртача товар оборот 150 минг сўмга тенг), савдо захирасининг биринчи қисми топилади ( $360+150=510$  минг сум).

Мол захирасининг айланиш кунлари бу қисм бўйича 2,4 кунга тенг бўлади ( $360:150$ ).

Чакана савдо захирасининг иккинчи қисми мол етказиб берувчилардан молнинг келиб тушиш тезлиги ва молларни комплектлашни ҳисобга олиб, ҳар бир мол гурухи бўйича аниқланади. Масалан, китобни келтириш муддати 5 кун, савдога 180 хил китоб керак. Келадиган ҳар бир мол туркумида 60 хил китоб бўлса, унда келтирилган молнинг жамлиги 0,3 ни ташкил этади ( $60:180$ ). Жамлашни ҳисобга олган ҳолда зарур давр 31 кунга тенгдир, армиси эса 15,6 кунни ташкил этади.

Бундан ташқари мол захираларининг иккинчи қисмiga молларни қабул қилиш, тушириш, сифатини текшириш, жойлаштириш, сотишга тайёрлаш учун кетадига н вакт ҳам қўшилади. Бу вакт ҳар бир мол учун ҳар бир жараёнга кетган муддат ёрдамида топилади. Кўп ҳолларда айтиб ўтилган жараёнларга З кунгача вакт сарф этилади ва захира нормаси уч кунликка оширилади.

Молнинг пулда бўлишига кетадиган вакт ўтган даврдаги кўрсаткичлар воситасида аниқланади. У чакана савдо корхонасинн таъминлаб турувчи улгуржи-воситачи омборнинг, мол етказиб берувчиларнинг жойлашган ўрнига боғлиқ. Агар мол етказиб берувчи ва чакана савдо корхонаси бир шахарда бўлса, молнинг пулдаги вакти бир кун хисобланади.

Ўтган йиллар кўрсаткичларига биноан пулдаги мол захирасини ўртacha олти кунга тенг, деб қабул қиласиз ва уни режа даврига ўтказамиз.

Узлуксиз савдони таъминлашни ҳисобга олиб тузилган молларнинг келиб тушиш тартиби баъзида бузилиши, ахоли талабида ўзгаришлар эҳтимоли инобатга олиниб, кафолат берувчи мол захираси ташкил этилади. Кафолат берувчи мол захираси вакти айрим моллар бўйича алоҳида аниқланади. Масалан, бир-бирининг ўрнини боса олмайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари хиллари бўйича бу захира савдо захирасининг 100 фоизи миқдорида, колган озиқ-овқат ва ноозик-овқат моллари бўйича эса 50 фоиз миқдорда белгиланади. Бу норма чегарасида кафолат берувчи захиранинг савдо захирасига нисбатан миқдори савдонинг аниқ шароитини эътиборга олган ҳолда айрим мол гуруҳлари бўйича табакаланади. Мисолимизда шартли равишда бу захирани савдо захирасининг ярмига тенг, деб қабул қиласиз (8,95 кун).

Шундай қилиб, шартли ракамларлан фойдаланиб, китоб бўйича жами мол захиралари нормативини аниқлаймиз. Бу 35,85 кунга ёки бутун ҳолда 36 кунга тенг бўлади ( $2,4+15,5+3+6+8,95$ ).

Чакана савдо фирмалари, корхоналари, мол захиралари нормативини мустакил равишида белгилайди.

Аниқланган нормативлар ҳамда товар оборот ҳажми ёрдамида мол захираларининг режа давридаги пул миқдори топилади. Агар жорий даврда мол

захиралари суммаси нормативдагидан ортиқ бўлса, унинг сабаблари аниқланади ва норматив даражага келтириш чоралари кўрилади.

#### **7.4. Чакана савдо корхоналарини товар билан таъминлаш**

Чакана савдо корхоналари товар айланмасини режалаштириш уни мол билан таъминлашга узвий боғлии. Чакана товар оборотнинг моддий асосини истеъмол молларн ташкил этади. Шунинг учун мол билан таъминлаш иқтисодий асосланган товар айланмаси дастурини тузиш учун зарурдир.

Мол ресуреларининг умумий суммасини хисоблаш, мол гурухлари, турлари билан таъминотни йўлга қўйиш мураккаб иқтисодий жараён хисобланади. Товар айланмаси мол билан таъминлаш аҳоли талабини қондиришга қаратилган моллар турларини етказишни билдиради.

Чакана савдо айланмасини мол билан таъминлашни хисоблашда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозик-овқат молларн гурухларининг хусусиятлари инобатга олинади. Аҳоли талаби ва мол таклифи ўртасидаги баланс хисоблари товар оборотнинг таркибини иқтисодий асослашга ва савдо фирмалари, корхоналари берадиган буюртмаларга асос бўлиб хизмат қиласи.

Мол билан таъминлашни хисоблашдан максад мол ресурсларини тўлароқ ўрганиб, уларни талабга мослаштириш, товар оборотни ривожлантириш учун нормал шароит яратишидир. Чакана товар оборотни мол билан таъминловчи ресурсларга эҳтиёжни хисоблашда куйидагилар назарда тутилади: режалаштирилган товар оборот суммаси, мол захирасининг ҳолати, уни норматив даражасига етказиш ҳамда товар айланмасининг ошишига қараб ўстириш, айрим молларнинг нормативдан ортиқчасини товар айланмасига жалб этиш, молларнинг табиий камайиши ва ўтмай қолган, эскирганини арzonлаштириш натижасида ўрнини коплаш зарурати ва бошқалар.

Моллар билан таъминлашни хисоблашдаги камчилик шундан иборатки, айрим моллар бўйича таклифнинг талабга мос келиши ҳамиша ҳам хисобга олинавермайди. Талабнинг таклифдан фарқ килиши моллар сифати ва турларининг талабга мос келмаслигига, моданинг ўзгаришида, нисбатан юкори

нарх даражасида, талаб бир молдан иккинчисига ўтишида молнинг ўз мавсумида савдога келиб тушмаслигига ва бошқаларда ифодаланиши мумкин.

Мол билан таъминлашни ҳисоблаганда мол ресурсларининг умумий ҳажми билан бирга молларнинг турли манбалардан келишини ҳам аниқлаш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган савдо ходимлари рақобат кураши асосида ўзининг тадбиркорлик маҳоратини ишга солиб мол ресурсларини топиши ва мол етказиб берувчи билан контрактлар тузиши керак. Товар айланмасини мол билан таъминлашни дўконлар даражасида ёки савдо корхонаси бўйича умумий ҳолда тузишда чакана товар оборот балансидан фойдаланиш лозим. Айниқса мол туркumlари бўйича бу балансни алоҳида тузиш муҳимдир. Кўпгина савдо фирмалари, корхоналари мол туркumlари бўйича бундай ҳисобни бажармайди.

#### **7.5. Чакана савдо корхонаси чакана товар айланмасини таҳлил қилишнинг асосий ўналишлари**

Чакана савдо корхонасининг чакана товар айланмасини таҳлил қилиш унинг ҳажми динамикасини ўрганиш ва режа мавжуд бўлган ҳолларда унинг бажарилиши даражасини баҳолашдан бошланади.

Чакана товар айланмаси ҳажми динамикасини таҳлил қилиш ўсишнинг занжирли ва базис суръатлари, шунингдек, товар сотишнинг ўртача йиллик суръатининг ўзгариши хисобга олиш ёрдамида амалга оширилади. Инфляция шароитларида товар айланмаси ҳажмининг ўзгариш суръатларини ҳам амалдаги, ҳам солиштирма нархларда, яъни базис йил нархларида хисоблаш керак:

$$T_{\text{Сн}} = \frac{T_{\text{ан}}}{T_{\text{н}}} / \frac{I_{\text{н}}}{I_{\text{ан}}}$$

Бу ерда,  $T_{\text{Сн}}$  – солиштирма нархларда товар айланмаси ҳажми;

$T_{\text{ан}}$  – амалдаги нархларда товар айланмаси ҳажми;

$I_{\text{н}}$  – нарх ўзгариши индекси.

Чакана товар айланмасини таҳлил қилиш жараёнида унинг қиймат ва

натуруал кўринишида ўзгаришини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлиб, уни товар айланмаси табиий ҳажмининг ўзгариши билан тавсифлаш мумкин. Бунинг учун товар айланмасининг ўзгариш индексини топиш зарур:

### **Ита = Инў \* Итх**

Бу ерда, Ита – товар айланмасининг ўзгариш индекси;

Инў – нарх ўзгариши индекси

Итх – товар айланмаси табиий ҳажмининг ўзгариш индеси.

Юқорида келтирилган формула товар айланмаси ривожланиши қай даражада нарх ўзгаришининг қиймат кўринишига ва қай даражада сотилган товарлар миқдорининг ўзгаришига боғлиқ эканлигини аниқлашга имкон беради.

Агар корхонада чакана товар айланмасини режалаштириш амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда савдо корхонаси режасини бажариш даражасини айрим таркибий бўлинмалар бўйича алоҳида муддат бўйича ҳисоблаш зарур.

Чакана товар айланмаси таҳлилини факат унинг ҳажмига караб эмас, балки айрим товар гурухларн, яъни товар ассортименти бўйича амалга ошириш зарур. Товар айланмаси таркибининг ўзгаришини тавсифлаш учун абсолют таркибий ўзгаришлар коэффициентидан фойдаланиш мумкин:

$$Ктў = \sum (f_a^1 - f_a^0)^2 / n$$

Бу ерда, Ктў – товар айланмаси таркибининг абсолют ўзгариш коэффициенти;

$f_a^1$  – ҳисобот даври учун жами товар айланмасида а-товар гурухининг улуши (%);

$f_a^0$  – аввалги давр учун жами товар айланмасида а-товар гурухининг улуши (%);

п – товар гурухларий сони.

Режанинг бажарилиши ва чакана товар айланмаси динамикасига таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, уларни уч гурухга бирлаштириш кенг тарқалган:

- товар ресурслари билан боғлиқ омиллар;

- ходимлар сони ва уларнинг меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ омиллар;

- чакана савдо корхонасининг моддий-техника базасидан фойдаланиш самарадорлиги ва корхонанинг иш режими билан боғлиқ омиллар.

Товар айланмаси меваффакиятли ривожланишнинг асосий омили савдо корхонасининг товар ресурслари билан таъминланганлиги ва улардан оқилона фойдалаипшдпр. Чакана товар айланмаси ҳажми товарларнинг келиб тушиш даврийлиги ва товар захиралари ҳолатига боғлиқ бўлади. Бу боғлиқликни куйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$T = Z_b - K - \chi - Z_o$$

Бу ерда, Т – чакана товар айланмаси ҳажми;

$Z_b$  – давр бошига товарлар захираси;

$K$  – товарларнинг келиб тушиши;

$\chi$  – товарларнинг чиқиб кетиши;

$Z_o$  – давр охирига товарлар захираси.

Занжирли боғланиш усулидан фойдаланган ҳолда қайд этилган кўрсаткичлардан ҳар бирининг савдо корхонаси чакана товар айланмаси ҳажмига кўрсатувчи таъсирини аниқлаш мумкин.

Чакана товар айланмаси ҳажмига савдо корхонасининг меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланишнинг самарадорлиги сезиларли таъсир кўрсатади. Бу куйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$T = X * Y$$

Бу ерда, Т – чакана товар айланмаси ҳажми, сўм;

$X$  – ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони, киши;

$Y$  – битта ходимнинг меҳнат унумдорлиги, сўм.

Интеграл таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда мазкур кўрсаткичларнинг товар айланмаси ҳажмига кўрсатувчи таъсирини аниқлаш мумкин:

$$\Delta T_x = Y_y * \Delta X + (\Delta X * \Delta Y) / 2$$

Бу ерда,  $\Delta T_x$  – товар айланмаси ҳажмининг ходимлар ўртача рўйхатдаги

сонининг ўзгариши ҳисобига ўзгариши, сўм;

$X_y$  – ўтган йилда битта ходимнинг меҳнат унумдорлиги, сўм;

$\Delta X$  – ҳисобот даврида ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сонининг ўтган даврига нисбатан ўзгариши, киши;

$\Delta Y$  – ҳисобот даврида битта ходимнинг меҳнат унумдорлигининг ўтган йилга нисбатан ўзгариши, сўм.

$$\Delta T_y = X_y * \Delta Y + (\Delta X * \Delta Y) / 2$$

Бу ерда,  $\Delta T_y$  – товар айланмаси ҳажмининг битта ходимнинг меҳнат унумдориги ўзгариши ҳисобига ўзгариши;

$X_y$  – ўтган йилда ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони, киши.

Чакана товар айланмаси динамикасига савдо корхонаси асосий фондларининг ҳолати, ривожланиши ва самарадорлиги ҳамда корхонанинг иш режими ҳам катта таъсир кўрсатади. Савдо корхонаси чакана товар айланмаси ҳажми қўйидаги формула ёрдамида аниқланши мумкнин:

$$T = M_{Cz} * K_{Cm} * I_k * T_{Cm}$$

Бу ерда,  $T$  – чакана товар айланмаси ҳажми, сўм;

$M_{Cz}$  – корхона савдо залининг майдони, м.кв.;

$K_{Cm}$  – корхона ишининг сменалилик коэффициенти;

$I_k$  – корхона фаолиятида иш кунлари сони;

$T_{Cm}$  – бир сменада савдо залининг ҳар бир м.кв. га тўгри келувчи товар айланмаси, сўм.

Келтирилган формулада аввалги йилдаги кўрсаткичларни ҳисобот давридаги кўрсаткичлар билан алмаштириш ва олинган натижадан аввалги натижаларни айриб ташлаш йўли билан савдо корхонаси моддий-техника базасидан фойдаланиш самарадорлиги ва унинг иш режими билан боғлиқ бўлган, чакана товар айланмаси ҳажмига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш мумкин. Бу усул занжирли боғланиш усули деб аталади.

Таҳлилий ишлар савдо корхонасининг чакана товар айланмаси ҳажмини оширишнинг аниқланган захираларидан фойдаланиш чора-тадбирлари режасини тузиш билан якунланади.

## 7.6. Чакана савдо корхонасининг заарсиз ишлаши учун зарур бўлган минимал товар айланмаси ҳажмини ҳисоблаш

Чакана савдо корхонаси чакана товар айланмасини режалаштиришни корхонанинг заарсиз ишлашини таъминашп мумкин бўлган минимал товар айланмасини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Бундай товар айланмаси ҳажми критик товар айланмаси деб аталади. Ушбу ҳажмни аниқлаш бўйича барча ҳисоб-китоблар корхонанинг заарсизлик нуктасини аниқлашга олиб келади.

Хўжалик фаолиятини амалга оширишда корхона олдида вужудга келувчи харажатлар кўйидагича:

- доимий харажатлар, уларинг микдори узоқ вақт мобайнида ўзгармайди (ижара, амортизация, бино ва иншоотларга караб туриш харажатлари, коммунал харажатлар ва хазо). Бу харажатларни қоплаш учун корхона савдо фаолиятини амалга ошириши, яъни товарларни сотиши лозим;
- ўзгарувчан харажатлар, яъни товарларни ҳарид қилиш, транспортировка қилиш, саклаш, қайта ишлаш, навларга ажратиш, ўраш ва қадоклаш, сотиш билан боғлиқ харажатлар. Ўзгарувчан харажатлар товар айланмаси ҳажми билан бир суратда ва ўналишда ривожланади.

Бироқ жами харажатларнинг ўзгариш сурати уларнинг таркибига узгаруван харажатлардан ташқари доимий харажатларни ҳам киритиши сабабли товар айланмаси ҳажмининг ўзгариш суратиларидан фарқ қиласи. Натижада товар айланмаси ҳажми ўз критик нуктасида доимий ва ўзгарувчан харажатларни қоплаши мумкин бўлади. Бунда зарур бўлган минимал товар айланмаси ҳажми корхонанинг заарсиз ишлашини таъмнилайди.

Зарур бўлган минимал товар айланмаси ҳажмини товар айланмасини таркибий қисмларга тақсимлаш ҳисоблаш мумкин. Чакана товар айланмаси сотилган ёки сотиш учун мўлжалланган товарларнинг чакана нархи йиғиндинини ифодалайди. Ўз навбатида, чакана нарх савдо корхонасининг товарни ҳарид қилиш нархи ва савдо устамасидан иборат бўлади. Ҳарид нархлари суммаси савдо корхонасининг ҳарид нархлари бўйича товар

айланмасини ифодалайди. Савдо устамалари муюмала харажатларини қоплаш ва корхонанинг фойда олиши учун белгиланади.

Шундай килиб, қуидагиларга эга бўламиз:

$$T_{\text{чи}} = T_{\text{хн}} + T_y$$

Бу ерда,  $T_{\text{чи}}$  – чакана нарх бўйича товар айланмаси ҳажми, сўм;

$T_{\text{хн}}$  – ҳарид нархлари бўйича товар айланмаси ҳажми, сўм;

$T_y$  – савдо устамалари миқдори, сўм.

Ўз навбатида:

$$T_y = MX + \Phi$$

Бу ерда,  $MX$  – муюмала харажатлари миқдори, сўм;

$\Phi$  – фойда миқдори, сўм.

$$MX = MX_{\bar{y}_3} + MX_d$$

Бу ерда,  $M_{\bar{y}_3}$  – ўзгарувчан муюмала харажатлари суммаси, сўм;

$M_d$  – доимий муюмала харажатлари суммаси, сўм.

$$T_{\text{чи}} = T_{\text{хн}} + MX_{\bar{y}_3} + MX_d + \Phi$$

Бироқ зарур бўлган минимал товар айланмаси ҳажми факат харажатларни қоплаш ва фойда олиши таъминламаслиги сабабли, товар айланмаси критик ҳажмини аниқлаш формуласи қуидаги кўринишга эга бўлади:

$$T_{\text{чи}}^{\text{кр}} = T_{\text{хн}} + MX_{\bar{y}_3} + MX_d$$

Бу ерда,  $T_{\text{чи}}^{\text{кр}}$  – чакана нархлар бўйича товар айланмасининг критик ҳажми, сўм.

Ҳарид нархлари бўйича товар айланмаси ҳарид қилинган товарлар ҳажмини ёки корхонанинг товар ҳарид қилиш бўйича харажатларини уларпнг қиймат кўринишида ифодалайди. Бу харажатлар миқдори ўзгарувчан бўлиб, критик товар айланмаси ҳажмини қуидаги тарзда ифодалаш мумкин:

$$T_{\text{чи}}^{\text{кр}} = X_{\bar{y}_3} + MX_d$$

Бу ерда,  $X_{\bar{y}_3}$  – ўзгарувчан харажатлар.

Ҳосил бўлган тенгламани критик товар айланмаси ҳажмига бўлиш ёрдамида қуидагига эга бўламтз:

$$T_{\text{чи}}^{\text{кр}} / T_{\text{чи}} = X_{\bar{y}_3} / T_{\text{чи}}^{\text{кр}} + MX_d / T_{\text{чи}}^{\text{кр}}$$

$X_{\bar{y}_3} / T_{\text{чи}}^{\text{кр}} = D - ўзгарувчан харажатларнинг чакана товар айланмаси улушкини 1 га тенг деб олиб, қуидагига эга бўламиз:$

$$1 = D + X_{\bar{y}_3} / T_{\text{чи}}^{\text{кр}}$$

Бундан:

$$T_{\text{чи}}^{\text{кр}} = MX_d / (1 - D)$$

Корхонанинг заарисиз ишлашини таъминлаши мумкин бўлган минимал товар айланмаси ҳажми аниқлангач, режадаги йилда юзага келиши мумкин бўлган товар айланмаси ҳажмини хисоблашга киришилади.

### Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Чакана товар обороти деганда нимани тушнасиз?
2. Чакана товар айланмаси таркибига нималарни киритиш мумкин?
3. Чакана товар айланмасини стратегик тартибга солишининг моҳиятини очиб беринг.
4. Чакана савдо корхоналарининг товар заҳиралари деганда нимани тушнасиз?
5. Заарисиз ишлаш учун зарур бўлган минимал товар айланмаси нима ва унинг ҳажми қандай хисобланади?

## **8-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯЛПИ ДАРОМАДИ**

### **8.1. Чакана савдо корхонасининг ялпи даромади ва унинг манбалари**

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналарининг фаолияти натижалари уларнинг оладиган даромадларига боғлик. Савдо даромадлари тармоқ ўз вазифасини бажаришда сарфлайдигатн муомала харажатларини қоплашга ҳамда ижтимоий ва иқтисодий ривожини таъминлашга етарли бўлиши керак.

Чакана савдо устамаси айнан шу мақсадда яратиладиган даромад бўлиб, мол чакана нархи ва ишлаб чиқарувчи ёки мол етказиб берувчидан харид қилинадиган қиймат (кўтара нарх) ўртасидаги фарқдан иборат. Устаманинг бир қисмини мол ишлаб чиқарувчиларнинг савдога берган ўзига ҳос хизмат ҳақи сифатида қараш мумкин, чунки савдо мол яратувчиларнинг маҳсулотини ахолига сотиб, ишлаб чиқарувчиларга хизмат қиласди, акс ҳолда улар ўз маҳсулотини ўзи сотган ва нисбатан юқори харажатларга дуч келган бўларди.

Чакана савдо ходимларининг молларни ташиш, саклаш, ортиш, тушириш, қайта ишлаш, сотишга тайёрлаш, қадоқлаш ва бошқа ишлар билан боғлик бўлган меҳнати қиймат яратади. У харажатларни қоплаш ҳамда корхона эҳтиёжини маблағ билан таъминловчи устаманинг иккинчи қисмини ташкил этади.

Шундай килиб савдо устамасининг шаклланиш манбаларига қўйидагилар киради:

- моддий ишлаб чиқариш тармоғида яратилган қўшимча маҳсулотнинг бир қисми;
- ишлаб чиқариш жараёнини савдода давом эттириш билан боғлик меҳнат эвазига яратиладиган қўшимча маҳсулот.

Чакана савдо устамаси иккى хил мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларда ифодаланиши мумкин. Мутлоқ кўрсаткич устаманинг суммасини билдиради, нисбий кўрсаткич эса савдо устамасининг чакана нархидаги хиссасини, яъни устама даражасини ифодалайди ва қўйидагича ифодаланади:

$$Дсу = Су / Т * 100\%$$

Бу ерда, Су – савдо устамаси суммаси;

Т – товар айланмаси.

Чакана савдо устамаси мол сотилмай туриб, савдо корхонасининг даромадини ташкил этолмайди.

Чакана савдо устамаси молларни сотища мухим иқтисодий омилдир. Унинг белгиланиш даражаси молларнинг тезроқ ва кўпроқ сотилишини рагбатлантириши мумкин ва аксинча. Бозор иқтисодиёти шароитида ракобат курашининг асосий талабларидан бири устама қўйиш натижасида шаклланадиган нархнинг имкони борича рақобатчилар маҳсулоти нархидан арzonроқ бўлишидир, аммо корхонанинг моддий манфаатини ҳам таъминлаш лозим.

Ҳар қандай истеъмол молини сотиши савдога фойда келтириши керак. Бунда кучли иқтисодий воситадан бири – тежамкорлик билан ишлаш зарурати ўз кучини намойиш этади. Ўртacha савдо устамаси қўйилган шароитда қайси савдо корхонаси харажатларнинг пастрок даражасига эришса, ўша корхона нисбатан юқорироқ фойда даражасига эришади.

Чакана савдо устамасининг иқтисодий асосланиши савдо жараёнини рационаллаштиришга, товар айланмаси ҳажмини ва ахолига маданий хизмат даражасини кўтарнишга кўмаклашади.

Ҳар бир савдо корхонаси савдо устамасини белгилаш воситасида ижтимоий маҳсулотнинг таксимотини амалга оширади, яъни ижтимоий маҳсулотдан ўз улушкини олади.

Ҳозирги даврда савдо корхонаси истеъмол молларига устама қўйишида мол чакана нархининг қандай даражада бўлишини эътиборга олади. Савдо устамасининг юқорироқ даражаси натижасида ҳосил бўлган чакана нарх ахолининг харид қобилиятига мос келмаса, мол сотилмай қолади. Бу ўз навбатида устама даражасининг ўзгартирилишини ҳамда уни ҳаридорнинг сотиб олиш кувватига мослашини талаб этади. Баъзида бу мослашиш даражаси савдога жуда паст мейёрда фойда келтирадиган ёки умуман фойда

келтирмайдиган ҳолатда ҳам бўлиши мумкин. Бу шароитда савдо устамасининг мол сотилишини рағбатлантирувчилик кучи йўқолади ва уни сотиш қисқаради. Савдо корхонаси сотишдан манфаатдор бўлмаган, аммо аҳоли учун зарур бўлган истеъмол молларини савдода бўлишини таъминлашни бозор шароитида давлат ўз зиммасига олади. Бунга кўпинча савдо корхонасига манфаат келтирмайдиган моллар нархининг бир қисмини қоплашни давлат бюджет ҳисобидан тўлаш, ўз бўйнига олиш билан ҳал этади. Айниқса, бизнинг иқтисодиётимизга ўхаш, яъни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти давлатларида бу алоҳида ўринни эгаллайди.

Чакана савдо корхоналари устамаси савдо даромадининг асосий қисмини ташкил этади. Бундан ташқарн аҳолига қўшимча пуллик хизмат қилишдан қоладиган даромадлар (буортма асосида мол сотиш, молларни уйга етказиб бериш, уйда мебел, телевизор каби молларни ўрнатиб бериш, кийим бичиши, дўконларда кофетерийлар очиш ва ҳоказо) ҳамда бошқа фаолият турларидан келадиган даромадлар киради.

Ҳозирги вақтда аҳолига қўшимча савдо хизматини, маданий хизматни кўрсатиш турлари иқтисодиётимизда суст ривожланган. Айниқса, яқингача мол таъминотидаги танқислик қўшимча хизмат турларини нихоятда қисқартириб юборган. Рақобат кураши шаклланмаган, моллар етишмаган ҳамда маъмурий бошкарув услуги ўрнини бозор иқтисодиёти конунлари асосида бошқариш усусларига бўшатиб берган ўтиш даври шароитида маданий хизматни ривожлантиришга етарли асос яратилмайди. Бозор муносабатларига ўтишгacha фаолият юритган ўз ўзига хизмат қилиш, молларни буортма асосида сотиш ва бошқа турдаги савдо хизматларининг кескин қисқариш бунга яққол мисол бўла олади. Бозор иқтисодиётининг ривожи ўзининг ҳаракатлантирувчи кучи – рақобат орқали савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш муаммоларини аста-секин ҳал этишга олиб келади. Аҳолига қўшимча савдо хизмати турларининг жорий этилиши савдо даромадини ҳам ўстиради.

Чакана савдо корхонаси бошқа фаолият турларига ҳам эга бўлиши мумкин. Жумладан кийим тикиш устахоналари, қандолат маҳсулотлари, нон ва

нон маҳсулотларинн ишлаб чиқариш цехлари, чорвачилик хўжалиги ва бошқа фаолият турлари бўлиши мумкин. Бу хўжаликлар ишидан келадиган даромад савдо даромадини янада кўпайтиради.

Шундай килиб, савдо корхонаси ўз фаолияти натижасида турли манбалар хисобига ялпи даромадини шакллантиради.

## 8.2. Нарх ва унинг турлари

Нарх иқтисодий категория бўлиб, у мол қийматининг пулдаги ифодасини аниқлайди. Қиймат эса ўз навбатида ижтимоий зарурий меҳнат харажатларига қараб аниқланади. Демак, нархнинг асосида ижтимоий зарурий меҳнат харажатлари ётади.

Бозор иқтисодиёти шароитида нархлар бозордаги талаб ва таклиф ўртасдаги муносабатларнинг тез-тез ўзгаришига ҳамоҳанг бўлади. Нархни бозор механизмининг талабларига мос ҳолда тартибга солиш ёки эркин ҳолига қўйиш йўли билан шакллантирилади. Бу ҳолат нархни ижтимоий-иктисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, бошқаришдаги иқтисодий усуслардан кенг фойдаланишнинг таъсиран омилига айлантириши зарур.

Иқтисодиётимизда истеъмол моллари ва улар хом ашёсига таълукли жами амал килувчи нархлар харид нархлари, улгуржи ва чакана нархлардан иборат.

Ҳарид нархлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қишлоқ хўжалик корхоналаридан сотиб олиш нархидир. Бу нархлар давлат буортмаси асосида ҳарид қилинадиган маҳсулотларга тааллуклидир. Жумладан, дон (буғдой, арпа, шоли ва ҳоказо), пахта толаси, линт каби маҳсулотлар нархи.

Улгуржи нарх воситасида корхоналар, фирмалар ўртасида савдо алоқаси ўрнатилади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида мамлакатимизнинг ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга эришишга интилиши улгуржи нархларни тартибга солиш каби масъулиятли ишни бажаришни талаб этади. Кўплаб истеъмол молларининг ишлаб чиқарувчиси ва ҳаридори бўлган

шароитда эркин рақобат амалга ошади ва булар алоқасидаги улгуржи нархга давлатнинг аралashiшига зарурат йўқ. Аммо ҳозирги даврда энг зарур озиқовқат маҳсулотларидан ун, пахта ёғи ва чойга эркин улгуржи нарх белгиланади.

Бу ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи якка хокимларга қарши ўзига хос кураш, уларни чеклаш билан боғлиқдир. Жумладан, ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича «Ўзданмаҳсулотлари» концерни якка ҳоким сифатида намоён бўлади; шу каби пахта ёғи ишлаб чиқариш бўйича ёғ комбинатлари якка хокимлнк реестридан ўрин эгаллаган. Бунга ўҳашаш якка хокимлар ўз маҳсулотининг ишлаб чиқариш нархини иқтисодий асослаб, Молия вазирлигига муҳокамага тавсия этади. Молия вазирлиги якка хокимлар маҳсулотининг таннархини, уларни иқтисодий асосланишини синчилаб ўрганиб тасдиқлайди.

Истеъмол моллари аҳолига чакана нархларда сотилади. Чакана нарх истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажмини ва аҳоли ҳақиқий даромади даражасини белгилаб, иқтисодий алоқалар тузилмасида муҳим бўғинни ташкил этади. Чакана нархнинг ўрнатилиш даражаси меҳнаткашлар турмуш даражасини белгилашда ҳам етакчи ўрин эгаллайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида чакана нарх давлатимизнинг ички ва ташки иқтисодий сиёсатига, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига оид муносабатларга боғлик. Нархнинг таркибига таъкидланган омиллар катта таъсир ўтказади.

Кўплаб истеъмол молларига чакана нарх бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқади. Бу нисбатнинг ўзгариши нархни ҳам ўзгартиради. Бозордаги истеъмол моллари турларининг кўпайиши, уларнинг бир-бирининг ўрнини босиш имкониятининг кучайиши, аҳоли ҳарид қобилиятининг ўзгариши талабни ўзгартиради. Талабнинг ўзгариши унга мос ҳолда таклиф ҳажмининг ўзгаришига олиб келолмаса, бозорда нарх воситасида мувозанатга эришилади. Масалан, бозорда талаб ҳажми, фараз қиласиз, бир кунда 15 млн. сўмдан 20 млн. сўмга етди, аммо мол таклифи бирданига шунча (учдан бир) ўсишга эга бўла олмади. Шу вақт давомида талаб ва таклиф нарх ёрдамида

мувозанатга келади, яъни нарх ошади. Агар таклиф талаб ҳажмидан тезроқ ўсиб борса, бунда нархнинг пасайиши билан бозордаги мувозанат пайдо бўлади. Яъни бозор эркин ҳолда мувозанатни сақлаб туради.

Айрим маҳсулотларнинг чакана нархини тартибга солиш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида давлат якка ҳоким ишлаб чиқарувчи ёки сотувчиларга чегаравий чакана нархларни белгилайди. Масалан, 2007 йил бошида хўжалнк совуни, маргарин, ўсимлпк ёғи, туз, чой, ун каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи якка ҳоким корхоналар маҳсулоти тан нархи, харажатлари ва маҳсулот нархи бўйича декларация тайёрлаб, Молия вазирлигига муҳокамага тақдим этади. Вазирлик декларацияни кўриб чиқиб, сўнг асосланган ҳолдаги чакана нархга рухсат этади. Бу нархлар ҳам эркин чакана нарх сифатида юритилгани билан чегараланганди нарх хусусияти кўпроқдир.

Чакана нарх кескин кўтарилиб, аҳоли истеъмолига тушишининг мураккаблашини олидини олиш мақсадида айрим озиқ-овқат маҳсулотларига савдо устамасининг чегараси қўйилган. Жумладан, унга, маргарин, ўсимлк ёғига 20% гача, шакар, гўшт, гўшт консерваларига 8% гача, хўжалик совуни, болалар қуруқ сут маҳсулотларига 9% гача савдо устамаси қўйишга рухсат берилган.

Дори-дармонлар 20 турининг нархи мулк шаклидан қатъий назар сотувчи шу нархда сотишга мажбур. Бундай дори-дармонларнинг келтирилиш ва сотилиш нархлари ўртасидаги зарап қисми асосланган ҳолда «Нархни тартибга солиш фонди» хисобидан қопланади. Бу фонд якка ҳокимликка қураш ҳисобига ташкил этилган бўлиб, нархни тартибга солиб туришга хизмат қиласди.

Белгилаб, тартибга солинган нарх ва устамаларга амал қилинаётганини текшириб турувчи ҳамда якка ҳокимлик чегарасидаги корхоналарни аниқловчи маҳсус нарх назоратчилари фаолият юритиб, давлатнинг бу борадаги сиёсатини амалда кўлланилиши назорат қилиб борилади.

Шунингдек, нархни назорат қилишда кўп миллионли ҳаридорларнинг ҳам

роли каттадир.

### **8.3. Чакана савдо корхоналарининг савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолият турларидан келадиган даромадлари**

Чакана савдо корхоналарининг даромадлари турли моллар бўйича турли даражада бўлади. Асосан кўплаб истеъмол молларига савдо корхонаси ўзи эркин равиша савдо устамасини қўяди. Аммо, баъзи истеъмол молларига, айнике озиқ-овқат маҳсулотларидан гўшт, нон, ҳўжалик совуни, ўсимлик ёғи каби энг зарурларига савдо устамасининг юқори чегараси ўрнатилган.

Улгуржи савдо устамаси улгуржи савдо корхоналарининг воситачилик фаолияти билан боғлиқ харажатларини қоплашга ва фойда олишга хизмат қиласди. Улгуржи савдо устамаси улгуржи, воситачи корхонанинг жами харажатларини эмас, балки ижтимоий зарурий харажатларини қоплашга мўлжалланиши керак. Улгуржи корхоналар фаолияти давомида унумсиз чиқимларга ҳам йўл қўйиши мумкин. Масалан, транспортнинг юк ташиш кувватидан тўлиқ фойдаланмаслик, кун давомида юк ортилмай бекор туриши, мол келтиришга бориб, мол ололмай қайтиши каби ўнлаб, юзлаб мисоллар унумсиз харажатлардан далолат беради. Бундай чиқимлар жамият хисобига эмас, балки корхона фойдасининг камайиши хисобига қопланиб боради.

Бундан ташкири улгуржи савдо, воситачи корхонаси меъеридан ортиқча устама кўйиш хисобига ўзининг унумсиз чиқимларини ҳам қоплашга ёки кўшимча фойда олишга уринса, ракобат шароитида унга нисбатан пастроқ устама кўйган мол эгаларидан ҳарид қилиш манфаатлироқ бўлади. Буни эътибордан четда қолднриб бўлмайди.

Демак, улгуржи савдо корхонасининг мол устига кўядиган устамаси ракобатга чидамли, асосланган холда бўлиши керак.

Чакана савдо корхонасининг чакана савдо устамаси ҳам айнан шундай коидага бўйсуниши керак, яъни устама бозорда ракобатга бардош бера оладиган меъерда кўйилшии керак.

Чакана савдо корхонасининг кўядиган устамаси талаб ва таклиф нисбати

асосида ўзгариб турадиган бўлиши керак Баъзида янги маҳсулот ўзининг мавжуд турларига қараганда устунликка эга бўлиши мумкин. Бу устунлик оз кўшимча харажат ҳисобига эришилган бўлса ҳам, маҳсулот нархига ва устамасига катта улуш кўшиши мумкин. Айрим ҳолларда савдога доимий бўладиган молнинг бошқа ракобатчи сотувчиларда вақтинча узилиб қолиши хисобига талабдан ортда қолиши кузатилса, савдо устамасининг рагбатлантирувчилик кучи тезда сезилади ва молнинг нархи ошади. Бу даврдаги эришилган кўшимча устама кейинроқ мол сотилмай қолганда нархни арzonлаштириш, устамани пасайтириш хисобига даромаднинг пасайшини химоялаб туради. Шу мақсадда савдо корхоналарида таваккалчилик фондига эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Чакана савдо корхонаси даромадининг асосий қисмини савдо-сотиқ фаолиятидан олади. Чакана савдонинг ялпи даромадига шу каби ишлар ва хизматларни бажаришдан келадиган даромад ҳам ўз хиссасини кўшади.

Чакана савдо корхонасининг сотишдан ташкири даромадларига қўйидагилар киради:

- узоқ муддатли ва қисқа муддатли капитал қўйилмалардан келадиган даромад;
- иморат, иншоот ва жихозларни ижарага беришдан келадиган даромад;
- бошқа корхоналарнинг устав капиталида хиссага эга бўлишдан келадиган даромад;
- қимматли қофозлардан келадиган даромад;
- тўланган ва олинган жарима, пеня ва бошқа иқтисодий таъсир воситалари хисобига қоладиган даромад;
- молларни кўшнимча нархлашдан келадиган даромад;
- ўттган йилларда зааррга ёзилиб кетган бокимандани қоплашдан келиб тушган маблағлар;
- валюта ҳисоб ракамидаги чет эл валютаси операцияларида сўмга нисбатан курснинг ижобий фарқидан келадиган даромад;

• корхона ҳисоб рақамидаги маблағлардан фоиз асосида келадиган даромад.

Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулк шаклидаги савдо корхоналари асосий савдо-сотиқ фаолиятидан ва носавдо фаолиятидан тушган фойдани унумли сарфлаб ёки мақсадга мувоғик ҳолда қарзга маблаг олиб, бошқа истиқболли носавдо фаолияти тармоқларини ҳам ривожлантирумoqueлалар. Бу шахарда озиқ-овқат савдо корхоналари қошида ташкил этилаётган нон ва қандолат цехлари, чойхона, ошхона, қаҳвахона, турли ўйин автоматлари хоналари ва бошқалар мисолида якқол кўринади. Ноозик-овқат савдоси корхоналари қошида ҳам овқатланиш жойлари, кийим бичиши-тиши цехлари, уйда ишловчиларга иш етказиб бериш йўли билан дўконни маҳсулотга бойитиш, дўконда таъмирлаш устахоналарини очиш ва бошқа фаолият турлари яратилмоқда.

Қишлоқ жойларидаги савдо корхоналари таркибида юкорида қайд этилган айрим фаолият турларидан ташқари чорва хўжалиги, сабзавот, мева, сутни қайта ишлиш кичик корхоналари мавжудлиги, тайёрлов фаолияти ва бошқа ишлар ва хизматлар билан бандлиги мъйлум. Буларнинг бари савдога кўшимча даромад келтирувчи фаолият ҳисобланади. Ишлар, хизматлар турининг кўплиги бозор иқтисодиётидаги ривожланган давлатлар фирмалари фаолиятига ҳам хосдир. Бирор соҳа фаолиятида рентабеллик пасайса, тадбиркор маблагни тезда бошқа фойдалари оқ соҳага ўтказиб, умумий даромадлиликни саклаб қолади.

#### 8.4. Умумий овқатланиш корхоналари даромади

Умумий овқатланиш корхоналари иқтисодиётда банд ходимларнинг иш кучини тикишга, аҳоли эҳтиёжини қондиришга, турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қиласи.

Умумий овқатланиш аҳолига пулли хизмат кўрсатиш билан бирга маҳсулот тайёrlаб, баъзи муассасалар (болалар боғчаси, қариялар, болалар уйлари, мактаблар, шифохоналар ва бошқалар) даги кишиларни бепул ёки

имтпёзли нарх асосида овқат билан таъминлайди.

Умумий овқатланиш корхоналари тайёр маҳсулотлар, яrim тайёр маҳсулотлар, ошпазлик маҳсулотларини аҳолига сотади ва улар истеъмолини ташкил этади.

Умумий овқатланиш корхоналари ишлаб чиқариш, сотиш ва истеъмолни ташкил этиш вазифаларини бажариш давомида сарф этган харажатларни қоплаш ҳамда фойда олиш мақсадида барча маҳсулотларга устама нарх қўяди. Ҳар бир маҳсулот турининг ҳаракати бошқасидан фарқ қиласи. Аввало умумий овқатланиш корхоналарининг жами маҳсулоти ўзи тайёрлайдиган маҳсулотлар (биринчи, иккинчи, учинчи таомлар, яrim тайёр маҳсулотлар, кулинария маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари, яхна таомлар, ичимликлар ва бошқалар) ҳамда тайёр маҳсулотлардан (нон ва нон маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари, тамаки маҳсулотлари, ичимликлар ва бошқалар) иборатлиги шунга мос харажатларни келтириб чиқаради. Бу харажатлар ўзига ҳамоҳанг даромадларни талаб этади.

Ўзи тайёрлайдиган маҳсулотлар таннархи таркибида маҳсулот хомашёси, меҳнат, ишлаб чиқариш воситалари харажати жамланиб, унга муомала ва истеъмол харажатлари ҳамда корхона фойдаси кўшнлган ҳолда хўрандаларга сотиш нархи шакланади. Албатта муомала ва истеъмолни ташкил этиш харажатдари ижтимоий зарурий харажатлардан иборат бўлиши керак, чунки жамият айнан шундай харажатни тан олади ва ҳақини тўлаши мумкин. Унинг ижтимоий зарурийлик чегарасини бозорнинг рақобат шароити айниқса аниқроқ белгилайди. Харажатларнинг унумсиз қисми, масалан, овқат пиширилмаётган пайтда, ўчоқнинг, печнинг қизиб туришига сарфлайдиган ёқилғи, энергия, ортиқча иш кучига эга бўлиш ва ходимлар меҳнатининг кам самаралиги, идиштоворокларнинг меъёр даражасидан ортиқча синиши, йўқолиши каби чиқимларни жамият тан олмайди ва улар корхона фойдасини қисқартириш ҳисобига қопланади. Шу каби ортиқча, ўзини оқлай олмайдиган миқдорда хўранда ўтирадиган жойини ташкил этиб қўйиш ҳам унумсиз харажатлар суммасини оширади.

Дсмак, иқтисодий асосланган харажатлар ва фойда мөвөри умумий овқатланиш корхонасининг ўзи тайёрлаган маҳсулотлари устига қўядиган устамасини белгилашда асос бўлади. Бу устама нарх даражаси тайёр маҳсулотлар устига қўйиладиган устама даражасидан юқорироқдир.

Тайёр маҳсулотлар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган комбинатлар, корхоналардан олиниб қўшимча ишлов бермай сотиладиган маҳсулотлардир. Жумладан, конфетлар, шоколадлар, минерал сук, қатик, олма, лимон ва бошқалар мисол бўла олади. Дўконлардаги савдодан фарки шундаки, кўплаб бундай маҳсулотлар, одатда сотилганидан сўнг умумий овқатланиш корхонасида истеъмол қилинади. Шунинг унун умумий овқатланиш корхонаси бу маҳсулотни сотиш билан бирга улар истеъмолини ҳам ташкил этади. Бу эса ўз навбатида озиқ-овқат дўконларидағига қараганда умумий овқатланиш корхоналари устамасининг юқорироқ бўлишини тақозо этади.

Умумий овқатланиш корхоналари маҳсулотлари харажатлари ва фойдалилиги турлича бўлгани учун кам фойдали, фойда келтирмайдиган таомлар, маҳсулотлар турлари борган сари камайиб кетиши табиийдир. Шунинг учун бозор иқтисодиётiga ўтишишнинг бир неча йили давомида умумий овқатланиш корхоналари товар оборот тарқибида фойдалилик асосига таянган ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Умумий овқатланиш корхонасининг даромади қайси категорияга мансублигига ҳам боғлиқ. Олий, люкс ёки пастрок категория ресторонлари (категориялар сервис хизмати сифати, маҳсулотлар, таомларнинг фирма харакатеридалигига боғлиқ), ошхоналари ёки бошқа истеъмол жойлари ўзининг шароитига қараб устама нарх қўяди. Категория қанча юкори бўлса, шунча юқорироқ устама нархни хўранда кўтаради, яъни хўранда имкониятига кўра турили категория таомхоналарида истеъмол килади.

Бозор иқтисодиёти шароитида таом, маҳсулотлар хилларини кўпайтириш, сифатини, тўйнмлилигини, қувватпни ошириш, таннархини пасайтиришга интилиш ракобатчилар ичida мустаҳкам ўринни эгаллашга имкон яратади.

### **Мустақил ишлаш учун назорат саволлари**

1. Чакана савдо корхонасиининг ялпи даромади деганда нимани тушунасиз?
2. Чакана савдо корхонасиининг ялпи даромади қандай шаклланади?
3. Чакана савдо устамаси нимани англатади?
4. Нарх қандай шаклланади?
5. Нархнинг қандай турларини биласиз?
6. Чакана савдо корхонасиининг сотишдан ташқари даромадларига нималар киради?
7. Умумий овқатланиш корхоналари даромади қандай шаклланади?

## **9-боб. ЧАКАНА САВДО ҚОРХОНАЛАРИДА МЕХНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ХОДИМЛАРГА ИШ ҲАҚИ ТҮЛАШ**

### **9.1. Чакана савдо корхоналари фаолиятига кўра ходимлар таркибини шакллантириш**

Чакана савдо ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида иқтисодиётнинг мухим ва зарур тармоғи сифатида вужудга келган. Меҳнат маҳсулотларни ишлаб чиқаришгагина эмас, балки муомала жараёнида уларни айирбошлишга ҳам сарф этилади.

Чакана савдо ходимлари мол етказиб берувчилардан истеъмолчиларга етказиш жараёнида иштирок этиб, турли-туман юмушни бажарадилар. Булар молларни ортиш, тушириш, ташиш, сақлаш, қўшимча ишлов бериш, ўраш, қадоқлаш, сифатини текшириш, харидорга намойиш этиш, сотиш ва ҳоказо иш турларидир.

Чакана савдо, хизмат соҳаси ходимларини ғоявий, меҳнатсеварлик ва ахлоқий пок руҳда тарбиялаш, уларнинг маданиятини, маълумотини ва қасб маҳоратини ошириш жуда муҳимдир, Айниқса раҳбар ходимлари янгиликни тезда сеза билиши, истиқболни кўра билиши ва тўғри самарали ривожланиш йўлини танлай олиши керак.

Чакана савдо, чакана савдо фаолияти билан банд ходимлар сони йилдан йилга ўсиб бормокда. Шу билан бирга улар таркибida катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан, бозор муносабатларига ўтиш шароитида тежамкорлик ўз таъсирини ўтказиб, раҳбар ходимлар салмоғи пасайиб, беихтиёр савдо-сотик, мол етказиб келиш билан боғлиқ ходимлар хиссаси ошмоқда.

Асосий ишни бажарувчи ходимларга савдо ва умумий овқатланишда сотовучи, ошпаз каби қасб эгалари киради.

Чакана савдо олдиғаги вазифаларни бажариш савдо ходимларининг малакаси ва билим даражасига боғлиқ. Аҳоли турмуш даражасининг ўзгариши савдо хизматининг сифатига, малакали ходимларга бўлган талабни оширади.

Харидорга хизмат қилиш билан боғлиқ ходимлар факатгина савдони

ташкил этиш, товаршунослик масалаларини билибина қолмай, балки савдо жараёнидаги руҳий ҳолатни, ҳаридор билан муомала қилишни билиши, юқори даражали умумий ва маҳсус таълимга эга бўлиши керак. Юқори даражали умумий ва маҳсус таълимга эга ходимлар хиссаси йил сайн ошиб бормокда, аммо ҳамон давр талабидан маълум даражада орқада қолмокда.

Жами ходимлар ичida ёшларнинг ўрни алоҳида. Ёшлик ғайрати меҳнат ютукларини таъмниловчи мухим омилдир. Шунинг учун ёшларни савдога кўпроқ жалб этиш, уларнинг малакасини ошириш ижобий натижা бериши шубҳасиз. Кадрларни танлаш, тарбиялаш, жой-жойига қўйиш ва малакасини ошириш ҳозирги даврда катта аҳамиятга эга. Кадрларни тарбиялаш зарурати яна шундан иборатки, савдода моддий бойликларнинг катта қисми тўпланган бўлиб, бу мулкни сақлаш, унга яхши муносабатда бўлиш муҳимдир.

Корхонанинг фаолият хусусиятига, кувватига ва ихтисослашувига қараб кадрлар ишга олинади. Шунга мос ҳолда кадрлар малакаси, маълумоти ва тажрибаси хисобга олинади.

Корхонанинг товар айланмаси, ишлари, хизмати қўпайгани сари, техник қайта қуролланишининг мунтазам бориши билан ходимлар сони ва таркибига эҳтиёж ўзгариб боради. Янги қабул қилинаётган кадрларни контракт асосида расмийлаштириб, унда мажбуриятлари, меҳнат шароитлари ва ҳақ тўлаш шартлари ифодаланади.

Айрим ходимларни корхона ўзи тарбиялаб олади, жумладан устозлик асосида ёки маҳсус курслар очиб, ўқитиб малака бериб ёки уни ошириб олади. Баъзан малакали мутахассисларни тайёрлаш масканлари олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига ўқишига юборади. Корхоналарда ташкил этиладиган кенгашлар, устозлик йўналишлари, анъаналари таъсiri ходимлар тарбияси, корхонаси ютуклари учун жонбозлик кўрсатишга олиб келади.

Корхонада ташкил этилган яхши муҳит, меҳнат ва ҳаёт шароитлари ходимлар қўнимсизлигини пасайтиради, ўз корхонасида қобилиятини тўлиқ намоён этиб, ташаббускорлик асосида меҳнат натижаларини кўрсатади.

## **9.2. Чакана савдо корхоналарининг меҳнат унумдорлиги ва самарадорлиги, уларни ошириш имкониятлари**

Мамлакатимиз олдида турган ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни бажаришда меҳнат унумдорлигини ошириш жуда муҳимдир. Меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш алоҳидан аҳамият касб этади. Бу иқтисодий, техникавий, ижтимоий ва тарбиявий тусдаги кўпгина вазифалар хал этилишини талаб қилувчи мураккаб ишдир.

Чакана савдода ижтимоий меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ошиб боришига эришиш лозим. Бунинг учун ахоли талабини оз меҳнат харажатлари билан тўлароқ қондириш савдо тармоқлари учун ҳам, ялпи иқтисодиётимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Чакана савдо ходимлари меҳнати унумдорлигини ошириш масаласи бу тармоқнинг ахолига хизмат қилиш каби хусусиятини зътиборга олиб ҳал килиниши лозим, яъни бу ўсиш ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаши керак. Агар савдода меҳнат унумдорлигининг ошиши ахоли вақтини кўпроқ сарфлаши, хизмат сифатининг пасайишига сабаб бўлса, ижтимоий меҳнат унумдорлиги пасаяди; тармоқ ходимлари меҳнат унумдорлигининг бундай тарзда ўсиши жамият талабига зиддир.

Хозирги даврда савдо ходимларининг меҳнат унумдорлигини аниқлашда маълум давр давомида ҳар бир ходимга тўғри келадиган товар айланмаси суммаси асосий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Бу нисбий кўрсаткични қуидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$My = T / X$$

Бу ерда, Т – давр товар айланмаси суммаси;

Х – давр мобайнида ходимларининг рўйхат бўйича ўтча сони.

Меҳнат унумдорлигининг қиймат бирлигига ифодаланиши зарурати савдода мол турларининг мураккаблиги ва кўп ҳолларда сотилган моллар сони ҳисобга олинмаслигидан келиб чиқади.

Ҳар бир ходимга тўғри келадиган товар айланмаси суммасининг моллар нархини, товар оборот таркиби ўзгаришини, ахолига савдо хизматини

яхшилашни эътиборга олмай ҳисобланиши турли савдо фирмалари ходимларининг меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини бир-бирига таққослаганда чукур хулоса чиқаришга имкон беравермайди. Савдо фирмаси сотаётган моллар қанчалик юқори нархли бўлса, кам меҳнат сарф этиб, кўпроқ товар айланмаси суммасига эришади ва аксинча. Чакана нархнинг ўзгариши товар айланмаси ва пул миқдорлари ўртасидаги нисбатнинг ўзгаришига олиб келади. Бундай ҳолатда ҳар бир савдо ходимига тўғри келадиган қиймат шаклидаги ўтча оборотнинг ўзгариши меҳнат унумдорлиги ривожланишида ноаникликни вужудга келтиради. Баъзида бирор савдо корхонаси ходимларининг ҳатто иккى йиллик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини бир-бирига таққослаб бўлмайди. Чунки товар айланмаси таркибида сезиларли ўзгаришлар кузатилиши мумкин. Турли молларни сотишга турли миқдорда меҳнат сарф этилади. Шунинг учун моллар турларининг ўзгариши ҳисобига камроқ меҳнат сарфлаб, кўпроқ товар айланмаси суммасига эришиш мумкин. Айниқса қимматбаҳо молларнинг кўпроқ сотилиши меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини кескин ошириши мумкин, аммо у ҳақиқий унумдорликни ифодалай олмайди. Демак, бу кўрсаткичининг аниқ ўсишини ҳисоблашда молларнинг турлари ва нархларига эътибор бериши керак.

Меҳнат унумдорлигидаги ўзгаришни аниқлашда маълум даврда ҳар бир савдо ходимига тўғри келадиган товар айланмасини унинг таркибидаги ўзгаришларни назарда тутган ҳолда солиштирма нархларда ҳисоблаш лозим.

Чакана савдода меҳнат унумдорлигини қиймат кўрсаткичидан ташқари айрим моллар бўйича миқдор ўлчовида ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади. Табиий ўлчов бирликлари (кг, м., л, дона, жуфт ва бошқалар) да ҳисоблаш кўпроқ мева, сабзавот, мой ва шунга ўхшаш оддий турдаги моллар бўйича юритилиши мумкин.

Чакана савдода меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи агар солиштириш мумкин бўлган кўрсаткичларга келтирилса ҳам, баъзида жонли меҳнат самарадорлигини етарли ифода этолмайди. Масалан, дўконда ходимлар штати тўлиқ бўлмаса, меҳнат унумдорлиги ошиши мумкин, аммо ҳаридорларнинг

истеъмол харажатлари (мол харид қилишга кетадиган вақти) кўп сарфланади.

Ҳар бир ходимга тўғри келадиган товар айланмаси кўрсаткичининг ўсиши ва вактидан мақсадга мувофик фойдаланиш, ўз-ўзига хизмат қилиш усулининг такомиллаштирилиши, меҳнатни илмий ташкил этилиши ҳисобига бўлса, унда меҳнат унумдорлигининг ўсиш кўрсаткичи ўринли бўлади.

Чакана савдо меҳнат унумдорлиги мухим кўрсаткич ҳисоблансада, уни аниқлашда савдо хизмати сифати етарли инобатга олинмайди. Ҳар бир ходимга тўғри келадиган товар айланмаси кўрсаткичи товар айланмаси таркибидан ташкири дўйоннинг жойлашган ўрни, молнинг қадоқланганлиги, харидорга тушунтиришга кетадиган вактнинг ҳар хиллиги ва бошқа омилларга қараб ҳам юқори ёки паст бўлиши мумкин. Шунинг учун чакана савдо ва умумий овқатланиш ходимлари меҳнатининг сифатини ҳар тарафлама аниқлашда меҳнат самардорлиги кўрсаткичидан фойдаланилади.

Чакана савдода меҳнат самардорлиги кўрсаткичи кенг маънони англашиб, меҳнат унумдорлигидан ташкири савдони намунали ташкил этиши, юқори савдо маданиятига эга бўлиш, истеъмол харажатларини тежаш, камроқ меҳнат сарфи билан кўпроқ дарамодга эришиш каби кўрсаткичларни ўз ичига олади. Жонли меҳнат харажатлари самарадорлигини маълум давр давомида ҳар бир ходимга ўртача тўғри келадиган юқори сифатли хизмат миқдори белгилайди. Бу кўрсаткичдан фойдаланилганда товар айланмаси таркибининг ва бирор молни сотишга кетадиган меҳнат харажатларининг ўзгаравини ҳисобга олиш лозим.

Меҳнат самарадорлиги кўрсаткичи мазмунини ўрганишдан шундай хулоса чиқадики, савдода бу кўрсаткич тармоқ ходимларининг ташабbusи, қобилияти ва ишлатилишига боғлиқ.

Чакана савдода меҳнат самарадорлигини ошириш меҳнат жараёнларини доимий равиша такомиллаштиришга қаратилган узлуксиз ишдир.

Чакана савдода меҳнат унумдорлиги ва самарадорлиги кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни шартли равиша 4 гурухга бўлиш мумкин:

- товар айланмасининг ошиши, таркибининг ўзгириши, моллар турининг кенгайиши ва сифатининг аҳоли талабига мос ҳолдаги яхшиланиши;

- чакана савдо моддий-техника базасининг такомиллашуви, илгор сотиши суулларини кенг қўллаш, замонавий техникадан фойдаланиш, меҳнат ва бошқариши илмий асосда ташкил этиш;

- ходимларнинг малакаси, ғоявий-сиёсий даражаси, меҳнат фаоллигини ошириш, уларнинг иш жойларини ўзгартириш (кўнимсизлик) холларини кискартириш ва доимий ишлашни таъминлаш;

- меҳнатга қараб ҳақ тўлашнинг шакл ва тизимларини такомиллаштириш.

Ходимлар меҳнати самарадорлиги ва аҳолига хизмат қилиш маданиятини оширишнинг мухим йўлларидан бири савдо тармоғини йириклиштиришdir. Йирик савдо тармоғига меҳнат харажатлари, яъни харидорларнинг мол сотиби олишга кетадиган вақти нисбатан кам ва уларнинг дўйонга жалб этилиши ҳамда меҳнат таҳсими нисбатан юқорироқ даражададир. Булар савдо ходимларининг иш вактидан унумли фойдаланишига имкон яратади.

Чакана савдо ходимлари меҳнатининг унумдорлиги ва самарадорлигини оширишда молларнинг қадоқланганлиги мухим аҳамиятга эга. Қадоқланган тайёр молларни сотища сотувчи тарозида тортиб, ўраб бериб сотгандагига қараганда уч марта камроқ вақт сарф зтади. Қадоқланган моллар ҳиссасининг 10 фоизга ошиши савдода меҳнат унумдорлигини 20-25 фоизга ўстиради. Молларни қадоқлашнинг энг арzon ва қулай йўли саноат корхоналарида қадоқлашdir. Қадоқланган моллар ҳиссасининг ошиши савдодаги меҳнатининг тубдан ўзгиришига олиб келадиган ўзига ўзи хизмат қилишга мўлжалланган сотишнинг илгор усули кенг ривожига имкон яратади.

Чакана савдода меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш йўлларидан бири фан-техника тараккиёти ютуқларидан кенг фойдаланиб, меҳнатни механизациялаш ва автоматлаштириш, турли ассортиментдаги молларни йирик дўйонларда тўплаш, савдо-тенологияк жараёнларини такомиллаштиришдан иборат. Буларнинг натижасида меҳнат шароити енгиллашади, аҳолига савдо хизматини кўрсатиш маданияти ошади,

ҳаридорларнинг вақти тежалади.

Мехнат унумдорлиги ва самарадорлигини оширувчи омиллардан бири меҳнатни илмий асосда ташкил этишдир. Мехнатни илмий асосда ташкил этиш йўналишларидан бири эса чакана савдо корхонасидаги меҳнат тақсимоти ва кооперацияси хисобланади. Мехнат тақсимоти ва кооперацияси савдони ташкил этишининг замонавий талабларига жавоб берадиган, ходимларнинг юқори малакасига мос келадиган ва меҳнат самарадорлигини тўхтовсиз ошиб бориши учун шароит яратадиган бўлиши лозим.

Мехнатни нормаллаштириш ва ташкил этишни такомиллаштириш меҳнат ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиши кучайтиради. Келгусида меҳнатни нормаллаштириш даражаси янада кенгайтирилади. Мехнатни нормаллаштиришга тўқсінлик қилувчи омил баъзи молларнинг этишмаслиги ва тақчиллигидир.

Шунингдек, меҳнатни тежаш ва унумини оширишда бошқа ишларни ҳам биргаликда олиб бориши имкониятларидан кенг фойдаланиш керак. Масалан, ҳайдовчн экспедиторлик қасбини, сотувчи кассирликни ўрганиб, иккى ишни биргаликда олиб бориши савдо фирмаси учун катта тежамдир. Аммо бу тежам ҳам истеъмол ҳаражатларига акс таъсир этмаслиги керак. Ҳар бир савдо шаҳобчаси раҳбарлик томонидан тасдиқланган ва бажарувчилар дикқатига тавсия этилган бошқа қасбни ҳам бирга олиб бориши режаларига эга бўлиши керак.

Мехнат унумдорлиги ва самарадорлигини оширишда таъсири катта бўлган омиллардан яна бири меҳнат натижаларини рағбатлантиришдир.

### **9.3. Чакана савдо корхоналарида меҳнатни рағбатлантириш ва унинг аҳамияти**

Мехнатни рағбатлантириш ходимни меҳнатидан манфаатдор бўлиш хуқуқини таъминлайди. Мехнатга ҳақ тўлаш – бу меҳнат ресурсининг баҳоси бўлиб, асосан ходимнинг ишлаб чиқаришга кўшган меҳнатининг миқдори ва сифатига караб баҳоланади. Ходим манфаатдорлиги унинг иш ҳақи олиши,

фойдага шериклиги, дивидендга эга бўлиши ва бошқаларда ифодаланади. Ўз навбатида бу омиллар ходимларни юқори унумли меҳнатга чорловчи восита ролини бажаради.

Мехнатдан манфаатдорлик самарадорлиги бир қанча шароитларга боғлик. Жумладан, бериладиган маош ёки бошқа моддий манфаат ходимнинг ҳаёти учун энг зарур неъматларни ҳарид қилишга етарли бўлиш билан бирга иш кучини кенгайтирилган ҳолда қайта тиклашга ҳам етиши керак. Бундан ташкири миллий валютанинг ҳарид қобилиятига ҳам боғлиқдир. Чунки маошнинг инфляция таъсирида ҳарид қобилияти пасайиб борса, юқори унумли меҳнатга қизиқиши йўқолади.

Мехнатдан манфаатдорликни таъминлашда ҳақ тўлашнинг меҳнат миқдори ва сифатига қаралиши ниҳоятда муҳимдир. Мехнатнинг миқдори маълум ишни бажариш учун сарфланадиган вақт, жисмоний куч сарфлаш билан белгиланади. Албаттa бунда корхона техник воситаларининг, меҳнат қуролларининг даражаси, ишни ташкил этиш ҳолати, ишлаб чиқариш ёки хизмат қилиш қуввати, имкониятлари инобатга олинади.

Мехнатга тўланадиган ҳақ ходимларни моддий рағбатлантирувчи ва ҳаёт даражасини юксалтирувчи восита хисобланади. Мехнатга ҳақ тўлаш тартиби ёрдамида меҳнат миқдори ва унга тўланадиган ҳақ ўртасидаги боғланиш ўрнатилади. Бажарилган иш билан унга тўланадиган ҳақ ўртасидаги боғланиш қанчалик мустахкам бўлса, ҳақ тўлаш тартибининг рағбатлантирувчилик роли шунча юқори бўлади.

Мамлакатимиз тараққиётининг маълум босқичида ҳар бир ходимнинг кўшган меҳнат ҳиссасини инобатга олмай тенг ҳақ тўлаш натижасида рағбатлантиришнинг роли пасайиб кетади. Мехнатга ҳақ тўлаш иш натижаларига бевосита боғлиқ бўлмаса, ишни унумли, самарали бўлишидан ва жадаллаштиришдан манфаатдорлик бўлмайди. Яхши ишлаган ҳам, суст муносабатдаги ходим ҳам бир хил маош олса, ўз устида ишлаш, малакасини ошириш ва янгиликка интилишга эҳтиёж тугилмайди. Бундан ташкири меҳнатга тўланадиган ҳақнинг ошиши меҳнат унумдорлиги билан узвий боғлик

бўлиши керак. Яъни меҳнат унумдорлигининг ўсиши иш ҳақи ошишидан устун бўлса, жамиятда товар ва моддий бойликлар билан таъминланмаган пул пайдо бўлмайди, яъни пулнинг қадрсизланиши пасаяди.

Корхонадаги турли касб-хунар турлича жисмоний ҳамда ақлий меҳнатни талаб этади. Иш шароитининг, характерининг ўзгариши албатта меҳнатнинг оғирлашиши ёки енгиллашишига, ақлий меҳнатга талабнинг ўзгаришига сабаб бўлади.

Ходимнинг меҳнат нормаси ҳар бир ходимнинг иш қобилиятига караб эмас, балки тармоқнинг ўртacha ижтимоий зарурий меҳнат харакатларига караб белгиланади. Ўртacha ижтимоий зарурий меҳнат бу шундай жадалликдаги меҳнатки, у маълум даражада иш унумдорлигини таъминлаши, ходимнинг ақлий ва жисмоний қобилиятидан оқилона фойдаланиши, уларни ўстириш керак. Меҳнат нормаси қанчалик техник-иктисодий асосланган бўлса, шунчалик ходимларнинг ҳам, корхонанинг ҳам манфаатлари бир-бирига мос келади ва мунтазам ривожланиш таъминланади.

Меҳнатдан манфаатдорликни таъминлашда иш кучи бозори – иш кучига бўлган талаб ва унинг таклифи ўзига хос аҳамиятга эга. Меҳнат бозорининг мавжудлиги меҳнат ресурси билан таъминлаш масаласини осонлаштириб турди. Иш кучи таклифи, айниқса унинг талабдан ортиқчалиги иш жойига бўлган муносабатни яхшилади, ходимлар кўнимсизлигини камайтиради. Шу билан биргалиқда меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини юксалтиришдан манфаатдор бўлади, оладиган маошидан қониқиш хосил қиласди.

Марказлашган маъмурий бошқарув тизимида давлат ҳар бир фуқаронинг меҳнатини ва дам олишини кафолатлаб қўяр эди. Бунда меҳнат маҳсулини бозорда ҳаридорнинг тарабига мос келиши, ижтимоий тан олиниши ва сотилиши иккинчи даражадаги масала ҳисбланиди. Бозор иктисодиёти шаротида ходим манфаатдорлигининг таркибий қисмига ишлаб чиқарилган маҳсулотининг бозорда сотилиши, ҳаридорга маъқул бўлиши ҳам киради, чунки мол сотилмаса, унинг киймати тикланмаса, унинг маблағи шаклланмайди, ишлаб чиқариш ёки воситачилик, хизмат фаолияти ҳам

маблағсиз давом эта олмайди. Демак, ушбу фаолият ходимларининг кенг ҳалқ оммаси, истеъмолчилар олдидаги маъсулиятини кучайтиради ва уларга боғлиқлигини яққол ифодалайди.

Меҳнатни рағбатлантириша давлат сиёсати, конунлари ҳам маълум ўрин эгаллайди. Бошқа давлатлар тажрибасидаги каби Ўзбекистон Республикасида ҳам энг оз иш ҳақини тўлаш меъёри белгилаб қўйилган. Шу каби ҳақ тўлашда разрядларга биноан иш юритиш лозим.

Бозор иктисодиёти шаротида ходимларни моддий рағбатлантириш ва ҳақ тўлашда қуидагиларни инобатта олиш лозим:

- ҳақ тўлаш шакллари ва меъёрини белгилашда корхонанинг тўлиқ мустақиллиги;
- энг оз иш ҳақининг давлат томонидан чегараланиши;
- ходимларнинг меҳнатнинг юқори натижаларидан моддий манфаатдорлиги.

Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Конунининг 19-моддасига биноан, корхона туридан қатъий назар, ҳар бир ходимнинг меҳнат даромадлари корхона ишининг пировард натижалари ҳисобга олиниб, ходимнинг меҳнатта қўшган шахсий улуши билан белгиланади, солиқлар билан тартибга солинади ва энг кўп миқдори чеклаб қўйилмайди. Бундан ташқари, меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари, системалари ва миқдорини, шунингдек, ходимлар даромадларининг бошқа турларини корхона мустақил белгилайди.

Корхонада ходимларни ишга меҳнат шартномалари (контрактлари) асосида қабул қилинади, контрактларда барча шарт-шароитлар акс эттирилади. Контрактлар якка тартибда ёки жамоа (коллектив) шаклларида тузилиши мумкин. Контрактларда ҳақ тўлаш шакллари, системалари, усууллари, мукофотлаш, нафака тўлаш, устама ҳақ тўлаш (нокулай иш шароитлари, юқори жадаллик учун, бошқа касб ва хунарларни ҳам биргалиқда олиб боргани, фаолият доирасини кенгайтиргани, кечки вақтда ва кечаси ишлагани, бўлимга бошчилик қилгани учун ва бошқалар) ифодаланади. Бу каби контрактларда

нарх ошганида, инфляция шаротида ҳақ тўлашни тартибга солиш, ходимларни ўқитиш ва қайта ўқитиш, иш вақти, дам олиш вақти, таътил вақти, ходимлар меҳнати шаротини, ҳимоясини таъминлаш, тиббий ва ижтимоий сугурта килишини, ходимлар саломатлигини муҳофаза қилишини, имтиёзлар берилишини келишиб олинади.

Бозор иктисодиёти шароити ходимларнинг билими, шароитига тез мослашувчанлиги, янгиликка интилевчанлиги хусусиятларига алоҳида аҳамият беради. Рақобат шароитида аввалги даврлардаги каби ўзгармас мол ассортименти билан чекланиш холлари деярли йўқ. Озиқ-овқат дўконлари моллари таркибида ноозик-овқат моллари, шу жумладан маданий майший моллар кўпаймоқда ва аксинча. Шунинг учун ходим шароитини ўз вақтида баҳолай олиши ва шунга мос фаолиятни бажара олиши лозим.

Меҳнатни рағбатлантиришда моддий воситалар билан биргаликда маънавий рағбатлантириш усусларидан фойдаланиш ҳам Ўзбекистонда бозор иктисодиёти шароитида мухим ўрин эгалламоқда. Бунга корхоналарда хурмат тахтаси, меҳнат илғорлари тахтасидан фойдаланиш, ташаккур билдириш кабилар мисол бўла олади. Баъзида моддий ва маънавий рағбатлантириш кўшиб олиб борилади.

#### **9.4. Чакана савдо корхоналари ходимларига ҳақ тўлаш тизими**

Чакана савдо корхонаси ходимларга ҳақ тўлашнинг кандай тизимидан фойдаланишни ўзи ҳал этади. Бунда қайси иш фаолиятида ҳақ тўлашнинг қайси тизими кўпроқ самара беришини, тежамкорликни таъминлашини хисобга олиш керак.

Тариф коэффицентлари ва мансаб маошлари, малака маълумотномаси тариф тузилмасининг таркибий белгиси хисобланади. Тариф ва мансаб маошларига караб ходимлариинг турли гурухи ва тоифалари меҳнатига ҳақ белгиланганда тармоқ аҳамиятига, ходимнинг малакасига ва меҳнат шароитига эътибор берилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашда ходимни бирор гурухга мансублигини аниқлашда

тариф-малака маълумотномасидан фойдаланилади. Унда бирор малаканинг барча характеристикиси, шу жумладан ишнинг характеристикиси, ишни бажариш учун зарур малака даражаси ифода этилган. Оддий нш билан банд бўлган ходим паст разряд билан, энг юқори малака талаб қиласидан мураккаб иш эса юқори разряд билан тарифланади. Ҳар бир разряд маълум микдор ва даражада маҳсус назарий билим ҳамда тажрибани талаб этади.

Корхона қайси ходимларни иш, меҳнат оғирлиги ва соатбай тариф ставкасига биноан иш ҳақи разрядига мос келишини ўз буйруғида акс эттиради.

Ҳақ тўлашнинг икки шакли мавжуд бўлиб, улар ишбай ва вақтбай ҳақ тўлаш турларидан иборатдир.

Вақтбай ҳақ тўлаш шаклидан иш натижаси ходимга ҳам боғлиқ бўлган, савдо-технологик жараёнларнинг характеристидан, иш шароитидан келиб чиқадига ва ишни нормаллаштириш кам самара берадиган ходимларнинг меҳнатини рағбатлантиришда фойдаланилади. Меҳнатга вақтбай ҳақ тўлаш дегани ходимнинг ҳақиқий ишлаган вақтига караб, ойлик маоши бериш демакдир. Бунда ходимнинг факат дўконда бўлган вақтига эмас, балки малакасига караб ҳақ тўланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ишга вақтбай ҳақ тўлашда якка тартибдаги меҳнат натижалари корхонанинг ҳўжалик фаолияти натижаларидан қатъий назар рағбатлантирилади.

Азалдан ҳақ тўлашнинг асосий шакли бўлиб келган мукофотли-вақтбай ҳақ тўлашнинг ҳиссаси кейинги йилларда маълум ҳолатда пасайиб бормоқда. Мукофотли-вақтбай ҳақнинг асосий (доимий) бўлаги ходим малакасига, ишнинг мураккаблигига, шаротига, жавобгарлигига, иш вақти миқдорига қараб тўланади. Кўшимча (ўзгарувчан) ҳақ эса меҳнат натижаларига боғлиқ бўлиб, асосан мукофот тарикасида берилади.

Бошқарув аппаратининг баъзи мутахассислари (муҳандис, иктисадчи, товаршунос, технолог ва бошқалар) савдо корхонасининг турли гурухларида турлича маош олади, айримларининг маоши корхонанинг гурухига боғлиқ эмас. Буларда маош фақат малака даражасига караб бир-биридан фарқ киласиди.

Ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ўстиришга, мол сотишнинг илғор

усулларидан фойдаланишга, хизмат маданиятини юксалтиришга ва ўз малакасини оширишга рағбатлантириш мақсадида корхона раҳбарларига касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобидан турли қўшимчалар белгиглаш ҳукуқи берилган. Бундан ташкари асосий ишдан озод бўлмаган ва бўлимга бошчилик қилаётган ишчиларга бўлимдаги ходимлар сонига караб, ойлик маошига 40 фоизгача, звено бошликларига эса бўлим бошлиғига бериладиган қўшимчанинг 50 фоизигача миқдорда қўшимча қилиниши мумкин. Бунда бўлим ёки звено белгиланган топширикларни бажариши керак.

Шунингдек, ишбай ҳақ олувчиларга ҳақ тўлаш расценкасини меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тежаш ҳисобига 20 фоизгача кўтариш мумкин. Ташкилий бўлинмалар раҳбарлари, мутахассислар ва хизматчилар юқори меҳнат ютуқларига эришгани ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти учун ёки жуда муҳим ишларни бажаргани эвазига уларнинг ойлик маошларига 50 фоизгача қўшимча килиш кўзда тутилган. Секция мудирлари ва уларнинг ўринbosарларига ҳамда ўз иши билан бирга вақтинча ишга қолмаган бошқа ходимнинг вазифасини ҳам бажарган хизматчиларга маошининг 50 фоизгача миқдорда қўшимча қилиш мумкин.

Ходим чет тилини билгани ва ундан иш жараёнида фойдалангани учун ҳам унинг ойлик иш ҳақига қўшимча тўланади. Чет тиллардан бирини билгани ходимга иш ҳақининг 10 фоизи, икки ва ундан ортиқ тилни билгани учун эса 15 фоиз миқдорда қўшимча белгиланади.

Вақтбай иш ҳақи олувчи ходимга иш вақти ўтгаганидан сўнг ишлаган дастлабки икки соати учун 1,5 баравар, кейинги соатларн учун эса икки баравар ҳақ тўланади. Байрам кунлари учун ҳам икки баравар ҳақ тўланади.

Мамлакатимизнинг турли худудларида турлича бўлган иш шароити учун тенг манфаатдорликни таъминлаш мақсадида ҳақ тўлаш табакалаштирилган. Жуда иссиқ ва сувсиз жойларда, баланд тоғли худудларда меҳнат қилувчи савдо ходимларининг иш ҳақи турли коэффицентлар, шу жумладан туман, маҳсус коэффицентлар ёрдамида аникланади. Масалан, шаҳарда нормал иш

шаротига эга бўлган сотувчи 100 минг сўм маош олса, сувсиз, иссиқ жойларда айнан шу ишни бажарувчи ходимга 1,2 коэффициенти асосида 120 минг сўм (100 \* 1,2) маош тўланади.

Савдода ҳақ тўлашнинг иккинчи шакли ишбай ҳақ тўлаш бўлиб, ҳақ тўлаш тузилмасида унинг салмоғи ортиб бормокда. Бу шакл мукофотлаш усуллари билан тўлдириб борилади ҳамда асосий (доими) бўлаги ҳам, қўшимча (ўзгарувчан) бўлаги ҳам меҳнат натижаларига боғлик бўлади.

Мукофотли-ишбай ҳақ тўлаш иктисодий самарадорликни оширишда катта имкониятлар яратади. Унинг тўғри ташкил этилганлиги товар айланмасини оширишда, фойданинг кўпайганлигига ўз ифодасини топади. Бундан корхона ҳам ходим ҳам манфаатдор бўлади.

Ҳақ тўлашнинг мукофотли-вақтбай шаклида якка тартибда ва жамоа ҳолда бажарилган ишга ўзига хос баҳолар ёр дамида ҳақ тўланади.

Чакана савдо корхоналарида фаолият хусусиятларига биноан асосий иш билан банд ходимлар мукофотли-вақтбай ҳақ тўлашнинг кўйдаги турларидан фойдаланиши мумкин:

- бўлимга 100 млн. сум ҳақиқий товар айланмасига эришгани учун белгиланган баҳо асосида ҳақ тўлаш;
- якка тартибда 100 млн. сўм ҳақиқий товар айланмасига эришгани учун белгиланган баҳо асосида ишбай ҳақ тўлаш;
- 100 млн. сўмлик ҳақиқий сотилган айрим моллар учун белгиланган баҳо асосида ҳақ тўлаш ва бошқалар.

Ходимларни ишбай ҳақ тўлашга ўтказиш савдо корхоналари ихтиёрига берилгандир. Шунга эътибор бериш керакки, ишбай мукофотли ҳақ тўлаш тартибига биноан рағбатлантириладиган ходимларнинг ойлик маоши ой давомида тўлиқ ишлаган ҳолда кафолат берилган энг кам миқдордан паст бўлмаслиги лозим. Жамоа ёки якка тартибда нормани бажармаслик ходимларга боғлик бўлмаган омиллар эвазига (товар айланмаси таркибининг ўзгариши, мол келтиришдаги узилишлар ва ҳоказо) содир бўлса, корхона ходимларга кафолат

берилган энг кам миқдорда ҳақ тұлаши лозим.

Мукофотлаш күрсаткичлари ва шартлари савдо корхонасининг барча ходимларига шу корхонанинг ўзида белгиланади. Мукофот миқдори бирор бир чегарага ега эмас.

Йил мобайнида меңнат натижаларига қараб мукофотлашдан ташқари йиллик якунга құра жамоалар ва уларнинг аъзоларига турли күрик, мусобакаға ғолиби бўлгани учун мукофот берилади. Шунингдек, корхонанинг йиллик иш натижаларига ва ходимларнинг иш стажига құра 13-иш ҳақи берилади. Кўпгина корхоналарнинг 13-иш ҳақи билан мукофотлаш шартидан бир йилгача иш муддатига эга бўлган ходимларга мукофот берилмаслиги, ўн йил ва ундан ортиқ иш стажига эга бўлган ходимларга эса 100 фоиз ва ундан юқори даражада мукофот бериш белгиланган.

#### **Мустақил ишлаш учун назорат саволлари**

1. Чакана савдо корхоналарида меңнат унумдорлиги ва самараదорлигини оширишга қандай омиллар таъсир этади?
2. Иш ҳақининг иқтисодий мөхиятини тушунтириб беринг.
3. Чакана савдода иш ҳақини ташкил этишининг асосий тамойиллари қайсилар?
4. Чакана савдода меңнатга ҳақ тұлаш тимизини очиб беринг.
5. Чакана савдода ходимларни моддий рагбатлантириш тизимни қандай?

### **10-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ, ФОЙДАСИ ВА РЕНТАБЕЛЛИГИ**

#### **10.1. Харажатларнинг мөхияти ва туркумлари**

Ишлаб чиқарилган истеъмол молларини харидорга етказиш маълум миқдорда моддий, меңнат ва пул ресурсларини сарф этилишини талаб қилади. Булар молларни бир жойдан иккинчи жойга етказиш, саклаш, қўшимча ишлов бериш, навларга ажратиш, ўраш, сотиш ва бошка чикимлардан иборат. Жами жонли ва буюмлашган меңнат харажатларининг пулдаги ифодаси муомала харажатларини ташкил этади.

Муомала харажатлари асосан муомала, мол айрошиблаш доирасига хос бўлиб, савдо соҳаси корхоналарининг ўзига хос «маҳсулоти» таннархини ташкил этади. Таннарх одатда ишлаб чиқарувчи фирма, корхоналарнинг асосий иқтисодий күрсаткичи бўлиб, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини мужассамлаштиради. Савдо, хизмат соҳаларида муомала доирасидаги харажатлар муомала харажатлари сифатида таърифланиб келинган. Аммо мөхият-мазмуни жихатидан бу харажатлар ҳам таннархни ифодалайди, яъни молларнинг ҳаракати ва истеъмолчигача бўлган чикимларини тўплайди. Савдо соҳасининг умумий овқатланиш йўналишида янги истеъмол кийматига эга бўлган маҳсулот яратилгани учун таннарх күрсаткичи беихтиёр ўрин эгаллади.

Муомала доирасидаги харажатларни шартли равища икки гурухга, беихтиёр мол ҳаракати билан боғлиқ харажатларга ҳамда сотиш, молни пулга айлантириш билан боғлиқ харажатларга ажратиш мумкин. Биринчи гурухи қўшимча харажатлар ва иккинчиси соғ харажатлар сифатида юритилади.

Қўшимча муомала харажатлари мол ишлаб чиқариш жараёнининг муомала доирасидаги давомини ифодалайди. Улар маҳсулотларнинг товар шакли билан эмас, балки истеъмол қийматини саклаш ва ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ.

Қўшимча муомала харажатларига молларни ташиш, саклаш, қўшимча

ишлоу бериш, навларга ажратиш, ўраш ва бошқа қатор чиқимлар киради. Ташиш, ортиш, тушириш, қўшимча ишлов бериш, ўраш харажатлари истеъмол қийматини яратиш жараёнини тугаллашни ифода этса, сақлаш билан боғлиқ чиқимлар яратилган қиймат ва истеъмол қийматини сақлашга қаратилган. Бу харажатлар товар қийматини оширади. Сарф этилган меҳнат товар қийматига фойдаланилган ишлаб чиқариш воситалари қийматини ўтказади ва янги қиймат қўшади. Демак, қўшимча муомала харажатлари молларнинг истеъмол қиймати билан боғлиқдир.

Соф муомала харажатлари харид қилиш, сотиш ва пул муомаласи билан боғлиқ бўлган харажатлардир. Бундай чиқимлар натижасида мол пулга ва пул молга айланади. Сотиш оқибатида молдаги қиймат жамият томонидан тан олинади.

Соф муомала харажатларига молларни реклама қилиш билан боғлиқ харажатлар, савдо ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақнинг бир кисми, бошкарув аппаратини сақлаш харажатлари, ҳисоб-китоб ишлари ҳамда пул муомаласи билан боғлиқ чиқимлар киради.

Харид қилиш ва сотиш жараёнинда қиймат ҳам, қўшимча қиймат ҳам яратилмайди. Шунинг учун бу чиқимлар жамиятда унумли меҳнат эвазига яратилган қўшимча маҳсулот ҳисобига қопланади. Демак, соф муомала харажатлари молларнинг қиймати билан боғлиқ бўлиб, уларни ишлаб чиқаришда эмас, балки харид қилиш ва сотишда вужудга келади.

Муомала харажатлари суммасига қараб корхоналарнинг тежамли фаолиятига баҳо бериб бўлмайди. Тежамли фаолиятини муомала харажатлари даражаси характерлайди. Бу нисбий кўрсаткич муомала харажатлари суммасининг товар айланмасига нисбати билан аниқланади ва қуйидагича ифодаланади:

$$M_{xd} = M_x / T * 100\%$$

Масалан, дўкон товар айланмаси 120 млн. сўм, муомала харажатлари 9,6 млн. сўмга teng бўлса, муомала харажатлари даражаси 8,0 фоизни ташкил этади ( $9,6 / 120 * 100\%$ ).

Муомала харажатлари савдонинг сифат кўрсаткичи бўлиб, молни сотиш савдо фирмасига қанчага тушаётганини акс эттиради. Фирма хўжалик юритишни қанчалик яхшиласа, унумсиз харажатлар шунчалик камаяди. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида савдода муомала харажатларини тежаш зарурати кескин ошади, чунки ракобат кураши ҳар бир фирмани ниҳоятда тежамли, оқилона иш юритишга мажбур этади. Бундан ташкари фирма жамоасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш жамғармасининг оширилиши муомала харажатлари тежамига боғлиқ.

Муомала харажатлари даражасининг ўсишига савдо ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақнинг хизмат килувчи соҳалар хизмат ҳақининг ошиши, транспорт тарифларининг ўзгариши ва бошқа қатор омиллар сабаб бўлмоқда. Савдо маданиятини юксалтириш билан боғлиқ харажатларнинг ўсиши аҳолининг истеъмол харажатларини камайтиришга олиб келади. Савдонинг илғор шакл ва усулларидан фойдаланиб, аҳоли истеъмол харажатларини қисқартириш мухим ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Чакана савдо корхоналари, фирмаларида муомала харажатлари билан бирга бошқа харажатлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш, чорвачилик, дәхқончилик, тайёрлов ва бошқа ёрдамчи хўжаликлари. Бу харажатлар муомала харажатларига қўшилмайди, улар ишлаб чиқариш харажатларини ташкил этади.

Шунингдек, тўланган жарималар, соликлар ҳам муомала харажатларига кирмайди, маблагнинг қайта тақсимланишини ифода этади. Табиий оғатдан, боқимандалиқдан келган заарлар ҳам муомала харажатларига кирмайди.

Муомала харажатларига озиқ-овқат вазифасини ўташда сарф этиладиган ижтимоий зарурий меҳнат харажатлари киради. Аҳоли талабига мос келмайдиган молларни сақлашга кетадиган харажатлар, мақсадга мувофиқ бўлмаган транспорт харажатлари ҳамда мол муомаласи заруратидан келиб чиқмайдиган бошқа харажатлар ижтимоий зарурий харажатларга кирмайди. Бу харажатлар жамият соф даромадини қисқартириш ҳисобига қопланади. Бундан ташкари, сифати паст ва аҳоли талабига мос келмайдиган ортиқча мол

захираларини сақлаш, мол ҳаракатидаги камчиликлар айланиш вақтини узайтиради, бузилиши, эскириши ва нобудгарчилигига сабаб бўлади. Бундай холлар бозор шароитига мос бўлмай, айрим савдо фирмалари, корхоналари пул қўйган камчиликлари оқибатида рўй беради.

Муомала харажатлари турли белгиларига караб туркумларга ажратилади. Бу белгилар қўйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий мазмунига кура.
2. Хўжалик фаолияти тармоқлари бўйича.
3. Вужудга келишига караб.
4. Товар айланмасига боғлиқлигига караб.

Иқтисодий мазмунига кўра савдонинг муомала харажатлари қўйидаги йирик гурухларга бўлинади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш;
- иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари (транспорт, алоқа, коммунал, маший хизмат ва ҳоказо) хизматига ҳақ тўлаш;
- савдода моддий-техника базасини сақлаш ва моддий харажатлар (идишлиарнинг эскириши, ўраш материаллари, газ, сув, электр энергияенинг сарф этилиши ва бошқалар);
- моддий камайишлар (молларни ташиб, сақлаш, савдога тайёрлаш ва сотиш пайтидаги камайиши);
- муомала харажатларига кирувчи бошқа харажатлар (кредит учун фоиз тўлаш, маҳаллий соликлар ва тўловлар, сугурта харажатлари ва б.).

Чакана савдонинг хўжалик фаолияти тармоқларига караб харажатлари З гурухга бўлинади: чакана савдо, ултуржи савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқлари харажатлари. Чакана ва ултуржи савдода муомала харажатлари молларни ташиб келтириш, сақлаш, айримларига қўшимча ишлов бериш, навларга ажратиш, сотиш каби чиқимлардан иборат бўлса, умумий овқатланишда муомала ва ишлаб чиқариш харажатларига таом тайёрлаш, уни сотиш ҳамда истеъмолни ташкил этиш харажатлари ҳам киради. Шуни эслатиш

керакки, умумий овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларига ҳом ашё ва бошқа маҳсулотлар қиймати кирмайди. Чакана ва ултуржи савдонинг муомала харажатлари бир-бирга анча ўҳашашлиги билан бирга даражасида катта тафовут мавжуд Масалан, 10 минг сўмлик бирор маҳсулотни аҳолига чакана нарҳда сотиш харажатлари ултуржи сотиш харажатларидан анча устундир. Шунинг учун товар айланмасига нисбатан даражаси ҳам юкори. Умумий овқатланиш корхоналарининг чиқимлари даражаси ишлаб чиқариш харажатлари мавжудлиги туфайли чакана савдодаги харажатлар даражасидан бир неча баробар зиёд. Муомала харажатларини бундай бўлишини тармоқлар ичидаги харажатларнинг самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради.

Муомала харажатлари вужудга келишига қараб моддаларга бўлинади. Давлат статистика қўмитаси талабига биноан савдо корхонаси қўйидаги ҳисобот хакидаги моддалар бўйича муомала харажатларини ифодалайди:

1. Ашёвий сарф харажатлар, шу жумладан:
  - ёқилғи, ишлаб чиқариш эҳтиёjlари учун газ, электр қуввати ва сувдан фойдаланганлик учун тўловлар;
  - товарларни сақлаш, ишлаб чиқариш, саралаш ва жойлаш чиқимлари;
  - асосий фонdlар аморгизацяси;
  - кийим-кечаклар, ошхона дастурхонлари, арzon ва чидамсиз буюмлар, ошхона идишлари ва анжомларининг эскириши;
  - талаб даражасида элтиш, сақлаш ва сотиш чоғида товар ва маҳсулотлардан кўрилган зарар;
  - тара бўйича харажат;
  - жорий таъмиrlаш харажатлари;
  - бинолар, иншоатлар, хоналар ва жиҳозларни тутиш;
  - ижара чаражатлари;
  - банклар кредитлари бўйича фоизлар;
  - ўз транспорти харажатлари.
2. Ташқи ташкилотларнинг ишлаб чиқариш маъносида бажарган иш ва

хизматлари, шулардан: темир йўл, сув, ҳаво, автомобиль ва от-улов ёрдами билан юкларни ташиш.

3. Руйҳатли ва рўйҳатсиз таркибдаги ходимларнинг иш ҳақи, шу жумладан, рўйҳатли таркиб ходимлари, ижтимоий эҳтиёжларга чегирмалар, шу жумладан:

- пенсия фондига;
- ижтимоий сугурта фондига;
- мажбурий тиббий сугурта;
- сугурта тўловлари;
- хизмат сафари харажатлари;
- ваколат харажатлари.

4. Номоддий хизматлар ҳақи (банклар, алоқа, ахборот-хисобот хизматлари, аудиторлик ташкилотлари, бошқарув ташкилотлари)

5. Бошқа сарф-харажатлар.

Тара ва табиий камайиш даражасининг ошганидан кўрилган зарап муомала харажатларидан ташқари ўрин эгаллаган ва корхона фойдаси ҳисобига қопланади.

Муомала харажатларининг бундай моддаларга бўлиниши турли корхоналар чиқимларининг умумий ҳажми ва даражасини моддалар бўйича таққослашга ҳамда ички имкониятларини топишига кўмаклашади.

Товар айланмасига боғлиқлигига караб муомала харажатлари шартли-доимий ва шартли-ўзгарувчан турларга бўлинади.

Чиқимларни айrim дўконлар (бўлимлар) бўйича ҳисобга олинишига караб муомала харажатлари дўконларда (бўлимларда) тўғридан-тўғри ёки бирор кўрсаткичга нисбатан таркиб топиши мумкин. Масалан, дўконларга (бўлимларга) муомала харажатлари ҳисобга олинишдан бўлса, иш ҳақи тўлаш, молларн сақлаш, қайта ишлаш ва табиий камайиш каби харажатларни дўкон (бўлим) ҳисобига бевосита олиб бориш мумкин. Аммо банк кредити учун фоиз тўлаш, бошқа харажатларнинг айrim элемениларини дўконнинг (бўлимнинг)

харажатларига унинг товар айланмасига, мол захираларига, савдо майдонига ёки бошқа кўрсаткичларга караб мутаносиб ҳолда кўшиш мумкин.

Шуни ҳисобга олиш керакки, жами молларнинг муомала харажатлари ичида озиқ-овқат маҳсулотларининг харажатлари даржаси ноозик-овқат моллари харажатлари даражасидан юкоридир. Озиқ-овқат маҳсулотлари ичида айрим маҳсулотларнинг муомала харажатлари бошқаларидан кескин фарқ қиласди. Масалан, 100 минг сўмлик картошканинг муомала харажатлари шунча сўмлик олманинг чиқимларидан бир неча баравар кўп. Бундай ҳолат ноозик-овқат молларини сотишда ҳам мавжуд. Жумладан, автомобиль ва хўжалик моллари савдоси харажатлари ўртасидаги фарқ катта.

## 10.2. Харажатларга таъсири этувчи омиллар

Чакана савдо корхоналари, фирмалари муомала харажатларига турли-туман омиллар таъсири этади. Буларнинг баъзилари муомала харажатларини оширади, баъзилари камайтиради, айримлари савдо корхонаси фаолиятига боғлиқ, бошқалари эса боғлиқ эмас.

Муомала харажатлари даражасининг ошишига ахолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, моддий техника базасининг ўсиши ва кенгайиши, савдо ходимлари сонининг кўпайиши, улар меҳнатига тўланадиган иш ҳақининг ошиши, савдо маданиятини юксалтириш билан боғлиқ бошқа омиллар таъсири этади.

Савдо маданиятини ошириш савдо биноси ва иншоатларини яхши ҳолда сақлаш, рекламани йўлга кўйиш, молларни қадоклаш, ходимларга нормал иш шаротини яратиш ва бошқа қатор тадбирларни талаб қиласди.

Муомала харажатлари даражасининг пасайишига эса кўйидаги омиллар таъсири этади:

- товар айланмаси ҳажмининг ошиши ва таркибининг ўзгариши;
- мол манбаларининг якинроғини танлаш;
- мол ҳаракатини мақсадга мувофиқ йўналтириш;

- савдо фаолиятини яхшилаш;
- меҳнат самарадорлигини ошириш;
- савдонинг илғор усулларидан, янги техника ва технологиядан фойдаланиш;
- мол айланнишини тезлаштириш ва шу кабилар.

Муомала харажатлари суммаси ва даражасига таъсир этувчи омилларни чукур ўрганиш уни тежашга қаратилган ички имкониятларни топишга кўмаклашади. Бунда аввало савдо корхонаси фаолиятига боғлиқ бўлган чиқим турларига эътибор бериш керак. Жумладан:

- товар айланмаси режасининг бажарилиши;
- мол айланниш тезлиги;
- сотишнинг илғор усулларини жорий этиш ва қўллаш;
- транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш;
- асосий ва айланма маблаглардан фойдаланиш даражаси;
- меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва б.

Товар айланмаси ҳажмининг ошиши муомала харажатлари суммасининг ўсишига олиб келади, аммо бу ўсиш сустрок бўлади, чунки товар айланмасининг ошиши харажатларнинг айрим моддаларига деярли таъсир қилмайди. Товар айланмасининг ўзгариши билан муомала харажатлари даражаси тескари ўзгаради.

Товар айланмаси ҳажмининг муомала харажатларига таъсирини аниқлаш учун муомала харажатларининг барча моддалари товар айланмасига боғлиқлигига қараб шартли-ўзгарувчан ва шартли-ўзгармас турларга бўлинади. Шартли-ўзгарувчан харажатларга транспорт ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, молларни саклаш, қайта ишлаш, навларга ажратиш, ўраш харажатлари, банк кредитидан фойдаланиш фоизи, молларни ташиш, саклаш, сотища норма чегарасидан юкори нобудгарчилиги ва бошқа айрим чиқимлар киради. Ижара ҳаки ва импорт, иншоот, хоналар ҳамда жиҳозларни саклаш харажатлари, асосий воситалар амортизацияси, ремонт фондига ажратма,

санитар, ошхона кийими, арzon баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ейтлтшт, бошқа харажатлар моддасининг айрим элеменглари шартли-ўзгармас харажатларни ташкил этади.

Товар айланмаси ҳажмининг ўсиши билан шартли-ўзгарувчан харажатларнинг ошиши эвазига муомала харажатларининг умумий суммаси ошади, шартли-доимий харажатларнинг деярли ўзгармай қолиши туфайли эса муомала харажатларининг даражаси пасаяди. Масалан, савдо корхонасининг товар айланмаси режаси 50 миллион сўм, бажарилиши 51 миллион сўм, муомала харажатларининг режа бўйича суммаси 6 млн сўм, шартли-ўзгарувчан харажатлар жами харажатларнинг 60 фоизига тенг бўлса, куйидаги натижаларга эришилади:

1. Муомала харажатларининг режа бўйича даражаси товар айланмасига нисбатан 12 фоиз ( $6 / 50 * 100\%$ ).
2. 6 млн. сўм харажатнинг 60 фоизи ёки 3,6 млн. сўми шартли-ўзгарувчан, қолгани, яъни 2,4 млн. сўми эса шартли доимий харажатлардан иборат.
3. Товар айланмаси режаси 2 фоизга ошириб бажарилгани ҳолда шартли-ўзгарувчан харажатлар ҳам шунчага ўсан 3,672 млн. сўмни ташкил этган ( $36 * 1,02$ ), шартли-доимий чиқимлар эса ўзгармай қолаверган. Натижада муомала харажатлари суммаси жорий даврда 6,072 млн. сўмни ташкил этган ( $3,672 + 24$ ).
4. Муомала харажатларининг жорий даврдаги даражаси 11,9 фоизни ташкил этган ( $6,072 / 51000 * 100\%$ ) ва режадагидан товар айланмасига нисбатан 0,1 фоизга тежалган.

Муомала харажатларининг суммаси ва даражасига товар айланмаси режасининг бир текис бажарилиши ҳам таъсир этади. Товар айланмаси режасининг бажарилмагани ёки дўконлар, чораклар, ойлар бўйича нотекис бажарилиши муомала харажатларининг ортиқча сарф этилишига олиб келади. Бу айникса, меҳнатга ҳақ тўлаш, молларни саклаш харажатлари, банк кредитидан фойдаланиш учун тўланадиган фоиз ва бошқаларда яққол намоён бўлади.

Муомала харажатларига таъсир этувчи омиллардан бири товар айланмаси

таркибининг ўзгаришидир. Турли молларни ишлаб чиқаришдан истемолчиларга етказиш турли харажатларни талаб этади. Айрим молларни сотиш учун нисбатан камроқ, бошқаларга эса кўпроқ харажат қилинади.

Чакана товар айланмаси қонуниятига биноан унинг таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳиссаси камайиб, ноозик-овқат моллариники ортиб боради. Натижада савдонинг муомала харажатлари даражаси пасаяди. Демак, келгуси давр учун муомала харажатлари пул миқдорини режалаштиришда товар айланмаси таркибидаги ўзгаришларини инобатга олиш керак. Ҳар бир молнинг сотиш шаротига караб илмий асосланган муомала харажатлари нормалари (ижтимоий зарурый меҳнат харажатлари) ни ҳисоблаш сотиладиган моллар таркибидаги ўзгаришларга караб муомала харажатларини аниқроқ ҳисоблашга имкон беради.

Муомала харажатларига таъсир зтувчи омиллрадан бири мол ҳаракати тезлигидир. Мол ҳаракатининг тезлашиши ўртача мол захираларини, банкга кредит учун тўланадиган маблагни камайтиради, озрок маблаг билан кўпроқ мол айланишига эришилади, молларни сақлаш, қўшимча ишлов бериш харажатларини табиий камайиш эвазига йўқолишини қисқартиради.

Меҳнат унумдорлигини ошириш хам муомала харажатларини қисқартишга таъсир этувчи омилдир. Меҳнат унумдорлигининг ошиши билан меҳнатга ҳақ тўлаш фонди нисбатан тежалади. Аммо меҳнат унумдорлигини ошириш аҳолига хизмат кўрсатишни ёмонлаштирмаслиги керак.

Савдода иқтисодиётнинг транспорт, алоқа, майший, коммунал хўжалиги ва бошқа соҳалар хизматидан фойдаланилади. Бу тармокларда меҳнат унумдорлигининг ошиши савдонинг муомала харажатлирини пасайтириши мумкин. Масалан, транспортда меҳнат унумдорлигининг ошиши тарифларнинг пасайшига сабаб бўлиши мумкин, саноатда меҳнат унумдорлигининг ўсиши эса асбоб-анжомлар, ўраш материаллари қийматини пасайтиради.

Моллар нархи ва хизмат тарифларининг муомала харажатларига таъсири савдо корхонаси фаолиятига боғлиқ бўлмаган омилларга киради. Муомала

харажатлари даражаси мол нархи билан тескари алоқада, яъни мол нархининг пасайиши билан муомала харажатлари даражаси ошади, чунки молни сотиш жараёнидаги харажатлар нархи пасайганда ҳам деярли ўзгармай қолаверади. Транспорт, алоқа, коммунал хўжалиги хизмат тарифларининг ошиши савдо чиқимларини оширади ва аксинча.

Ишлаб чиқариш жараёнининг муомала доирасидаги давомини ифодаловчи айрим харажатларининг (молларни қадоқлаш, қўшимча ишлов бериш, савдога тайёрлаш ва хоказо) савдодан ишлаб чиқариш корхоналарига ўтиши муомала харажатларини камайтиради ва ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширади. Ҳозирги даврда саноат корхоналарининг қадоқланган моллар етказиб бериш ҳажми савдо тармоги талабидан орқада қолмоқда. Шунинг учун савдода маҳсулотларни қадоқлаб, аҳолига сотишга тайёр ҳолга келтириш бўйича катта харажатлар қилинмоқда.

Савдо моддий-техника базасининг ўсиши ҳамда фан-техника тараққиёти ютукларини ҳаётга тадбиқ этиш ҳам муомала харажатларига таъсир этади. Ҳозирги вактда ихтисослашган йирик дўкон (супермаркет) ларнинг қуриб ишга туширилиши ҳар бир квадрат метр савдо майдонига ёки ҳар бир ходимга тўғри келадиган товар айланмасининг ўсишига сабаб бўлади ҳамда муомала харажатлари тежамига олиб келади. Бундан ташқари савдо жихозларидан, илфор ва унумли техникадан самарали фойдаланиш жонли меҳнат харажатларини камайтиради. Жумладан, контейнер, идиши-жихозлардан фойдаланиш, ортиш, тушириш, сақлаш ва аҳолига таклиф этиш жараёнларини қисқартиради ҳамда молнинг истемол қийматини яхшироқ сақлайди.

Муомала харажатларини тежашда корхоналар ўртасидаги рақобат кураши етакчи омил бўлиб ҳисбланади. Бунда ходимлар харажатларни тежаш, истрофгарчиликка, нобудгарчиликка йўл қўймаслиқдан манфаатдор бўладилар.

Муомала харажатларига таъсир этувчи омилларни ўрганиш уларнинг ижобий ёки салбий томонларини аниқлашга ҳамда чиқимларни тежаш йўлларини излашга ёрдам беради.

### 10.3. Чакана савдо корхонасининг муомала харажатлари таҳлили

Чакана савдо корхонасининг муомала чиқимлари абсолют миқдор ёрдамида ҳам, нисбий кўрсаткич – чакана товар айланмаси фоизларида акс эттирилган муомала чиқимлари ёрдамида ҳам акс эттирилиши мумкин. Абсолют кўрсаткич корхонанинг мъалум муддат ичидаги жами харажатлар миқдорини тавсифлайди. Бирок бу кўрсаткич харажатларнинг ҳар бир сўмига олинган натижага ҳақида, яъни сарфланган харажатларнинг самарадорлиги ҳақида тасаввур бермайди.

Муомала чиқимларини абсолют кўрсаткичлар бўйича ҳам, нисбий кўрсаткичлар бўйича ҳам амалга ошириш лозим. Таҳлил қўйидаги вазифаларни ҳал килиш учун амалга оширилади:

- харажатлар таркиби, ҳажми ва динамикасини ўрганиш;
- харажатлар самарадорлигини баҳолаш;
- муомала чиқимларига таъсир кўрсатувчи омилларни тадқиқ этиш;
- харажатларни тежаш заҳираларини аниқлаш.

Таҳлилни муомала харажатларини тежаш (ортиқча сарфлаш) абсолют миқдорини аниқлашдан бошлиш лозим:

$$Амхт = Mx_1 - Mx_0$$

Бу ерда, Амхт – муомала харажатларини тежаш (ортиқча сарфлаш) абсолют миқдори, сум;

$Mx_1$  – ҳисобот йилидаги муомала харажатларининг амалдаги миқдори, сум;

$Mx_0$  – ҳисобот йилидаги муомала харажатларининг режадаги миқдори ёки базис йилдаги амалдаги миқдори, сум.

Муомала харажатларини тежаш (ортиқча сарфлаш) абсолют миқдорини ҳисоблаш нисбий тежаш (ортиқча сарфлаш) ҳисоб-китоблари билан тўлдирилиши лозим. Нисбий оғишни аниқлаш учун базис даврдаги муомала харажатларини ҳисобот йилидаги чакана товар айланмаси амалдаги ҳажмига тўғрилаш керак. Бунда муомала чиқимларининг донмий ва ўзгарувчан турларга тақсимланишини эсдан чиқармаслик лозим.

$$Mx_{t_0} = Mx_{shd_0} + ЧТО_0 * \frac{\mathbb{U}_{Mx_0}}{100}$$

Бу ерда,  $Mx_{t_0}$  – ҳисобот йилидаги чакана товар айланмаси амалдаги ҳажмига тўғриланган муомала харажатлари базис миқдори, сўм;

$Mx_{shd_0}$  – базис даврдаги шартли доимий муомалар харажатлари, %;

$ЧТА_0$  – ҳисобот давридаги чакана товар айланмаси амалдаги ҳажми;

$\mathbb{U}_{Mx_0}$  – базис давридаги муомала харажатлари ҳажмининг ўзагриши, %.

Муомала харажатларини нисбий тежаш (ортиқча сарфлаш) миқдори ҳисобот йилида амалдаги муомала чиқимлари билан тўғриланган базис чиқимлари ўртасидаги фарқни ифодалайди.

$$НТmx = Mx_1 - Mx_{t_0}$$

Бу ерда, НТmx – муомала харажатларининг нисбий тежаш миқдори;

$Mx_1$  – муомала харажатларининг амалдаги миқдори;

$Mx_{t_0}$  – муомала харажатларининг тўғриланган базис миқдори.

Муомала чиқимлари таҳлил қилинганда уларнинг ўзгариш ҳажми ва сурати аниқланади:

$$\mathbb{U}_{Cmx} = \frac{\mathbb{U}_{Mx}}{\mathbb{U}_{Mx_0}} * 100$$

$\mathbb{U}_{Cmx}$  – муомала харажатлари даражасининг ўзгариш сурати, %;


$\mathbb{U}_{Mx}$  – муомала харажатлари даражасининг ўзгариш ҳажми, %;

$\mathbb{U}_{Mx_0}$ ,  $\mathbb{U}_{Mx_1}$  – мос равиша ҳисобот йили ва базис давридаги муомала харажатлари даражаси, %.

### 10.4. Муомала харажатларини умумий ҳажми бўйича режалаштириш

Муомала харажатларини режалаштириш савдо корхонасини молиявий бошқаришнинг таркибий қисмидир. Режалаштириш жараёнида корхонанинг муомала чиқимларини тежаган ҳолда тўхтовсиз ва юкори даражада хўжалик фаолиятини юритишига имкон берувчи харажатлар миқдорини аниқлаш заруратидан келиб чиқиш лозим.

Муомала чиқимларини режалаштириш қўйидаги схемада кўрсатилганидек, босқичма-босқич, кетма-кетликда амалга оширилади:



**З-расм. Муомала харажатларини режалаштириш босқичлари**

Режадан аввалги таҳлилни ўтказиш давомида режадан аввалги даврда муомала чиқимлари таркиби ва тузилмаси, ҳажми ва даражасининг ўзгариш тенденцилари аниқланади, харажатлар ва чакана товар айланмаси ўзгариш суратлари такқосланади. Муомала чиқимлари ва чакана товар айланмаси ўртача йиллик ўзгариш суратлари тўғрисидаги маълумотлар келгусида муомала чиқимлари режасини ишлаб чикишда фойдаланилиши зарур.

Муомала чиқимларининг режадаги миқдори минимал ва максимал чегаралар ўртасида бўлиши лозим. Муомала чиқимларининг минимал миқдори бу энг кўпи чегара бўлиб, бундан кўпроқ тежаш фойдали хисобланмайди, чунки унинг ортидан товарларни етказиб бериш қийинлашади, харидорларга хизмат кўрсатиш даражаси пасаяди, кадрларнинг ўзгариши тезлашади, бу эса корхонанинг ривожланишига хиэмат қилмайди.

Муомала чиқимларининг максимал миқдори фойда келтирмасада, бирок зарар кўрмасдаи ишлаш имконини беради. Харажатларнинг бу миқдордан

ортиб кетиши корхона хўжалик фаолиятининг зарар кўришига олиб келади.

Демак, муомала чиқимларининг режадаги миқдори куйидагича бўлиши лозим:

$$MX_{\min} \leq MX_{pm} \leq MX_{\max}$$

Даромад ва харажатлар миқдори тенг бўлган ҳоллarda корхона иши зарарсиз хисобланади:

$$MX_d + MX_{y_3} = ЯД - ККС$$

Бу ерда,  $MX_d$ ,  $MX_{y_3}$  – мос равища доимий ва ўзгарувчан муомала харажатлари миқдори;

ЯД – ялпи даромад миқдори;

ККС – қўшилган қиймат солиги.

Фараз қиласлик, корхонанинг режадаги чакана товар айланмаси 300 млн. сўм, ялпи даромад даражаси – 20%, ККС ставкаси – 16,67% бўлсин. Ялпи даромад даражаси ва ККС ни бирлик улушларида акс эттириб, корхонанинг зарарсиз ишлаши учун зарур бўлган ўзгарувчан харажатларини хисоблаб чиқамиз:

$$[0,2(1 - 0,1667) - 18 / 300] * 100 \% = 10,67\%$$

Демак, корхона зарар кўрадиганлар қаторига кирмаслиги учун режадаги муомала чиқимлари миқдори 32 млн. сўм ( $300 * 10,67\%$ ), умумий харажатлар миқдори эса 50 млн. ( $32 + 18$ ) сўмдан ошмаслиги лозим.

## 10.5. Муомала харажатларини асосий моддалари бўйича режалаштириш

Умумий харажатлар миқдорига тўғрилашлар киритиш ва режадаги давр учун муомала чиқимлари тузилмасни аниқлаш учун муомала чиқимларининг асосий моддаларини иқтисодий жиҳатдан асослаб бериш учун қўшимча хисобкитобларни амалга ошириш мақсаддага мувофиқ. Бу моддалар таркибига умумий харажатлар миқдорида улуши катта бўлган харажатлар киритилиши лозим. Улар қаторига транспорт харажатлари, иш ҳақи харажатлари ва ижтимоий эҳтиёжларга ажратилувчи маблағлар, асосий фондлар амортизацияси ва уларни таъмирлаш, карз маблағлари учун фоизлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Транспорт харажатлари товарларни темир йул, сув ва хаво транспорти

орқали ташиш учун сарфланувчи харажатларни назарда тутади. Бундай харажатлар асосан улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхоналарга хос бўлса, товарларни автомобиль транспорти орқали ташиш эса ҳам улгуржи, ҳам чакана савдо корхоналарига хосdir. Мазкур модда бўйича харажатлар ташилаётган юк ҳажми, масофа ва юк ташиш тарифга боғлиқ бўлиб, бу тарифлар 1 т/кмга сўмларда ёки ташилаётган юк қийматининг фоизида белгиланиши мумкин. Бу модда бўйича умумий харажатлар қуйидаги формула асосида хисоблаб чиқилади:

$$X_{tp} = T (\text{сум}) * \text{TIOA};$$

$$X_{tp} = T (\%) * TX / 100.$$

Бу ерда  $X_{tp}$  – транспорт харажатларн, сўм;

$T (\text{сум})$  – 1 т/км ташиш учун тариф, сўм;

$T (\%)$  – ташилаётган юк қийматининг фоизидаги тариф;

TIOA – транспорт юк айланмаси, т/км;

$TX$  – харид нархларида режадаги товар хариди ҳажми, сум.

Бунда транспорт юк айланмаси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади;

$$\text{TIOA} = [ (\text{IOA} + \text{TB}) * \text{Ктют} ] * \text{Мют},$$

Бу ерда, TIOA – ташилаётган юк оғирлигини тавсифлавчи юк айланмаси;

TB – тара вазни;

Ктют – юк ташишнинг такорийлик коэффициенти;

Мют – ўртача юк ташиш масофаси, км.

Агар корхона транспортни ижарага оладиган ва бунда вакт учун минимал тўлов белгиланган бўлса, бу ҳолда харажатлар умумий миқдори қуйидагига тенгбўлади:

$$X_{tp} = t (\text{сўм}) * \text{ИС} * \text{ИК}$$

Бу ерда,  $t$  - 1 соат иш учун тариф, сўм;

ИС – транспортнинг 1 кунда ўртача ишлаган соатлари, соат;

ИК – режадаги даврда иш кунлари сони, кун.

Режалаштирилаётган йилда юк ташиш шарт-шароитлари хисобот йилидаги билан сезиларли фарқ килмаган ёки тоннажни аниқ хисоблаш мумкин

бўлмаган ҳолларда автомобиль орқали юк ташиш бўйича харажатлар амалда юзага келган харажатлар ва режадаги товар айланмаси миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Иш ҳаки харажатлари корхонадаги ходимлар сони ва уларнинг ўртача иш ҳакини йил давомида ўсишини хисобга олган ҳолда режалаштирилади. Иш ҳаки харажаларини режалаштиришда чакана товар айланмасининг иш ҳаки жамғармаси ва ходимлар сонига нисбатан тезроқ ўсишини таъминлаш лозим, яъни:

$$\bar{Y}_{\text{чта}} > \bar{Y}_{\text{ихф}} > \bar{Y}_{\text{хс}}$$

Бу иқтисодиётнинг «олтин конуни» бўлиб, меҳнат маҳсулдорлиги ва ўртача иш ҳаки ўсган пайтда харажатларни кискартиришга имкон беради.

Ижтимоий эҳтиёжларга ажратилувчи маблағлар меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва режадаги йил учун белгиланган бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар ставкасидан келиб чиқсан ҳолда режалаштирилади.

Бино ва иншоотлар ижараси учун харажатлар ижара берувчи билан ижара шартномасида кўрсатилган ҳар 1 м.кв майдон ва ижарага олинган майдон ҳажми нархи асосида белгиланади. Баъзи ҳолларда ижара берувчи ижара ҳакини бутун бино учун эмас, балки ҳар 1 м.кв учун белгилайди.

Асосий воситалар амортизацияси асосий воситаларнинг ўртача баланс (тиклаш) қиймати ва корхона хисоб сиёсатида кўзда тутилган амортизация ажратмалари нормасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. Ўртача йиллик режадаги қийматни кириб келиши ва чиқиб кетиши кутилаётган асосий воситалар гурухлари бўйича хисоблаш максадга мувофик.

$$\Delta\Phi_{yp} = \Delta\Phi_{iб} + (\Delta\Phi_k * O_{fk}) / 12 - [\Delta\Phi_q * (12 - O_{fk})] / 12]$$

Бу ерда,  $\Delta\Phi_{yp}$  – асосий фонdlарнинг ўртача йиллик режадаги миқдори, сўм;

$\Delta\Phi_k$  – режадаги йил давомида кириб келган асосий фонdlар, сўм;

$\Delta\Phi_{iб}$  – режадаги йил бошида асосий фонdlар, сўм;

$\Delta\Phi_q$  – режадаги йил давомида чиқиб кетувчи асосий фонdlар, сўм;

$O_{fk}$  – мазкур корхонада асосий фонdlар фаолият кўрсатган ойлар сони.

Умуман асосий воситалар амортизациясини қуидаги формула асосида акс эттириш мүмкін:

$$A_{\text{ар}} = \sum_{i=1}^n A\Phi_{\text{үйк}} * N_i / 100$$

Бу ерда,  $A_{\text{ар}}$  – режадаги йиллда амортизация чегирмалар миқдори;  $A\Phi_{\text{үйк}}$  – гурұхдаги асосий фондларнинг ўртаса йиллик қиймати, сүм;  $N_i$  –  $i$ -гурұх бўйича амортизацион чегирмалар нормаси, %;  $n$  – асосий фондлар гурұхлари сони.

Асосий воситаларни таъмираш харажатлари бинолар, асбоб-уску-налар ва инвентарларнинг ҳолати ва таъмирталаблигига асосан кўзда тутилади. Улар таъмираш фонди ҳисобига амалга оширилиб, корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган ва камида 5 йиллик муддатга тасдиқланган нормалар асосида ҳисобланади. Чегирмалар нормаси асосий воситаларнинг ўртаса йиллик қийматига фоизларда белгиланади.

#### 10.6. Чакана савдо корхоналарининг фойда ва рентабеллиги

Ҳар бир Чакана савдо корхонаси, фирмаси хўжалпк фаолияти натижасида олинган ялпи даромад ҳисобига сарф этилган моддий, меҳнат ва пул харажатларини тўла қоплай олиши ва маълум миқдорда ортиқча даромадга эга бўлиши керак. Бу фарқ фойда деб юритилиб келинган ва ҳозир ҳам иқтисодиётнинг барча тармоқларида мухим сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Фойда ҳисобидан давлат бюджетига маблаг ажратилиди, корхонанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантирилиши таъминланади. Шунинг учун корхоналарнинг фойдали ишлаши давлат ҳамда корхона жамоаси учун зарур.

Товар айланмаси ҳажми, таркиби турлича бўлган савдо корхоналари ва фирмаларнинг ялпи даромади ва муомала харажатлари миқдори бир-биридан фарқ қиласи. Корхона товар айланмаси канчалик катта миқдорни ташкил этса, ялпи даромад шунчалик кўп бўлади. Икки хил фаолият доирасига эга бўлган савдо корхоналарнинг эришилган даромади миқдорига караб бир-бирига таққосланса, хулоса нотўғри бўлиши мүмкін. Шунинг учун корхона фаолиятига баҳо беришда ва унинг тежамкорлик, самарадорлик асосида

ишлаганини бошқа корхонага солиширишда рентабеллик кўрсаткичидаи фойдаланилади.

Ҳозирги даврда савдо корхоналари ва фирмаларида рентабеллик кўрсаткичи корхона фойдасини товар айланмасига нисбати билан ўлчанади. Буни қуидаги формула ёрдамида топиш мүмкін:

$$P_t = \Phi / T_0 * 100\%$$

Бу ерда,  $P_t$  – рентабеллик;

$T_0$  – товар айланмаси;

$\Phi$  – фойда.

Рентабеллик юкорида айтиб ўтилган омиллар, яъни товар айланмаси ҳажми, таркиби, тежамкорлик ҳолати ва бошқалар ҳисобига турли савдо фирмалари ва корхоналарида бир-биридан фарқ қиласи. Агар товар айланмаси таркибида кескин ўзгаришлар рўй берган бўлса, ҳатто бир корхонанинг 2 йиллик рентабеллик кўрсаткичини таққослаш ҳам тўғри хулоса чиқаришга имкон бермаслиги мүмкін.

Рентабеллик фойдани товар айланмасига нисбати билан аниқланишдан ташкири бошқа кўрсаткичларга бўлнб топилиши ҳам мүмкін. Чунончи, фойданинг асосий фондлар йиллик ўртаса қийматига нисбати билан топиладиган рентабеллик кўрсаткичи асосий фондларнинг фойдалилигини ифодалайди.

Рентабеллик фойдани айланма маблағлар йиллик ўртаса қийматига нисбати билан топилиши ҳам мүмкін. Бунда айланма маблағлар фойдалилиги, яъни ҳар бир сўм айланма маблағ қанча фойда келтириши аниқланади ва қуидаги формулада ифодаланади:

$$P_m = \Phi / M * 100\%$$

Бу ерда,  $M$  – айланма маблағининг йиллик ўртаса қиймати.

Фойдани асосий фондлар ва айланма маблағлар йиллик ўртаса қийматига нисбати билан топиладиган рентабеллик кўрсаткичи жами фондлар фойдалилигини характерлайди ва қуидагича топилади:

$$P_{fm} = \Phi / (A\Phi + M) * 100\%$$

Бу ерда, Аф + М – асосий фондлар ва айланма маблагларнинг йиллик ўртача қиймати.

Шу каби рентабеллик фойдани муомала харажатлари суммасига бўлиб топилиши ҳам мумкин. Бунда харажатларнинг унумли, фойдалилиги аниқланади ва қуйидаги формулада топилади:

$$R_{Mx} = \Phi / M_x * 100\%$$

Бундан ташкари рентабеллик фойдани қатор бошқа кўрсаткичларга нисбатан ҳам топилиши мумкин. Рентабелликнинг турли кўрсаткичлари савдо корхонасининг ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини хар томонлама ифодалайди. Рентабеллик кўрсаткичлари ёрдамида корхоналар иш сифатини бир-бирига таққослаш асосли хulosалар чиқаришга имкон яратади.

#### **10.7. Чакана савдо корхоналарида фойда ва рентабелликни ошириш имкониятлари**

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир Чакана савдо корхонаси ўз фаолиятининг фойдали якунiga эришишга интилади, чунки бизнесдан мақсад айнан шундан иборат. Фойдага эга бўлиш нафакат савдо корхонаси ва унинг жамоасига, балки бутун жамиятга манфаатлидир. Фойдали якунга эга бўлган корхона ҳозирги кунда фойдасининг бир кисмини қолик ва мажбурий тўловлар кўринишида бюджетга ўтказади, яъни давлатга молиявий даромад келтиради. Корхона ўзининг иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳимоя масалаларини эришган фойдаси хисобига ҳал этади. Бинобарин корхонанинг фойдали ишлиashi давлат ҳамда корхона жамоаси учун зарурдир.

Шуни билиш керакки, фойданинг ўсиши билан ҳар доим ҳам рентабеллик ўсавермаслиги мумкин. Масалан, ўтган йилда корхона жами товар айланмаси 200 млн. сўм, фойдаси 20 млн сўм ва рентабеллиги 10 фоизга teng эди, жорий йилда фойда 12 фоизга ошиб, 22,4 млн. сўмни ташкил этди, товар оборот эса 19 фоизга ўсиб, 238 млн. сўмга етди, натижада рентабеллик оборотга нисбатан 9,41 фоизни ташкил этди ва ўтган йилдагидан 0,59 фоизга пасайди. Шунинг учун корхона олдидаги муҳим вазифалардан бири рентабелликни ўстиришга

эришишдир.

Корхона ретабеллиги кўплаб омиллар таъсирида ўзгаради. Боғлиқлик корреляцион алоқаси энг кучли омилларга корхона ялпи даромадн ва муомала харажатлари киради. Даромадларнинг фойда билан алоқаси тўғри алокадир, харажатлар билан алоқаси эса тескаридир. Тўғри алокада бўлган даромадлар қанчалик ошса (харажатлар ўзгармаган ҳолда), фойда шунчалик ошади ва аксинча. Шу кабин даромадлар ўзгармас қолган тақдирда харажатлар қанчалик пасайса, фойда шунчалик ошади ва аксинча. Бу ўз навбатида фойдани, рентабелликни ўстиришнинг ички имкониятларини топишни айнан шу икки кўрсаткичдан излаш лозимлигини кўрсатади.

Корхона ялпи даромадини оширувчи энг муҳим элемент моллар нархи устига кўйиладиган устамадир. Мол сотилиши билан бу савдо устамаси корхона даромадини ташкил этади. Демак, мол сотилмаса даромад келиб тушмайди. Молнинг аҳоли талабига мос келиши, юқори даромадли бўлиши жуда муҳимдир. Моллар айланишини тезлаштириш кўпроқ мол сотилишини ва бу ўз навбатида даромаднинг ошишини таъминлайди. Айниқса устаманинг аҳоли талаби ва таклиф ўртасидаги нисбатига, бозор конъюнктурасига мувофиқ бошқарилиши ўз вақтида катта даромадлар келтиришм мумкин.

Корхона рентабеллигига муомала харажатлари, айниқса айрим харажат моддаларидаги ўзгаришлари таъсири сезиларлидир. Ҳозирги вақтда тежамкорлик, иқтисод қоидасига риоя килиш заруратини ҳар бир корхона ҳар бир дақиқада сезиб туради. Корхона рентабеллигига таъсир қилувчи кўплаб бошқа омилларнинг таъсир кучи муомала харажатлари орқали ўтади. Жумладан, меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд моддий, пул ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бошқалар.

Меҳнат унумдорлигини ошириш натижасида ҳам иш кучи билан кўпроқ товар айланмасига эришилади, яъни ҳар бир сўм иш ҳақига тўғри келадиган товар айланмаси ошади, ҳақ тўлаш харажатлари тежалиши орқали фойда ўстирилади.

Мол айланишини тезлаштириш харажатларни тежашга катта улуш кўшади. Мол айланишининг тезлашиши натижасида оз айланма маблағлари билан кўпроқ товар айланмаси ошади, яъни банк кредити ёки у, айланма маблағини пул жалб этмасдан, бу борадаги харажатларни тежаб, кўпроқ мол сотилади. Бу билан бирга мол айланишининг тезлашиши молларнинг эскириши, бузилиши, йўқотилиши, мода талабидан ортда қолиши ҳолларидан асрайди, пул ўз вақтида оборотга қайтади.

Мавжуд мoddий бойликлардан – асосий воситалардан, жихозлардан унумли фойдаланиш уларга кетган ва кетадиган харажатларнинг қайтимини ўстиради.

Асосий фонdlардан қанчалик унумли фойдаланилса, шунчалик ҳар бир воситанинг келтирадиган товар айланмаси ошади, амортизация нормаси, таъмираш харажатлари самарали бўлади.

Маданий савдо хизматини кўрсатиш даражаси ҳаридорларни ўзига жалб этиш масалаларида, товар айланмасини ўстиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Сервис хизматини кўтаришга интилиш корхона харажатларини оширади, аммо унга нисбатан товар айланмасининг ўсиши тезроқ ва келтирадиган даромади юкорирок бўлади.

### **Мустақил ишлаш учун назорат саволлари**

1. Чакана савдо корхонасининг харажатлари деганда нимани тушунасиз?
2. Чакана савдо корхонасининг муомалар харажатлари қандай таснифланади?
3. Чакана савдо корхонаси муомала харажатларининг номенклатураси ва тавсифномаси қандай?
4. Чакана савдо корхонасининг харажатига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
5. Чакана савдо корхонасининг муомала харажатларини таҳлил қилиш услугияти тўғрисида гапириб беринг.
6. Чакана савдо корхонасининг муомала харажатлари умумий ҳажми бўйича қандай режалаштирилади.
7. Чакана савдо корхоналарининг фойда ва рентабеллиги қандай аниқланади?

## **11-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯСИ**

### **11.1. Молиявий ресурсларнинг иқтисодий асоси**

Бозор иқтисодиёти шароитида товар-пул муносабатларининг амал қилиши молиянинг заруратини ифодалайди. Муомала доирасида мол ҳарид қилинади, сотилади ва бу жараён яна такрорланади. Савдо муомала шакли тарзида бу айланишга замин яратади.

Чакана савдо фирмалари ва корхоналарнинг хўжалик фаолияти мол етказиб берувчилар, банк, бюджет, ҳаридорлар, савдо ходимлари ва бошқалар билан бўладиган турли-туман пул муносабатларидан таркиб топади.

Пул маблағларининг режали равишда вужудга келтирилиши, тўпланиш ва сарфланишини ифодаловчи иқтисодий муносабатлар молияни англатади.

Молия марказлашган ва марказлаштирилмаган фондларни ташкил этиш ва фойдаланиш билан боғлик пул муносабатларини ўз ичига олади. Марказлаштирилган фондларга давлат бюджети, банклари, омонат кассалари, сугурта органлари ресурслари киради. Марказлаштирилмаган фондларга эса, давлат мулкидан бошқа мулк шаклларидағи банклар, омонат кассалари, сугурта фирмалари, корхоналарнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш фондлари, меҳнатга ҳақ тўлаш фондлари, амортизация, сугурта, таваккалчилик фондлари киради.

Савдо молияси мамлакатимиз иқтисодиёти молиясининг таркибий қисмини ташкил этиб, даромад ва харажатларни, пул маблағларининг вужудга келиш манбалари ва улардан фойдаланишни ўзига мужассамлаштиради.

Молия интизоми савдо фирмалари, корхоналарининг молиявий хўжаликни юритиш қоидаси хисобланади. Бу ўрнатилган қоидаларга риоя қилган ҳолда маблағларни сарфлашни, бюджетта, солик органларига ўз вақтида маблағ ўтказишни, олинган кредитларни қайтаришни, мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишни, молиялаш натижасида олинган маблағдан мақсадга мувофиқ фойдаланишни билдиради. Молия интизомини бузган корхона турли

жазо чораларига дуч келади.

Молиянинг моддий асосини ишлаб чиқариш ташкил этади. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг, бошқа ишлаб чиқариш соҳалари товар айланмасининг тўхтовсиз ўсиши молиянинг мустаҳкамлигини ва турғунлигини таъминлайди.

Одатда молия икки вазифани: тақсимот ва назорат вазифаларини бажаради. Яратилган ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад молия воситасида давлат ва бошқа мулкчилик шакллари, ҳалқ хўжалигининг айрим тармоқлари, корхоналари, жамият ва унинг аъзолари ўртасида тақсимланади ҳамда ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш таъминланади. Назорат вазифаси маблагларнинг вужудга келиши, тўпланиши ва сарфланиши устидан текширишdir. Сўм билан назорат қилиш корхоналар даромадлигини кўтаришга, молия интизомини мустаҳкамлашга сабаб бўлади.

Мамлакат молияси ва унинг таркибий қисми бўлган савдо молияси ўртасида узвий боғланиш мавжуд. Жумладан, савдо молияси мамлакатимиз пул муносабати билан узвий боғлик бўлиб, банк кассасига тушадиган нақд пулнинг катта қисмини таъминлайди. Банк кассасига ўз вақтида етарли миқдорда пул тушиб турса, пулнинг қадри сакланади.

Банқда савдо корхоналари, фирмаларининг бўш маблаглари сакланади. Айни пайтда банк кредитларининг катта қисми мол муомаласида иштирок этади. Бунда жорий ва мавсумий мол захираларини ташкил этишга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашга ва ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш обьектларини қуришга ва бошқа қатор тадбирларга банк кредит беради.

Савдо даромадининг бир қисми бюджетга ажратилади. Бу ажратма фойдадан солик сифатидан юритилади Агар фойда режаси бажарилмаса, барқарор солик нормативи асосида бюджетга ажратиладиган маблағ ҳам камаяди. Демак, савдонинг товар айланмаси, фойда режалари бажарилиши, харажатларнинг камайиши натижасида молиявий турғунлиги ортади, бу эса бюджетни мустаҳкамлашга таъсир этади. Товар айланмаси ва фойда режаларининг бажарилиши учун эса ўз навбатида аҳоли талабига мос

келадиган молларни ҳаридорга етказиш, мол айланишини тезлаштириш, товар йўқолишини камайтириш, савдонинг қулай, илғор усусларидан кенг фойдаланиш лозим.

Иқтисодиётнинг бошқа соҳалари корхоналари каби савдо корхоналарида ҳам молия интизомига риоя қилиш катта аҳамият касб этади. Молия интизомига риоя қилиш молия механизмини мустаҳкамлаш, корхона, фирмаларга хўжалик ташаббусини ҳар томонлама ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, уларнинг пировард иш натижаларидан манфаатдорлигини ошириш, давлат олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш учун мъсулиятларини кучайтиришни таъминлашга олиб келади.

Корхонанинг барча мажбурий тўловларини амалга оширганидан сўнг қолган фойдасини қонунда кўзда тутилмаган ҳолларда олиб кўйиш таъкиланади.

Корхонанинг қайси тадбиркорлик шаклига мансублигига қараб уни ривожлантиришинга давлат томонидан кўшимча рағбатлантириш мақсадида имтиёзли кредит берилиши ёки имтиёзли солик солиниши, ҳатто соликдан озод этилиши мумкин. Бу кўпроқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига ёки корхонанинг катта-кичклигидан қатъий назар, унинг давлат химоясида бўлган мақсадга мувофиқ молларни ишлаб чиқариши, сотишига тааллуклидир.

Корхоналар ўз маблаглари етишмаган ҳолда зарур маблагни банқдан қарзга олиши мумкин.

Молия хўжалигининг тўғри ташкил этилиши, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш молларга ўз вақтида пул ўтказилишини таъминлайди, тежамкорликни кучайтиради, корхона молиясини мустаҳкамлаиди, давлат ва маҳаллий органлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга кўмаклашади, тармоқ самарадорлигини оширади.

## 11.2. Айланма сармоя ва ундан фойдаланиш

Чакана савдо корхонаси ўз фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаши учун муомала доирасида маълум микдорда моддий ва пул ресурсларига эга

бўлиши керак. Товар муомаласи жараёнида иштирок этадиган бу ресурслар савдо фондларини ташкил этади. Савдо корхонаси бу фондларнинг бир кисмини мол ва моддий бойликлар тариқасида ўз вазифасини бажаришда ишлатади.

Савдо фондлари моддий ишлаб чиқариш ва молни сотиш ишлари учун маблағ етказиб беришга хизмат қиласди. Уларнинг ҳажми мол айланни узлуксизлигини таъминлаш учун эҳтиёжга мос ҳолда аниқланади. Савдо фондлари доимий харакатда бўлиб, бу харакат фондлар айланниш дейилади.

Савдо фондларининг ҳажми товар оборот ҳажми ва айланниш муддатига боғлиқ. Товар айланмаси ошса, фондларга эҳтиёж ошади, товар айланниш вақти қисқарса, аксинча фондларга зарурат камаяди.

Савдо фондлари мулкчилик шаклларига қараб, давлат, жамоа, қўшма корхоналар, хусусий, аралаш ва бошқа эгалик фондларига бўлинади.

Иқтисодий мазмуний, вужудга келиш манбалари, ўз қийматини маҳсулот қийматига ўтказишига қараб савдо фондлари асосий, айланма ва муомала фондларига бўлинади.

Асосий фондлар товар муомаласи жараёнида кўп марта иштирок этади. Айланма жамғармаларига нархи 50 минимал иш ҳаки миқдоригача ва хизмат муддати эса 1 йилгача меҳнат қуроллари, хўжалик учун зарур материаллар, ёқилғи, маҳсус кийим-кечак, айрим идишлар киради.

Муомала фондлари мол ва пул бойликларидан иборат. Буларга молларнинг жорий ва мавсумий заҳиралари, муддатлари аввал ташкил этиладиган мол заҳиралари, кассадаги, хисоб-китоб счётидаги, йўлдаги пуллар, хисоб-китобдаги пуллар, бокиманда киради. Мол заҳиралари сотиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун зарур. Заҳира миқдори товар айланмаси ҳажми ва мол айланниш тезлигига боғлиқ. Бундан ташқари ҳарид килинган, аммо етиб келмаган йўлдаги заҳиралар бўлиши мумкин.

Чакана савдо корхоналарига мол ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун маълум пул захираси хам зарур. Савдонинг пул маблағлари касса, банкнинг хисоб-китоб счётидаги, йўлдаги пулларидан ташкил топади. Бу

фондлар оборотда доим мавжуд бўлади ва янгиланиб туради. Савдо корхонаси пул маблағларнинг айланниш харажати муомала харажатларида акс этади ва ялпи даромад ҳисобига қопланади.

Бозор иқтисодиёти шаротида корхона, фирмалар мустақиллиги, моддий жавобгарлик, моддий манфаатдорлик савдода асосан муомала ва айланма фондлар орқали ҳаётга тадбиқ этилади.

Айланма ва муомала фондларининг пул шаклидаги ифодаси айланма воситалар дейилади. Айланма воситалар айланма ва муомала фондларидан фарқ қилган ҳолда, муомала жараёнида сарфланмайди ва истеммол қилинмайди, балки авансланади. Улар товарларини мол шаклидан пул шаклига айлантиришга, сўнгра яна мол ҳарид қилиш, сотишни узлуксиз юритишига хизмат қиласди.

Савдонинг айланма маблағлари ташкил этилиши, ишлатилиши ва манбаига қараб туркумларга бўлинади.

Ташкил этилишига кўра айланма маблағлар нормаллаштирилган ва нормаллаштирилмаган турларга бўлинади.

Нормаллаштирилган айланма маблағларга: чакана ва улгуржи савдо омборларидаги, савдо тармоғидаги ва йўлдаги мол заҳиралари, кассадаги, йўлдаги, чакана савдо ва умумий овқатланиш тармокларидаги пуллар: ўзга активлар, товар айланмасидан кредитланмайдиган бўш ва банд идишлар, келгуси давр харажатлари хизмат муддати бир йилгача ва қиймати 50 минимал иш ҳақигача бўлган моддий-техник жиҳозлар, ёқилғи, хўжалик учун зарур материаллар, маҳсус кийим-кечаклар, ёрдамчи ишлаб чиқариш хўжаликларидағи тугалланмайдигай ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот киради.

Нормаллаштирилмаган айланма маблағларга: банкдаги маблағларга хисоб-китоб счётидаги пуллар, мақсадга мувофиқ маблағлар, жўнатилган моллар, мол ҳарид қилувчининг мол сотиб олишдан воз кечган ва жавобгарлик асосида саклаб турган моллари, кредиттга сотилган моллар бўйича хисоб-китоблар, товар айланмасидан кредитланадиган бўш ва банд идишлар, бокиманда киради. Буларга норма ва нормативлар белгиланмайди.

Савдонинг айланма маблағлари товар-моддий бойликлар, пул мабланлари, бокиманда, ўзга маблағлар ва жўнатилган моллар тарзида ишлатилиди. Айланма маблағларнинг асосий қисмини товар-моддий бойликлар ташкил этади. Пули тўланган, аммо хали савдога келиб тушмаган моллар йўлдаги молларни ташкил этади. Дўкондан банкдаги хисоб ракамда ёзилгунча бўлган даврдаги пуллар йўлдаги пул маблағларини ташкил этади.

Вужудга келиш манбаига қўра савдо айланма маблағлари ўз маблағи ва унга тенглаштирилган ҳамда қарзга олинган ва унга тенглаштирилган турларга бўлинади. Айланма маблағларнинг барча туридан унумли фойдаланиш корхоналар учун жуда муҳимдир. Савдода фондларнинг самарадорлигини ошириш муомала харажатларининг камайишига корхонанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланирилишини яхшилашга олиб келади, маблағлардан тежамли фойдаланиш, молия ишини тўғри ташкил этиш, молия интизомига риоя килиш корхона режаларини муваффакиятли бажариш гаровидир.

Айланма маблағлар самарадорлигини белгиловчи муҳим иқтисодий кўрсаткич уларнинг айланниш вақтидир. Айланниш вақтига кўплаб омиллар таъсир этади: товар харакати бўғинлари, мол таклифи ва талаб ўртасидаги муносабат, транспортнинг ривожланиш даражаси ва бошқалар. Айланма маблағларнинг айланниш тезлиги савдо фирмаси хўжалик фаолиятининг муҳим сифат кўрсаткич бўлиб, бу кўрсаткич айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни топишга ёрдам беради.

Агар товар айланмаси режаси бажарилмаса, ортиқча мол захираси тўпланса, даромад пасайса, бокиманда ошса, айланма маблағлар айланниши секинлашади, уларга эҳтиёж ортади ва натижада фирманинг молиявий ҳолати ёмонлашади.

Харажатларни камайтириш мақбул микдорда мол захиралари тайинлаб туриш ва айланма маблағлардан унумли фойдаланилаётганини билдиради. Айланма маблағлар айланнишини кўйидаги кўрсаткичлар ифодалайди:

- айланниш коэффициенти;
- маблағларнинг ишлатилиш коэффициенти;

- маблағларнинг кунлар сифатидаги захираси.

Айланниш коэффициенти маълум давр товар айланмасини таъминлаш учун айланма маблағлар неча марта айланниши кераклигини билдиради ва давр товар айланмасини айланма маблағларнинг ўртacha қийматига бўлиб топилади. Буни кўйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$Ka = T / A$$

Бу ерда,  $T$  – товар айланмаси;

$A$  – айланма маблағларнинг ўртacha қиймати.

Масалан, агар тўртинчи чорак товар айланмаси 100 млн. сўм, айланма маблағларининг ўртacha қиймати 10 млн. сўм бўлса, айланниш коэффициенти 10 га тенг бўлади, яъни 100 млн. сўмлик товар айланмасини таъминлаш учун айланма маблағяр 10 марта айланниши керак.

Маблағларнинг ишлатилиш коэффициенти айланма маблағга эҳтиёжни ифодалаб, айланниш коэффициентига тескари ҳолда топилади:

$$Ki = A / T$$

Юқоридаги мисолга биноан бу коэффициент 0,1 га тенг, яъни 1 сўмлик товар айланмасига 10 тийинлик айланма маблағ талаб етилади.

Маблағнинг кун сифатидаги захираси бу захиранинг неча кунлик оборотни таъминлай олишини билдиради ва айланма маблағларнинг ўртacha қолдигини (йил ёки чорак) кунларига кўпайтириб, шу давр товар айланмасига бўлиб топилади, яъни:

$$Kk = A * D / T \quad \text{еки} \quad Kk = A / Tk$$

Бу ерда,  $Kk$  – маблағнинг кунлар хисобидаги захираси;

$D$  – давр кунлари;

$Tk$  – даврнинг кунлик ўртacha товар айланмаси.

Мисол учун тўртинчи чоракда айланма маблағлар қолдиги кунлар сифатида 9 га тенг ( $1 * 90 / 10$ ), яъни айланма маблағлар 9 кунлик айланмасини таъминлашга этади.

Умумий овқатланиш корхоналарида юқоридаги хисобланган кўрсаткичлардан ташкари 1 сўмлик сотилган ўз маҳсулотига тўғри келадиган

айланма маблаглар микдори кўрсаткичи топилади.

Маблаглар айланишининг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этишда шуни эсда тутиш керакки, баъзи элементлар, жумладан паст баҳоли ва тез ишдан чикадиган воситаларга сарф этилган айланма маблағ айланишини тезлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Агар тезлашса, тежамкорликка оид холат вужудга келади.

### 11.3. Молиявий ресурсларнинг шаклланиш манбалари

Молиявий ресурслар корхона молиявий фаолиятини таъминловчи манбадир. Молиявий ресурслар бажарадиган вазифаларига кўра турли мақсадларга хизмат қиласди: асосий хўжалик фаолиятини, асосий воситалар тикланишини, ходимларнинг моддий манфаатдорлигини, кадрларни тайёрлаш тадбирларини, ижтимоий-маиший ва бошқа эҳтиёжларни таъминловчи хисобланади.

Корхонанинг молиявий ресурслари унинг ташкил этилишидаги маблагнинг шаклланишидан бошланади. Корхонанинг асосий ва айланма капиталининг шаклланиши турли манбалар хисобига бўлиши мумкин.

Агар корхона давлат маблағи хисобига ташкил этиладиган бўлса, яъни жами устав капитали давлат мулки хисобига ташкил этилса, у давлат корхонаси сифатида ташкил топади ва фаолият юритади.

Бозор иқтисодиёти шароитида турли-туман мулк шаклидаги корхоналарнинг ташкил этилиши уларнинг таъсис этувчиларнинг пул ва моддий бадаллари, қимматли қофзларидан олинадиган даромадлар, банк ва бошқа қарз берувчиларнинг кредитлари ва бошқа маблағ хисобига амалга оширилади.

Таъсисчиларнинг пул маблағи ёки моддий бойлиги эвазига барпо этилиши корхонанинг ўз маблагини шакллантиради. Хусусий корхонанинг бошланғиҷ маблағ манбаи бўлиб айрим жисмоний шахсларнинг маблағи бўлиши мумкин. Жамоа корхонасининг бошланғич мулки жамоа аъзоларининг маблағи, моддий неъматлари хисобига таркиб топиши мумкин. Хусусий

тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга оид Қонун асосида ташкил этилган маҳсус қўллаб-куватлаш фондлари маблағларидан қарз олиб ҳам корхоналарни бунёд этиш мумкин.

Бошланишда турли молиявий манбалар ҳисобига ташкил этилган корхонанинг фаолияти давомида фойдага мунтазам равишда эришиши молиявий ресурсларнинг доимийлигини таъминлайди. Фойда корхонанинг ҳам иқтисодий, ҳам ижгиомий ривожини таъминловчи манбадир. Корхона фойда хисобига асосий ва айланма капиталини кенгайтиради. Корхона ходимларининг ижтимоий-маиший эҳтиёжларини кондириш учун фойданинг маълум кисми сарфланади. Истеммол ёки жамғаришга канча маблағ сарфлашни корхона ўзининг ҳолати, истиқболига қараб белгилайди.

Молиявий ресурслар иқтисодий мақсадига кўра қуидагиларга бўлинади:

- асосий фаолиятни таъминловчи;
- асосий фондларнинг қайта тикланишини таъминловчи;
- ходимларни моддий рағбатлантиришни таъминловчи;
- кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ тадбирларни таъминловчи;
- ижтимоий-маиший ва бошқа эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган ресурслар.

Асосий фаолиятни, савдо-сотик ва хизмат фаолиятини юритишида корхона ўз айланма маблағларидан ва банк кредитларидан фойдаланади. Бу мол ҳарид килиш, келтириш ва сотиш билан боғлиқ фаолиятга зарур маблағлардир.

Асосий фондларни қайта тикланишини таъминловчи ресурслар корхона фойдаси, банк кредити, акциялар сотишдан келадиган маблағ бўлиши мумкин.

Ходимларни моддий рағбатлантиришга мўлжалланган ресурслар корхонанинг иш ҳақи фонди, фойдаси, зарур ҳолда шу мақсадда олинган банк кредитидан иборатдир.

Кадрларни тайёрлашни корхона ўз харажатлари ҳисобига амалга оширади, яъни сотган моллари эвазига оладиган ялпи даромади бу харажатларни қоплаш манбайдир.

Корхона ходимларининг ижтимоий-маший харажатлари корхона оладиган фойдаси хисобига қопланади. Зарур ҳолларда банк кредитидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Корхона молиявий ресурсининг зарур ҳолатлардаги манбаи қарзга олинадиган маблаглари, пул манбалари резервидан фойдаланишdir. Корхона айланма маблагга бўлган зарурратни қоплашга, асосий фондларни шакллантиришга банк кредитидан фойдаланади. Банкнинг киска муддатли кредитлари асосан мол ҳарид қилиш учун бериладигна қарз ҳисобланади. Бу қарзning қайтарилиш муддати, фоиз билан қайтарилиш шартлари мавжуд. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатдош банкларнинг кўпайиши улар ичидан энг ишончли, самарали, кам фоизлигини танлаш ва у билан контракт тузиш имкониятини беради. Шу каби узоқ муддатли банк кредитларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам каттадир. Узоқ муддатли қарз асосан янги иморат, иншоотлар қуриш, қайта қуриш, техник қайта қуроллантириш ва бошқа максадлар учун берилади. Узоқ муддатли кредитнинг ўзлаштирила бориш даврлари, обьектларни ишга тушириш муддати ва қарзни қайтариш, фоиз билан қайтариш шартлари мавжудdir. Корхона билан банк келишувларида қарзни ўз вактида қайтарилмасликнинг юкорироқ фоизларга сабаб бўлиш акс эттирилади.

Корхонанинг келгусида сарфлашга мўлжалланган фондидаги маблаглар, ишлатилмай турган айrim фондларидағи маблаглар резерв маблаг сифатида зарурат вактида қайтариб қўйилиш мўлжали билан фойдаланишга жалб этилиши мумкин.

Молиявий ресурсларнинг бири эҳтиёжни қондиришга зарур маблагни қимматли қофозлар чиқариб сотиб, тўплашdir. Бу манба бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар корхоналари, фирмалари, компаняларида кенг ривож топган.

#### **11.4. Чакана савдо корхоналарининг тўловга қодирлигини таъминлаш**

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритувчи корхоналарнинг тўловга қодирлиги унинг иқтисодий мустахкамлиги, етарли маблагга эгалиги

ифодаси бўлиб, шериклари, рақобатчилари орасида ишончлилиги ва обўрисининг кафолати ҳисобланади.

Корхонанинг тўловга қодирлигини таъминлаш молиявий назорат воситасида амалга оширилади. Молия бўлими ходимлари молия режасининг бажарилиши, норма, норматилар, лимитлар меъёрида сарф-харажатларга йўл қўйишни назорат киладилар. Назорат қуидаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади:

- молларни ўз вактида қабул қилиш ва пулни ўтказиш;
- мол сотишининг оператив режаларини бажариш ва ортиқча мол заҳираларига йўл қўймаслик;
- меҳнат унумдорлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш ўртасидаги нисбатнинг назорати.

Молларни ўз вактида қабул қилиш бу жараёндан кутилиши мумкин бўлган жарималардан халос этади. Бу корхонани режалаштирган харажатлари яъни фойдасини пасайтирувчи сабаблардан биридир. Шу каби молнинг пулни ўз вактида ўтказиш ҳам турли жарима чораларидан саклайди, пулнинг унумсиз кетиши олдини олади. Ҳозирги даврда, яъни маҳсулотлар учун ҳақни олдиндан тўлаб қўйиш кенг қулоч ёйган шароитда тўланган пулнинг молини ўз вактида юборилиши ва элтиб қўйилишини кузатиб туриш, боқимандаликка йўл қўймаслик муҳимdir. Назоратдан четда қолган шартномалар, контрактлар бўйича шартларни бузиш, муддатларнинг кечикиши, молнинг келишилган ассортиментдагидек бўлмаслиги мумкин. Булар пировард натижада корхона товар айланмаси режасини, даромад, фойда режаларини бажармасликка сабаб бўлиши мумкин.

Корхона фойда ва рентабеллигини таъминлашда мол сотиш оператив режаларининг ўз вактида бажарилиб тувиши муҳим аҳамиятга зтадир. Бу режанинг мунтазам уddyаланиб бориши молларнинг қийматини ўз вактида тикланишини ҳамда мол эгасига пулни кечиктирмай тўланиш имкониятини яратишни билдиради. Ортиқча мол заҳираларининг тўпланиб қолишига йўл

кўймаслик ҳам шу каби молнинг ҳақини тикланиб бораётганидан далолатдир.

Корхона молия бўлими ходимларининг тўлов тақвими барча молиявий ҳисоб-китобларни оператив бошқариш, назорат қилиш воситаси ҳисобланади. Бундай кисқа муддатни (масалан, 1 ойлик) ўз ичига оладиган тақвимнинг бир томонида ой бошидаги варакасидаги қолган маблағ, савдо-сотикдан маблағ келиб тушиши, банк кредитининг олиниши, ортиқча, керакмас моддий бойликларни сотиш, маблагнинг бошқа манбалардан келиши ифодаланса, иккинчи томонида иш ҳаки тўлаш, ижтимоий суғурта, пенсия, бандлик фонdlарига ажратма, тиббий фондга мажбурий ажратма, соликлар тўлаш, молларнинг ҳақини тўлаш, банк кредитларини қайтариш ва фоизини тўлаш ҳамда шу каби бошқа харажатлар акс эттирилади.

Молиявий назорат иш ҳаки фондининг сарфланиши устидан ҳам олиб борилади. Бунда иш ҳақининг иқтисодий асосланиши, унумсиз тўловга йўл кўйилмаслиги кузатиб борилади. Иш ҳақининг ўсиши инфляция таъсиридан ташкари ҳолларда малаканинг ошиши ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан боғлиқ бўлиши керак.

Корхона маблагининг унумли сарфланишига бўқимондалик салбий таъсир кўрсатади. Корхона мол учун ўтказган пулига молнинг ўз вақтида келмаслиги ва маблагнинг бошқа корхоналарга хизмат қилиши ёки қайтарилиш керак бўлган маблагнинг ўз вақтида қайтарилмаслиги салбий ҳолатлардир. Булар кундалик назоратда бўлиб, ташкарига жалб этилган корхона маблагларини ўз вақтида қайтариш чораларини кўртш лозим.

Юқорида қайд этилган назоратни йўлга кўймаган, маблагнинг унумли, самарали фойдаланишига эришилмаган корхона иқтисодий, молиявий танглик ҳолатига тушади ҳамда тўлов қобилияти пасайиб боради.

Тўловга кодир бўлмаган корхона банк ва бошқа қарз берганларнинг қарзи узилиши муддатлари ўтиб умидсиз ҳолга келганда синишга юз тутади. Корхоналар банкротлиги тўғрисидаги қонунга биноан синган корхоналар суд ёки ҳакамлик тузган тугатиш хайъати томонидан тугатилади. Қарз берганларнинг даъвоси ахамиятига кўра кетма-кет кондирилади. Энг аввал

бюджет олдидаги қарзлар узилади. Сўнгра бошқа даъволар қондирилади.

#### **Мустақил ишлаш учун назорат саволлари**

1. Чакана савдода молиявий ресурсларнинг мазмуни нимадан иборат?
2. Чакана савдода молиявий ресурслар қандай шаклланади?
3. Чакана савдо корхонасининг асосий ва айланма капитали қандай яратилади?
4. Чакана савдо корхонасининг молиявий ҳолати қандай баҳоланади?
5. Чакана савдо корхонасининг молиявий режаси моҳиятини очиб беринг.

## **12-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШИ**

### **12.1. Чакана савдо корхоналарининг стратегик режаси**

Корхоналар учун режалаштириш фаолиятининг юкори даражасини ифодалаб, сотиш ва фойда олиш кўрсаткичларини яхшилашга хизмат қиласди. Режалаштиришнинг асосий қисми стратегик режалаштиришдан иборатдир.

Стратегик режалаштириш – бу корхонани истиқболда кўриш, корхонанинг иқтисодиётда, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий хаётидаги ўрни, ролини билиш ва янги даражага эришиш йўллари, воситаларини ишлаб чиқишидир. Стратегик режалаштиришда аниқ ҳисобланган кўрсаткичлар бўлмайди, балки турли башоратлар (иктисодиёт, илм-фан ва техника, сиёsat, демография ва бошқаларни ўрганиш) асосида мўлжаллар, келгусига назар ташлашдан иборатдир.

Корхона дастури ўз ичига корхонанинг бугунги ҳолати ҳақида, унинг мижозлари, мижозлар учун қадрли бўлган томонлари, корхона истиқболлари ҳақида маълумотларни олади. Савдо корхонаси бундай дастурни доимо диккат марказида саклаши, мунтазам равишда унга тузатишлар киритиб туриши керак. Корхона дастури мақсад кўйишга, унинг аҳамиятини оширишга кўмаклашади ва мақсадага эришишга йўллади.

Корхона дастурида корхонанинг фаолият доираси кўрсатилади. Бу доиранинг чегараси бўлиб маҳсулотлар, технологиялар, мижозлар гурухи, улар эҳтиёжи ёки бир неча омилнинг аралашмаси хизмат қилиши мумкин. Масалан, корхонада автомашиналар, радио-телеаппаратлари, бошқа моллар сотилишини ифодалаш моллар доираси чегарасини билдиради. Чакана савдо корхонасининг имконн борича мол ассортименти кенгроқ бўлиши мақсадга мувофиқидir.

Чакана савдо корхонаси «Биз болаларни овқатлантирамиз» ёки «Биз ёши улуғларга хизмат қиласмиз», «Биз сайёхларга хизмат қиласмиз», «Биз уй бекаларига хизмат қиласмиз» каби мижозлар гурухи ҳамда уларнинг эҳтиёжи доираси савдо корхонаси дастурида ўрин эгаллайди. Даструни белгилашда мол

чегарасига қараганда мижозлар гурухининг талаби чегараси кўпроқ истивболли ҳисобланади, чунки бирор молга талаб қондирилса, бозорда ҳаридори камайиб кетади. Аммо мижозлар талаби, эҳтиёжи чегарасида бир молга талаб пасайса, иккинчисига ошиб боравериши мумкин.

Рахбарият корхона дастурини тузишда шуни инобатга олиши керакки, дастур жуда тор доирада ҳам, жуда кенг доирада ҳам бўлиб кетмаслиги керак. Даструни тузишда корхона ўзининг имкониятларидан келиб чиқиши керак.

Корхонанинг вазифалари ва мақсади босқичи ҳар бир бошқарувчи, раҳбарият ходими олдига мақсадага эришишга қаратилган вазифалар кўяди. Ўз вазифаларининг бажарилишига ҳар бир ходим жавобгардир.

Корхонанинг асосий мақсади фойда олиш бўлса, унга эришиш учун фойда келтирадиган молларни сотишни кўпайтириш, улар ҳиссасини ошириш лозим. Бундай моллар сотилишини кўпайтириш эса мол манбаларини топишни, улар ичидаги ёнг самаралисини (арzon, сифатли, кам чиқимли, кўп фойдали) танлашни талаб этади. Булардан ўз навбатида қатор вазифалар келиб чиқади. Бу вазифалар маркетинг вазифалари бўлиб, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши талаб этади. Бунда бозорни ўрганиш, таклиф манбаларини ўрганиш, корхонага тегишли ҳар бир мол бўйтча конъюнктурани ўрганиш ва хулоса чиқариш жараёни бажарилади.

Ҳар бир ходимнинг вазифаси аникланади ва уни адо этиш муддатлари белгиланади.

Корхона хўжалигини ривожлантириш режаси стратегик режалаштиришнинг мухим босқичи ҳисобланади. Бунда хўжалик фаолиятининг бош йўналишлари таҳлили амалга оширилади ва айрим молларнинг рентабеллиги аникланади. Рентабеллик даражасига кўра уни савдода қолдириш ёки қолдирмаслик, жалб этиш ёки жалб этмаслик қарорини қабул қилиш керак бўлади. Юкори рентабеллик молларга кўпроқ молиявий ресурсларни сафарбар этиш, кам фойдалиларидан четлаша боришга қаратилган ишларни режалаштиради.

Корхонани ўстириш стратегияси ўз ичига корхонанинг келгусида яна 21 /

қандай молларни сотишни ўзлаштириши, қайси маҳсулотлар бозорига эътиборни кучайтириши, куч сарфлашини олади.

Корхонани ўстириш стратегиясини З босқичдаги таҳлил асосида ишлаб чиқиши мумкин. Биринчи босқичда ҳозирги фаолият доирасидаги фойдаланиши мумкин бўлган имкониятлари аниқланади. Бунда ўсишга жадаллаштириш омили орқали эришилади; мол ёки бозорнинг мавжуд ҳолатида имкониятларни топиш ва ўстиришга интилиш ўрин эгаллайди. Имкониятлари турлича бўлиши мумкин. Жумладан, молни бозорга чуқурроқ сингдириш (харидорнинг эътиборини кўпроқ қозониш мақсадида рақобатчисига нисбатан молни арzonроқ сотиш, сотилган моллар мъйлум сонга етганида харидорга мукофот бериш билан рагбатлантириш, шу молнинг янги истеъмолчиларини топиш) йўли билан сотишни кўпайтириш мумкин.

Бошқа имконияти бозор чегарасини кенгайтириш, яъни янги бозорлар топиш ва мавжуд моли билан уларда савдо-сотик юритишдан иборатdir. Навбатдаги имконияти молни такомиллаштириш, яъни мавжуд молдан кескин фарқ қиласидан, сифати ва истеъмол қиймати юкори бўлган молнинг яратилиши билан боғлиқdir.

Иккинчи босқичда корхона тармоқ доирасида бошқа корхоналар билан ҳамкорликда (интеграция) ишлами мумкин. Бунда шу тармоқ доирасида тақсимот системаси каттиқ назорат килинади. Бунда рақобатчи фирмалари устидан доимий назорат олиб борилади.

Корхонани ўстириш стратегиясининг учинчи босқичида тармоқ доирасида ўсиш имкониятлари колмаган бўлса, фаолиятнинг мавжуд турига якинроқ янги йўналишни ташлаш, ўзлаштиришдан иборат жараён амалга оширилади.

## 12.2. Чакана савдо корхоналарининг тактик режаси

Чакана савдо корхоналарининг тактик режаси стратегик режасининг бир қисми бўлиб, унда кўйилган мақсадларга эришишнинг восита ва усуслари аниқланади. Тактик режаларда умумий сотиш режаси, ҳар бир мол гурухи

бўйича таъминот ва сотиш режаси, даромадлар режаси, харажатлар режаси, фойда режаси, савдо учун зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш режаси, бозорнинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш, корхона имкониятлари ва хавф-хатарлари ифодаланади.

Тактик режаларда ўтган йилдаги кўрсаткичлардан, жумладан корхонанинг товар-айланмаси кўрсаткичидан ўсиш, устунликка эга бўлиш мўлжалланса, бу ўсишга имкон берувчи воситалар (хусусан сотишни рагбатлантириш, реклама ва бошқалар) ҳам келтирилади. Бозордаги сотиладиган моллар харидори, асосий сегмент, истеъмолчиларнинг зарурати, рақобатчилар ва мол тақсимоти йўллари кўрсатиб берилади.

Айниқса корхонани фаолият давомида кутаётган хавф-хатарини билиш, имкониятларини аниқлаш мухимdir. Корхона раҳбарияти буларни доим дикқат марказида саклаши ва хавф-хатарнинг салбий таъсири олдини олиш чораларини излаши керак.

Молни сотиш имкониятларида аввало корхонанинг бозордаги моли улуши, рақобатчилар ўртасидаги мавқеи ҳисобга олинади. Агар корхона молининг сотилиш ҳажми ошаётган бўлса, бу ёки умумий иқтисодий ҳолатнинг яхшилиниши ҳисобига (бунда барча фирмалар айланмаси ошади) ёки рақобатчиларига нисбатан корхона фаолиятининг такомиллашгани ҳисобига бўлиши мумкин. Раҳбарият корхонанинг бозордаги улуши ўзгаришини мунтазам равища назорат қилиб бориши керак. Агар бу улуш ошиб борса, корхонанинг рақобат қобилияти кучайганини билдиради ва аксинча.

Корхона раҳбарияти, менежери мижозлар муносабатига, уларнинг ўзгарувчан эҳтиёжига эҳтиёткорлик билан қарashi, уларнн йўқотмасликка йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқиши ва ҳаётга тадбиқ этиш йўлларини белгилashi керак. Бу борадаги ахборотлар мижозларнинг шикояти ёки таклифлари орқали, мижозларнинг оғзаки фикрлари ёки маҳсус тўлатиладиган сўровномалар ёрдамида тўпланади.

Бозор талаби асосида жорий кўрсаткичлар мўлжалланган режа кўрсаткичларидан кескин фарқ кила бошласа, мўлжалланган режага тузатишлар

киритилади.

### 12.3. Бизнес-режа ва унинг тузилиши

Чакана савдо корхоналари ўз тадбиркорлик фаолиятларини режалаштиришда бизнес-режага асосланади. Бизнес-режа асосан молиявий-иктисодий фаолиятнинг ютуғини таъминлашга хизмат қиласи.

Бизнес-режа турли бўлимлардан иборат бўлиб, унинг биринчи бўлимида корхона тадбиркорлик фаолиятининг максади ва вазифалари акс эттирилади. Тадбиркорлик фаолиятининг бош максади фойда олишдир. Бирор ишни мўлжаллаётганда, аввало қанча фойда олиш мумкинлигини хисоблаш лозим. Шу билан бирга фойда келишининг бир текислиги таъминланиши, инфляция таъсирида пул маблағларига муҳтожликни ва уни қондиришни хисобга олиниши лозим.

Корхонанинг муҳим максади – иктисодий потенциалини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан иборатdir. Бунда корхонанинг савдо-сотик билан боғлик молиявий, илмий, техник-технологик кувватини ошириш кўзда тутилади. Булар корхонанинг келгусидаги мавқеига, обрўсига, юқори сифатли моллари ва хизматларига кафолат бўлиб хисобланади.

Бизнес-режанинг иккинчи бўлими асосий бўлим хисобланаб, унда фаолиятнинг бош максади, сотиладиган мол ёки кўрсатиладиган хизматнинг қисқача тафсифномаси ва фарқли хусусиятлари, қўйилган мақсадга эришиш йўллари, усуслари, муддатлари, кетадиган харажатлар, кўрилаётган самараదорлик, эришилган натижалардан фойдаланиш акс эттирилади.

Умумлаштирувчи, жамловчи кўрсаткичлар сотиш ёки хизмат кўрсатиш ҳажми, савдодан тушадиган пул, ўзинииг маблағи ва қарзга олинадиган маблағлар, фойда, рентабелликдан иборат.

Махсус кўрсаткичлар сифатида сотиладиган моллар ва хизматлар сифати, уларнинг фарқли хусусиятлари, ҳаридорларнинг нозик талабларига ҳам мослиги, сарфланган маблағларнинг тикланиш муддати, таваккалчиликнинг паст даражаси, мўлжалланган натижаларга эришиш кафолати хизмат қиласи.

220

3-бўлимда истеъмолчиларга таклиф этиладиган моллар, хизматларнинг тавсифномаси ифодаланади. Бунда молни характерловчи асосий томонлари: намунаси, тавсифномаси, расми, модели ва бошқалар ўз аксини топади. Шу каби тадбиркор молининг ҳаридорлари ҳакида, аҳоли табақалари, шу молнинг ҳаридори ва истеъмолчиси бўлган ташкилотлар, муассасалар ҳакида ахборотлар хисоб-китоб қилиниб бизнес-режада ўз аксини топади. Бундан ташқари молларни сотишда мўлжалланаётган нарх ифодаланади. Бу бизнес-режада энг кийин ҳисоблардан биридир, чунки инфляциянинг таъсирини кўра билиш керак.

4-бўлим мол сотиш бозорининг конъюнктурасини таҳлил этиш ва баҳо беришга бағишлиланган. Бунда беихтиёр эҳтиёжни ўрганиш, нархни башорат қилиш амалга оширилади. Натижада мол етказиб келиш ҳажми муддатлари белгиланади.

Бизнес-режа тузишида бозорни ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳо бериш бир томонидан, талабни ва иккинчи томонидан, таклифни ҳамда улар ўртасидаги нисбат ҳолатини аниқлашдан келиб чиқади. Ҳаридорларни ўрганиш мол келтириш ҳажмини белгилайди. Молларга талабнинг ўзгариши бизнес-режа тузишида таҳминлар, хисоб-китоблар, баҳолаш, башорат қилиш асосида хисобга олиниади.

Шу билан бирга маркетинг фаолияти натижасида бозорни фаоллаштириш чора тадбирлари белгиланади. Рақобатчилар, уларнинг имкониятлари, нарх сиёсатини назардан четда қолдирмаслиги керак.

5-бўлимда фаолият дастури ва ташкилий чора-тадбирлар акс эттирилади. Дастур уз ичига ода!да куйидагиларни олади:

- маркетинг фаолияти (реклама, бозорни белгилаш, истеъмолчилар, ҳаридорлар билан алоқа ўрнатиш, улар талабини аниқлаш);
- мол ҳарид қилиш, саклаш, савдога тайёрлаш;
- ҳаридорларга хизмат, шу жумладан сотишдан кейинги хизматни ҳам ташкил этиш.

221

Ташкилий чора-тадбирлар дастурнинг ажralмас қисми бўлиб, бизнес-режанинг бажарилишини тартибга солишга имкон яратади. Булар бизнес-режани бажаришни бошқариш усуллари, бажарувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш усуллари, маҳсус ҳақ тўлаш, рағбатлантириш шаклларидан фойдаланиш, кадрлар танлаш ва тайёрлаш тадбирлари, хисобкитоб, назорат ва бошқалардан иборатдир.

6-бўлимда бизнес-режани зарур ресурслар билан таъминланиши ифодаланади. Ресурслар билан таъминот ўз ичига қуидагиларни олади:

- мол билан таъминот;
- меҳнат ресурс лари;
- молиявий ресурслар (пул маблаглари, капитал қўйилмалар, кредитлар, қимматбаҳо қоғозлар);
- ахборот ресурслари (статистика, фан-техника ахборотлари).

Бизнес-режанинг 7-бўлимида фаолият самарадорлиги акс эттирилади. Фаолият самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар бўлиб, фойда ва рентабеллик ҳисобланади. Бундан ташқари ижтимоий ва фан-техник самарадорлик аниқланади.

#### **12.4. Чакана савдо корхоналарининг товар айланмаси, хизматлар, захиралар ва товар билан таъминлаш режаларини тузиш**

Чакана савдо корхонаси чакана товар айланмасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган режасига эришиш учун ўтган давр товар айланмасини, ундаги ўзгаришларни ҳар томонлама чукур тахлил этиш зарур, чунки иқтисодий тахлил режалаштиришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Режанинг бажарилишини тахлил қилиш унинг тўғри тузилганига, иқтисодий асосланганлигига баҳо беришда мухим аҳамиятга эга. Шунингдек, товар айланмасини ўстиришнинг, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашнинг ички имкониятларини топишга кўмаклашади.

Тахлил қилиш давомида товар оборот ҳажми, таркиби, мол билан таъминланиш ҳолати синчиклаб ўрганилади, унинг ривожланиш йўналишлари

топилади.

Чакана товар айланмасига келиб тушган молларнинг ҳажми ва таркиби, уларнинг истеъмолчн талабига мос келиши, аҳоли ҳарид фонди ва бошқа кўплаб омиллар таъсир этади. Тахлил қилишда бухгалтерия ва статистик маълумотлардан фойдаланилади. Чакана товар айланмасининг йиллик умумий ҳажми тахлил қилинади. Бунда режанинг бажарилиши, унинг ўтган йилдагидан фарқи аниқланади.

Товар айланмаси динамикасини тахлил қилишда бир неча йиллар ҳисобга олинади. Товар айланмаси динамикасининг ўзи маълум ўзгариш (ўсиш ёки пасайиш) йўналишини көлтириб чикаради.

Келгуси давр товар айланмасининг ўсиш суръатини белгилашда бир неча йиллар мобайнидаги товар айланмасининг ўртача йиллик ўсиш суръатини аниқлаш мухим аҳамиятга эга.

Чакана товар айланмасига йил давомида таъсир этган мухим кўрсаткичлар қаторида товар айланмаси балансининг бошқа элементлари хам бор. Чакана товар айланмаси баланси қуидаги кўринишга эга:

$$M36 + KT = TO + TK + M30$$

Бу ерда, M36 – давр бошидаги мол захираси;

KT – давр давомида келиб тушадиган моллар;

TO - товар айланмаси;

K – молларнинг табиий камайиши, нобудгарчиликлар, ўз-ўзига хизмат қилиш дўконларидаги йўқотиш;

M30 – давр охиридаги мол захираси.

Ушбу баланс ёрдамида қайси элементлар таъсирида чакана товар айланмаси ўзгаришини аниқлаймиз:

$$TO = M36 + KT - TK - M30$$

Товар оборот балансидаги барча кўрсаткичлар ўртасида узвий алоқа мавжуд. Демак, бирининг ўзгариши беихтиёб бошқасининг ўзгаришига сабаб бўлади. Ўрганилаётган даврдаги товар айланмаси суммаси йил бошида колган моллар захираси ҳолатига, уларнинг аҳоли талабига канчалик мос келишига,

келиб тушадиган моллар ҳажмига, таркибига, молларнинг табиий камайиши, айрим молларнинг сотишга яроқсиз ҳолга келишига, давр охирида норматив асосда мол заҳисасини вужудга келтиришга боғлиқ.

Товар айланмасини мол билан таъминлаш режасини дўконлар ёки савдо фирмаси бўйича умумий ҳолда тузища чакана товар оборот балансидан фойдаланилади. Айниқса мол туркumlари бўйича бу балансни алоҳида тузиш мухимдир. Бунда келиши керак бўлган мол ҳажми қуйпдагича аникланади:

$$KT = TO + TK + MZo + M36$$

Шуни ҳам хисобга олиш керакки, агар жорий йил мобайнида моллар нархида ўзгаришлар (нархнинг ошиши ёки пасайиши) содир бўлса, унда товар оборот ҳажмини бошқа йиллар кўрсаткичи билан таққослашда нарх индексларидан фойдаланиш лозим. Солиштирма нархга келтирилмаган ҳолда товар айланмаси ҳажмини таҳлил қилиш нотўғри хуласаларга олиб келиши мумкин.

Шунингдек, чакана товар айланмаси таркиби ҳам ташкил қилинади. Айрим моллар ва мол гурӯхлари бўйича таҳлил қилиш жами товар оборот ичидаги ўзгаришларни, уни ўстириш имкониятларини топинига қўмаклашади.

Товар оборот таркибининг таҳлили маълум муддат давомида ахоли талабининг қанчалик қондирилаётганини, унинг ўтган йилдагидан фарқини кўрсатади ҳамда унга таъсир этувчи омиллар аникланади. Таҳлил ёрдамида йиллик кўрсаткичлар ўрганилади, ҳар бир мол гурӯхининг оборотдаги хиссаси ва ундаги ўзгаришлар, ахоли талабидаги ўзгаришлар аникланади. Мол турлари, хиллари савдоси, ундаги ютуқ ва камчиликларни аниклашнинг мухимлиги шундан иборатки, савдо корхонаси дўконлар, бўлимлар фаолиятига товар оборот режасининг бажарилишига қараб эмас, балки ахолига таклиф қилаётган моллар хиллари ва хизмат сифатига қараб баҳо бериш мақсадга мувофиқ, чунки ҳаридорни дўкон товар айланмаси режасининг бажарилиши эмас, ўз талабининг қондирилиши қизиқтиради. Мол хиллари бўйича сотиш режасининг бажарилишига молнинг ўз вақтида келиши, унинг сифатининг талабга жавоб бериши ва бошқалар таъсир этади.

Чакана савдо корхонасининг товар айланмаси умумий ҳолда таҳлил этилганидан сўнг дўконлар, бўлимлар бўйича таҳлил амалга оширилади. Булар бўйича ҳам йиллик, чорак, ойлик товар оборот режаларининг бажарилиши, ундаги бир теккислик, таъсир этувчи омиллар ўрганилади.

Шунингдек, товар айланмаси режаси бажарилишига ахоли ҳарид фонди, молларнинг бозорга келиши, савдо тармогининг мол билан таъминланиши, савдони ташкил этиш, дўконлар товар оборот режасининг иқтисодий асосланганлиги таъсир этади.

Жорий йил мобайнида чакана товар оборот режасининг бажарилиши таҳлил қилиниб, оборотни ўстиришнинг ички имкониятлари аникланганидан сўннг келгуси йилнинг режа кўрсаткичи тузилади.

Чакана товар айланмасини режалаштиришда савдо корхонаси хизмат қиладиган худудда савдонинг ривожланиш истиқболи, асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ривожи (ахоли сони, ҳарид фонди, молларга бўлган талаби ва ҳоказолар), режанинг аввалги йилларда бажарилиш таҳлили натижалари, бозор ресурсларининг кенгайиш миқдори ва бошқалар хисобга олинади.

Чакана товар айланмасининг бир текис ривожини таъминлашда мол захиралари нормативининг тўғри хисоблангани ҳам мухим аҳамиятга эгадир. Захиралар ахоли талабига мос келадиган моллардан ҳамда иқтисодий асосланган нормативдан ташкил топган бўлса, корхона ортиқча харажатларга йўл қўймай, ҳаридорларга савдо хизмати кўрсатиб, чакана товар айланмаси дастурини ҳаётга тадбиқ этишга эришади.

Товар оборот режасини ҳисоблай бошлаганда мол ресурслари манбаларини, мол етказиб берувчилар, уларнинг мол етказиб бериш ҳажми, ассортименти, муддатларини билиш лозим. Чакана товар оборот режаси дастурини мол билан таъминотисиз тасавур қилиб бўлмайди.

Мол етказиб берувчиларнилг мол ассортименти, ишлаб чиқариш куввати ёки мол етказиб бериш имкониятлари ўрганилади. Ахоли талабига мос келадиган, нархи бозорни кониқтирадиган моллар бўйича контрактлар тузилади

ва унда мол етказиб беришнинг барча шарт-шароитлари келишиб олиниади.

Маҳаллий ресурслардан имкони борича кўпроқ мол келтириш мухимдир. Чакана савдо корхонаси маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг имкониятларини тўларок билиши, уларни кенг истеъмол молларининг янги турларини яратишга жалб этиши керак. Ишлаб чиқариш ривожланиб, ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат кучайса, савдо корхонасига истеъмол молларини таклиф этувчилар кўпаяди ва савдонинг бу борадаги ҳозирги даврдаги вазифасига ўрин қолмайди.

#### **12.5. Чакана савдо корхоналарининг даромади, харажати ва фойдасини режалаштриш**

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхонаси оладиган ялпи даромади, фойдасига алоҳида эътибор бериб, уни таҳлил этади. Савдода ялпи даромадни таҳлил этишда аввало унинг ҳажмига таъсир этувчи омилларни ўрганиш лозим. Чакана савдо корхонаси ялпи даромадига чакана товар айланмаси ҳажми ва таркибининг ўзгариши, моллар нархининг ўзгариши, мол ҳаракати давомида оралиқ бўғинларнинг камайиши, бозор конъюнктурасининг ўзгариши каби омиллар таъсир этади.

Чакана товар айланмаси ҳажмийнинг ўзгариши таъсирини куйидаги жадвал мисолида кўриб ўтамиш.

#### **5-жадвал**

##### **Чакана савдо корхонаси ялпи даромади режасининг бажарилиши**

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Амалда	Режанинг бажарилиши, %	Фарки (+,-)
Чакана товар айланмаси, минг сўм	50000	61688	123,4	+ 11688
Ялпи даромад, минг сўм	8150	10116,8	124,1	+ 1966,8
Ялпи даромад даражаси товар айланмасига нисбатан, %	16,3	16,4	-	+ 0,1

Жадвал рақамларига биноан, ялпи даромад режаси ортифи билан бажарилган. Товар айланмаси ҳажмийнинг 11688 минг сўмга кўпайгани ялпи

даромадни 1905,1 минг сўмга оширган. Демак, товар айланмаси ҳажмининг ортиши ялпи даромаднинг кўпайишига олиб келади ва аксинча.

Ўз навбатида товар айланмаси таркибининг ўзгариши ялпи даромад ҳажмига ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. Аввало бу ўзгариши даромаднинг товар айланмасига нисбатан даражасини ўзгартиради (6-жадвал).

#### **6-жадвал**

##### **Чакана товар айланмаси таркиби ўзгаришининг ялпи даромадга таъсири (фоиз ҳисобида)**

Мол туркумларини	Товар айланмаси таркиби, жамига нисбатан, %		Мўлжалланган савдо устамасининг даражаси, товар айланмасига нисбатан, %	Фоизли сонлар 3*4	X 5/100
	Режа	Амал			
1	2	3	4	5	6
Газлама	12,1	13,0	14,4	187,2	1,87
Устки кийим	21,0	22,0	17,5	385,0	3,9
Пойабзал	6,8	6,7	15,3	102,5	1,03
Атторлик моллари	8,3	8,3	14,5	120,4	1,2
Бошқа моллар	51,8	50,0	16,9	845,0	8,5
Жами	100	100	16,3	1640,1	16,4

Х – ялпи даромаднинг жорий товар айланмаси таркиби ва режадаги савдо устамаси даражаси ёрдамида ҳисобланган даражаси.

Товар оборот таркибида юкорироқ савдо устамаси даражасига зга бўлган мол гурухлари хиссасининг ошиши ялпи даромаднинг товар айланмасига нисбатан фоиз ҳисбидаги ўртacha даражасининг ошишига олиб келади. Ялпи даромаднинг товар айланмасига нисбатан фоиз ҳисбидаги даражасининг 0,1 га ошиши ялпи даромад микдорининг 61,688 минг сўмга ўсишига сабаб бўлган. Баъзи ҳолларда, яъни пастроқ савдо устамаси даражасига эга бўлган мол гурухларининг ҳиссаси қанчалик ошса, ўртacha савдо устамаси шунчалик пасаяди ва бу ялпи даромад микдорига салбий таъсир этади.

Инфляция таъсирида моллар чакана нархининг ўзгариб туриши ўз навбатида кўйиладиган устаманинг ҳам ўзгариб туришига сабаб бўлади. Устама баъзида мол чакана нархига мос ҳолда ўсиши, баъзида ундан тезроқ ёки секинроқ ўсиши ҳам мумкин. Бу бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларга

боғлиқдир.

Мол ҳаракати давомидаги босқичларнинг ўзгариши ҳам ялпи даромад ҳажмиига таъсир этади. Бунда мол ҳаракатини мақсадга мувофиқ йўналтириш, ишлаб чиқарувчилардан чакана савдо тармоғига имкони борича тезроқ ва киска масофа орқали етказниш мухим аҳамиятга эга. Оралик воситачи бўғинларнинг камайиши савдо устамасининг бўлинишини камайтиради ва аксинча, мол қанча кўп воситачи орқали ўтиб келса, савдо устамасига шериклар шунча кўпаяди.

Махсулотларнинг бузилиши, камайиши, синиши ва бошка нобудгарчилиги кисқарса савдо корхонасининг оладиган даромади ошади.

Умумий овқатланишда ялпи даромад тармоқ хусусиятларига кўра, товар айланмасида ўзи тайёрлайдиган таомлар ва сотиб олинниб ишлов берилмай сотиладиган маҳсулотлар салмоғига боғлиқ. Ўзи тайёрлайдиган таомлар салмоғи қанчалик юқори бўлса, ялпи даромад шунча кўпаяди. Бундан ташқари умумий овқатланиш корхонасининг даромади қайси тоифага мансублигига ҳам боғлиқ. Умумий овқатланиш корхонаси (ресторан, қаҳвахона, ошхона ва ҳоказо) хизмат кўрсатиш даражаси ҳамда фирма таомларига эгалигига биноан тоифаларга бўлинади, тоифалар қанчалик юқори бўлса, устам нарх шунча юқори бўлади.

Корхона ялпи даромади ҳар томонлама ўрганилганидан сўнг, келгуси давр дастури тузилади. Бунда режалаштирилаётган даврдаги товар оборот ҳажми ва таркиби ҳисобга олинади. Келгуси давр товар айланмаси таркибидаги ҳар бир мол туридан қоладиган устамалар йигиндиси корхонанинг жами даромадини ташкил этади.

Агар ялпи даромад режасини тузиш вақтида товар айланмаси таркиби, мол билан таъминлаш режими етарли асосланмаган бўлса, унда жорий йилдаги ялпи даромаднинг ўртача даражасидан фойдаланилади. Бунда ўртача даражада фоизи режалаштирилаётган даврнинг товар айланмаси ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

Келгуси даврга ялпи даромад режасини тайёрлаб, уни корхона харажатларига такқосланади ҳамда фойда меъёри аникланади. Корхона ялпи

даромади харажатларни қоплашга, мажбурий ва ихтиёрий тўловларга етиши ҳамда жамоанинг ижтимоий ривожини, корхонанинг иқтисодий ўсишини таъминлай оладиган бўлиши керак.

Корхона харажатларининг моддий, меҳнат ва пул ресурсларидан самарали фойдаланишидан таркиб топиши лозимлиги ракобат курашининг мухим талабларидандир.

Муомала харажатлари суммасини келгуси даврга ҳисоблаш жорий даврдаги ҳолатни билишдан бошланади. Бунда жорий даврда сарф этилган маблағ режадагига таққосланади, тежам ёки ортиқча чиқим аникланади (7-жадвал).

#### 7-жадвал

##### Чакана савдо корхонаси муомала харажатлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Амалда	Режанинг бажарилиши, %	Режадан фарқи (+,-)
Товар айланмаси, минг сўм	50000	61688	123,4	+ 11688
Муомала харажатлари:				
- миқдори, минг сўм	7050	8759,7	124,2	+ 1709,7
- товар айланмасига нисбатан, %	14,1	14,2	-	+ 0,1

7-жадвал маълумотларига биноан, муомала харажатлари режадагидан 24,2% ортиқ бўлган. Товар оборотнинг 11688 минг сўмга ошириб бажарилиши харажатларни 1648 минг сўмга ўстирган. Муомала харажатлари бўйича фарқнинг колган кисми (61,7 минг сўм) харажатлар даражасининг ортиши ҳисобига тўғри келади.

Муомала харажатларининг дўконлар, бўлимлар, дўкончалар бўйича таҳлилини амалга ошириш тежамкорликка қай даражада эътибор берилаётганлигини кўрсатади. Дўкон харажатларини бир-бирига таққослашда иш шароитлари нисбатан яқинлари танланади. Дўконлар товар айланмаси ҳажмиининг ортиши аксарият ҳолларда муомала харажатлари даражасининг паст бўлишига олиб келади.

Таҳлил жараённада муомала харажатларининг ҳар бир моддаси алоҳида ўрганилади. Бунда таъсир этувчи омиллар ёрдамида ички имкониятлар

аникланади. Масалан, транспорт харажатларининг режага кўра фарқига товар айланмаси ҳажми ва таркибидаги ўзгаришлар, мол ташиш масофаси, транспорт тури, тарифларнинг ўзгариши, ортиш, тушириш ишларининг механизацияшганлиги ва бошқа омиллар таъсир этган бўлиши мумкин. Натижада корхонага боғлик ёки боғлик бўлмаган ҳолда харажатлар ошгани ёки пасайгани аникланади. Бу омилларни ўрганиш, хисоб-китоб қилиш ёрдамида жами унумсиз харажатлар намоён бўлади ва келгусида ҳам шундай харажатлар бўлишининг олди олинади.

Бошқа моддалар бўйича ҳам шу ҳолда таҳлил қилинади ва ички имкониятлар топилади.

Муомала харажатлари режасини аниқ тузишдан мақсад шуки, савдо корхонаси ихтиёрида қоладиган ҳолда иқтисодий, ижтимоий ривожлантиришга мўлжалланган даромад айнан шу харажатларга боғлик. Харажатлар қанчалик камайса, савдо корхонаси ўзини шунчалик кўпроқ маблағ билан таъминлайди. Аммо муомала харажатларини камайтириш хизмат маданиятига акс таъсир этмаслиги керак.

Муомала харажатлари режасини келгуси даврга тузишга киришилгунга кадар савдо корхонасининг бошқа қатор режа кўрсаткичлари мавжуд бўлиши лозим. Жумладан, товар оборот ҳажми ва таркиби, мол захиралари, айланма маблағларга зарурат, моддий-техника базасини ўстириш режаси ва бошқалар зарур.

Бундан ташкири режалаштиришда кўплаб техник-иктисодий нормативлардан фойдаланилади. Шунингдек, иқтисодий-математик, иқтисодий-статистик усуслар ҳам кенг кўлланилади.

Ҳар бир харажат моддаси бўйича алоҳида режа тузилади, сўнгра корхона бўйича харажатларнинг умумий суммаси ва даражаси топилади.

Корхона ялпи даромади хисобланган муомала харажатларига таққосланади. Даромаднинг харажатдан етарли устунлиги таъминланадиган бўлса, хисобланган кўрсаткичлар ўзгаририлмайди. Агар даромаднинг харажатлардан устунлиги етарли фойда ва рентабелликни таъминлай олмаса,

даромадларни янада ошириш ҳамда харажатларни тежаш йўллари изланади. Бу хисоблар маълум меъёрдаги рентабеллик даражасига зришгунча давом этади.

## 12.6. Чакана савдо корхонасининг молия режасини тузиш

Чакана савдо корхонасинияг якунловчи молиявий ҳужжати бўлиб, даромад ва харажат баланси ёки молия режаси хисобланади. Бу режа бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий асосланган нормативларга таянган ҳолда корхонанинг етарли миқдорда ўз маблағларига эга бўлишни таъминлаши керак.

Чакана савдо корхонаси молия режасини тузишда аввалги давр кўрсаткичлари таҳлилидан, молияиҷ ҳолатидан, келгуси йилга мўлжалланган товар айланмаси ҳажми, таркиби, хўжалик фаолиятининг бошқа турлари ҳажми, фойдадан ажратма, мажбурий тўловлар нормативидан фойдаланади. Даромад ва харажат балансининг ҳар бир моддаси иқтисодий асосланади.

Баланснинг даромад ва маблағларнинг келиши, кирими қисмida корхона фойдаси, амортизация ажратмаси, баркарор пассивларнинг ўсиши, керакмас мол-мулкни сотишдан келадиган даромад, қимматли қоғозлардан олинадиган даромад, банк ва бошқа кредит берувчиларнинг кредитлари ўз аксини топади.

Харажат ва маблағлар чиқими қисмida фойдадан бюджетга ажратма, банк олдидаги мажбуриятни бажариш, маҳаллий ташкилотларга ер солиги, дўкон атрофини тозалаш солиги, мулк солиги, баркарор пассивларнинг ўсиши ва фонdlарнинг вақтинча бўш маблағи хисобига ўз айланма маблағлари нормативининг ўсиши, молларнинг нархини пасайтиришдан кутилаётган зарарни коплаш (таваккалчилик) фондига ажратма, ўз айланма маблағларининг ўсиши хисобига қарзни узиш, капитал ремонт харажатлари, корхона ихтиёрида қоладиган фойда ва бошқалар акс эттирилади.

Корхона маблағларининг асосий манбаи фойдадир. Фойда бўйича мўлжалланган даражага эришилса, корхона маблағга бўлган ўз эҳтиёжини кондирибгина қолмай, бюджетни тўлдиришга ўз хиссасини кўшади.

Корхона даромадининг сарф этилишига баҳо бериш ва уни келгуси  
231

даврга ҳисобини пухталаш мұхим ақамиятта зға.

Жумладан, капитал қўйилмаларни ўрганишда қурилиш материаларининг арzonрок, пухтароғидан, қурилиш технологиясининг самаралироғидан фойдаланиш асосида тежамга эришишни назарда тутмоқ лозим. Асосий воситаларнинг қай даражада ишлатилаётгани, умуман ишлаб чиқаришга жалб этилмаганларини аниклаш, агар корхонага зарурати бўлмаса уларни сотиб, капитал қурилиш ёки бошқа мақсадларга сарф этилиши мақсадга мувофиқдир.

Маблаг сарф-харажати бўйича тежамилик, ортиқча норационал харажатларга йўл қўймаслик, тўлов коидаларига қатъий риоя килиш, бюджет, банкларга тўловни ўз вақтвда адо этиш мухимдир.

Яхши молиявий қўрсаткичлар ҳаридорга яхши, сифатли, маданий хизмат қўрсатиш билан ҳамоҳанг бўлиши керак.

Харажат моддаларининг кўпини ўз даромади манбаи бўлгани учун режалаштириш ва назорат қилиш аича енгиллашади. Масалан, фойдадан солик тўлаш ўз-ўзидан фойда ҳисобига амалга оширилади. Шу каби фойда ҳисобига банкнинг узок муддатли қарзини ва унинг фоизини тўлаш лозим бўлади, Демак, жорий йилда ҳам, келгуси йил учун ҳисоблашда ҳам харажат қисмини даромад қисмига караб ҳисоблаш ва назорат килиш осонлашади.

Келгуси даврга капитал қўйилмаларни ҳисоблаш корхонанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режасига боғлик. Иморат, иншоатларни ишга тушириш муддатлари ва топшириклари асосида келгуси давдра ўзлаштириладиган маблаг ҳажми, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми аниқланади. Капитал қурилишда ишлатилмаган ички имкониятларни сафарбар этишни ҳам инобатга олиш керак.

Бюджетга тўланадиган фойда солиги норматив асосида белгиланади. Фойдани ҳисоблаш асосида норматив бўйича тўланадиган солик ҳисоби келиб чиқади ва молия органларига ахборот етказилади.

Янги техника киритиш ва оғир ишларни механизациялаш, корхонани кенгайтириш учун олинган банкнинг узок муддатли қарзлари белгиланган муддатларда тўланади ва келгуси йилга мўлжалланган молия режасига

киритилади.

Мол захиралари ҳамда пул маблағлари нормативи ҳисобланиб, унда хўжалик фаолияти учун зарур минимал эҳтиёж ифодаланади.

Корхона даромад ва харажат балансини тузишда асосий фонdlардан яхши фойдаланиш, моллар, айланма маблағлар айланни ошириш, ички резервлар ҳисобига қўшимча маблағлар топиши керак. Бунинг учун молия режасини бажаришга мўлжалланган оператив-молия тадбирлари ишлаб чиқилади. Унда энг етакчи ўринни айланма маблағларнинг айланини тезлаштириш эгаллайди. Пул шаклидаги айланма маблағининг ҳаракатини тезлаштириш, ҳам айланма маблаг айланни муддатини камайтиради. Айниқса корхона манфаатларидан четда қолаётган маблағларни оборотга жалб этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Шу каби тадбирлар салбий таъсир этувчи омилларни йўқотишига, айланма маблағлар айланини тезлаштиришга олиб келади.

#### **Мустақил ишлаш учун назорат саволлари**

1. Чакана савдо корхонасининг стратегик режаси қандай тузилади?
2. Чакана савдо корхонасининг тактик режаси қандай тузилади?
3. Бизнес режа нима учун тузилади ва унинг қандай бўлимлари мажуд?
4. Чакана савдо корхоналарининг даромади, харажати ва фойдаси қандай режалаштирилади?
5. Чакана савдо корхонасининг молия режаси нима ва у қандай тузилади?

## **13-боб. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

### **13.1. Чакана савдо корхонаси фаолиятини баҳолашда фойдаланиладиган иқтисодий күрсаткичлар**

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналарининг фаолияти учун меъёрий-хуқуқий замини бўлиб Ўзбекистан Республикаси Конуналари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва шу каби меъёрий хужжатлар хисобланади. Рақобат курашига асосланган бозор тизими шароитида ҳар бир корхона маълум иқтисодий ривожланиш суръатлари ва самарадорлигига эга бўлиши керак. Айниқса савдо-сотиқ соҳасида фаолият катта харажатлар талаб қилмайди, аммо тез ва сезиларли самара келтирши мумкин.

Иқтисодиётнинг кўплаб бошқа тармоқлари самарадорлигидан фарқли ҳолда, савдо ижтимоий ва иқтисодий самарадордикка эришиши керак. Зоро, савдо самарадорлиги жами иқтисодиёт самарадорлигига ўз таъсирини ўтказади. Масалан, ишлаб чиқариш соҳалари янада ривожланиб, қадоқланган маҳсулотлар савдога кўплаб келиб тушса, савдонинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги янада ошади, моллар тезроқ сотилади ва бу ишлаб чиқариш соҳалари самарадорлигига ижобий таъсир этади.

Самарадорлик хўжалик фаолияти натижасида эришилган самара (натижага)ни сарф этилган харажатлар ва ресурсларга нисбати ёрдамида топилади. Буни куйидагича хисоблаш мумкин:

$$СД = с / x * 100\%$$

Бу ера СД – самарадорлик даражаси;

с – самара миқдори;

х – харажатлар миқдори.

Савдо соҳаси бўйича самарадорлик маълум доирадаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқланса, чакана, улгуржи савдо, умумий овқатланиш тармоқлари бўйича ўзига хос доирадаги кўрсаткичлар воситасида аниқланади. Аммо мавжуд моддий, пул ресурсларидан унумли ва оқилона фойдаланиш

бошқаришнинг барча даражасига тегишли вазифадир.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўз вақтида ҳаридорга етказиб сотиш, ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш, молларнинг айланиш тезлигини ошириш, ҳаридорга маданий хизмат кўрсатиб, истеъмол харажатларини пасайтириш, ўсиб бораётган тўловга қодир талабнинг ҳажми ва таркибини энг оз ижтимоий зарурий харажатлар ёрдамида қондириш савдо соҳасининг мамлакат иқтисодиёти самарадорлиги мезони бўлиб хисобланади.

Тижорат корхонаси даражасида самарадорликни ифодалашда хўжалик, фаолияти кўрсаткичлари – даромад ва муомала харажатларининг даражаси, мол заҳиралари ва айланма капиталнинг айланыш тезлиги ва шу каби қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Мўлжалланган режаларнинг бажарилиб, рақобат курашида чиникиб бориши, ахолига сервис хизматини кўрсатиш, зарур молларнинг доимий мавжудлигига эришиш, даромадлилик, фойдалиликни ўстириши, тежамлиликни кучайтириши савдо корхонаси фаолиятига баҳо берувчи бош мезон хисобланади.

Товар оборот аҳоли талаби қондирилишини ва таъминотни яхшилашни ифодаловчи мухим кўрсаткич бўлиб хизмат қиласи. Чакана савдода товар айланмаси қанчалик тез ўсиб борса, бу аҳоли ҳарид қувватининг оборотта шунчалик кўпроқ жалб этилаётганини, унинг талаби қондирилаётганини, мамлакат пул муомаласига ижобий таъсир этаётганини ифодалайди. Булар савдонинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги ўсганидан далолат беради.

Савдода мол айланишни тезлаштириш ҳам тармоқ самарадорлигига кучли таъсир этувчи омилдир. Молларнинг савдода сақланиш муддати қанчалик камайса, уларни қайта ишлаб чиқариш жараёнига кетадиган вақт шунчалик оз талаб этилади. Мол айланишни тезлаштириш унинг сақланиш харажатини, бузилишини, нобудгарчилигини камайтиради, давр, мода талабидан орқада колишдан сақлайди, камрок айланма маблағ эвазига кўпроқ товар айланмасига эришишга ва банкка кредит учун тўланадиган маблағнинг камайишига олиб келади.

Савдо моддий-техника базасининг аҳволи ва ундан фойдаланиш ҳам савдо самарадорлиги учун жуда муҳимдир. Савдо майдонининг ҳар бир квадрат метридан унумли фойдаланиш нафакат товар айланмасини тезлаштиришга, балки ҳаридор вактини қискартиришга ҳам имкон яратади. Мавжуд базадан унумли фойдаланиш янги қурилишга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Айниқса, савдонинг илгор ва ҳаридорга қулай усулларидан кенг фойдаланиш бенихоя муҳимдир. Умумий овқатланиш тармоғида хўрандалар учун жойларни кўпайтириш, уларнинг ҳар бирига тўғри келадиган товар айланмасини ҳамда мавжуд технологик жихозлар, механизмларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш тармоқ самарадорлигини юксалтиради.

Савдонинг меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиши тармоқ самарадорлигига ўз таъсирини ўтказади. Меҳнатга ҳақ тўлашни ходимлар фаолиятининг пировард натижалари билан узвий боғлаш, меҳнат унумдорлитини оширишга хизмат қилувчи тадбирларни ҳаётга тадбик этиш, ташаббус ва яратувчанликни ўз вақтида кўллаб-куватлаш, илгорларни рағбатлантириш, инсон омили ролини кучайтириш савдо тармоғи самарадорлигини янада юқори поғонага қўтариш имконини беради.

### **13.2. Даромадлар, харажатларнинг ҳолати ва корхона фойдаси**

Тижорат корхонаси ҳўжалик-молия натижаларининг муҳим иктиносиди кўрсаткичлари сифатида даромад, харажат ва фойда кўрсаткичлари хизмат қиласи. Бу иктиносиди кўрсаткичларнинг ҳолати ва айниқса фойданинг истиқболига қараб корхона самарадорлигига баҳо берилади.

Даромаднинг кўпайиши корхонанинг аҳоли талабига мос келадиган молларнинг дўконларга етказиб келиниши, улар нархининг ҳаридор талабига мослиги, қулай ва самарали сотиш, хизмат усулларидан фойдаланиш каби омилларга боғлиқ. Демак, корхона даромади ва унинг ўсиши ташкилий-иктиносиди жараёнлар самарадорлигига боғлиқдир. Бу кўрсаткич корхонанинг тижорат, технологик жараёнлари билан боғлиқ ходимлари меҳнати натижасида таркиб топади.

Харажатларнинг ҳолати жуда кенг миқёсдаги фаолиятларнинг чиқимларига боғлиқ. Бу мол манбанин топишдан бошлаб, то молни ҳаридорга сотиш, уйига етказиб, зарур ҳолларда ўрнатиб берилишгача бўлган харажатларни ўз ичига олади. Корхона харажатларининг ҳолати иктиносиди мустаҳкамлик, тўлов қобилиятига таъсир этувчи асосий омиллардан биридир. Харажатлар қанчалик тежамлилик, оқилона сарфлаш асосида шаклланса, пировард натижанинг шунчалик ижобий бўлишини кутиш мумкин.

Фойдага эришиш корхонанинг фаолият натижасида ўз олдига қўйган мақсадларидан бири бўлгани учун бу мақсад йўлида юридик базага таянган ҳолда самарали иш олиб боришига интилади. Фойда ҳўжаликни самарали юритиш натижаси ҳисобланниб, унга кўплаб омиллар ўз таъсирини ўтказади. Энг аввало корхона даромадининг ҳамда харажатининг таъсирида фойда кўрсаткич шаклланади ва бу икки омилнинг ҳолати фойда холатини белгилайди.

Корхонанинг нормал даражадаги фойдаси унинг иктиносий ва ижтимоий ривожини таъминловчи, давлат, бошқа органлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажарувчи, тўловга қодир, ишончли ҳамкор сифатида характерловчи кўрсаткичdir.

### **13.3. Чакана савдо корхоналарини бошқаришда иктиносиди усуллардан кенг фойдаланиш**

Мамлакатимиз иктиносидётини ривожлантиришнинг 5 асосий тамоилларидан бири саналган жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш принципи корхоналар учун ҳўжилик юритишнинг мустаҳкам юридик базасини шакллантироқда. Амадаги меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар бозор шароитида корхонанинг мустакил фаолият юритишига етарли замин тайёрламоқда. Булар ичида алоҳида ўринни иктиносиди усуллар воситасида бошқариш эгаллайди.

Бошқаришнинг иктиносиди усулларидан бири иктиносиди рағбатлантириш ҳисобланади. Меҳнат жамоаси ва ушбу жамоанинг ҳар бир аъзоси манфаатдорлигини таъминланиши корхона ривожини кафолатловчи кучли

омиллардандир. Корхона олинган умумий фойдадан манфаатдор бўлса, ҳар бир ходим ҳам ундан манфаатдордир. Чунки шу фойда корхона жамоасининг ҳар бир аъзосига моддий манфаат келтиради. Демак, ҳар бир ходим фойдани оширишга интилади. Ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий корхоналарда бу боғланиш янада кучлидир. Мулк шаклидан катъий назар барча корхоналар манфаатлар мослигини таъминлаши керак. Бу бозор иқтисодиёти шароитининг асосий талабларидандир.

Корхонанинг ракобат курашида сақланиб қолиши ва ривожланиши бошқа иқтисодий воситалар каторида муҳим ўрин эгаллаган моллар устамасига боғлиқ. Устаманинг микдори, даражаси бозор конъюнктураси таъсиридан келиб чиқади. Устамадан иқтисодий манфаатдорлик айниқса мол рентабеллигининг юқори ёки пастлиги шароитида яққол кўзга ташланади. Агар мол рентабеллиги юқори бўлса, молни сотиш ҳажми, бозордаги улуши ошади ва аксинча.

Режалаштириш ҳам иқтисодий таъсир этиш усуllibаридан биридир. Шу каби нарх-наво воситасида иқтисодий бошқариш амалга оширилади. Моддий жарима, молия, кредитлар ҳам иқтисодий бошқариш усуllibари бўлиб, уларнинг ижобий таъсирини кучайтириш бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар ривожи учун замни яратади.

Иқтисодий таъсир этиш усуllibаридан бири нормаллаштиришдан иборатdir. Норматив усули иқтисодий усуllibардан режалаштириш, кредитлаш, молиялаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришга база бўлиб ҳисобланади. Тури нормативлар, тарифлар, нормалар, коэффициентлар, расценкалар ва бошқалар норматив усулининг аниқ ифодасидир.

Тежамкорлик билан ишлаш ҳам иқтисодий таъсир натижасида ҳаётга тадбиқ этилади. Ракобат кураши муомала харажатларининг энг оптималь меъёрда бўлишини талаб этади, чунки оптimal харажатлар фойда ва рентабелликни оширишга хизмат қиласди.

Юқорида келтирилган иқтисодий таъсир этувчи усуllibар киймат характеристига эга. Шу билан бирга киймат характеристидан ташкири иқтисодий

таъсир усуllibари ҳам мавжуд. Буларга корхона ҳисобидан жамоанинг ижтимоий-маиший, коммунал, маданий эҳтиёжларини қондириш (тиббий хизмат, овқатланиш ва дам олишни ташкил этиш, туар-жой, болалар муассасалари билан таъминлаш ва бошқалар) киради.

Иқтисодий бошқариш усуllibари самарадорлигини маънавий, ҳукукий ва маъмурий бошқариш усуllibарининг ҳамкорлиги оширади.

#### 13.4. Чакана савдо корхоналари фаолиятининг жорий ва якуний таҳлили

Тижорат корхонаси фаолиятининг бир меъёрда ўсиб боришини таъминлаш учун кўйилган мақсадларга эришиш йўлида олиб борилаётган ишларни ўрганиш, ютуқ ва камчиликларни аниқлаш лозим. Иқтисодий таҳлилнинг вазифаси корхона фаолияти қўрсаткичлари тизимини ўрганиш, улар орасидаги ўзаро алока, ўзаро боғликларни топиш ва иқтисодий воқеликка, жараёнларга баҳо бера олишдир. Иқтисодий таҳлилга қўрсаткичларнинг комплекс тизими жабо этилади. Бунда бир-бирини тўлдирувчи бухгалтерия, статистик, оператив маълумотлардан фойдаланилади.

Иқтисодий таҳлил муддатига кўра, бир йўла ўтказиладиган ҳамда маълум муддатларда бир текис бажарилиб турадиган бўлиши мумкин. Бир йўла ўтказиладиган таҳлил маълум мақсадда (корхонани техник қайта куроллантириш, капитал курилиши, раҳбариятни янгилаш ва бошқалар) ўтказилиб, бир марталик аҳамиятга эга бўлган таҳлил ҳисобланади.

Маълум муддатларда бир текис бажарилиб турадиган таҳлил оператив таҳлил, ўтган давр таҳлили ва истиқболли таҳлидан иборатdir.

Оператив таҳлил жорий таҳлилни ифодалаб, корхона хўжалик-молия фаолияти жараёнининг ўзида амалга оширилади. Масалан, ҳар кунлик чакана товар айланмаси, ҳар кунлик ёки ҳафта давомида мол келиб тушиш таҳлили, ҳар ойда даромадлар, харажатлар, фойда таҳлил қилинади. Бу таҳлил оператив бошқариш ва тартибга солиш жараёнининг таркибий қисмидир. Корхонанинг турли даражадаги раҳбарлари тез ўзгарувчан бозор ҳолатини оператив таҳлил

қила олиши, фикр-мулоҳазалар, хулоса, қарор қабул қила олиши керак.

Оператив таҳлил учун маълумотлар жорий ҳисоб-китоблардан, ҳисоботлардан, назорат-ўлчов асбоблари кўрсаткичларидан олинади ҳамда раҳбар кадрлар ва бажарувчиларнинг амалий тажрибасидан, интуициясидан, мантикий фикрлашидан фойдаланиб амалга оширилади.

Ўтган давр таҳлили корхона ва унинг бўлинмалари хўжалик-молия натижаларининг ўтган ҳисбот даври таҳлилидан иборат. Бунда жорий таҳлилдан чораклар таҳлили ҳамда якуний таҳлилдан йиллик натижалар таҳлили ўрин эгаллайди. Чораклар бўйича ахборотлар ойлик, ундан кискарок муддатли ахборотлардан кенгроқ ва қўпроқ маълумотларни ўз ичига оловучи маълумотларга эгадир.

Якуний таҳлилда хўжалик-молия кўрсаткичларининг натижалари ҳар томонлама комплекс ўрганилади. Корхонанинг барча бўлинмалари кўрсаткичлари, сотаётган моллари, ялпи даромади, муомала харажати, молиявий мустаҳкамлиги, кадрлар билан ишлаши, моддий рағбатлантирилиши, моддий-техника базасининг ўстирилиши, бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларнинг йиллик натижаси якуний ҳолатда таҳлил этилади. Айниқса ижобий ва салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш мухимdir. Салбий таъсир этган ва келгусида ҳам кутилиши мумкин бўлган таъсирни имкони борича бартараф этиш ёки салбий таъсири кучини камайтишга интилиш чораларини кўрмок лозимdir. Якуний таҳлил корхонанинг ўз олдига қўйган барча кўрсаткичлари бўйича режаларни бажарилганини ва улардан фарқини чиқаришга имкон яратади. Бунда корхонанинг ўз манфаатлари билан биргаликда давлат ва ходимлари манфаатлари таъминланиши керак.

Айрим корхоналар, фирмалар, компанияларда истиқболли таҳлил ҳам амалга оширилади. Истиқболли таҳлилда асосий қонуниятлар, тенденциялар аниқланиб, истиқболдаги иқтисодий ривожланиши башорат қилинади. Бундай таҳлил стратегик режалар тузишга қўл келади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар корхоналари, фирмалари ўз фаолияти натижалари таҳлилини ўзи ўтказиш билан бирга маҳсус текширув,

таҳлил этиш муассасаларига шу ишни бажариш масаласида мурожаат этадилар. Ҳеч кимга бўйсунмайдиган мустакил аудитор фирмалари шартлашув алоҳида пулли равиша хўжалик-молия натижаларини таҳлил қилиб беради. Бу хизмат экспертлари корхона иктисадчилари, бухгалтерлари назаридан четда қолган барча таъсир этувчи омилларни жалб этиб, чукур иқтисодий таҳлил қиласи, ички имкониятлар ва резервларни аниқлаб беради.

### **13.5. Таҳлил натижаларидан чакана савдо корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланиш**

Иқтисодий таҳлилдан мақсад корхонанинг фаолиятини ҳар томонлама ўрганиб, ривожланишининг ички имкониятлари ва резервларини топишидир. Навбатдаги самарали иш бу имкониятларни ҳаётга тадбиқ этиш йўллар ва чоратадбиirlарини ишлаб чишиб, корхонанинг хўжалик-молия фаолияти натижаларининг ҳар томонлама яхшиланишга эришишдир. Иқтисодий таҳлил корхонага реал фойда келтирилганида ўзини оклаган ҳисобланади.

Ички фойдаланилмаган имкониятлар хўжаликнинг барча фаолият тармоқларида, бўғинларида, корхонага раҳбарликда, раҳбарликнинг функционал бўлимларида мавжуд бўлиши мумкин. Ички имкониятларни чакана товар айланмасини оширишда ҳам, мол келтириш манбалари билан ишлашда ҳам, меҳнат масалаларида ҳам, моддий-техника базасидан фойдаланишда ҳам, хуллас фаолиятнинг турли томонларидан излаш мумкин ва лозимdir. Бунда корхона имкони борича камроқ харажатлар билан қўпроқ ижобий натижаларга эришишни назарда тутмоғи лозим.

Иқтисодий таҳлил ички имкониятларни топиш, аввало корхонанинг мўлжалланган ўз дастурларига танқид нуқтаи назаридан баҳо беришдан бошланади. Бунда ракобатчи корхоналар билан таққослаган ҳолда эришиши мумкин бўлган кўрсаткичларнинг янги даражаси кузатилиши мумкин. Айниқса ракобатчилардан ўзишга мўлжалланган интилиш корхонанинг технологик жараёнларини, аҳолига хизмат қилиш усуслари ва сервис хизматини такомиллаштиришга олиб келади.

Харидор ва мижозларни йўқотмасликка интилиш бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар корхоналари учун хосдир. Корхона ҳаридорлари ўрганилиб, улар талабининг ўзгаришларини ўз вақтида инобатга олиш ва кондириш, янги мижозлар топиш чора-тадбирлари ишлаб чикилади. Рақобатчи корхоналардан сифатлироқ молларни ҳаридорларга таклиф этиб, реклама килиш, сотишдан кейинги хизматларни йўлга қўйиб, ҳаридорлар сонини, сифатини ошириш корхонани янги-ютуқларга эришиш йўлларидан биридир.

Иқтисодий таҳлил натижалари айниқса корхонани бошқариш жараённада тўғри раҳбарлик карорларини чиқаришга ва корхонани баркарор ривожини таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Айнан ўз вақтида чиқарилган тўғри раҳбарлик қарори корхона хўжалик-молия фаолияти ютуқларининг гаровидир.

#### **Мустақил ишлаш учун назорат саволлари**

1. Корхона фаолиятини баҳолашда қандай иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади?
2. Чакана савдо корхоналарини бошқаришнинг иқтисодий усуллари деганда нимани тушунасиз?
3. Чакана савдо корхоналари фаолиятининг жорий ва яқуний таҳлили қандай амалга оширилади?
4. Таҳлил натижаларидан қандай максадларда фойдаланилади?
5. Чакана савдо корхоналари даромадлари, харажатлари ва фойдаси қандай таҳлил қилинади?

### **14-боб. ПАБЛИК РИЛЕЙШНЗ ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА**

#### **14.1. Паблик рилейшнз тушунчаси, унинг моҳияти ва ривожланиш эволюцияси**

Паблик рилейшнз бу – жамоатчилик билан алоқалар тизими бўлиб, фирма ва жамоатчилик ўртасида ўзаро муносабатларни ривожлантириш бўйича доимий фаолиятни кўзда тутади.

Паблик рилейшнз (PR) фаолият кўрсатаётган корхона ёки ташкилот менежментининг функцияларидан бири сифатида тушунилади. Паблик рилейшнз кўплаб таърифлари мавжуд бўлиб, уларнинг ичидаги кискачаси куйидача паблик рилейшнз – ташкилот ва жамоатчилик ўртасида коммуникация ўрнатиш ва кўллаб-кувватлаш бўйича менежментнинг мустақил функцияси.

Коммуникация бу – одамлар ўртасида ахборот алмашиниш. Ахборот алмашиниш шунингдек, ташкилот ва одамлар ўртасида, турли ташкилотлар ўртасида ҳам амалга оширилади.

Оммавий коммуникация бу – одамларни хабардор қилиш ва уларнинг баҳолари, фикри ва хулқ-атворига таъсир этиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали систематик хабарлар тарқатишидир.

Шу билан бирга, паблик рилейшнз маркетинг билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Гарб мамлакатларида таъкидлаб ўтилишига кўра, PR «product» (маҳсулот), «price» (нарх), «promotion» (илгари суриш), «place» (жой) билан бир қаторда маркетинг мажмuinинг бешинчи «P» («пи») элементи хисобланади. Бироқ PR «илгари суриш»дан шуниси билан фарқ қиласиди, у жамоатчилик онгига маҳсулотнинг ўзидан кўра кўпроқ корхонани илгари суради (реклама қиласиди). Маҳсулотни (товарни, хизматни) илгари суриш асосан истеъмолчилар билан, PR эса – кенг жамоатчилик билан амалга оширилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, паблик рилейшнз бир вақтнинг ўзида кенг жамоатчиликка маълум бир фаолият билан шуғулланувчи корхонани таниширадиган реклама воситаларидан бири ҳам хисобланади. Куйидаги

мухим бир хусусиятни хисобга оли керак: PR товарни эмас, фирмани ва бозорда эмас, жамиятда илгари суришга йўналтирилади. PR маҳсулотни дархол сотиш билан боғлиқ эмас. Бу узок муддатли реклама.

«Паблик рилейшнз» ифодаси сўзма-сўз олганда оммавий, ижтимоий жамиятга тааллукли муносабатларни англатади. Ҳозирги пайтда мос келувчи адабиётларда битта тушунчанинг иккита бир хил аҳамиятга молик номи - «паблик рилейшнз» ва «жамоатчилик билан алоқалар» кўп учрамоқда.

PR фаолиятининг асосий йўналиши жамоатчилик онгини бошқариш, яъни ташкилот муваффақиятга эришиши учун кулай бўлган ички ва ташки ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, психологияк мухит яратиш хисобланади. Бу стратегик мақсадга фирманинг ижтимоий мухит: мижозлар, хукумат органлари, оммавий ахборот воситалари, фирма ходимлари билан коммуникацияларсиз эришиб бўлмайди.

PR тизими таклиф этилаётган маҳсулот, ташкилот, корхона ёки бирон-бир ҳодиса борасида жамоатчилик фикрини шакллантириш, кучайтириш ёки ўзгартериш мақсадида жамоатчилик фикрига таъсири кўрсатиши лозим. Фикр бу – алоҳида шахснинг бирон-бир ҳодисага муносабатидир. Бир гурух одамлар фикри жамоатчилик фикри сифатида тавсифланади.

Жамоатчилик фикри бу – жамиятда юз бераётган ҳодисаларга, турли гурухлар, ташкилотлар, алоҳида шахслар фаолиятига муносабатдан (очик ёки яширин) иборат бўлган оммавий онг холатидир. Бу воқелик ҳакида фикр мuloҳазалар йигиндисидир. Фикр ижобий, салбий, бетараф, мавжуд эмас бўлиши мумкин.

Тижорат соҳасида жамоатчилик фикри коидага кўра, бозор тадқикотлари асосида аниқланадиган маҳсулот (товар, хизмат), бозор конъюнктураси, рақобатчиларнинг бозор сиёсати ва ҳ.к. ҳакида хусусий фикрлар синтези сифатида аниқланади.

Фирма ўз фаолияти жараённида доимий равища ишбилиармон жамоатчиликка, яъни молиявий муассасалар, маҳаллий ва марказий хукумат органлари, ҳамкорлар, акциядорлар, харидорлар ва ҳ.к. билан дуч келади.

Оқилона ташкил қилинган PR тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилишдаги камчиликларни тезкорлик билан аниқлашга ёрдам беради. PR билмасдан туриб жамоатчилик билан самарали ҳамкорлик ўрнатиб бўлмайди.

Жамоатчилик бу – вазият муаммолилигини биладиган ва унга бир хил тарзда жавоб берадиган, маълум бир ҳолатлар таъсири остида юзага келган одамлар гурухидир. Ички (ёпик) ва ташки (очик) жамоатчилик фарқланади. Ички жамоатчилик бу – хизмат муносабатлари, анъаналар, хизмат интизомига бўйсунадиган корпоратив жамоатчилик билан бирлаштирилган корхона ходимларидир. Бундай умумийлик ижтимоий умумийлик деб аталади. Ташки жамоатчилик бу – товар ва хизматлар кўп сонли истеъмолчилар гурухи, оммавий ахборот воситалари, сиёсий ҳаракатлар, партиялар ва фракциялар қатнашчилар. «Ўз» жамоатчилиги бу – мазкур корхона ўз фаолияти ўзига хосликлари туфайли у ишлаши мумкин бўлган одамлар доираси.

PR мухим элементи саналган ишбилиармонлик мулокоти фирманинг тадбиркорлик фаолиятидаги жорий ва истиқболли вазифаларни ҳал этишга қаратилади. Ишбилиармонлик мулокоти бу – бизнес бўйича ҳамкорлар билан кутилаётган натижага эришиши учун алоқага киришишга имкон берадиган фаолият.

«Паблисити» деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, у билан «паблик рилейшнз» ўртасида калин алоқа бор. Сўзма-сўз таржима қилганда паблисити (publicity) корхона ва унинг фаолияти оммавийлиги, машҳурлигини англатади. Бизда «имидж» тушунчasi ҳам кенг тарқалган бўлиб, инглиз тилидан таржима қилганда бу «киёфа», яъни жамоатчилик нигоҳида шаклланган корхона қиёфасини англатади. Ижобий имидж корхонанинг рақобатбардошлигини оширади, истеъмолчилар ва ҳамкорларни жалб қиласди, фаолият ҳажми, демак, корхона даромадларини ҳам кўпайтиради.

Паблик рилейшнз бу – бир вақтнинг ўзида турли мутахассислар – психологлар, социологлар, иқтисодчилар, журналистлар ва ҳ.к. ҳаракатларини синтез қиласидиган санъат ва фандир. Улар фирма нуфузини ривожлантириш

бўйича кампания ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим.

#### **14.2. Паблик рилейшнинг мақсади, вазифалари ва функцияси**

Жамоатчилик фикрига таъсир борасида фаолият соҳаси, билимлар соҳасининг вужудга келиши қадимги замонларга бориб тақалади. XX асрда инсон фаолияти турларининг ўсиши, ахборот тарқатишнинг техник воситалари ривожланиши билан жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш усуслари тобора мустакил жиҳатларга эга бўлди ва «паблик рилейшнз» мустакил фанига айланди.

PR фаолияти жамиятни бошқариш элементларидан бири сифатида бутун инсоният тарихи давомида мавжуд бўлиб келган. PR хизмати алломатларини Қадимги Шарқда ҳам, Қадимги Мисрда ҳам, Қадимги Греция ва Римда ҳам кузатилган. «Publicrelations» ибораси илк марта 1807 йил АҚШ президенти Томас Джефферсон томонидан «Конгрессга еттинчи мурожаат»да қўлланган.

«Паблик рилейшнз» мустакил фаолият тури ва фанининг юзага кедиши XX аср бошларига бориб тақалади. 1900 йил АҚШнинг Гарвард університети паблисити бюросидан фойдаланди, Пенсильвания штати университетида эса 1904 йил ўз паблисити офиси ташкил қилинди. Дастребки PR йирик бюроси 1912 йил Америка телефонн-телеграф бирлашмасида ташкил этилди. 1918 йил PR фани Иллинойс штати университетида, 1922 йил эса - Нью-Йорк университетида ўкув режасига киритилди. 1923 йил З.Фрейднинг жияни Э.Бернауз ўзининг PR ҳакида дастребки «CrystallingPublicOpinion» «Жамоатчилик фикрини кристаллаб» китобини босиб чиқарди. 1930 йилларнинг бошларида АҚШда паблик рилейшнз менежментнинг мустакил функцияси сифатида юзага келиб, мамлакатнинг йирик компанияларида кенг тарқалди.

Ҳозирги пайтда 5400 дан ортиқ америкалик компания PR бўлинмаларига эга. Ҳозир АҚШда 5080 дан ортиқ PR агентклари мавжуд бўлиб, PR бизнесида 9000 га яқин коммуникация бўйича мутахассислар ишламоқда. Икки юздан ортиқ университет ва колледжда талабалар PR бўйича сабок олмоқда.

1948 йил АҚШда PR жамияти ташкил этилди.

1948 йил Буюк Британияда Жамоатчилик фикри Институти (InstituteofPublicRelations - IPR) очилди. Ҳозирги пайтда институтда 3000 дан ортиқ киши ишламоқда. 1955 йил Лондонда Халқаро была паблик рилейшнз ўшмаси - InternationalPublikRelationassociation (IPRA) таъсис этилди, у ҳозирда 65 дан ортиқ мамлакат мутахассисларини бирлаштириб турибди. Буюк Британияда PR йирик ташкилоти – Марказий ахборот агентлиги мухим роль ўйнайди, у давлат ташкилотлари ва муассасаларига жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида турли маслаҳат хизматлари кўрсатади.

1970 йилларда PR бутун дунё бўйлаб кенг тарқалди. Жамоатчилик билан алоқалар бўйича мустакил бўлинмалар Халқаро валюта фонди ва Европа тикланиш ва тараққиёт банкида ҳам мавжуд.

Мамлакатимизнинг бозор иктисодиётига ўтиш шароитларида PR имкониятларига тобора катта эътибор қаратила бошлади. Кўплаб давлат ва тижорат ташкилотлари ва корхоналарида PR усусларидан фойдаланиш зарурати юзага келди. Ҳозирги пайтда йирик саноат фирмалари ва компаниялари PR хизматига эга бўлиб бормоқд. Бу йўналишда Савдо-саноат палатасининг хизматлари мухим аҳамият касб этади.

#### **14.3. Паблик рилейшнз концепцияси. Паблик рилейшнз хизматлар бозорида**

PR асосий мақсади фирманинг жамиятда муваффақиятини яратиш ҳисобланади. Бундан кўйидаги асосий мақсадлар келиб чиқади.

1. PR обьектини позициялаш (ингл, position – ҳолат, жойлашув), яъни фирманинг ижобий имиджини яратиш ва қўллаб-куватлаш, фирмага «ишончсизлик тўсифи»ни бартараф қилиш.

2. Рақобатчилардан устунлик қилиш.

3. Контрреклама – турли сабабларга кўра пасайган имиджни тиклаш, фирма ҳақида ғирром ахборотларни инкор қилиш. Контрреклама салбий ахборотнинг салбий оқибатларини тугатиш мақсадида амалга оширилади.

4. Фирма фаолиятига ташқи мухит таъсирин ўрганиш, давлат сиёсатини, халқаро вазиятни, жамоатчилик фикрини, жамият кайфиятини мониторинг қилиш.

Корхона томонидан амалга ошириладиган PR-кампаниянинг асосий мақсади жамоатчиликнинг ижобий фикрини яратиш ва ушбу корхона маҳсулотлари истеъмолчиларининг муайян доираси хурматини қозонишидир. Бу мақсадга эришиш воситаси кенг тақдимот, кўргазма ва ҳ.к. ўтказиш йўли билан корхонанинг ижтимоий-иктисодий мухит: истеъмолчилар, хукумат органлари, оммавий ахборот воситалари билан жамоатчилик алоқаларини ривожлантириш хисобланади.

Жамоатчилик билан алоқалар бўйича ишларнинг асосий вазифаларидан бири «ўз» жамоатчилиги доирасини тўғри белгилаш ва унинг жамоатчилик фикрини шакллантириш хисобланади.

PR фирма ва унинг фаолияти борасида кўнгилсиз мишишларга қарши кураш, жамоатчилик билан тушунсовчиликлар ва низоларнинг олдини олиш билан шугулланиши лозим. Масалан, биронта бино қуришга киришишдан олдин маҳаллий аҳоли билан жуда жиҳдий ишларни бажариш лозим. Акс ҳолда аҳоли норозилик намойишларини ташкиллаштириши мумкин.

PR-кампания жамоатчиликка корхона ўз фаолиятида аввало, жамият ва унинг ҳар бир аъзоси манфаатларидан келиб чиқишига ишонтириши лозим. Бунинг учун PR яширин усусларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, кам таъминланганларга ёрдам кўрсатиш, ҳомийлик фаолияти. Бунда фирманинг хайрия ишлари ҳакида ахборот жамоатчилик орасида кенг тарқалиши зарур.

Бутунжаҳон PR Ассоциацияси томонидан ор-номус Кодекси қабул килинган бўлсада, доим ҳам амал қилинавермайди. Кўпинча ташкилотлар ва айрим машхур шахслар атайн ташкиллаштирилган жанжаллар ва мишишлардан ўз манфаатларида фойдаланади.

PR соҳасидаги серкирра фаолият мақсадларга эришиш ва вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган функциялар мажмуини ўз ичига олади.

Таҳлилий-башорат функцияси ахборот сиёсати, унинг тактика ва

стратегиясини ишлаб чиқишига қаратилади. Бу ерга ҳамкорларни ўрганиш, муайян вазиятларни таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини баҳолаш, таҳлил натижаларини қарор қабул қилиш учун тайёрлаш киради.

Ташкилий-технологик функция фаол PR-кампаниялар харакатлари, ишбилиармонлик учрашувлари, анжуманлар, ОАВ иштироқидаги тақдимотлар ўтказиш ва ташкиллаштириш бўйича ҳаракатларни камраб олади.

Ахборот-коммуникатив функция тушунтириш ва тарғибот-ркл ишларини бажаришда ахборот тайёрлаш ва тарқатиши кўзда тутади.

Маслаҳат-услубий функция жамоатчилик билан алоқаларни ташкил қилиш ва ривожлантириш, ҳамкорлик шаклларини, турли дастурлар ва PR-кампаниялар ишлаб чиқиши бўйича маслаҳатларни назарда тутади.

PR хизматининг иш унумдорлиги қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланади:

- мақсадли ва ўз доираси билан ишбилиармонлик алоқалари доирасини кенгайтириш;
- ОАВ, жамият ва хукумат структуралари билан фаол алоқаларни ривожлантириш;
- юзага келган фирманинг салбий имиджини (зиён келтирадиган мишишларни) контрреклама ва PR тадбирлари ёрдамида бартараф этиш;
- PR ёрдамида инқирозли вазиятларни тутатиш.

PR фаолият йўналишлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- оммавий ахборот воситалари билан ишлаш;
- кенг ва маҳаллий жамоатчилик билан алоқалар;
- истеъмолчилар билан алоқалар;
- ҳамкорлар билан алоқалар;
- ўз ходимлари (персонал) билан алоқалар;
- давлат ва маҳаллий хукумат органлари билан алоқалар;
- инвесторлар билан алоқалар;
- инқирозни бошқариш ва ҳ.к.

## **Мустақил ишлаш учун назорат саволлари**

1. Паблик рилейшнз деганда нимани тушунасиз?
2. Паблик рилейшнзниң ривожланиш эволюцияси түгрисида гапириб беринг?
3. Паблик рилейшнзниң мақсади, вазифалари ва функциялари нималардан иборат?
4. Паблик рилейшнзниң қандай концепцияларини биласиз?
5. Паблик рилейшнзниң хизматлар бозорида тутган ўрни түгрисида гапириб беринг?

## **15-боб. ПАБЛИК РИЛЕЙШНЗ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

### **15.1. Паблик рилейшнз хизматининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги**

Мұваффакиятли фаолият юритиш учун корхона ва ташкилотлар, айникса, фаолият ҳажми кенг бўлган йирик корхона ва ташкилотлар доимий равища жамоатчилик билан ўз алоқаларини ривожлантириш ва бунда оммавий ахборот воситалари билан ишлашига тўғри келади. Оммавий ахборот воситалари бу – ҳар хил турдаги ахборотларни кенг мулокот доирасига тезкорлик билан етказадиган ташкилий-техник комплекслардир. Ахборот воситаларга караб оғзаки ёки ёзма шаклда, визуал тарзда ёки мусика жўрлигига берилиши мумкин.

Хозирги пайтда қуйидаги оммавий ахборот воситалари кенг тарқалган:

- ахборот агентликлари;
- матбуот;
- радио;
- телевидение;
- Интернет.

Ахборот агентликлари бу – қоидага кўра, пуллик асосда ахборот тўплайдиган ва оммавий ахборот воситаларини (газета, журнал, радио, телевидение), давлат, жамоат ва тијорат муассасаларини янгиликлар билан таъминлайдиган ташкилотлар.

Масалан, АҚШнинг Широко, например, AssociatedPress (AP) ахборот агентлиги жуда машур. У дунёнинг дунёнинг тури мамлакатларида 80 дан ортиқ ва АҚШнинг ўзида 140 та бюрга эга. Ушбу агентлик дунё бўйлаб 15 мингдан ортиқ мижозга (газета, журнал, теле ва радиокомпаниялар, давлат ташкилотлари ва х.к.) хизмат кўрсатади.

АҚШда йириклик даражаси бўйича иккинчи ўринда турадиган ва AP рақобатчиси бўлган UnitedPressInternational (UPI) АҚШ да 146 та ва унинг худудидан ташқарида 80 дан ортиқ бўйнмага эга.

Москвада 16 дан ортиқ маҳаллий ахборот агентиклари мавжуд. уларнин горасида энг машхурлари РИА «Новости», ИТАР-ТАСС, «Прайм»-ТАСС, «Интерфакс» бўлиб, уларнинг ахборотларидан турли оммавий ахборот воситалари кенг фойдаланади.

Алоҳида ташкилот ва корхоналар буюртмаси билан оммавий ахборот виситалари мониторинги билан шуғулланадиган ахборот агентликлари ҳам мавжуд. Мониторинг бу – матбуот, радио, телевидениедаги хабарларни кузатиб бориш, таҳлил қилиш ва баҳолашдир. Бундай агентликлар исталган масала бўйича ва исталган компания ҳакида газета ва журналларда босиб чиқарилган материаллар тақдим этиши мумкин. Масалан, АҚШда шундай агентлик мавжуд — пресс-клипинг бюро Vitttel, у ҳар куни ўз мижозларига 50 минггача клип-подборка (clip — кирқиб олинган парча) юборади. Бюро 1700 та кундалик ва 8300 та ҳафталик газетага, 6300 та журналга обуна бўлган. Бюро хизматларининг нархи ойига 200 долларни ва бундан ташкири, ҳар битта клип учун 1 долларни ташкил қиласди.

АҚШда асосий радио ва телестанцияларни куну-тун мониторинг қилиш билан шуғулланувчи компаниялар мавжуд.

Ҳар бир корхона ўзи ҳакида ижобий ахборот тарқатиш, жамоатчилик фикрини яратишга интилади. Шу билан бирга, корхона учун бошка фирмалар, ракобатчилар фаолияти ҳакидаги ахборотлар, шунингдек, ОАВда улар ҳакида чиқарилган барча ахборотлар қизиқиши уйғотади.

ОАВ мониторинги корхоналар томонидан нафақат ўз фаолияти ҳакида жамоатчилик фикрини баҳолаш учун олиб борилади. У бошка корхоналар ва ракобатчиларнинг ўз муаммоларини ҳал қилишдаги тажрибасини таҳлил қилиш ва фойдаланиш, ракобатбардошликини оширишда катта фойда бериши мумкин.

Матбуот бу – даврий босма нашрлар бўлиб, уларнинг категорига газета ва журналлар киради. Фақат Москва шаҳрининг ўзида 600 га яқин даврий нашрлар босиб чиқарилади. «Аргументы и факты» ҳафталик газетаси энг оммавий саналиб, ҳатто 1998 йилги иқтисодий инқироз шароитларида ҳам унинг адади 3 млн. нусхадан ортиқ бўлган. АҚШда 1650дан ортиқ кундалик газета

чиқарилади.

Дунёнинг етакчи газеталари турли хорижий мамлакатлarda ўз бюроларига эга. Масалан, Москвада «Time» ҳафталик журнали (адади 4 млн. экз. ҳажми 80-100 бет.), «WallStreetJornal» (2 млн. экз.), «NewYorkTimes» (1,2 млн. экз.), «BusinessWeek» (1 млн. экз.) газеталари ва ҳ.к. каби АҚШнинг ийрик нашрларига тегиши бюролар ишлаб турибди.

Газеталар асосан жорий долзарб воқеа-ҳодисалар ҳакида ахборот, таҳлилий-шарҳлов материаллари чоп этади. Реклама-ахборот материалларига катта жой ажратилади. Масалан, америка ва немис газеталари 50-70%га турли ташкилотлардан PR бўйича мутахассислар юборган материаллардан иборат. Газета ҳажми турлича, 2 бетади 100 бетгача ва ҳатто ундан кўп ҳам бўлади.

Газеталар қўйидагича фарқланади:

- чиқиши даврийлиги бўйича – кундалик (тонги, кечки); якшанбалик; ҳафталик;
- кўлами бўйича – марказий ёки умуммиллик; минтақавий; маҳаллий (вилоят, туман, шаҳар); корпоратив (компания, ОТМ ва ҳ.к.);
- ихтисослик бўйича (оммавий; ихтисослашган; тармок).

Қоидага кўра, ҳар бир газета маълум бир сондаги, ижтимоий-демографик катламдаги ўз мулокот доирасига эга бўлади. ўз фирмаси ҳакида реклама-ахборот материаллари тайёрлар экан, PR бўйича мутахассислар улар қайси ижтимоий гурухга караб иш тутиши кераклигини билишлари лозим.

Радио, худди матбуот каби, ахборот агентликлари тақдим этадиган ахборотдан кенг фойдаланади. Бу ахборотлар мухаррирлар томонидан радио учун қулай шаклдаги матнга айлантирилади.

Фақат Москва шаҳрининг ўзитда 30 та маҳаллий ва 90 га яқин хорижий телевидение ва радиокомпаниялар рўйхатдан ўтган.

Радио матбуот олдида шундай афзалликка эгаки, у аҳолининг кенгрок катламларини қамраб олади. Радио автомобилда кетаётганда ҳам, бўш вақтда ва ҳатто иш жараёнида ҳам тингланиши мумкин.

Телевидение овоздан ташкири тасвир кўрнишида ҳам бериладиган

ахборотларни уйғулыштиради.

Москва шаҳрида 80 га яқин хорижий телерадиокомпаниялар ўз бюросига эга. Уларнинг оррасида энг машхури CNN (CableNewsNetwork) хусусий телекомпанияс хисобланади. У кабель орқали узатиладиган кўрсатувлар учун абонент тўловлари ва рекламадан олинадиган даромад хисобига кун кўради. Компания суткасига 24 сота ишлайди ва турли қитъалардаги 150 дан ортиқ мамлакатда намойиш этилади.

Буюк Британиянинг машхур BBC (British Broadcasting Corporation) давлат телерадиокомпанияси 46 дан ортиқ тилда кўрсатув ва эшигтиришлар беради.

Интернет аста-секинлик билан оммавий ахборот воситалари қаторига кириб бораётган нисбатан янги ахборот воситаси хисобланади. Интернет орқали матн, овоз, ҳаракатланаётган рангли тасвирлар (анимация), видеодан фойдаланиш мумкин. Ушбу халқаро ахборот тизимидан фойдаланувчилар сони кун сайин ўсиб бормоқда. Агар 1996 йил Интернетта ҳафтасига 61 млн. киши уланган бўлса, 1998 йилда - 147 млн. киши уланди. 2015 йилга келиб, глобал компьютер тармоғидан фойдаланувчилар сони ??? кишига етиши кутйлмоқда.

Для поиска информации в сети Интернет тармоғида ахборот қидириб топиш учун WordWideWeb (WWW – бутужаҳон ўргимчак тўри) ахборот-қидирив тизими хизмат киласи, у ахборотларни матндан тортиб то овоз ва видеотсвирлар кўринишигача мультимедиа шаклида тақдим этади.

Интернет тармоғидан бизнесда фойдаланиш бир-биридан узоқ масофада жойлашган йирик компания бўлинмалари ўртасида хужжатлар алмашиниш учун фойдаланилган электрон почта хизматидан бошланди. Интернетдан бизнесда фойдаланишнинг навбатдаги йўналишига айланган reklama электрон почта режимида потенциал харидорларга юборилган. Интернетдан reklama мақсадларида фойдаланишга мисол килиб IBM фирмасини келтириш мумкин. 1996 йилнинг баҳорида ушбу компания Россия матбуотида ўзининг WEB-саҳифасини reklama қилиш учун ўн минглаб доллар маблағ сарфлади. Савдо корхоналари Интернетдан асосан товарларни reklama қилиш ва диалог тарзида савдони ташкил қилиш учун фойдаланади. Интернет улгуржи савдо соҳасида

кенг фойдаланилади.

Интернетдан фойдаланиш тижорат структураларига катта микдорда маблағлар тежаб қолишига имкон беради, чунки reklama ҳаражатлари - 60%, полиграфия ҳаражатлари - 40%, маслаҳат ҳаражатлари - 50% ва транспорт ҳаражатлари - 80% қискаради.

Паблик рилейшнз ахборот материаллари

Ўзига нисбатан барқарор ижобий муносабатни таъминлаш мақсадида корхоналар матбуотга турли ахборот материалларини мунтазам равища тақдим этиб туриши керак. Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши билан бозорда ишлашнинг янгича тушунчалари, атамалари пайдо бўлди. Биз учун янгилик саналган PR ахборот материаллари пайдо бўлди. Улар қаторига куйидагилар киради:

1. Бэкграундер (backgrounder) – сенсация ҳарактерига эга бўлмаган, корхона ва ташкилотлардаги жорий ҳодисаларни акс эттирадиган ахборот маълумотлари. Бу ОТМда очик эшиклар куни ўтказилиши ҳақидаги хабар, биронта фирманинг магазинлари куну-тун ишлаши ҳақида хабар ёки масалан, қурилиш материаллари ассортиментини кенгайтириш ҳақида хабар бўлиши мумкин.

2. Ньюз-релиз ёки пресс-релиз (new-release, press-release) – матбуот учун тайёрланган, кенг жамоатчилик учун фойдали ахборот ёки муҳим янгиликдан иборат бўлган хабар. Бу кенг омма учун кизикиш уйғотадиган биронта муассаса, йирик магазин очилиши ҳақида хабар бўлиши мумкин.

3. Медиа-кит (media-kit) – матбуот орқали кенг мулоқот диорасига тарқатиладиган бир неча хил турдаги ахборот материаллари комплекти. Кит (комплект) савол-жавоб кўринишида бажарилган материалдан иборат бўлиши мумкин.

4. Фитче (feature) – сенсацион, кўнгилочарлик материали. Бу мақола латифалар, кулгили ва қизикарли вазиятлардан фойдаланган ҳолда юмористик шаклда баён килинади. Шу билан бирга у кенг омма учун фойдали ишбилармонлик ахбороти ҳам бериши керак.

5. Кейс-тарих (casehistory) – корхона фаолияти тарихида рўй берган воқеа, сюжет бўлиб, корхона нуфузининг ортишига хизмат қилиши лозим. Бунда кейс-тарихда баён қилинган тажриба жамоатчилик учун қизиқиш уйғотиши ва бошқ корхоналар томонидан фойдаланиши лозим. Бу ерда муаммо қандай воситалар билан ҳал этилгани, уни ҳал қилиш натижасида қайси ижобий натижалар олингани кўрсатилиши лозим.

6. Бирон-бир муаммо бўйича номи ёзилган (by-liner) мақолалар мутахассис томонидан ёзилади. Қоидага кўра, фирма раҳбарни номи билан имзоланади ва чоп этилади. Бундай муаллифлик мақолалари раҳбарни эксперт сифатида, фирма раҳбарияти ва корхона нуфузини сезиларли даражада оширади.

7. Шарҳли мақолалар (round-uparticle) қоидага кўра, нисбатан йирик муаммоларга бағишинади. Корхона фаолияти миқёсига караб, унинг ходимлари минтақа, мамлакат ёки ўз тармоғи даражасидаги муаммоларни ва уларни ҳал қилиш йўлларини тақдим этишлари мумкин. Бундай маколалар чоп этишини турли нашрлар учкалик хуш кўрмайди.

8. Бирон-бир корхонанинг матбуотдаги баёноти одатда унинг бирон-бир масала борасидаги, юзага келган вазиятдаги сиёсатини изоҳлаш, тушунтириш зарурати билан боғлик бўлади. Баёнот кўнгилсиз оқибатларнинг олдини олиш учун химоя характеристига эга бўлиши мумкин.

9. Интервью – ахборотга эга бўлган шахс ва уни олиш истагида бўлган журналист ўртасида мулокот, савол ва жавоблар кўринишидаги сухбат.

10. Репортаж – у ёки бу ҳодиса мазмунини шу ҳодисанинг бевосита иштирокчиси ёки гувоҳи бўлган шахс номидан тақдим этиш.

11. Брифинг – муассаса раҳбариятининг журналистлар билан вақт бўйича кисқа учрашуви. Брифинг муайян далилларни намойиш этган ҳолда бир томонлама хабардор қилиш характеристига эга бўлади. Бу матбуот анжуманининг ўзгинаси, факат шарҳларсиз кўринишда, холс.

**Паблик рилейшнинг хизматининг оммавий ахборот воситалари билан ишлаши.** Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари «Оммавий ахборот

воситалари тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Ахборот, ахборотлаштириш ва ахборотни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар асосида фаолият кўрсатади. Ушбу қонунлардан ташқари ОАВ ўз фаолиятида мамлакат Президенти ва ҳукуматининг турли фармонлари, қарорлар ва фармойишларига амал килади. ОАВ билан ишлашда барча корхона ва ташкилотлар доимо ушбу хужжатларга асосланади.

PR хизмати учун асосий вазифа ОАВ билан алоқа ўрнатиш ва улар орқали жамоатчиликка (мулокот доирасига) таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Бунинг учун PR хизмати куйидаги ишларни амалга ошириши лозим:

- ОАВ томонидан чоп этилган ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;
- ОАВ учун ахборот тақдим этиш;

Корхона учун ОАВ хуш кўришига эришиш мухим вазифа ҳисобланади. PR мутахассислари ўз фирмаси ва ОАВ ўртасидаги муносабатларни бошқаришга харакат қилишлари лозим. ОАВ билан муносабатларни шакллантириш экак, фирма у билан ўзаро алоқалар аниқ сиёсатини белгилаб олиши лозим. Бу сиёсат PR хизматининг қоидаларга амал қилишини кўзда тутади:

- ОАВ билан мулокот қилиш учун доимо очик бўлиш;
- ОАВ учун уларни асосида журналистлар чоп этиш учун материал тайёрлайдиган материаллар тақдим этиш;
- ОАВга уларни ўрганиш ва ўз вактида чоп этиш имкониятини бериш учун ахборотни олдиндан бериш;
- ОАВ учун хабарлар аниқ, тушунарли бўлиши ва қабул қилинган меъёрларга жавоб бериши лозим;
- хабарлар объектив, муболагасиз ва хатоларсиз бўлиши лозим;
- ёлғон хабарларга, нотўғри далилларга зудлик билан жавоб бериш ва уларни рад қилиш зарур.

PR хизмати ОАВ билан амалга ошириладиган ишларни ўз раҳбарияти билан мувофиқлаштириши ва доимо ўз ахборотига керакли оҳанг бериши лозим.

## **15.2. Паблик рилейшнз тадбирларини ташкил этиш**

Корхоналарнинг истеъмолчилар билан муносабатлари биринчи навбатда, «Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун асосида ташкил қилишлари лозим.

Истеъмолчилар билан муносабатларнинг асосий мақсади – корхонанинг ўз маҳсулотларини соитш ҳажмини оширишдир. Бу мақсад қўйидаги шартларда эришилиши мумкин:

1. Мавжуд истеъмолчиларни саклаб колиш. Истеъмолчилар билан муносабатлар маълум бир харакатлар билан бу харидорларнинг фирмадан қоникқанлигини таъминлаши лозим. Масалан, ўз мавзесидаги доимий харидорларга товарни кредиттга, «чин сўз»га ишонган ҳолда берар экан, озиқовқат магазини бу одамларни ўзига «боглаб» қўйиши мумкин.

2. Янги истеъмолчилар жалб қилиш. Масалан, бирон-бир табиий оғат ёки фавқулодда вазият рўй берган ҳолатда фирма бундан зарап кўрганларни озиқовқат, иссиқ кийим билан таъминлаган ҳолда ўзи учун ижобий имидж яратади, демак, янги харидорларни жолб қиласди, бу эса маҳсулот сотиш ҳажмининг ўсишига олиб келади.

Истеъмолчилар билан баркарор, ишонч асосидаги муносабатлар анча кўпроқ товарлар ва хизматлар сотишга имкон беради. Шу боисдан истеъмолчи билан муносабатлар PR фаолиятининг мухим йўналиши хисобланади. Фарб мамлакатларида кўплаб фирмалар PR хизмати таркибида истеъмолчилар билан муносабатлар бўлинмаларига эгадир.

90-йилларда АҚШда консьюмеристик (истеъмолчи) фалсафаси, яъни истеъмолчилар хукукларини ҳимоя қилиш фалсафаси кенг тарқалди. Масалан, Chrysler Motors компанияси товар кафолати билан боғлиқ муаммоларни хал қилишни кафолатладиган «Харидорлар хукуклари хақида Билль» ишлаб чиқди ва эълон қиласди. Харидорлар ишончини саклаш, уларни йўқотмаслик учун фирмалар катта маблаглар сарфлайди. Мисол учун, 1995 йил Intel фирмаси нуқсони бўлган чипли Pentium процессорларини алмаштириш бўйича

кенг миқёсдаги кампанияни амалга ошириди. Натижада компания нафақат истеъмолчилар билан, балки ҳамкорлар ва компьютер сотувчилари билан ҳам ишонч асосидаги муносабатларни саклаб қолди.

Асосий фаолият – товарлар сотишдан ташкири корхоналар харидорларга турли бепул хизматлар кўрсатиши ҳам мумкин. Масалан, товарлар ассортиментининг харидорларни шошириб кўйадиган даражада кенглиги туфайли GeneralElectric компанияси истеъмолчиларни янги товарлар хақида хабардор қиласди, туну-кун ишлайдиган бепул телефон хизматини жорий килди.

## **15.3. Паблик рилейшнз фаолиятининг ташкилий шакллари**

PR соҳасида турли тадбирлар ўтказиш жамоатчилик эътиборини фирмага, унинг фаолияти ва маҳсулотларига қаратиши кўзда тутилган.

Тадбир мақсади ва унга эришиш воситаларини аниқ белгилаб олиш мухим ахамият касб этади. Мақсадга қараб турли тадбирлар фойдаланилиши мумкин. шунга интилиш керакки, тадбирлар жамиятда кенг акс топсин, улар хақида ахборот эса оммавий ахборот воситалари ёрдамида ва бошқа йўллар билан кенг тарқатилсин.

PR тадбирларини самарали ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўриш зарур. Бунинг учун барча босқичлар кетма-кетлиги кўрсатилган ҳолда тўлиқ сценарий, шунингдек, муфассал дастур тайёрланади. Мос келувчи босма материаллар: проспектлар, пресс-релиз, каталог ва х.к. олдиндан тайёрланиши ва чоп этилиши лозим.

Тадбирда иштирок этиш учун таклиф этиладиганлар доираси белгилаб олинади. Уларга тадбир ўтказиш вакти, жойи ва бошқа ахборотлар кўрсатилган дастур билан маҳсус таклифномалар юборилади.

PR соҳасида фирманинг асосий тадбирлари қўйидалар хисобланади:  
— тақдимотлар,  
— анжуманлар,  
— давра столлари,

- очиқ әшиклар куни,
- күргазмалар,
- қабул маросимлари.

Тақдимот (презентация - presentation) – бирно-бир фирма, шахс, маҳсулотни жамоатчилик вакилларига тақдий этиш, кўрсатиш, таништириш.

Корхона тақдимоти қуйидаги сабабларга кўра ўтказилиши мумкин:

- корхона очилиши;
- корхона қайта ташкил қилиниши, янги бўлинмалар очилиши;
- фаолиятда юқори, сифат жиҳатидан янги ютукларга эришилиши ва ҳ.к.

Қоидага кўра, тақдимот янги корхона фаолиятининг бошланғич боскичи ҳисобланади. Бироқ бу тадбир мавжуд корхонанинг бирон-бир янги бўлинмаси – цех, филиал ва ҳ.к. очилиши муносабати билан ҳам ўтказилиши мумкин. Тақдимот нафакат ишлаб чиқариш корхонаси, магазин, ресторон, меҳмонхона учун, балки таълим муассасаси, тиббиёт муассасаси ва ҳ.к. учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Бу тадбир унга кенг жамоатчилик вакиллари, яъни потенциал ҳаридорлар, мижозлардан ташқари, биринчи навбатда, шаҳар маъмурияти, қонунчилик органлари, машхур шахслар ҳам таклиф этилган ҳолларда самарали бўлади. Агар очилиш маросимига оммавий ҳаб воситалари, яъни газета, радио, телевидение ходимлари таклиф этиладиган бўлса, натижанинг юқори бўлиши мукаррар.

Таъкидлаш жоизки, маросимда шаҳар, минтақа ёки мамлакат миқёсида машхур бўлган шахслар иштирок этадиган бўлеа, ОАВ ходимлари тақдимотда бажонудил иштирок этади. Масалан, агар йирик шаҳарда ёки мамлакат пойтахтида қўшма корхона очиладиган бўлса, ташкилотчилар мос келувчи мамлакат элчисини таклиф қилишлари мумкин. Журналистларда элчига жорий сиёsat масалалари, дунёда рўй берадиган ходисалар ва мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар ҳакида савол бериш имконияти пайдо бўлади ва бу уларни тадбирга ташриф буоришга мажбур киласди. Кичик шаҳарларда маҳаллий журналистларда маҳаллий маъмурият, қонунчилик органлари раҳбарияти билан

учрашиш ва улардан интервью олиш имконияти ҳам катта қизиқиши ўйғотиши мумкин.

Шуни эътиборга олиш керакки, шаҳар ёки минтақа раҳбарияти, депутатларни таклиф қилишдан фарқли равишда, очилиш маросимига машхур артистилар, спортчиларни таклиф қилиш уларга гонорар, қимматбаҳо совғалар тақдим этилиши кўзда тутилади.

Тақдимот одатда куннинг иккинчи ярмида ўтказилади.

У шартли равишда икки қисмга бўлиниши мумкин. Биринчи, расмий қисмда фирмани таклиф этилганларга таништириш кўзда тутилади, иккинчи, норасмий қисм эса – фуршет ва ҳ.к.ни ўз ичига олади.

Тақдимотнинг биринчи қисми фирма раҳбарларидан бирининг кириш сўзидан бошланиб, у корхона, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, келгуси режалар ҳакида кискача тавсифнома беради. Маҳаллий ҳукумат вакили ўз чиқишида бу тадбирнинг шаҳар хўжалик ёки ижтимоий тизимидағи ўрни ҳакида гапирини мумкин.

Юқорида айтилган сўзга чиқишилардан сўнг меҳмонларда турли саволлар вужудга келиши мумкин бўлиб, фирма раҳбарлари бу саволларга тўлиқ ва баттағсилик жавоб беришлари керак. Тақдимот жараёнида табриклар, истаклар, фирма фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича конструктив таклифлар билдириш учун меҳмонларга ҳам сўз берилиши мумкин.

Бу кичик сўзга чиқишилар жараёнида ёки улардан сўнг фирма ва унинг маҳсулотлари ҳакида 10 дақиқалик реклама видеофильми намойиш этилиши мумкин. Залда тақдимот қатнашчилари учун йирик фотосуратлар жойлаштирилиши ёки тасвирили диапозитвлар ўрнатилиши мумкин.

Тақдимот ташкилотчилари ўз дастурида реклама ва эсадлик сувенирлари топширишни ҳам кўзда тутиши мумкин. Бундан ташқари, реклама проспектлари, буклетлар, каталоглар тарқатиш кўзда тутилган бўлиши мумкин.

Тақдимотнинг норсамий ҳисобланган иккинчи қисми шу бинонинг ўзида ёки бошқа бинода бўлиб ўтиши мумкин. Қоидага кўра, бино деворлари олдида спиртли ва спиртсиз ичимликлар, шунингдек, бутерброд, салат ва ҳ.к.

кўринишидаги енгил егуликлар қўйилган столлар жойлаштирилади.

Фуршет аҳамиятига кўра тақдимотнинг расмий қисмидан кўра муҳимроқ бўлиши мумкин. Бу ерда тақдимот қатнашчилари эркин ҳолатда кичик гурухларга бирлашиши, бир гурухдан бошқасига ўтиши, танишиши, бир-бирига ташриф қоғозлари бериши, қайсиdir масалаларни муҳокама қилиши, бизнесда ўзаро қизиқарли манфаатлар топиши, келгуси ишбилармонлик учрашувлари хақида келишиб олиши мумкин. Корхоналар раҳбарияти маҳаллий хукумат органлари вакиллари билан дўстона, норасмий алоқалар ўрнатиши муҳим аҳамият касб этади. Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун реклама проспектларидан ташқари, фирма хақида батафсил маълумотлар олдиндан тайёрлаб қўйилиши лозим.

Анжуман бу – илмий, сиёсий, профессионал жамиятларда мулоқот қилиш, муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш воситасидир. Шу билан бирга, анжуманлар тадбиркорлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг ишбилармонлик алоқалари воситаси ҳам ҳисобланади.

Анжуманлар тадбиркорларга ўз гояларини ҳаётга татбиқ этиш, ўз маҳсулотини илгари суриш, ўзи учун бизнесда кулагай вазиятлар яратишга имкон беради.

Анжуманлар ички ва ташки анжуманлар бўлиши мумкин – ички анжуман катнашчилари корхона жамоасининг аъзолари ҳисобланади, ташки анжуманда эса турли муассасаларнинг вакиллари ҳам иштирок этади. Анжуманлар илмий, амалий ва илмий-амалий турларда бўлиши мумкин. Улар исталган муаммолар бўйича: сиёсат, таълим, бизнес ёки масалан, рақобатбардошликни ошириш мақсадида корхоналар ҳамкорлиги масалалари бўйича ўтказилиши мумкин.

Анжуман бошланишидан анча олдин сўзга чикувчиларнинг асосий таркиби тайёрланади. Анжуман ўтказиладиган кунлар, соатлар, маърузалар мавзулари, маъruzачилар кўрсатилган ҳолда анжуман ўтказиш тартиби кўрсатилган дастур олдиндан шакллантирилади. Анжуман материаллари бўйича ҳали анжуман ўтказилишидан олдин ёки унинг натижалари бўйича кенг омма учун қизиқиши ўйғотадиган маърузалар ёки тезислар тўпламлари чоп

этилиши мумкин. Анжуман дастурида экскурсиялар, корхоналар ёки уларнинг бўлинмаларига ташриф буюуриш, фуршет ва ҳ.к. кўзда тутилган бўлиши мумкин.

Анжуман ўтказиш учун шу тадбир учун масъул шахс саналган раис раҳбарлигидаги қўмита ташкил этилиши мумкин. Кўмита таркибига уларнинг ҳар бири анжуман ўтказишнинг маълум бир босқичи – анжумант қатнашчиларини қабул қилиш ва жойлаштириш, уларнинг овқатланишини ташкиллаштириш ва фуршет ўтказиш, ОАВ вакиллари билан алоқалар учун жавобгар бўлган шахслар киради.

Анжуман ва унинг ташкилотчиси саналган корхонани реклама қилиш мақсадида анжуман мавзуси ва мазмунини шундай ташкил қилиш керакки, у кенг ишбилармонлик жамоатчилиги учун катта қизиқиши ўйғотсин, анжуманга оммавий ахборот воситалари қизиқиб қолсин ва унинг материалларини чоп этсин. Бунинг учун анжуман ташкилотчилари олдиндан медиа-кит тайёрлаши ва журналистларга тақдим этишият лозим бўлиб, у куйидалардан иборат бўлиши кўзда тутилади:

- анжуман дастури;
- анжуман ташкилотчиси саналган корхона хақида умумий ахборот (номи, фаолият турлари, қисқача тарихи, структураси ва ҳ.к.);
- анжуман қатнашчилари рўйхати ва уларнинг қисқача тавсифномаси;
- энг муҳим ва жамоатчилик учун қизиқарли бўлган маърузалар тезислари;
- пресс-релиза матни.

Анжуман ўтказиш натижасида ишбилармонлик жамоатчилигига ташкилотчи корхона ва унинг маҳсулотлари ҳакида ижобий фикр ва тасаввурлар шаклланishi жуда муҳим.

«Давра столи» - муаммони муҳокама қилиш, корхоналар ҳамжамияти ёки фирманинг ишбилармонлик сиёсати, тактика ва стратегиясини ишлаб чиқиши воситаларидан бири.

Давра столи қатнашчилари одатда корхоналар раҳбарлари ёки мос 263

келувчи тадбиркорлик фаолияти соҳасининг нуфузли мутахассислари ҳисобланади. Давра столида фирма вакилларининг қатнашиши маълум бир муаммоларни ҳал қилишдан ташқари, унинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритишда кенг ишбильармонлик жамоатчилиги орасида етарли даражада машхурликни кўлга киритишга ҳам ёрдам беради.

«Паблик рилейшнз» соҳасидаги ҳар қандай тадбир каби «давра столи» фаолияти олдиндан тегишли равишда режалаштирилган ва тайёргарлик кўрилган бўлиши лозим. Давра столи мавзуси, мухокама қилинадиган масалалар ва катнашчилар таркиби олдиндан белгиланади. Давра столи катнашчиларини мухокама учун таклиф этилаётган масалалар билан дастлабки таништириш уларга ўз позицияларини, фикрларини аниқлаштириб олиш, далиллар ва материаллар тайёрлашга имкон беради.

Бундай тадбир қатнашчилари сони 10-15 кишидан ошмаслиги керак. Иш учун ҳакиқатда айлана шаклидаги стол бўлиши шарт эмас. Қатнашчилар бир-бирига юзланган ҳолда ўтириши учун айлана, тўртбурчак ёки квадрат шаклида ўрнатилган столлар ортида жойлаштирилади. Ҳар бир катнашчининг олдида столда табличка-идентификатор туриши лозим бўлиб, унда йирик шрифт билан уларнинг исми-шарифи, фирмасининг номи ва лавозими кўрсатилади.

Давра столи ишини бошқарувчи «стол» қатнашчилари билан олдиндан келишилган ҳолда сценарий, мухокама қилинадиган саволлар ва сўзга чиқишилар рўйхати ва кетма-кетлигини тайёрлаши мумкин. бундай тайёргарлик, айниқса, тадбир телевидение дастурларида намойиш этиладиган бўлса, мухим аҳамият касб этади. Бу ҳолатда, мухокама қилинадиган муаммолар ва ҳал этилмаган масалалар мавжудлигига қарамай, «давра столи» қатнашчилари, бошловчи бу тадбир жараёнида алоҳида штрихлар, иборалар ёрдамида ўз корхонаси ёки давра столи қатнашчиси бўлган корхоналар ҳақида телетомошибинлар ёки ўқувчиларда ижобий таассурот уйғотиши лозим.

ОАВ вакиллари учун улар ўз мулоқот доирасини бу ходиса ҳақида хабардор этишда фойдаланиши мумкин бўлиши учун бошлангич материални олдиндан тайёрлаб қўйиш зарур.

Кўплаб ташкилот ва муассасалар учун очиқ эшиклар кунижамоатчилик билан алоқалар ўрнатиш, реклама қилиш жиддий воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кўпроқ сонлиабитуриентлар жалб қилиш учун улардан масалан, олий таълим муассасалари ҳар йили фойдаланади.

Бундай тадбир ўтказиш учун тадбирнинг ҳар бир элементи учун жавобгарларни белгилаган ҳолда олдиндан пухталик билан сценарий тайёрлаш лозим.

Очиқ эшиклар куни ўтказилиши ҳақида сана ва соатлар кўрсатилган ҳолда жамоатчилик оммавий ахборот воситалари ва бошқа эълонлар ёрдамида олдиндан хабардор қилинади. Мехмонлар ташриф буюрадиган биноларда, йўлакларда плакатлар, стендлар, турли кўргазмали материаллар ва реклама қилинаётган муассаса фаолияти ҳақида бошқа ахборотлар жойлаштирилиши лозим.

Аниқ белгиланган вактда меҳмонлар залга таклиф этилади, у ерда муассаса раҳбари қисқа ва аниқ шаклда ўз ташкилоти, унинг бошқалар олдидаги устунликлари, келгуси ривожланиш режалари ҳақида сўзлаб беради. Шундан кейин муассаса бўлинмаларининг раҳбарлари сўзга чиқиб, меҳмонларнинг ўзларининг фаолият хусусиятлари билан таништиради.

Етакчи ходимларнинг сўзга чиқишиларидан сўнг меҳмонларга ташкилотнинг барча бўлинмалари, агар мавжуд бўлса – лабораториялар ва х.к. фаолиятини кўрсатиш лозим.

Агар бу тадбир оммавий ахборот воситаларида ёритиладиган бўлса, очиқ эшиклар куни ўтказиш натижаси анча юқорирок бўлади. Ахборот шундай тақдим этилиши керакки, у одамларни ушбу ташкилот фаолиятига қизиқтириб қўйсин, унинг ишида бевосита ёки билвосита иштирок этиш истагини уйғотсин.

Паблик рилейшнз мухим воситаларидан бири саналган кўргазмалар корхоналарга бозордаги ўз позицияларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Корхона кўплаб ва хилма-хил фирмалар иштирок этадиган бирон-бир кўргазма қўмитаси томонидан ташкил этиладиган кўргазмаларда қатнашиши мумкин.

Бироқ корхона мустақил равишда «шахсий» кўргазма ташкил қилиши ва у ерда бир ўзи иштирок этиши ҳам мумкин.

Кўргазма ўтказиш зарурати корхона ўз олдига қўядиган қўйида мақсадлар билан белгиланиши мумкин:

- корхона учун маълум бир имидж яратиш;
- ўз маҳсулотларини илгари суриш;
- бозорни тадқиқ этиш.

Бироқ, масалан, имидж яратиш ёки сотув ҳажмининг ўсишини одатий реклама воситалари билан хам таъминлаш мумкин. Шу сабабли кўргзмада иштирок этиш ёки мустақил равишда кўргазма ташкил қилиш ҳар бир муайян ҳолатда унинг мақсадга мувофиқлиги, харажатлар ва кутилаётган натижаларни таққослашни талаб қиласди. Шу билан бирга, кўргазмалар ташкил қилган ҳолда бозорда ўз позицияларини мустаҳкамлашнинг турили воситаларини йайғунлаштириш сезиларли ижобий самара беради.

Шундай қилиб, кўмада ишлашга тайёргарликни бошлишни олдин уни ўтказишдан мақсадларни белгилаб олиш, шундан кейин бу мақсадларга мувофиқ равишда муайян мақсадга эришишга йўналтирилган, мос келувчи ўзаро боғлиқ ишлар комплексини амалга ошириш зарур.

Қабул маросимлари корхоналар томонидан дам олиш ва кўнгилочарликларини ишбилармонлик мулокоти билан бирлаштирган ҳолда меҳмонлар билан биргаликда вакт ўтказиш учун ташкиллаштирилади. Қабул маросимлари мустақил тадбирлар сифатида ёки бошқа тадбирлар, масалан, маросимлар билан биргаликда ўтказилиши мумкин. Қабул маросимлари одатда қуйидаги ҳолларда ташкил қилинади:

- корхона ташкил қилинган тантанали сана ёки биронта юбилей;
- корхонага ҳамкорлар делегацияси ташриф буюриши;
- йирик битим имзоланиши, жиддий тадбир ўтказилиши ва х.к.

Қабул маросими ишбилармонлик алоқаларининг кенгайиши ва мустаҳкамланишига, ишбилармонлик жамоатчилиги орасида корхона имиджи яратилишига хизмат қилиши лозим. Бу тадбир пухталик билан тайёrlаниши

лозим. Тайёргарлик қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қабул мақсадларини белгилаш;
- қабул шаклини танлаш;
- қатнашчилар таркибини белгилаш;
- қабул сценарийсини тузиш;
- таклифномалар жўнатиш;
- меню тузиш;
- столларни безатиш;
- меҳмонларни столларга ўтказиш режасини тузиш;
- меҳмонларга хизмат кўрсатиш тартиби;
- нутқ ва табрикларни тайёрлаш.

Қабул маросимлари турли белгиларга кўра таснифланиши мумкин. Қабул маросимлари расмий ва норасмий, қатнашчилар ўтирадиган жойлар олдиндан белгиланган ва белгиланмаган бўлиши мумкин.

Расмий маросимлар қаторига олдиндан тайёргарлик кўриладиган, таклиф қилувчилар ва таклиф қилинувчилар белгиланган таомилларга амал киладиган қабул маросимлари киради. Норасмий маросимлар олдиндан тайёргарлик кўрмасдан, дўстона ишчи вазиятда ўтказилади. Улар қондага кўра, кичик корхоналарда ўтказилади. Бироқ уларга доимо тайёр туриш талаб этилади.

Кундузги қабул маросимлари қаторига «нонушта» тадбирлари киритилади.

«Нонушта» эрталабдан бошлаб соат 12 гача ташкил қилиниши ва 1,5-2 соат давом этиши мумкин. Дастурхондаги таомлар унчалик хилма-хил бўлмайди. Тушлик жараённида умумий мавзуулар билан биргаликда ишга доир масалалар ҳам муҳокама қилиниши мумкин.

Кечки қабул маросимлари – тантаналилик даражаси юқорирок бўлган тадбирлардир. Улар қаторига «коктейль», «фуршет», «тушлик», «тушлик-буфет», «кечки овқат».

Коктейль (ингл. Cocktail – хўроздуми) – шакар, маза берувчи дориворлар, мева ва х.к. кўшиладиган спиртли ичимликлардан иборат бўлган аралашма.

«Коктейль», «коктейль оқшоми» одатда соат 17-18 да бошланади ва икки соат давом этади. Официантлар сұхбатлашиб турған одамлар олдига ичимликлар (коидага күра, коктейль) ва яхна газаклар олиб келади.

«Фуршет» (фр. Fourchette – санчки) амалда «коктейль»дан катта фарқ қылмайды. Бу ерда мәхмөнларнинг ўзи безатилған столлар олдига келиб, ликопчаларига ўзлари учун газаклар солиб олади ва сұхбатлашаётган кишилар олдига боради. Фуршетда ҳам, коктейлда ҳам анъанавий санчқилар деярли фойдаланилмайды, уларнинг ўрнига кичик пластмасса ёки ёғоч санчқилар ишлатиласы.

«Тушлик» ва «кечки овқат» бир-биридан факат уларни ўтказиш вакти бўйича фарқ қиласы. Бу тадбирлар – қабул маросимларининг энг тантанали шакллари. Тушлик одатда соат 17 атрофида бошланади ва 2-3 соат ва ундан ортиқ давом этади. Кечки овқат бундан кечроқ бошланади. Тушлик ва кечки овқат қатнашчилар ўтирадиган жойлар олдиндан белгиланған ҳолда ўтказилиши мумкин.

Шунга эътибор қаратиш керакки, тушлик ва кечки овқатлар ташкил қилишдан мақсад – одамлар ўртасида алоқа, жумладан, ишбилиармөнлик алоқалари ўрнатишидир. Бироқ кўпинча бу тадбирлар оддий мәхмөндорчиликка айланиб кетади ва асосий мақсадга эришилмайди.

### Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Паблик рилейшнз хизматининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги тўғрисида гапириб беринг?
2. Паблик рилейшнз тадбирлари қандай ташкил этилади?
3. Паблик рилейшнз фаолиятининг ташкилий шакллари тўғрисида маълумот беринг?
4. Тақдимот, фуршет, ва анжуман қандай ташкил этилади?
5. Қабул маросимлари қандай ташкил этилади?

## 16-боб. ПАБЛИК РИЛЕЙШНЗ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ

### 16.1. Паблик рилейшнз бюджети ва уни режалаштириш

Реклама кампанияси белгиланған вакт даврини қамраб оладиган ва реклама берувчининг муайян маркетинг мақсадига эришиш учун реклама воситалари комплекси қўллашини кўзда тутадиган, ўзаро боғлиқ реклама тадбирлари тизимини ифодалайди.

Реклама соҳасидаги хорижий ва махаллий тажриба шуни кўрсатадики, маркетинг стратегиясини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган реклама тадбирларини комплексли ва изчил равишда амалга ошириш умумий мақсад бўйича ўзаро боғланмаган, вакт бўйича тарқоқ ҳолдаги алоҳида реклама тадирларидан кўра анча кўпроқ самара беради.

Реклама кампаниялари самараదорлигига оммавий реклама воситаларидан кенг фойдаланиш ҳисобига эришилиб, уларнинг бирни бошқасини тўлдиради ва кучайтиради.

Реклама кампаниясида реклама тадбирлари бир хил шаклга, бир хил ранглар жилосига эга бўлиши ва пировардида яхлит бир бутунликни ташкил қилиши лозим.

Реклама кампанияси ўтказиш мақсадлари хилма-хил бўлиши мумкин, хусусан:

- бозорга янги товарлар ёки хизматлар чиқариш;
- товарлар сотувини рағбатлантириш ёки хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириш;
- талабни айри товарлардан (хизматлардан) бошқаларга кўчириш;
- корхона (фирма) ва унинг товари ҳакида ижобий образ яратиш;
- харидорлар ва ҳамкорларда товар ёки корхона (фирма) ҳакидаги тасаввурлар барқарорлигини таъминлаш.

Реклама кампаниясининг давом этиши қўйилған мақсадга, реклама тарқатиши объектининг хусусияларига, кампания қўламига боғлиқ бўлади.

Реклама кампаниялари турли белгиларга кўра фарқланиб, уларнинг

асосийлари куйида санаб ўтилган.

1. Реклама қилиш асосий объекти бўйича қуйидагиларни реклама қилиш бўйича кампанияларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

товарлар ва хизматлар;

корхона, фирма.

2. Кўзланадиган мақсадлар бўйича реклама кампаниялари қуйидаларга ажратилиди:

кириш рекламаси, яъни бозорга янги товарлар ва хизматлар жорий қилинишини таъминлайдиган реклама;

тасдиклаш рекламаси - товалар ва хизматлар сотувининг ўсишига хизмат қиласди;

эслатиш рекламаси - товарлар ва хизматларга талабни қўллаб-куватлашни таъминлайди.

3. Худудий қамраб олиш бўйича реклама кампаниялари қуйидагича бўлади:

маҳаллий;

минтақавий;

миллий;

халқаро.

4. Таъсир интенсивлиги бўйича реклама кампаниялари қуйидагича бўлади:

бир маромдаги;

ўсиб борадиган;

пасайиб борадиган.

Бир маромдаги реклама кампаниясида реклама тадбирларининг вақт бўйича бир маромда текисланишини, яъни радио ва телевидение орқали бир хил вақт оралиғида берилиши, ОАВда нашрларнинг бир хил бўлиши кўзда тутилади. Масалан, радиореклама – ҳар ҳафта белгиланган кун ва соатда. Реклама кампанияларининг бу тури реклама берувчи етарли даражада машҳур бўлган холларда, эслатиш рекламасида фойдаланилади.

Ўсиб борадиган реклама кампанияси мулокот доирасига таъсирни кучайтириш тамойили бўйича ташкил қилинади. Масалан, дастлаб ўртача тиражли ОАВ жалб қилинади, сўнгра нашрлар миқдори ва нуфузлилиги ўсади, шу билан бир пайтда эълонлар ҳажми ортади, сўнгра радио, телевидение ва х.к. кўшилади. Бундай ёндашув реклама килинаётган товарни чиқариш ва уни бозорга етказиш ҳажми аста-секинлик билан ортадиган холларда мақсадга мувофиқдир. Фаолиятни энди бошлиётган фирма ҳам ўз реклама кампаниясини худди шу тарзда бошлиши лозим.

Пасайиб борадиган реклама кампанияси товар партияси ҳажми бўйича чекланган товарларни реклама қилишда энг мақбул ҳисобланади. Товар сотилиши, унинг омборлардаги захираси камайиши билан реклама интенсивлиги ҳам пасаяди.

Ҳар қандай реклама кампаниясини ўтказиш уни пухталик билан тайёрлашни талаб қиласди. Реклама кампаниясини тайёрлаш жараёни уни ўтказиш мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини асослаб беришдан бошланади.

Реклама кампанияларини режалаштиришда маркетинг вазиятини баҳолаш ва реклама мақсадларини белгилашни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Реклама кампаниясини қуйидаги кетма-кетликда режалаштириш тавсия этилади:

1. Маркетинг вазиятини таҳлил қилиш.

2. Реклама мақсадларини белгилаш.

3. Мақсадли доирани белгилаш.

4. Реклама харажатлари сметаси тузиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш.

5. Реклама тарқатиш воситасини танлаш.

6. Реклама хабари ёки матнини тузиш.

7. Натижаларни баҳолаш.

Маркетинг вазиятини таҳлил қилиш реклама берувчига реклама кампанияси бошлангандан сўнг бозорда юзага келадиган ҳолатни башорат қилишга имкон беради. Маркетинг вазиятини баҳолаш ва реклама

мақсадларини белгилашни бир-биридан ажратиш мүмкін эмас. Уларнинг иккаласи ҳам режалаштиришнинг қолган барча босқичларидан олдин келиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, реклама кампанияларини режалаштиришда энг кўп учрайдиган камчилик реклама мақсадларини аник ва равshan белгилай олмаслик ҳисобланади. Реклама кампанияси мақсадини тўғри ва асосли ифодалаш унинг нима учун ишлаб чиқарилиши ҳақидаги саволга аник жавоб беришга имкон яратади. Мақсадни белгилашда унинг фирма маркетинг ва реклама стратегиясига мос келишини таъминлаш зарур.

Мақсадни ифодалаш аник, бир маъноли ва миқдорий баҳога эга бўлиши лозим.

Реклама кампаниясини режалаштиришнинг муҳим элементларидан бири реклама таъсири мақсадли мулоқот доирасини аниқлаш ва ўрганиш ҳисобланади. Агар реклама бутун аҳолига қаратилган бўлса, алоҳида тадбирларни муайян одамлар гурухларига йўналтириш мақсадга мувофиқ. Бу холатда тадбирлар янада самаралироқ бўлиб чиқади.

Смета бу – белгиланган реклама тадбирларини молиялаштириш режасидир. Унда турли товарлар, бозорлар, турли вакт муддатида реклама тарқатиш воситалари билан боғлиқ масалалар батафсил кўриб чиқлади. Реклама хусусий вазифаларидан ҳар бирига харажатларни аниқлаш ва баҳолаш йўли билан умумий харажатлар ҳисоблаб чиқлади. Рекламага ажратиладиган маблаглар миқдори алоҳида таркибий кисмларга ажратилган бўлиши лозим. Бу корхонада реклама билан шугулланувчи таркибий бўлинманинг мажбуриятлари категорига киради.

Сметалар муайян даврга белгиланишига қарамай, улар бозордаги вазиятнинг ўзгаришмга қараб доимий равишда қайта кўриб чиқилиши ва аниқлаб борилиши лозим. Реклама харажатлари оптималь ҳажми раҳбарият тажрибасидан ва унинг рекламага бўлган муносабатидан келиб чиқиб белгиланади.

Реклама кампаниялари мухимлигини тушуниш корхонанинг бутун

реклама фаолияти муваффақиятларига жиддий таъсир кўрсатади.

Рекламага маблаг ажратиш ва уни тарқатиш воситаларини танлаш ўзаро боғлиқdir. Бунда реклама тарқатиш воситаларини танлаш учун асосий жавобгарлик реклама берувчининг эмас, балки реклама агентлигининг зиммасига юкланди. Реклама тарқатиш воситаларида вакт ва жой сотиб олиш харажатлари одатда смета харажатларининг энг катта қисмини ютиб юборади. Бунда реклама тарқатиш воситалари турини ва муайян матбуот органини танлаш реклама агентликлари эга бўлган маҳсус билимлар ва тажриба талаб килади.

Реклама тарқатиш воситасини танлашда асосий вазифа реклама хабарини энг кам харажатлар билан энг кўп миқдордаги потенциал харидорларга етказиш ҳисобланади.

Реклама тарқатиш воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш жадвалини ишлаб чиқиш билан биргаликда реклама агентлиги вазифалари категорига реклама мурожаати ёки матнини яратиш ҳам киради.

Реклама мурожаати ёзиш тамойили асосий реклама матнига қаратилган бўлиши лозим (8-жадвал).

## 8-жадвал

### Реклама мурожаати тайёрлаш схемаси

#### Товар

Нима сотилади?	Моддий маҳсулот (товар) ёки хизмат? Ким тайёрлайди (таклиф килади)? Товар ягона ҳисобланадими ёки унга ўхшаш товарлар борми? Товар машҳурми ёки бозорда энди пайдо бўляптими? Реклама мурожаатида нима асосий – товарнинг ўзими ёки сифатми? Товар мавсумийми ёки ундан йил бўйи фойдаланиш мумкини?
Товарнинг асосий қиммати нимада?	Моддий ёки номоддий қиммат? Товар унинг ўзи учун сотиб олинадими ёки бирон мақсадга эришиш воситаси сифатидами? Товарнинг асосий тижорат маълумотлари канака? Товар нимаси билан ракобатчилар орасида кучли? Товар харидорда қизикиш ўйготадими? Қандай қизикиш?

Товар  
воситачи  
фирмага  
сотиш учун  
таклиф  
этиладими?

Товарнинг улгуржи фирма учун нархи қандай?  
Донабай ёки улгуржи сотиш, тез айланма, нуфуз, алохидато  
хукуки, сотиш учун кулайлик ва х.к.  
Товарнинг талаб вужудга келтирадиган маълумотлари қандай?  
Фирма талабни яратиш ва ошириш учун нималар килмоқчи?  
Талаб доимий бўладими ва уни доимий килиш мумкинми?

Харидорлар  
ким?

Асосий харидорларни ёши, жинси, ижтимоий аҳволи, даромади,  
харид одатлари ва х.к. бўйича нималар тавсифлайди?  
Уларнинг муносабати қандай (бефарқ, дўстона, адоватли)?  
Харидорлар каерда яшайди (шахар, кишлек ёки иккаласи)?  
Харидорларнинг маълумот даражаси қандай?  
Харидорларни нима кўпроқ қизиктиради?  
Сотилаётган товар уларнинг эҳтиёж ва сўровларига қанчалик жавоб  
беради?  
Харидорлар товардан нима учун фойдаланиши керак?  
Харидор ушбу товарни харид қилишда нимани йўқотади?  
Ушбу товар ҳозирги пайтда фойдаланилаётган товардан нимаси  
 билан яхши?  
Харидорлар товарни харид қилиш зарурлигини англаб етадими ёки  
буни исботлаш керакми?  
Агар харидорлар ушбу товар зарурлигини англаб етса, уларни  
харид қилишдан нима тўхтатиб туради?  
Агар харидорлар ушбу товарни ўзи учун сотиб олмаган бўлса,  
рекламани қандай ташкил қилиш керак?

### Рекламанинг мақсади

Рекламанинг  
асосий  
мақсади  
қандай?

Нимага қизикиш уйғотиш керак – товаргами хизматгами?  
Харидорни қизиқиб колиш ва батағасилроқ аҳборот сўрашга  
мажбур қилиш керакми?  
Харидорга у нимага эҳтиёж сезаётганини кўрсатиш керакми?  
Харидорни янги товардан фойдаланишга ўргатиш керакми ёки эски  
товарни янгича кўллашга ўргатишми?  
Харидорга машҳур товар ёки хизматлар ҳакида эслатиб туриш  
керакми?  
Харидорни таклиф этилаётган товарни сотиб олишга мажбур  
қилиш керакми?  
Фирма, муассаса ёки саноат тармоғи нуфузини шакллантириш  
талаб этиладими?

Қайси  
реклама  
воситаси тuri  
фойдаланилад  
и?

Реклама  
воситаси  
реклама  
мазмунига  
қандай таъсир  
кўрсатади?

Мурожаат  
нимадан  
иборат?

Реклама  
мурожаатини  
қандай қилиб  
график  
усулда  
тақдим этиш  
мумкин?

### Реклама воситалари

Газета рекламаси (кундалик, хафталик, кечки, махсус ва х.к.)?  
Журнал рекламаси (умумий йўналишдаги журнал, махсус журнал,  
аёллар журнали, савдогарлар журнали, техник журнал,  
профессионал журнал)?

Босма реклама (варака, вкладиш, буклет, проспект, каталог,  
плакат)?

Ташкии реклама (автомашинадаги ёзувлар, реклама таҳтаси,  
транспарант, афиша)?

Агар реклама даврий матбуотда чиқариладиган бўлса, ўкувчилик  
қайси реклама турига яхшиrok жавоб кайтаради?  
Ушбу газета ёки журналда жойлаштирилган бошка реклама  
эълонлари характеристи қандай?

Газета ёки журналнинг ўкувчилик орасида нуфузи қандай?  
Агар реклама даврий матбуотда берилмаса, уни тайёрлашнинг  
реклама мазмуни ва талкини ўзгаришига олиб келадиган махсус  
шартлари бўладими?

### Мурожаат

Реклама харидорнинг қайси хиссиётларига ёки истакларига  
қаратилиди (соғлик, шинамлик, хавфислик, иштаҳа, қулайлик,  
ғурур, шуҳратпарастлик, гўззалик, дид, тежамкорлик, боғликлик,  
қизикувчанлик)?

Агар булар бўлмаса, махсулот ёки хизматлар ҳақида қандай ғоя  
уларни харидор эҳтиёж сезадиган, улардан манфаатдор бўлган  
нарсалар билан бир каторга кўяди?

Сарлавҳанинг ўзи етарлимни?

Расмлар керакми (эътиборни жалб қилиш, қизиқиши уйғотиш,  
товарни кўрсатиш, унинг алохидато хислатларини намойиш этиш,  
кўргазмалилик бўлиши учун сарлавҳа ёки матнни кучайтириш,  
ижобий таассуротлар уйғотиш, фирма номи, шиори, савдо маркаси  
ва ўрови билан танишириш, реклама муҳити яратиш учун)?

Агар расмлар керак бўлса, у факат товарни кўрсатиш учун керакми  
ёки маҳсулот ни одамлар билан, одамларсиз, жонсиз буюмлар,  
жониворлар билан кўрсатиш учунни, юмордан фойдаланиш  
керакми? Фотосуратлар қанча бўлиши ва уларнинг қайси бирни  
етакчилик қилиши керак?

Товар ёки таклиф этилаётган хизматларнинг қайси хислатлари расм  
техникасини белгилаб бериши лозим (фотосурат, расм,  
предметнинг реал тасвири)?

Савдо маркаси ёки товар алохидато кўрсатилиши керакми?

<p>Үлчамга муносабат кандай?</p> <p>Реклама таъсирини кандай кучайтириш мумкин ёки талаб этилади?</p> <p>Шрифтни танлашни қайси умумий омиллар белгилаб беради?</p> <p>Қайси техник омиллар шрифтни танлашни белгилаб беради?</p>	<p><b>Реклама схемаси</b></p> <p>Даврий матбуот формати қандай? Унда матнли материал қанча? Рекламага бошка қайси элементлар киради (расмлар, сарлавҳа, материалнинг умумий жойлашуви, маҳсулот нархи, ўров шакли, фирма номи, савдо маркаси ва бошка шундай элементларни кўрсатиш учун маҳсус жой)? Қайси элемент харидорга таъсир кўрсатиши нуқтаи-назаридан энг муҳим ҳисобланади – матн ёки расм? Асосан варакнинг юкори қисмига қаралишини ўзз материални кетма-кетликда жойлаштириш режалаштириш мумкинми? Схемада асосий жойларни ажратиб кўрсатиши ёки эътиборни каратиш зарурати борми? Қайси схемага реклама талаб этилади – статик ёкидинамик схемага?</p> <p>Нарх рекламада асосий ўрин эгаллаши керакми ёки иккинчи даражали ўрин? Кучайтири учун бирон-бир элементни оқ фонда жойлаштириш керакми? Расм шакли ва ҳажми қандай бўлиши керак (катта ёки кичик)? Матнни қабул килишининг осон бўлиши учун параграф ёки қисмларга бўлиш керакми?</p> <p><b>Техник таҳтирилаш</b></p> <p>Ўқувчининг ёши нечада (рекламага муносабати, кўриш кобилияти)? Қайси шрифт ўқувчиларга таниш? Матн тез ўқиладими? Матн яхши ёритишида ўқиладими ёки ёргулик ёмон бўлганда ҳамми? Шрифтнинг қайси умумий услуги реклама характеристи томонидан кўзда тутилади?</p> <p>Қайси шрифт ўлчами (кегли) матн микдорини эътиборга олган холда аниқлик беради? Кандай сатр ва сарлавҳа узунлиги кўпроқ аниқлик беради? Қайси шрифт турни ёки шрифтлар қатори ушбу рекламага мос келадиган мухит яратади? Қайси шрифт ўлчами (кегли) ва у яратадиган аниқлик иккинчи даражали материал учун зарур? Танланган шрифт расм тонига мос келадими? Унинг жойлашуви расм техникасига мос келадими? Декоратив ёки ҳошияэlementлари шрифт билан уйгунлашадими? Шрифт рангли бўёқда оқ фонда бериладими ёки кора рангда рангли фондами, у тасвирнинг аниқ бўлиши учун етарлими? Шрифт ўлчами, вазни ва гарнитураси бўйича керакли қоғоз ва босма турига мос келадими?</p>
---	--

<p>Қайси омиллар реклама нашрини босма шаклда ишлаб чиқаришни белгилаб беради?</p> <p>Қайси омиллар реклама воситаси танлашни белгилаб беради?</p> <p>Схема ва умумий масалалар</p>	<p>Расмлар учун қайси босма ва клише тuri түғри келади? Ранг асосий омил ҳисобланадими? Босма ишлаб чиқариш қайси қоғоз тuri талаб килинади? Ушбу reklаманинг асосий киммати нимада? Ушбу материал қанча бўлиши керак? Матн ва расм reklама учун бир хил аҳамиятга эгами? Қайси омиллар reklама нашри шаклини белгилаб беради? Матн фақат ахборот бериш учун мўлжалланадими? Қайси расм ушбу reklама мақсадлари учун кўпроқ түғри келади? Қайси reklама нашри шакли ушбу нашр талабларига кўпроқ жавоб беради (варака, ўров пакети, календарь, эслатма, расмли хат, буклет, китоб, каталог, плакат)? Почта орқали reklамада когоznинг вазни аҳамиятга эгами? Нашр формати қандай? Стандарт қоғоз вараги reklама нашри формати талабларига жавоб берадими? Агар керак бўлиб қолса қайта босиб чиқариш учун худди шундай қоғоз борми? Агар нашр почта отkritkasi орқали жўнатиладиган бўлса, манзил ёзиш учун жой колдириладими? Синон нусхаси, жумладан, коверт вазни текшириб кўриладими? Агар клапан мавжуд бўлса, у матн ёйилиши билан очилиши керакми ёки ўқувчини ушбу нашрни ёйиш билан кийнамаслик керакми? Реклама нашри оригиналлиги ёки янгилиги матнни ўқиши осонлигига таъсир кўрсатадими? Расмлардан бир қисми иккита вазифани бажарадиган букиладиган схемадан фойдаланиш мумкинми? Агар турли ранглар фойдаланилайдиган бўлса, нашр максимал самара бериш учун мўлжалланадими? Ушбу reklама нашрида ранг энг түғри келадиган ёрқинлик нуқтаи-назаридан кўриб чиқиладими?</p>
---	--

## 16.2. Паблик рилейшнз тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги

Реклама берувчи reklама қилиш самарадорлигини ҳисобга олишни йўлга қўйиши тўғрироқ бўлади. Бу reklаманинг мақсадга мувофиқлиги ва унинг алоҳида воситалари унумдорлиги ҳакида ахборот олишга, потенциал харидорларга reklама оптималь таъсири шартларини аниқлашга имкон беради.

Реклама кампаниясининг, алоҳида reklама воситаларининг

самарадорлигини кўпчилик ҳолатларда мутлақ аниқ белгилаб бўлмайди. Бироқ тахминий хисоб-китоблар ҳам ўзини оқлади.

Рекламанинг иқтисодий самарадорлиги ва алоҳида реклама воситаларининг инсон онгига психологик таъсири самарадорлиги (рекламага эътибор жалб қилиш, хотирада саклаб қолиш ва х.к.) фарқланади. Бунда психологик таъсири потенциал истеъмолчиларни харидни амалга оширишга олиб келадиган ҳолларда унумли бўлади. Шундай қилиб, рекламанинг иқтисодий самарадорлиги унинг инсонга психологик таъсири даражасига боғлиқ бўлади.

Рекламанинг иқтисодий самарадорлиги кўпинча унинг товарайланма ривожланишига таъсирини ўлчаш йўли билан аниқланади. реклама қандай самара берганини товар сотувининг ўсиши реклама таъсири остида дархол ўсан ҳолларда энг аниқ белгилаш мумкин. Бу янги кундалик талаб товарлари реклама қилинган ҳолатларда рўй бериши эҳтимоли энг юқоридир.

Шу билан бир пайтда, узоқ муддат фойдаланиладиган кимматбаҳо товарни харид қилишдан олдин албатта ўйлаб кўриш шарт. Бу ҳолатда реклама самараси бирданига кўзга кўринмаслиги мумкин. Биринчи навбатда, харидор товар чиқарилгани ҳакида билиб олади, сўнгра у товар сифати ва хусусиятлари ҳакида батафсил аҳборот билан қизиқади. Шундан сўнг у реклама қилинаётган товарни афзал кўриши ва уни харид қилиш истаги пайдо бўлиши, оқибатда бу товарни сотиб олиши мумкин.

Реклама товарайланманинг ўсишига қанчалик таъсири кўрсатганини аниқлаш учун тезкор ва бухгалтерия маълумотлари таҳлил қилинади. Бунда шуни эътиборга олиш керакки, рекламадан ташқари товарни сотишига товарнинг сифати ва истеъмол хусусиятлари, нархи, ташқи кўриниши, шунингдек, савдо корхонаси жойлашган жой, харидорларга хизмат кўрсатиш маданияти, худди шунга ўхшаш маҳсулот ёки хизматлар сотувда борлиги ҳам таъсири кўрсатади.

Реклама таъсири остида кўшимча товарайланма куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$T_d = \frac{T_c \times P \times D}{100}$$

бу ерда  $T_d$  – реклама таъсири остида кўшимча товарайланма, руб.;

$T_c$  – реклама давригача ўртacha кундалик товарайланма, руб.;

$P$  – реклама даврида ва рекламадан кейинги даврда ўртacha кундалик товарайланманинг ўсиши, %;

$D$  – реклама даврида ва рекламадан кейинги даврда товарайланмани хисобга олиш кунлари сони.

Рекламанинг иқтисодий самарадорлиги ҳакида реклама воситасини кўллаш ёки реклама кампанияси ўтказишида эришилган иқтисодий натижা бўйича мулоҳаза юритиц мумкин. Иқтисодий натижা реклама таъсири остида олинган кўшимча товарайланмадан фойда ва унинг харажатлари ўртасидаги нисбат билан белгilanади.

Иқтисодий самарани хисоб-китоб қилиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\mathcal{E} = \frac{T_d \times H_t}{100} - (U_p + U_d),$$

бу ерда  $\mathcal{E}$  – реклама қилишдан иқтисодий самара, руб.;

$T_d$  – реклама таъсири остида кўшимча товарайланма, руб.;

$H_t$  – товар учун савдо устамаси, сотув нархи %ида;

$U_p$  – реклама харажатлари, руб.;

$U_d$  – товарайланма ўсиши бўйича кўшимча харажатлар, руб.

Ушбу ҳолатда биз реклама тадбири ўтказишидан олинган самарани уни амалга ошириш харажатлари билан таққослаймиз. Бундай таққослаш натижалари уч хил вариантда бўлиши мумкин:

1. Реклама тадбири самараси уни ўтказиш харажатларига teng.
2. Реклама тадбири самараси уни ўтказиш харажатларидан катта (фойдали).
3. Реклама тадбири самараси уни ўтказиш харажатларидан кам.

Бироқ олинган маълумотлар турли реклама тадбирлари ўтказиш харажатлари мақсад самарадорлигини таққослаш учун ҳали етарли эмас.

Реклама харажатлари самарадорлигини унинг рентабеллиги аникроқ тавсифлайди.

Реклама рентабеллиги бу – олинган фойданинг харажатларга нисбатидир.

У қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P = \frac{\Pi \times 100}{U},$$

бу ерда Р – товарни реклама қилиш рентабеллиги, %;

П – товарни реклама килишдан олинган фойда, руб.;

U – ушбу товарни реклама қилиш харажатлари, руб.

### 16.3. Паблик рилейшнз тадбирларининг психологик самарадорлиги

Реклама воситалари психологик таъсири самарадорлиги истеъмолчиларни камраб олиш сони, бу воситалар инсон хотирасида қолдирадиган таасурот чуқурилиги ва ёркинлиги, эътиборни жалб қилиш даражаси билан тавсифланади.

Рекламанинг истеъмолчи онгига психологик таъсири самарадорлиги кузатув, эксперимент ва сўровлар йўли билан аниқланиши мумкин.

Кузатув усули истеъмолчига алоҳида реклама воситалари таъсирини тадқиқ этишда қўлланади. Бу усул пассив характерга эга, чунки кузатувчи бунда харидорга таъсир этмайди, балки уни сездирмастан кузатади. Олдиндан ишлаб чиқилган схем бўйича кузатувчи олинган маълумотларни қайд қиласди, сўнгра ҳар томонлама таҳлил қиласди. Кузатувчи масалан, қайси ярмарка стенди харидорлар эътиборини кўпроқ жалб қилишини, пиёдалар у ёки бу витрина олдида тўхталишини, митрина билан танишувдан сўнг неча киши магазинга киришини, витринадаги қайси товар кўпроқ қизиқиш уйғотишини қайд қиласди.

Кузатув усули табиий шароитларда, истеъмолчининг маълум бир реклама воситаси билан бевосита мулоқотда рекламининг психологик таъсирини баҳолашга имкон беради.

Алоҳида реклама воситалари самарадорлигини баҳолаб, биринчи навбатда бу восита кўйилган мақсадга эришиши аниқланади. Хусусан, харидорлар эътиборини ташки рекламага (витринага) жалб қилиш даражасини аниқлаш учун қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$B = \frac{\Omega}{\Pi},$$

бу ерда В – йўловчиларнинг эътиборини жалб қилиш даражаси;

О – белгиланган вақт давомида ташки рекламага (витринага) эътибор каратган кишилар сони;

П – худди шу даврда витрина олдидан ўтган одамлар сони.

ОАВда реклама эълонлари чоп этилишининг амалийлик даражаси муайян магазинда қўйидаги формула бўйича аниқланиши мумкин

$$D = \frac{K}{C},$$

бу ерда Д – реклама эълонларининг амалийлик даражаси;

К – реклама килинаётган товарни харид қиладиган ташриф буюрувчилар сони;

С – магазинда биронта харидни амалга оширган харидорлар умумий сони.

Бундай маълумотларни касса аппаратларидан чиқкан чеклар кўрсатмалари бўйича, реклама килинаётган товарни харид қилиш ҳолатларининг қайд қилиниши ёрдамида олиш мумкин.

Чакана савдо корхонасининг ўзини реклама қиладиган воситаларнинг амалийлик кўрсаткичи бу воситалар қўлланган даврда магазинга ташриф буюрганлар сонининг ўртача бир кунда ташриф буюрувчилар сонига нисбати ҳисобланади. Ушбу маълумотлар кузатувчилар томонидан ёки фотоэлемент ёрдамида олиниши мумкин.

Кузатув усулидан фойдаланишда барча ҳолатларда қатор шартларга амал қилиш зарур: кузатув иш кунлари (иложи бўлса хафтанинг ўртасида) олиб борилиши лозим; кузатувнинг давом этиш муддати реклама воситаси характеристига боғлиқ бўлади.

Кузатув усули билан бир қаторда эксперимент усули ҳам кенг қўлланади. Ушбу усул фаол характерга эгадир. Рекламанинг психологик таъсирини ўрганиш бу ерда экспериментатор томонидан сунъий ташкил қилинган шароитларда рўй беради. Агар кузатувда факат истеъмолчининг масалан,

товарларни белгиланган тарзда жойлаштиришга муносабати қайд этилса, экспериментатор товарларни бошқача жойлаштириши, сўнgra харидорлар реакциясини кузатиши мумкин.

Худди шу тарзда экспериментатор турли реклама воситалари комбинацияси яратиши ва харидорлар реакциясини таққослаш йўли билан уларнинг орасида энг муваффақиятлисини танлаши мумкин.

#### 16.4. Паблик рилейшнз аудити

Хорижий мамлакатларда экспериментлар ўтказиш йўли билан реклама воситалари психолигик таъсири самарадорлигини ўрганиш айниқса кенг ривож топган. Бу усул харидорларга витрина экспозицияси, товар ўрови, матбуотдаги эълонлар, радио- ёки телевизион реклама таъсирини аниқлашда кўлланади. Масалан, агар харидорга товар ўровининг психологик таъсирини баҳолаш керак бўлса, битта товарнинг ўзи (мисол учун, кир ювиш қукуни) турли ўровларга жойлаштирилади.

Газета ёки журналдаги эълон каби реклама воситасининг психологик самарадорлиги қўйидаги эксперимент йўли билан аниқланади. Эълонда проспект, каталог ёки намуна жўнатиши хақида сўров матни билан талон киритилади. Бу талонни харидор кирқиб олиши ва манзили эълон матнида кўрсатилган савдо корхонасига жўнатиши лозим. Ўқувчилардан келиб тушган талон-сўровлар сони бўйича реклама берувчи унинг даврий матбуотдаги эълони кўзга ташлангани ва бу эълоннинг етарли даражада ишонарли ва қизиқарли бўлгани хақида мулоҳаза юритади. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, келиб тушган сўровлар сонининг камлиги эълонлар сифати пастлигининг натижаси эмас, реклама қилинаётган товар қайсиadir сабабларга кўра харидорларга керак бўлмай колганинг натижаси хисобланади. Мана шу сабабдан даврий матбуотдаги эълонлар психологик самарадорлигини аниқлашнинг ушбу усули реклама қилинаётган товарга талаб мавжудлиги олдиндан маълум бўлган ҳоллардагина мақбул хисобланади.

Сўров усули ҳам реклама психологик таъсирини аниқлашнинг фаол

усуллари қаторига киради. Бу усул энг сермашақкат бўлиб, бошқалардан анча ишончлироқ саналади, чунки бевосита харидорнинг ўзидан унинг реклама воситасигагина эмас, бу воситанинг алоҳида таркибий элементларига муносабатини ҳам аниқлашга имкон беради. Сўров усулидан фойдаланиб, реклама воситасининг харидорларга таъсирини баҳолаш ва қайси элементлар ўзига кўпроқ эътибор қаратиши ва ёдда сакланиб қолишини баҳолаш мумкин.

У ёки бу реклама воситаси самарадорлигини аниқлаш учун олдиндан ишлаб чиқилган дастур бўйича ёзма равишда, шахсий сухбатларда, радио ёки телевидение орқали истеъмолчилар онгига етказиладиган анкеталар тузилади. Олинган жавоблар таҳлили мос келувчи умумлаштириш ва хуносалар чиқаришга имкон беради.

Сўров йўли билан қайси реклама воситаси (плакат, реклама фильми, эълон, товарларни жойлаштириш) маълум бир товарни харид килишида харидорга энг катта таъсир кўрсатишини аниқлаш мумкин. Мисол учун, қайси реклама воситаси харидорнинг янги товарга эътиборини жалб килишини қўйидаги анкета ёрдамида аниқлаш мумкин:

Сиз янги товар пайдо бўлгани ҳақида қандай билиб олдингиз:

- а) танишлардан;
- б) радио ва газета эълонларидан;
- в) магазин витринасида кўриб;
- г) магазинда товарни кўриш жараёнида;
- д) телевидение орқали кўрсатув бўйича.

Сўровлар ўтказиш катта вакт харажатларини ва бу ишга кўп сонли одамларни жалб килишни талаб қиласди. Шу билан бирга олинган натижалар етарли даражада тўлиқ бўлиши мумкин эмас. Ахир баъзан у товарни реклама таъсири остида ёки танишларнинг маслаҳати билан харид килгани ёки бошқа мулоҳазаларга амал қилганини харидорнинг ўзи учун ҳам аник бўлмайди. Бундан ташқари, баъзиди харидорлар орасида оғзаки сўров уларда хушёрлик уйғотади. Шунинг учун уларга сўров варакаси тўлдиришни таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, харидор унинг максадини билиши ва саволларга

аникроқ жавоб беришга ҳаракат қилиши учун сўров вазифалари баён қилинади.

Айрим ҳолларда сўровлар экспериментлар билан биргаликда олиб борилади. Масалан, радио- ва телевизион рекламанинг пасихологик самарасини ўрганиш қўйидаги тарзда амалга оширилади. Студияга бир гурух одамлар таклиф этилиб, уларга кичик анкеттани тўлдириш, унда ўзининг ёши, касби ва х.к. маълумотларни кўрсатиш таклиф этилади. Шундан сўнг гурух пркл кўрсатувини томоша қиласи ёки тинглайди ва ҳар бир киши ўз фикр ва таассуротларини маҳсус варакларга қайд қиласи. Барча қайдлар мос равишида мотивацияланади. Сўнгра дастур муҳокамаси ташкилаштирилади. Баъзида реклама амалий натижа бериши овоз бериш маълумотлари асосида баҳоланади. реклама дастурларини бундай тинглаш ва муҳокама қилиш уларни тайёрлашдаги ижобий ва салбий томонларни аникроқ белгилашга, шунингдек, қайси шакл у ёки бу радиотингловчилар ёки телетомошибинлар доираси учун даромадлироқ ҳисобланишини аниқлашга имкон беради.

Реклама тадбири ёки алоҳида реклама воситаси самарадорлиги реклама камраб олган истеъмолчилар сони, шунингдек, битта томошабин, тингловчи ва х.к.га тўғри келадиган харажатлар миқдори билан ифодаланиши мумкин. Масалан, у ёки бу босма органда газета эълони босиб чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги бу эълонни ўқиши мумкин бўлган одамлар умумий сонини (бу асосан газета тиражига боғлик бўлади) ёки битта ўқувчига ҳисоблаганда эълон харажатлари ҳажмини аниқлаш йўли билан белгilanади.

Қанчалик кўпроқ одамлар реклама билан қамраб олинадиган бўлса, битта одамга ҳисоблаганда реклама харажатлари шунчалик кичик бўлади.

Рекламанинг псиҳологик таъсири самарадорлиги ҳақида маълумотлар унинг амалий натижа беришини башорат қилишга имкон беради.

Реклама самарадорлигини аниқлаш усувларини кўриб чиқишини хорижий амалиётдан олинган мисол билан якунлаш мумкин. Ўтган асрнинг 40-йиллари бошларида «Тед Бейтс энд компани» реклама агентлиги реклама амалиётида илк марта реклама кампаниялари самарадорлигини баҳолашнинг илмий усувларини кўллай бошлади. «Тед Бейтс энд компани» агентлигининг

асосчиларидан бири жаҳонга машҳур бўлган Уникал савдо таклифи (УСТ) назарияси муаллифи Р.Ривс ҳисобланади.

Ўзининг «Рекламада реал воқелик» китобида у қуйидаги ёзади:

«Фараз килингки, бутун АҚШ аҳолиси иккита улкан хонага жойлаштириб қўйилган. Битта хонада сизнинг жорий рекламангизни билмайдиган одамлар жойлашган. Улар рекламада нима ҳақида гап бораётганини эсламайди, илгари уни кўрган, ўқиган ёки эшитганлигини эслолмайди. Улардан ким сизнинг товарлардан фойдаланишини аниқланг.

Айтайлик, сизнинг рекламангиз билан таниш бўлмаган ҳар юзта кишидан бештаси (яни 5%) доимий харидорлар ҳисобланади. Бу 5 киши сизнинг рекламангиз билан нотаниш эканлиги сабабли улар товарни бошқа йўл билан танлагани шубҳасиз. Эҳтимол, уларнинг сизнинг товарингиз ҳақида дўстлари сўзлаб берган. Эҳтимол, сиз ўзингиз уларни қачонлардир бепул товар намунаси билан таъминлагансиз. Эҳтимол, товарни уларга врач тавсия этган. Нима бўлгандა ҳам, улар сизнинг жорий рекламангиз таъсири остида доимий хариорларга айланмаган.

Энди сизнинг рекламангизни эслаб қолган одамлар жойлашган бошқа хонага киринг. Улар реклама мазмунини тўғри айтиб берган ҳолда уни билишини исботлай олади. Айтайлик, сизнинг рекламангиз билан таниш бўлган ҳар юзта одамдан йигирма бештаси (яни 25%) доимий харидорлар ҳисобланади.

Диапазон 5%дан 25%гача. Сизнинг кўлингизда замонавий рекламанинг энг ҳаяжонли статистик кўрсаткичларидин бири. У шундан далолат берадики, сиз рекламага мурожаати қилмаган ҳолда ўз товарингизни аҳолининг 5%ига сотишингиз мумкин, сизнинг рекламангизи ёдида сақлаган ҳар юзта кишидан эса яна кўшимча 20 киши доимий харидорга айланади.

Мана шу – рекламасиз ва реклама ёрдамида истеъмолга жалб қилинган истеъмолчилар нисбатири!

Сотув турли сабабларга кўра ўсиши ёки пасайиши мумкин. Бироқ шуни билингки: сизнинг реклама эсда қолган жойларда истеъмолчилар сони ўсади.

Уларни истеъмолга реклама ва факат реклама жалб қиласди.

Сизнинг жорий рекламангизни эсда сақлаб қолган шахслар сонининг уни эсда сақламаган шахслар сонига нисбатини жорий қилиш деб атайдиз.

Рекламани жорий қилиш ва истеъмолга жалб қилиш амалиёти бўйича юзлаб сабоқлардан битта энг яхши сабоқни мисол қилиб олиш мумкин: реклама кампаниясига ҳаддан ортиқ ўзгаришлар киритиш жорий қилиш даражасига ҳалокатли таъсир этади.

Бу – миллионлаб долларга тушадиган хатодир. Доимийлик – рекламининг энг қадими тамойилларидан бири. Бироқ кўинча айнан у бошқалардан кўра кўпроқ писанд қилинмайди».

#### **Мустақил ишлаш учун назорат саволлари**

1. Паблик рилейшнз бюджети қандай аниқланади?
2. Паблик рилейшнз фаолияти қандай режалаштирилади?
3. Паблик рилейшнз тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги қандай аниқланади?
4. Паблик рилейшнз тадбирларининг психологик самарадорлиги қандай аниқланади?
5. Паблик рилейшнз аудити қандай ўтказилади?

## **МАЪРУЗА МАШГУЛОТЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРҲИ**

### **1. Маъруза машғулотларнинг ташкил этишнинг асосий шакллари**

Маъруза машғулоти – ОЎЮда ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли хисобланади, билимларни бирламчи эгаллашга йўналтирилган.

Маърузани асосий белгиланиши – ўқитишни назарий асосини таъминлаб бериш, ўкув фаолиятга ва аниқ ўкув фанга кизиқиши ривожлантириш, курсантларга ўкув курси устидан мустақил ишлаш учун ориентирларни шакллантириш.

#### **Маъруза материалларининг мазмуни ва ҳажмига талаблар**

Маъруза материалларининг мазмуни қўйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:  
- янгилик, илмийлик, асослилик ва ахборот учун белгиланганлик;  
- аниқ, ишончли мисол, факт, асоснома ва илмий далилларнинг мавжудлиги;  
- фактга асосланган (статистик ва в.х.) материалларни кўп эмаслиги.

Маъруза материалларининг ҳажми режалаштирилган мавзуни ёритиш учун етарли бўлиши керак.

#### **Маърузалар турлари ва уларга хос хусусиятлар**

Ўкув машғулотнинг мақсади	Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари
<b>Кириши маърузаси</b>	
Фан доирасида ўкув ахборотини ўзлаштириш бўйича талабалар харакатининг йўналтирувчи асосини таъминлаш.	Таълим бериш тузилишида мотивацион боскич хисобланади. Унинг вазифаси – ўкув фани мазмуни, унинг ўкув жараёндаги ўрни ва келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятдаги ахамияти тўғрисида дастлабки тасаввурларни бериш, талабаларни ишлаш тизимида йўналтириш, олдинда турган мустақил ишнинг услубиёти ва ташкиллаштирилиши билан танишириш, ҳисбот бериш вақти ва баҳолашни аниқлаштириш.
<b>Ахборотли маъруза</b>	
Ўкув мавзу бўйича тасаввурни шакллантириш	Бу анъанавий маъруза тури: маъруза режасига мувофиқ ўкув материалини монологик тарзда изчилликда баён этиш.
<b>Муаммоли маъруза</b>	

<b>Ўқув машғулотнинг мақсади</b>	<b>Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари</b>
Муаммони белгилаш ва уни ечимини топишни ташкиллаштириш/анъанавий ва замонавий нуктаи назарларни жамлаш ва тахлил килиш ва в.х. орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Янги билимлар савол/вазифа/вазиятларнинг муаммолиги орқали киритилади. Бу жараёнда талабаларнинг билиши ўқитувчи билан хамкорлигига ва диалогига асосланади, хамда изланувчилик фаолиятига яқинлашади.
<b>ЎТВдан кенг фойдаланиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.</b>	<b>Кўргазма маъруза</b> Бундай маърузани ўқиши, кўриб чиқилаётган кўргазмали материалларни очиб беришга ва кисқача шарҳлашга олиб келади.
Талабаларга мунозара маданиятини, муаммони ҳамкорликда ечишни намойиш этиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	<b>Бинар маъруза</b> Бундай маърузани ўқиши икки ўқитувчи/2-мактабнинг илмий вакиллари/олим ва амалиётчи/ўқитувчи ва талабаларнинг диалогини ўзида намоён этади.
Ўқув ахборотни излаш, танлаш ва баён этиш жараёнида талабаларнинг фаол иштирокларида ёритиб бериш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	<b>Анжуман-маъруза</b> Олдиндан белгиланган муаммо ва уни ҳар томонлама ёритиб бериш назарда тутилган маърузалар тизими (5-10 дақ. давомийлигидан) билан, илмий-амалий машғулот кўринишида ўтказилиди. Машғулот якунида ўқитувчи мустақил иш ва сўзга чиқишиларга якун ясайди, ахборотни тўлдириди/аниқлик киритади, асосий хуносаларни ифодалайди.
<b>Умумлаштирувчи маъруза</b>	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Маърузада баён этилаётган назарий холатларнинг негизини курснинг ёки катта бўлимларнинг илмий-тушунчилини ва концептуал асоси ташкил этади.
<b>Маслаҳатли-маъруза</b>	
Билимларни чукурлаштириш, тизимлаштириш.	Турлича сценарий бўйича ўтиши мумкин. 1. “Савол-жавоблар”- ўқитувчи бўлим ёки тўлиқ курс бўйича талабалар саволларига жавоб беради. 2. “Савол-жавоблар-мунозаралар”: ўқитувчи нафқат саволларга жавоб беради, балки жавобларни излашни ҳам ташкиллаштиради.
<b>Якуний маъруза</b>	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Курсни ўрганишини якунлади, бутун давр мобайнида ўтилганларни умумлаштиради. Якуний маърузада ўқитувчи курснинг асосий гояларини ажратади, келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятда ва

<b>Ўқув машғулотнинг мақсади</b>	<b>Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари</b>
	бошқа фанларни ўрганишда олган билимларни қандай қўллаш йўлларини кўрсатади, фан бўйича якуний назорат хусусиятини тушунтиради, якуний назорат вариантларининг муракаб саволларини тушунтиради.

## **2. Амалий машғулотларни ташкил этишининг асосий шакллари**

Амалий машғулот:

- ўқувчиларни ўқитувчи билан ва ўзаро фаол сухбатга киришишига йўналтирилган,
- назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи,
- олинган билимларни амалий фойдаланиш имкониятларини мухокама килишга мўлжалланган машғулотнинг ўқитиш шакли.

### **Амалий машғулотнинг мазмунига қўйиладиган талаблар**

- мухокамага мунозарали саволлар олиб чиқилади;
- мухокама қилинувчи саволлар илм-фаннинг эришган замонавий ютуклари томони билан кўриб чиқилади;
- назария ва амалиётни узвий бирлиги очиб берилади;
- мухокама қилинувчи материалларнинг талабаларнинг бўлғуси касбий фаолияти билан алоқаси таъминланади;
- кўриб чиқилаётган материал адабиётда мавжуд эмас ёки материал, қисман баён этилган.

### **Амалий машғулотлар турлари ва уларга хос хусусиятлари**

<b>Амалий машғулот тури</b>	<b>Амалий машғулот шакли, унинг ўзига хос хусусиятлари</b>
<b>Талабаларнинг назарий билимларини тизимлаштириши/ тузилмага келтириши/ мустаҳкамлаши/ кенгайтиши:</b>	<b>Кенг қўламили сухбат.</b> Хамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва кўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига талабаларни тайёргарлигини назарда тутади. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гурухга яхши ўйлаб тузилган аник ифодаланган саволлар, сўзга чиқувчи талабаларни кучли ва кучсиз томонларига талбалар диккатларини қарата олиш, талабалар диккати ва кизиқишини, иш жараёнида очиб бериладиган, янги томонларга ўша вактни ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик талабаларни саволларни мухокама қилишга жалб килиш имконини беради. Кенг қўламили сухбат баъзи саволлар бўйича алоҳида талабаларни аввалдан режалаштирилган кўшимча равища сўзга

<p>- касбий тайёргарлик сифатини аникловчи, алоҳида асосий бўлган мавзуларни батафсил ўрганиш.</p>	<p>чикишларини истисно килмайди, балки, тахмин килади. Бирок бундай маълумотлар муҳокама учун асос бўлмайди, балки муҳокама қилингандан саволлар учун тўлдирувчи бўлади.</p> <p><b>Маъруза ва рефератлар муҳокамаси.</b></p> <p>Муҳокамага 12—15 дақика давомийлигидағи 2-3 маърузадан кўп бўлмаган маърузалар олиб чиқилади. Баъзида кўшимча маърузачи ва оппонентлар (муҳолифлар) белгиланади. Охирги чиқувчилар мазмунни кайтармаслик учун, маъруза матни билан танишадилар. Бироқ кўп ҳоллларда, маърузачи ва оппонентлар, кўşimча маърузачилардан ташқари, хеч ким семинарга жиддий тайёрланмайди. Сўзга чиқувчиларни ўзлари ҳам факат бир саволни ўрганадилар. Шу билан бирга, одатий семинар ишига “куруқ назариялик” элементини киритиб, бундай машғулотлар талабаларда батьзи қизиқишларни ўйғотади. Талабаларни ҳар бирини кўшимча маърузачи ёки оппонент сифатида тайёрланниб келишга ўргатиш жуда мухим хисобланади. Рефератли маърузаларни якуний семинарда, унинг асосий саволлари аввалдан муҳокама килиб бўлинган, катта бир мавзу бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувоғик бўлади.</p> <p><b>Прес-конференция.</b></p> <p>Киска сўзга чикишдан сўнг биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор талабаларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг ҳар бир талаба маъруza мавзуси бўйича унга савол бериши лозим. Савол ва жавоблар семинарнинг марказий кисмини ташкил этади. Қанча кўп жиддий тайёргарлик кўрилса, саволлар шунчалик чукур ва маҳоратли берилади. Саволларга аввал маърузачи жавоб беради, сўнгра у ёки бошқалар бўйича истаган бир талаба ўз фикрини билдириши мумкин. Бундай ҳолатларда кўşimча маърузачилар, агарда шундайлар белгиланган бўлса, фаол бўладилар. Ўқитувчи ҳар бир муҳокама қилингандан савол бўйича, ёки семинар якунидаги хуносасини килади.</p> <p><b>Ўзаро ўқини.</b></p> <p>Тушуниш ва ўзлаштириш учун энг кўп мураккабликдаги саволларни ўрганиш асосий мақсадга эга бўлган, семинар. Семинар мобайнида талабаларни ўзаро ўқишига йўналтириш мухим хисобланади: ҳар кичик-гурухга мавзунинг бир саволи берилади, бу бўйича улар ишлайдилар ва бунга асос (эксперт вараклар – саволни ёритиш режаси,</p>	<p>тайёрланган маълумотларни визуал тақдим этиш бўйича тавсиялар) берилади. Эксперт гурухларнинг иш натижалари тақдимотидан сўнг ўқитувчи хуносасалар килади.</p>
<p><b>Юмолоқ (ёзма /огзаки) стол.</b></p>	<p>Ўтган мавзу бўйича билимларни чиқурлаштириш ва аниклаштириш, бор билимларни сафарбар қилиш ва ҳар хил вазиятларда уларни кўллаш, ўз фикрларини қиска ва асосланган холда баён қилиш кўнимкамаларини ривожлантириш асосий мақсадга эга бўлган, семинар.</p>	<p>Хар хил сценарийлар бўйича ўтказилиши мумкин.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. «Ёзма юмолоқ стол» - талабанинг саволи / ечими топилиши керак бўлган ғоя ёзилган варак, доира бўйича узатилади ва ҳар бир иштироқчи ўз мулоҳазаларини кўшади.</li> <li>2. «Оғзаки юмолоқ стол» - ҳар бир талаба кўйилган саволнинг жавобига ўз кўшимчаларини киритади / олдинги иштироқчи томонидан таклиф қилинган ғояни кўллаб-куватлатди ва ривожлантиради.</li> </ol>
<p><b>Специсеминар.</b></p>	<p>Бакалавриатнинг 4 курсида, магистратурада ўтказилади. Илмий мавзу бўйича ёш тадқиқчиларни мулоқат мактабини ифодалайди. Специсеминар вактида талабаларнинг гурухларда ишлашга ва уни баҳолашга, илмий тадқиқотлар усусларидан фойдаланишга интилишлари катта рол ўйнайди.</p>	<p>Специсеминарнинг якуний машғулотида ўқитувчи, коидага кўра, семинарларни ва талабаларнинг илмий ишларини муҳокама қилинган муаммоларни келгусида тадқиқотлар қилиш истиқболларини ва талабаларни уларда иштироқ этиш имкониятини очиб умумлаштиради.</p>
<p><b>Махсус (касбий) ва умумёкув қўнимка ва амалий малакаларни шакллантириши:</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- амалий муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш жараённида харакатлар алгоритмини аниқлаш билан боғлиқ эгаллаган назарий билимларни амалий кўллаш.</li> </ul>	<p><b>Таълимий ўйин.</b></p> <p>Ўқитиши самарадорлигини унинг иштироқчиларини нафакат билимларни олиш жараёнига фаол жалб қилиш, балки уларни (хозир ва шу ерда) фойдаланиш орқали оширишга имкон беради; ўзгарувчан вазиятларда ўзини тутиш тактика қўнимкамаларни шаллантиради; вырабатывает динамику ролевого поведения; амалиёт имитациясини ифодалайди; аник қўнимка ва малакаларни шакллантиришга ва ишлаб беришга қаратилган.</p> <p>Семинар натижавийлигини унинг ташкилий-услубий таъминоти белгилайди: ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқиши; ўйин атрибуутларини ва материаллар пакетини: вазият баёни, иштироқсилар учун йўриқномалар, персонажлар таърифи (агар ўйин ролли ёки ишбилармон бўлса) ёки вазиятли</p>

	<p>кўрсатмалар (агар ўйин моделлаштирувчи бўлса) тайёрлаш.</p> <p><b>Амалий топшириқларни бажариш.</b></p> <p>Амалий топширикларнинг кўпчилиги кичик гурухлар таркибида бажарилади ва куйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўрикнома бериш → ўқув топширикни бажариш бўйича йўрикнома билан танишиш → топширикни бажариш → натижаларнинг оммавий тақдимоти → натижаларни умумлаштириш ва баҳолаш.</p> <p><b>Масалалар ечиши бўйича машқ.</b></p> <p>Якка тартибда амалга оширилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўрикнома бериш – масалани ечиш – натижаларни танлама тақдимоти – умумлаштириш.</p> <p><b>Муаммоли масалалар ва вазиятларни (кейсларни) ечиш.</b></p> <p>Муаммоли масалалар ва вазиятларнишлаб чиқиш жуда катта меҳнат талаб қиласи. Лекин талабалар томонидан амалий касбий фаолиятдан олинган муаммоли масалаларни ечиш ва муаммоли вазиятларни кўриб таҳлил қилиш назарияни ҳақиқий амалиёт билан боғлашга имкон беради. Бу ўқитишини фаоллаштиришга имкон беради, талабаларга ўрганилаётган материални амалий фойдасини тушунишга ўзаро баҳоланишини ташкиллаштиради ва лойиха иштирокчининг фаолиятини баҳолайди.</p>
--	---

<p><b>Талабаларни назарий ва амалий тайёргарлик даражасини назорат қилиши ва баҳоласи</b></p>	<p><b>Ўқув лойиҳаларнинг тақдимоти ва баҳоланиши</b></p> <p>Ушбу ўқув машғулотини тайёрлашда ўқитувчининг роли қуидагилардан иборат: лойиҳа топширигини ишлаб чикиш; талабаларга маълумотларни излашда ёрдам бериш; ўзи ахборот манбаи бўлиши; бутун жараённи мувофиқлаштири; иштирокчиларни қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш; узлуксиз қайта алоқани амалга ошириш; маслаҳат бериш.</p> <p>Ушбу ўқув машғулотида гурухлар ўз фаолиятининг натижалари тўғрисида маъруза қилишади ва уни белгиланган шаклда тақдим этишади (loyihavий фаолиятнинг натижаларини, ҳамда лойиҳа маҳсулотини тасвирий ва оғзаки тақдимот кўринишида).</p> <p>Ўқитувчи гурухларнинг ўзаро баҳоланишини ташкиллаштиради ва лойиҳа иштирокчининг фаолиятини баҳолайди.</p> <p><b>Коллоквиум.</b></p> <p>Ўқитувчининг талабалар билан коллоквиумлари (сұхбатлашуви) одатда курснинг у ёки бу мавзуси бўйича билимларини аниклаш, уни чукурлаштириш мақсадида олиб боради. У кўпинча 1) дастурда кўзда тутилмаган, лекин талабаларда кизиқиши уйғотган кўшимча мавзулар бўйича; 2) фаннинг алоҳида мураккаб, лекин талабалар томонидан етарли даражада ўзлаштирилмаган мавзулари бўйича кўшимча дарслар мобайнида; 3) охирги семинар машғулотларида жавоб бермаган талабаларни бириш даражасини аниклаш учун.</p> <p>Семинар-коллоквиум мобайнида маъруза, реферат ва бошқ. Ёзма ишлар текширилиши мумкин.</p> <p><b>Ёзма (назорат) иши.</b></p> <p>Талабалар назорат саволларига жавоб берадилар/тестларни ечадилар/ назорат топширикларини бажарадилар. Уларнинг тўпламини тўғри тузиш мухим ҳисобланади: улар режалаштирилаётган ўқув материални ўзлаштириш даражасига мос келишилиги керак ва уларни текширишни таъминлаши керак.</p>
---	--

### 3. Маъруза ва амалий машғулотларда қўлланиладиган педагогик технологиялар

#### АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш гоясини жамоавий юзага келтиришда қўлланиладиган метод.

❖ Метод чегараланган вақт оралиги ичидә аниқ муаммо (савол, масала)ни ечишнинг ноанъанавий йўлларини излаш бўйича ўқувчиларни ақлий фаолиятини йўналтиришга асосланган.

❖ Ўқув машгулотидаги ақлий хужум учун муаммони танлаш қўйидаги тамоиллар бўйича амалга оширилади:

- танланган муаммо назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда ўқувчиларда фаол қизиқиши ўйготиши керак;
- кўп ҳар маънодаги ечим вариантиларига эга бўлиши керак.

Ўқитиш технологиясини ишлаб чикишда ақлий хужум методи ўқув машгулотининг бир лавҳаси ёки бутун машгулотни ўтказиш асоси сифатида режалаштирилган бўлиши мумкин.

Ақлий хужум методининг технологик чизмаси 1-расмда келтирилган.



### Ақлий хужум методининг технологик чизмаси ИНСЕРТ ТЕХНИКАСИ

ИНСЕРТ (инглизча сўздан олинган бўлиб - **INSERT** – Interaktive-интерфаол Noting – белгилаш System - тизим for-учун Effective – самарали Reading – ўқиш and – ва Thinking – фикрлаш деган маънони англатади).

1) Самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилар қўйишнинг интерфаол тизими хисобланади.

Матнни белгилаш тизими:

- (✓) - менинг билганимни тасдиқловчи ахборот;
- (+) –мен учун янги ахборот;
- (-) - менинг билганидагимга, зид ахборот;
- (?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак.

### ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ

Пинборд–(инглизчадан: *pin-* маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) – ўқувчиларни тизимли ва мантиқий фикр билдиришга ўргатадиган метод.

Пинборд техникаси:

- 1) муаммоли масалалар ва вазиятлар, ақлий хужум ва амалий ўқитиш

методлари билан бирга жамоавий тарзда (гурухларда) муаммони ечиш вариантиларини баҳолаш ҳамда улар ичидан энг яхисини танлаш имконини беради;

2) ақлий хужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гурухларда) тоифали шарҳ ўтказиш имконини беради.

Пинборд техникасининг технологик чизмаси

### КЕЙС-СТАДИ МЕТОДИ

КЕЙС – (ингл. case – тўплам, аниқ вазият) – назарий билимларни амалий вазифаларни ечиш жараёнда қўллаш имконини берувчи ўқитиш воситаси.

Кейсда баён қилинган вазиятни ўрганиб ва таҳлил қилиб, ўқувчилар ўзининг келгусидаги қасбий фаолиятида ўхшаш вазиятларда қўллаши мумкин бўлган тайёр ечимни олади.

Кейсда баён қилинган вазиятлар (қасбий), амалий машгулотларда ечиладиган вазиятли масалалардан тубдан фарқ қилинади. Агар вазиятли масалалarda ҳар доим шарт (нимма берилаган) ва талаб (нимани топиш керак) берилган бўлса, кейсда, қоидага кўра, бундай параметрлар мавжуд эмас.

Ўқувчига тақдим этилган ихтиёрий кейсда:

- кейснинг белгиланиши ва топшириқ/саволлар аниқ ифодаланган бўлиши керак;
- баён қилинган муаммоли вазиятни ечиш учун керакли ва етарли ҳажмда маълумотларни ўз ичига олиши керак
- кейсни ечиш учун услугий кўрсатмалар бўлиши керак.

Кейс-стади (ингл.case – тўплам, аниқ вазият, стади-ўқитиш) – амалий ўқитиш вазиятларметоди.

Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадидаги баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнда прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибида келтирилган оптимал усуслари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир.

Ушбу метод ўқувчиларни қуйидагиларга ундейди:

- муаммони шакллантиришга;
- амалий вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолашга;
- муаммо ечимини энг мақбул вариантини танлашга.

Ўқув машгулотнинг ўқитиш технологиясини танлашни иккى асосий далил белгилайди:

1. Кейснинг ҳажми (қиска, ўртача миқдордаги, катта)
2. Ўқув топширигини тақдим этиш усули:

- саволли (саволлар кейсдан кейин келтирилади)
- топширикли (топшириқ кейин кириш кисмининг охирида келтирилади)

### ЎҚУВ ЛОЙИХА МЕТОДИ

Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, маълум муддат ичидаги (битта ўқув машгулот доирасидан 2-3 ой муддат ичидаги) таълим олувчи гурухли ёки якка тартибида берилган мавзу юзасидан лойиха топширигини бажаради. Унинг

вазифаси – муайян фойдаланувчига йўналтирилган янги маълумот олиш, белгиланган муддат ичда берилган у ёки бу муаммони илмий, техникавий ечимидан иборат.

Ўқув лойихаси тушунчаси:

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқик килиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган. Талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил килиш усули;
- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув *восита ва қуроллари*;
- ривожлантирувчи, таълим-тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган *дидактик восита*.

### ГРАФИК ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАР

**КЛАСТЕР** (кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли-барча тузилманинг моҳиятини умумлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида фояларни йиғиш асосида аниқ бирор мазмунни келтириб чиқаради.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараённига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва кенг жалб қилишда ёрдам беради.

### Кластерни тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

1. Катта қофоз вараги марказида калит сўз ёки 1-2 сўздан иборат мавзу номини айлана ичига ёзинг.

2. Калит сўз билан бирлашдиган ён томонига кичкина хажмдаги айлана – “йўлдошча” ичига мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз биримасини ёзинг. Уларни чизик билан “бош” сўзга боғланг.

3. Ушбу “йўлдошча”ларда “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин, улар ичига яна сўз ёки иборалар ёзуб ажратилган вакт тугагунга қадар ёки фоялар тугамагунга қадар давом эттирилади.

**«НИМА УЧУН?» СХЕМАСИ** –муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича фикрлар занжири бўлиб, тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада килиш кўникмаларини ривожлантиради.

### «Нима учун?» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммосабабини аниқлаш учун:


- 1) Муаммони ёзинг ва стрелка чизигини чиқариб «Нима учун?» сўроғини ёзинг.
- 2) Саволга жавоб ёзуб нима учун сўроғини такрор ёзуб бораверинг. Бу жараённи муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунича давом эттиринг

**«БАЛИҚ СКЕЛЕТИ» ЧИЗМАСИ** – бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил килиш кўникмаларини ривожлантиради.

### “Балиқ скелети” схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммо майдонини тавсифлаш учун:

1. «Балиқ скелетини» чизинг:



2. «Суяқ»нинг чап кисмida (ёки юкори суяқда) муаммо ости муаммони ёзинг, ўнг кисмida (пастки суяқда) – муаммо ости муаммони амалда мавжуд эканлигини тасдиқловчи далилларни ёзинг.

**«ҚАНДАЙ?» ИЕРАРХИК ДИАГРАММАСИ** - муаммо тўғрисида умумий тасаввурларни олишга, унинг ечимини топиш усул ва воситаларини топишга имкон берувчи мантикий саволлар занжиридан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради.

### «Қандай?» диаграммасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

«Қандай?» диаграммасини тузишдан аввал, сиз қуйидагиларни билишингиз керак: кўп холларда Сизга муаммолар ҳал этишда «Нима қилиш керак?» ҳакида ўйлашга хожат бўлмайди. Муаммо ечимини топиш учун асосан «Буни қандай қилиш керак?» кабилида бўлади. «Қандай?» - муаммони ҳал этишда асосий савол хисобланади.

1. Доира чизинг ва унинг ичига ечилиши лозим бўлган муаммони ёзинг.

2. Кетма-кет равишда «Қандай?» саволини қўйинг ва шу саволга жавоб беринг. Шу тартибда саволларни кетма-кет берib бораверинг ва жавобларни ўйлаб ўтирамсадан, солиширмасдан, баҳоламасдан, тез-тез ёзишда давом этинг.

*Маслаҳат ва тавсиялар:*

Янги фояларни график кўринишида қайд этишни ўзингиз ҳал этинг: дарахт ёки каскад кўринишида, юкоридан пастга ёки чапдан ўнгга. Энг муҳими эсда тутинг: нисбатан кўп миқдордаги фойдали фоялар ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул энг мақбул усул хисобланади.

Агарда сиз муаммони ечимини топиш учун тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сакласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлейди.


**«НИЛУФАР ГУЛИ» ЧИЗМАСИ** - муаммони ҳал этиш воситаси. Ўзида нилуфар гули киёфасини мужассам этган. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш кўникмаларини шакллантиради.

### «Нилуфар гули» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топширикда кўрсатилган муаммони ҳал этиши воситаларини топиш учун:

1) Ўзиди нилуфар гули қиёфасини мужассам этган схемани чизинг. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат;



2) асосий муаммони марказий квадратнинг марказига ёзинг. Уни ҳал этиши гояларини марказий квадрат атрофида жойлашган қолган саккизта квадратларга ёзинг;

3) ҳар бир ушбу саккизта гояни марказий квадрат атрофида жойлашган саккизта катта квадрат марказига ўтказинг, бошқача айтганда, нилуфар гулидан унинг гул баригига ўтказинг. Шундай килиб, улар ҳар бири, ўз навбатида, яна бир муаммо сифатида каралади.

### ГЛОССАРИЙЛАР

Atamaning o'zbek tilida nomlanishi	Atamaning ingliz tilida nomlanishi	Atamaning rus tilida nomlanishi	Atamaning ma'nosi
Agent	Agent	Агент	ma'lum darajada doimiy asosda ish ko'ruvchi ulgurji savdo xodimi bo'lib, ko'p bo'lmagan funktsiyalarni bajaradi va tovarga nisbatan mulk huquqini olmaydi.
Ajiotaj talab Alyanslar	rush demand Alliances	Ажиотажный спрос Альянсы	bozordagi shov-shuv va vahima ta'siri ostida sun'iy paydo bo'ladigan va shiddat bilan ortib boradigan talab. raqobat kurashida g'olib chiqish g'oyasidan voz kechish va hamkorlik firmalari tarmog'ini shakllantirishga o'tish.
Assortimentni ishlab chiqish va rejulashtirish	Planning and production of a range	Планирование и производство ассортимента	bozor talablariga muvofiq ishlab chiqarishning assortiment tuzilmasini ishlab chiqish. Mahsulot raqobatdoshligini baholash. Texnik va iste'mol parametrlari o'zaro aloqasini o'rganish. Yangiliklar kiritish siyosati. Narx siyosati. Tovar qadog'i. Tovar belgisi.
Bozor kon'yunturasi	Market conditions	Конъюнктура рынка	muayyan davrdagi bozor holati, bozorda muvozanatning mavjudligi yoki buzilganligi bilan xarakterlanadi.
Bozorni majmuaviy o'rganish	Compleks marketing research	Комплексное изучение рынка	korxonaning ishlab chiqarish, savdo, tovar, sotish, reklama, narx va boshqa sohalaridagi tadqiqot, tahlil va prognoz (bashorat). Raqobatdoshlar faoliyatini o'rganish.
Bozor segmenti	Market segment	Сегмент рынка	taklif etilaётган битта маҳсулот тури ва маркетинг комплексига бир хилда муносабатда бўлувчи истеъмолчилар гурӯхи мажмӯи.
Bozorni segmentlash	Market segmentation	Сегментация рынка	iste'molchilarini, ularning ehtiyojlarini, imkoniyatlari yoki xulq - atvorlariga asosan guruhlariga ajratish jarayoni.
Bozorni pozitsiyalashtirish	Market positioning	Позиционирование рынка	bozorda va maqsadli iste'molchilar ongida tovari shubha uyg'otmaydigan, boshqalaridan aniq ajralib turuvchi, maqbul joy bilan ta'minlash.
Bozor sharoitlarida sinash	Testing in market conditions	Тестирование в условиях рынка	yangilik ishlab chiqish bosqichi bo'lib, bunda tovar va marketing strategiyasini real foydalanish sharoitlarida sinab ko'rildi. Bu sinov iste'molchilar va dilerlarning tovardan foydalanishda o'ziga xos qarashlarni aniqlash, shuningdek bozor o'lchamlarini aniqlash maqsadida o'tkaziladi.

Bozorning maqsadli segmentlarini tanlash	Selecting a target market segment	Выбор целевого сегмента рынка	o'z tovarlarini olib chiqish uchun bir yoki bir necha bozor segmentlarini baholash va tanlash.
Bozor muhofazasi	market protection	Защита рынка	milliy bozoring yoki ayrim tovarlar bozorining, davlatning eksport-importni tartibga soluvchi tadbirlari vositasida himoya qilinishi.
Vaziyatli tahlil	Situational analysis	Ситуационный анализ	muvoffaqiyatlar va muvaffaqiyatsizliklarni hisobga olgan holdagi oldingi faoliyatini o'rganish; ishlab chiqarish va bozordagi vaziyat o'zgarish sabablarini aniqlash; xodimlar ishi samaradorligini baholash, ish ko'rsatkichlariga tashqi muhit ta'sirini hisobga olish; xozirgi kundagi vaziyat ta'sirini aniqlash va kelajak proqnozi (bashorati).
Vertikal marketing tizimi	Vertical marketing system	Вертикальная система маркетинга	ishlab chiqaruvchi bir yoki bir necha ulgurji sotuvchi va bir yoki bir necha chakana sotuvchilar yig'indisi bo'lib, bunda taqsimot kanalining a'zolaridan biri boshqalarining egasi bo'ladi yo ularga tijorat imtiyozlarini beradi, ularning to'la xamkorligini ta'minlovchi qudratga ega bo'ladi.
Differentsiatsiyalangan marketing	differentiated marketing	Дифференцированный маркетинг	bir qator o'ershish mahsulotlar bilan, bozoring tegishli ixtisoslashtirilgan segmentiga chiqish. Bozor segmentlarining har biriga alohida ishlab chiqilgan takliflar bilan chiqish. Harakatlarni bir segmentga qaratish o'rniغا butun bozorga birdaniga, bir taklif bilan murojaat qilish.
Ishlab chiqarishni takomillashtirish kontsepsiysi	The concept of improving production	Концепция совершенствования производства	iste'molchilar keng tarqalgan va narxi quylay tovarlarga yaxshi munosabatda bo'lishini, shuning uchun rahbariyat o'z xarakatlarini ishlab chiqarishni takomillashtirishga va taqsimot tizimi samaradorligini ko'tarishga yo'naltirilishi kerakligi haqida tasdiq. bu shunday tasdiqli, tashkilot oldida iste'molchi va jamiyat xotirjamligini saqlagan yoki mustahkamlagan holda mo'ljaldagi bozor ehtiyojlarini, zaruriyatlarini va qiziqishlarini aniqlash; hamda itsalayotgan qoniqishni raqobatchilarga nisbatan samaraliroq va maxsulord yo'llar bilan ta'minlash vazifasi turadi.
Ijtimoiy - axloqiy marketing kontsepsiysi	The concept of social-ethical marketing	Концепция социально-этического маркетинга	iste'molchilar zaruriyatları, jamiyat omilları (atrof muhitni himoyalash, sog'-salomat muhit tarzi va b.) va mahsulot sifatini
Ijtimoiy marketing	Social marketing	Социальный маркетинг	iste'molchilar qolish asosida shakllanadi.

Iste'molchilar ma'lumotlar bazasi	Base consumer data	База данных потребителей	individual iste'molchilar xaridlar, ularning talablarli, demografik ma'lumotlar va ta'minlanadigan foyda to'g'risida kengaytirilgan ma'lumotlar bazasini yaratish. Tegishli ma'lumotlar bazalari asosida, kompaniyalar mijozlar ehtiyojlarining turli hududlarini aniqlaydilar va ularning har biri uchun savdo takliflarini tayyorlaydilar.
Makromarketing	Macromarketing	Макромаркетинг	davlat, bozor, mintaqqa iqtisodiyotining butun ishlab chiqarish salohiyatini ishga solgandagi individual va jamiyat ehtiyojlarini qondirish bo'yicha hattiharakatlar.
Maqsadli marketing	Target marketing	Целевой маркетинг	iste'molchilarning maksimal keng doirasiga tovarlarni taklif etishdan, tanlangan maqsadli bozorlarga xizmat ko'rsatishga o'tish. Maqsadli marketing bo'yicha iqtisoslashtirilgan jurnallar, televizion kanallar va Internet axborotlarini qo'llash bilan engillashadi.
Marka	Mark	Марка	bitta sotuvchi yoki sotuvchilar guruhi tomonidan belgilangan, tovar va xizmatlarni ajratish uchun mo'ljallangan, nom, atama, belgi, rasm yoki ularning uyushmasi. Marka nomlari eslatib qolish, sotuvlar, imidjni shakllantirishi, joy egallash, reklama funksiyalarini bajarishi lozim.
Marketing	Marketing	Маркетинг	bu tovarlarni bozorga chiqarish, talabni shakllantirish va sotuvlarni rag'batlantirish maqsadida, tovarlar, mahsulotlar, xizmatlar, qimmatli qog'ozlar bozori sohasida amalga oshiriladigan faoliyat
Marketingni boshqarish	marketing Management	Управление маркетингом	korxona maqsadlariga erishishi uchun ahamiyatli xaridorlar bilan foydali ayriboshlovlarni o'rnatish, mustahkamlash va qo'llab-quvvatlash yuz asidan qilingan tahlil, rejalashtirish, tadbiq qilish va tadbirlar bajarilishini nazorat qilish harakatlari. Marketingni boshqarish jarayoni - quyidagilardan tarkib topgan bo'ladi: 1) bozordagi imkoniyatlarni tahlil qilish; 2) maqsadli bozorni tanlab olish; 3) marketing usulini ishlab chiqish; 4) marketing tadbirlarini hayotga tadbiq etish.
Marketing kontsepsiysi	Marketing concept	Концепция маркетинга	tashkilotning maqsadga erishishi garovi va bu mo'ljallanayotgan maqsadli bozor, bozordagi zaruriyat va ehtiyojni aniqlash va

Marketing tadqiqoti	Marketing research	Маркетинговые исследования	itsalayotgan qoniqishni rag'batlantirishga nisbatan samarali va mahsuldor yo'llar bilan ta'minlash tasdig'i. firma oldida turgan marketing vaziyati bilan bog'liq bo'lgan, hamda to'plash, tahlil qilish va natijalar hisobotini tuz ish uchun zarur bo'lgan ma'lumotlar doirasini tizimli ravishda aniqlash.
Marketing axboroti tizimi	Information Marketing System	Информационная система маркетинга	insonlar, jihozlar va uslubiy ta'minot o'zaro aloqadorligining doimiy faoliyat yurituvchi tizimi bo'lib, marketing sohasi bilan shug'ullanuvchilarning rejalshtirishni, tadbiq etishni va tadbirlar bajarilishi ustidan nazoratini takomillashtirish maqsadida foydalilaniladigan muhim, o'z vaqtidagi va aniq ma'lumotlarni tasniflash, tahlil qilish, baholash va tarqatish uchun mo'ljallangan.
Marketing nazorati	Marketing control	Маркетинговый контроль	amaldagi ko'rsatkichlarni reja ko'rsatkichlaridan farqlanish qiymatlari va sabablariga bog'liq holda, to'g'rivorchi harakatlarni tayyorlash. Nazoratning uchta turimi ajratadilar: - yillik rejalarini bajarish ustidan; - foydalilik dinamikasi ustidan; - strategik maqsadlar uchun foydalanimish mumkin bo'lgan, axborot yig'ish ustidan. vaziyatli tahlil asosida tsstratejik rivojlanish maqsadlarini oldinga surish; bozor kon'yunkturasi va korxonha (kompaniya) jon saqlash sharoitlarini hisobga olgan holda maqsadlarni baholash; qarorlarni tsstratejik rejalshtirish asoslari sifatida tayyorlash.
Marketing sintezi	Synthesis marketing	Синтез маркетинга	

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ - 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, 28 (6722) – сони.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор ўналишларига багишланган Вазирлар Махкамасайнинг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -104 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқка хизмат килиш, одамларнинг манфаатларини таъминлаш-раҳбарлар фаолиятининг асосий мезонидир // Халқ сўзи, 2017 йил 13 апрель.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришин тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутк. – Т.: Ўзбекистан 2016. -56 6.

5. Мерчандайзинг эффективные инструменты и управление товарными категориями /Алан Веллхофф, Жан-Эмиль Массон –М.:Издательский Дом Гребенникова, 2004. – 280с.

6. Сысоева С.В., Бузукова Е.А. Мерчандайзинг. Курс управления ассортиментом в рознице (+CD). – СПб.: Питер, 2009. – 256 с.

7. Синяева И.М., Романенкова О.Н., Жильцов Д.А. Реклама и связи с общественностью. Учебник. – М.: Юрайт, 2013. – 552 с.

8. Толмачева И.А. Эффективный мерчендайзинг. Взгляд поставщика. – СПб.: БХВ-Петербург, 2012. – 160 с.

9. Шарков Ф.И. Паблик рилейшнз: Учебник. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2012. – 332 с.

10. Брагин Л.А., Данько Т.П. Торговое дело: экономика, маркетинг, организация. Учебник. – М.: ИНФРА–М, 2009. – 220 с.
11. Каримова Г., Камилова Х. Реклама ва дизайн. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 262 б.
12. Памбухниянц О.В. Технология розничной торговли. Учебник. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2006. – 288 с.
13. Самадов А.Н., Эргашходжаева Ш.Ж., Имомов В. Тижорат корхоналари иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2007. -160 б.
14. Самадов А.Н., Шарипов И.Б. Реклама фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2013. – 308 б.
15. Qosimova M.S., Samadov A.N., Ergashxodjaeva Sh.J. Tijorat korxonalari Iqtisodiyoti. O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, 2010. -163 b.
16. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

@TDIU-ARM